



Ёркин АБДУЛЛАЕВ



ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ ВА ОСУДАЛИК



7

88.5
A - 15

4 то

МАЪРИФИЙ-ОММАБОП ТУРКУМ

Ёрқин АБДУЛЛАЕВ



ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ
ВА
ОСУДАЛИК



7 сир

Иккинчи жилд

УУК: 37.018.74

КБК 60.5

А 15

Ё. Абдуллаев. Фарзанд тарбияси ва осудалик. 2 жилд.
7 сир. – Т.: „Fan va texnologiyalar nashrioyt-matbaa uyi”, 2022.
344 б.

Масъул мұхаррир

Шайх Абдулазиз Мансур – Ўзбекистон мусулмонлари
идораси раис үринbosари

Тақризчилар

Мұхаммад Қуронов – педагогика фанлари доктори, профессор

Зиёдулла Давронов – фалсафа фанлари доктори, профессор

Обиддин Маҳмудов – Ўзбекистон халқ таълими аълочиси

Фарзанд тарбияси... Шаклан жуда жүн ва оддийгина сўз бирикмаси бўлса-да, моҳиятни бу юмуш ўта жиддий ва мураккаб вазифадир. Одамзод яратилиб, онгли хаёт кечира бошлабдики, бу масала низоятда долзарб ва ўта нозик мавзу бўлиб келмоқда.

Ушбу масалага бағишлиган мавжуд адабиётларда ё дунёвий, ё ухровий илм нуктаи назардан ёндошилган.

Ушбу китобда фарзанд тарбияси илк бор буюк неъмат ҳисобланган осудалик тинчлик, хотиржамлик билан боғланган ҳолда ҳамда дунёвий ва ухровий илмлар уйғулигига ёритилган. Зеро ҳар иккала илмнинг мақсади битта – таълим-тарбиядир.

Ушбу китоб, тарбиянинг ана шу жиҳатлари ҳақида

ISBN 978-9943-8759-4-4

© Ё. Абдуллаев, 2022

© „Fan va texnologiyalar nashrioyt-matbaa uyi”, 2022



“Бү ёрг дунёда ҳаёт бор экан, оила бор.
Оила бор экан, фарзанд деб атамини
бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан,
одамзод ҳамишиа эзгу орзу ва интилишилар
билин яшайди”.

Ислом Каримов

IV ҚИСМ.

ТАРБИЯ УСУЛЛАРИ

СИЗ ТАРБИЯНИНГ ҚАНДАЙ УСУЛИНИ КҮЛЛАГАН БЎЛАРДИНГИЗ?

Замон ўзгариб туради. Фиръавн эхромларининг кираверишидаги деворга шундай ёзувлар ёзилган экан: "Ҳозирги ёшлар бузилиб кетаяпти". Демак, уч минг йил олдин яшаган одамлар назарида ҳам ёшлар тарбияси бузилгандай бўлган. Ҳозир ҳам шундай. Албагта, биз ёшларни айблашимиз мумкин: бирор у дейди, бирор бу дейди. Шунда мен айтаман, тўхтанг, бу ёшлар кимнинг боласи, бизнинг боламиزمи? Ёмонликларни уларнинг ўзлари ўрганаётгани йўқ-ку, шундай туғилгани йўқ-ку! Агар уларнинг тарбияси ёмон бўлса, демак, биз ёмонмиз. Демак, тўғри тарбия беролмаяпмиз. Нега айбни ўзимиздан қидирмаймиз?

Ота-оналарнинг вазифаси фарзандини фақат дунёга келтириш эмас, келтирган дунёсига мос қилиб тарбиялаб бериши лозим. Замондан қатъи назар фарзанд эътиқодини, мафкурасини тўғри йўлга солиш ота-онанинг энг муҳим бурчидир. Шу сабаб ота-она Аллоҳнинг хузурида ҳам, ёруғ дунёда инсонлар олдида ҳам фарзандини тарбия қиласан-қиласан тўғрисида сўралар экан. Тарбия кўрган фарзанд дунёда ота-онасига раҳмат, охиратда Аллоҳнинг ризосини олиб берар экан. Аксинча бўлса, ота-онасига жазо, кулфат келтиради.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам муборак ҳадисларида: "Фарзандини ўз ота-онасини севадиган

килиб тарбиялаган кишини Аллоҳ ўзи раҳматига олсин", деб дуога қўл очганлар (Байҳакий ривояти). Фарзанд гўёки ёш ниҳол каби булиб, у қайси йўлга солинса, шу йўлга юради. Демак, фарзанд тарбияни қабул этар экан, у қайси йўлга мослаб, қайси усулда тарбияланса, шунга қараб кетади. Эътиқоди, мағкураси соглом бўйган фарзанд ота-онага меҳрибон, раҳм-шавкатли, уларнинг хурматини ўз ўрнига қўядиган, ўз ватанига садоқатли, эл-юрт учун жонини фидо қиласиган, ватанпарвар бўлиб ўсади. Уни ҳеч ким тўғри йўлдан қайтара олмайди.

Имом Ғаззолий шундай дейди:

Фарзанд – ота-она қўлидаги омонат,
Қалби қимматли гавҳар каби тоза.
У мум сингари турли шаклга кириши мумкин.
Янги тупроқ сингари дирикли, қандай тухум эксанг
шундай унур.
Яхшилик тухуми экилса, саодатга эришилур.

"Нима эксанг шуни ўрасан" мақолининг асл маъноси ҳам шунда.

12.1. ҲАЁТДА ЎЗ ТАСДИФИНИ ТОПГАН УСУЛЛАР НАТИЖАЛАРИ

Хўщ, тарбиядек улуғ вазифани амалга ошириш учун қандай усулларни қўллаш керак? Саволга жавоб беришдан олдин ҳаётда ўз тасдифини топган айрим ҳолатларга эътибор берайлик (жадвалга қаранг).

Тарбияда қандай йўл тутган маъқул?

T/p	Агар ўсмир ҳаёти давомида...	Натижада:
1.	Фақат танқидга дуч келса	У фақат қоралашни ўрганиди
2.	Фақат низо ва зиддиятлар билан тўқнашса	У фақат қаршилик кўрсатишга кўникади
3.	Фақат камситишиларга дуч келиб улғайса	У фақат қатъиятсизликни ўзлаштиради
4.	Фақат уялишга ўргатилса	У ҳар доим ўзини айбордек ҳис қиласи
5.	Фақат багрикенглик билан учрашса	У ўзгаларга нисбатан сабрбардошли бўлишни ўзлаштиради
6.	Фақат қўллаб-қувватлашларни ҳис қилиб мустақил ҳаётга қадам кўйса	У бирдамлик, ҳамдардликни ўзида мужассамлаштиришга ҳаракат қиласи
7.	Фақат мақтоворлар билан рағбатлантирилса	У ҳар доим миннатдор бўлишни ўзлаштиради
8.	Фақат адолат билан тўқнашса	У адолатли ҳукм чиқаришни ўзлаштиради
9.	Фақат ишончни ҳис этиб яшаса	У ҳам доимо ишонч билдиришни ўрганади
10.	Фақат аъло хулқ ва одобни ҳис қиласа	У ўзини ва атрофдагиларни хурмат қилишга мойил бўлади

11.	Фақат дўстлик билан тўқнашса	У бутун оламни севишига интилади
12.	Фақат адоват мухитида ўсган бўлса	У жанжал қилишни ўрганади
13.	Фақат тергайверилса	У тентак бўлиб қолади
14.	Фақат танбех берилса	Унинг бети қотади ва ҳ.к.

Бундай “агар”ларнинг яна кўпини қайд қилиш мумкин. Борди-ю “агар” ва “фақат” сўзлари аксинча бўлса-чи? Унда тарбиялаш олдидаги мақсадимизга эриша оламизми?

12.2. Ибрат

Бир донодан сўраб қолишибди:

– Фарзандларингиз ҳаммаси одобли. Бошқа тенг-қурларига ўхшаб тақаббур эмас, исрофгарчилик қilmайдилар. Илмга юз тутишган. Бунинг сири нимада?

У жавоб қилди: – Уларни ёмон кўзлардан худо асрасин. Туғилганларидан бошлиб то ҳозиргача назоратим остида. Мактабга борганларида бир ёки икки гумма (пирожки)га етадиган пул бердим, ортиқча пул бермадим. Талаба бўлганлари эса ўз нафақасига яшадилар, холос. Катталарининг эски кийимларини кичиклари кийишади. Олий ўқув юртларига кирганларига янги кийим олиб бердим.

Болаларимнинг ҳаммасини тенг кўрдим. Ортиқча шўхлик қилишса, оила доирасида қабул қилинган тартибдан чиқишича, адолатли жазо берганман. Фақат тўғри гапиришни талаб қилганман. Ўзим ҳам ортиқча эркала-мадим, онасига ҳам бундай қилишга йўл қўймаганман. Уларни кўпроқ китоб ўқишига жалб қилганман.

Борига күниб яшашга ўргатдим, чунки ўзим умрим бўйи шундай яшадим. Ота-она билан болалар ўртасида доимо ўзига хос масофа бўлишга амал килдим. Болаларимни берган топширикларимни бажаришга мажбур қилганман ва натижасини текширгаиман ва ҳоказолар.

Ана, диққат билан эътибор беринг, боланинг кўнгиллагидек одобли, ахлоқли қилиб тарбиялашнинг негизида нима ётар экан. Бу ерда юқоридаги ёндашувларнинг ҳар иккала жиҳатига эътибор берилиган, яъни биргаликда соғлом мутаносиблик яратилган. Куйида ана шу мутаносибликларнинг нисбатлари ҳақида.

Бу дегани “бир медалнинг икки томони” ёки “таёқнинг икки учи”. Бир томонини боссанг иккинчи томони кўтарилади. Мувозанат бузилади. Бола тарбиясида бу нима дегани? Бу дегани ўта қаттиққўллик болани отаонадан бездириб, ўта меҳрибонлик болани талтайтиришга ва оқибатда ота-онага кулфат келтиришига сабаб бўлади.

Хўш, бундай ҳолатда ота-она қандай йўл тутишлари керак? Боланинг қайси бир жиҳатига нисбатан бу ёндашувларни қўллаш керак? Қайси нисбатда? Қайси бирига устуворлик бериш керак?

ҚАТТИҚҚҰЛЛИК ЁКИ МЕХРИБОНЛИК УСУЛИНИ-МИ?

Бу дегани “бир медалнинг икки томони” ёки “таёқнинг икки учи”. Бир томонини боссанг иккинчи томони күтарилади. Мувозанат бузилади. Бола тарбиясида бу нима дегани? Бу дегани ўта қаттиққұллик болани ота-онадан бездириб, ўта меҳрибонлик болани талтайтиришга ва оқибатда ота-онаға күлфат келтиришига сабаб бўлади.

Хўш, бундай ҳолатда ота-она қандай йўл тутишлари керак? Боланинг қайси бир жиҳатига нисбатан бу ёндашувларни қўллаш керак? Қайси нисбатда? Қайси бирига устуворлик бериш керак?

13.1. Бош масала – интизом!

Ўз даврининг аҳли донишларидан бири катталар томонидан болаларга бериладиган меҳр-муҳаббатдан кейинги энг муҳим инъом интизомдир, деган экан. Чиндан-да, интизом киши хатти-ҳаракатларини маълум бир меъёрга солиб, хулқ-атворнинг шаклланишида муҳим ўрин тутади.

ҚОНУН МАҚОМИДАГИ ИНТИЗОМ

Германияда юз йилдан буён амал қилиб келинаётган бир қонун бор. Унга кўра болалар ёшидан қатъи назар ота-оналарига ёрдам беришлари лозим.

Масалан, бола 6 ёшгача фақат ўйнаб юради.

6 дан 10 ёшгача ота-онасига баъзан идиши-товоқ ювиш, уйни тозалаш, дўкондан бирор нарса сотиб олиб келишга қарашади.

10 дан 14 ёшгача боғ ишларига кўмаклашади, ўзини ва бошқаларнинг поїафзалини тозалайди.

14 ёшдан 16 ёшгача автомашина ювади, боғ ва томорқада катталар билан teng ишлайди.

16 дан 18 ёшгача агар ота-онаси ишда бўлса, ҳар ҳафтада бир марта уй кўтариб, тозалаши шарт.

* * *

“Хатти-ҳаракатлар одатга, одат характерга, характер тақдирга айланади” иборасини ёдга олсақ, интизомнинг ҳаётимизга қанчалик таъсири борлигини англаш қийин кечмайди. Шуни инобатга олганда, ёнимиздаги кичкинтойнинг тартибсизлиги сезилияптими, бу биз катталарнинг унга ниманидир ўргатишимиш кераклигини англатади. Чунки айрим ҳолларда болалар ўзини ёмон тутса, гарчи баъзан шундай туюлса ҳам буни атайлаб қилмайди. Улар атрофдаги олам ҳақида билишга, ҳар хил хатти-ҳаракатлар турли оқибатларни келтириб чиқаришини англашга қизиқишади. Биз катталарнинг вазифамиз эса уларга бундай пайтларда, нима қилиш мумки-ну, нима қилиш мумкин эмаслигини ўргатишдан иборат бўлади. Қолаверса, болага ёшлигиданоқ бу нарсалар тушунтириб борилганда, у кейинчалик ҳам ўз ақли билан шу нарсаларни тушуниб оладиган бўлади.

Яна ўша савол. Интизомли қилиб тарбиялашда болага нисбатан кўпроқ қаттиққўл ёки меҳрибон бўлиш керакми? Ота-онанинг таъсири қандай?

Тан олиш керак, ҳаётга, жамиятга эндинина кириб келаётган болага бизнинг ҳар бир таъсиримиз унинг ҳаётий тажрибаси сифатида жуда катта аҳамиятга эга

Эканлигини биз кўпинча эътибордан қочирамиз. Кейинчалик бола гапиришни бошлагандан кейин биз унга “буни ол, буни олма”, деб гапиришимиз мумкин. Аммо ҳали гапиришни билмаган бола олдида қилмаслигимиз лозим бўлган ҳаракатлар, товушлардан ўзимизни тийишимиз лозимлигини кўпчилигимиз билмаймиз, билганиларимиз унутамиз.

Ваҳоланки, болага айнан мана шу чақалоқ пайтида биз унинг иссиқ кийиниши, қаттиқ товушларга эътиборсизлиги, тартибсиз овқатланишларни ўргатсак ва бошқа шунга ўхшаш минглаб кўникмаларни унинг руҳига жойлаштириб улгурсак, кейинчалик бизнинг бирон айтган ёки буюрган ишларимизга у эътироуз билдиrsa “буни қаердан ўрганди”, деб ўзимиз ҳайрон бўламиз.

ФАРОЙИБ ТАЪСИР

Мутахассисларнинг қузатишларига кўра, гўдаклар саккизинчи ҳафтадан бошлаб онаси ва отасининг унга нисбатан бир-биридан фарқли равишда муносабатда бўлишини ҳис қила бошлайди. Уларнинг таъкидлашича, она тарбиясининг таъсири инсон ҳаётида қанчалик муҳим роль ўйнаса, оталар тарбияси ҳам шунчалик муҳим ва зарурдир.

Одатда, ўзбек оиласарида оталар қаттиққўлликлари билан ўзгача обрў-эътиборда бўлса-да, аслида улар энг меҳрибон, болажон ва оиласарвардирлар. Отанинг болакайларга нисбатан қилаётган ҳар бир хатти-ҳаракати ҳам ўзгача таъсир кўрсатади. Ҳатто манбаларда таъкидланишича, оталар томонидан бўладиган бу таъсир ниҳоятда фойдали бўлиб, боланинг отасидан бошқа ҳеч ким бунга эриша олмайди. Шу боис, қуйида бу таъсир қайси амаллар орқали болаларга етиб боришини кўриб чиқишига ҳаракат қиласиз.

ГАПЛАШИШ ҲАМ ФАРҚ ҚИЛАДИ

Оталари таъсирида ўсган болалар одатта кўра, анчай-ин мустақил, ўзига ишонган ҳамда ўқув муассасасида юкори баҳога ўқишига тайёр бўладилар. Оталарниң бола тарбиясидаги интироқи болаларни ўзларига ҳам, он-лаларига ҳам наф келтиради. Аммо уларниң болалар тарбиясига ёндашувидаги дастлабки фарқ оғзаки нутқда ҳам бир-биридан бошқача эканлиги кўзга ташланади.

Оналар, одатда, сўзларни соддалаштириб, болалари даражасида гаплашсалар, оталар ўз нутқини ўзлаштирмайдилар. Онанинг усули мухим мулоқотни енгилаштириради. Отанинг усули боланинг луғат бойлигини кенгайтириш ва нутқ кўникамларини мустаҳкамлашга туртки бўлади. Бу эса ўз ўрнида, таълимдаги кейинги муваффақиятларниң пойдевори бўлиб хизмат қилади. Оталарниң сўзлашув услуби қисқалиги, бошқарувчанилиги ва аниқлиги билан фарқланади. Улар билинч-билинч маъниси юз-кўз ифодаларини тез-тез ўзгартириб, имо-ишораларни кўпроқ қўллайдилар. Бу эса болаларга қизиқарли туюлади.

ОТАЛАР ИНТИЗОМНИ ТАРБИЯЛАЙДИЛАР

Улар кўпроқ тартиб-қоидаларга риоя этиш масъулиятини қайд этадилар. Оналар эса ўзаро муносабатлар асосида ҳамдардлик, ғамхўрлик ва кўмакнинг мухимлигини таъкидлайдилар, боланинг қулоқ тутмаслигига нисбатан хушфеъл ва раҳмдиллик билан ёндашадилар. Бундан фарқли равишда эса, оталар фарзандларига бирор ишни бажариш давомида интизомга амал қилишини таъкидлаб, тартиб билан уларниң бажарилишини талаб қиласидилар. Оқибат, болалар ўз ишларининг натижаси уларниң пухталик билан амалга оширган хатти-ҳаракатларига боғлиқлигини ўрганиб борадилар.

Одатда, оталар ўз болаларини нисбатан кенг оламда кўрадилар. Оналар эса бутун оламни ўз болаларида кўришга мойил. Масалан, улар болаларига хавф туғдириши мумкин бўлган нарсаларни доим эътиборда тутсалар, оталар, гарчи уларни ҳам шу нарсалар ташвишлантирса-да, фарзандларини атрофидағи оламда нималар кутаёттанига тайёр бўла оладими-йўқми, деб кўпроқ реалликка тайёрланишига ёрдам берадилар. Оналар бу вақтда ўз болаларини ҳимоя қилишга уринадилар. Аммо шуни ҳам таъкидлаш жоизки, мазкур ёндашувларнинг ҳар иккаласи ҳам умумий олиб қаралганда зарурий бўлганилиги боис, биргалиқда соғлом мутаносибликни яратади.

ЎЙИНЛАРИ ШОВҚИНИЛИ БЎЛАДИ

Оталар, одатда, фарзандлари билан бирга бўлган пайтларда турли ўйинларни ўйнашга ҳаракат қиласалар, оналар уларга ғамхўрлик кўрсатадилар. Оталарнинг болалари билан ўйини анчайин шовқинли кечади. Оналар болаларини бағрига босиб мулоҳимроқ бўлсалар, оталар рақобатни қувватлаб, хавфсизликни таъминлайдилар.

Болаларга оналарнинг мулоҳимлиги қачалик зарур бўлса, оталарнинг шовқинли ўйини ҳам шунчалик зарур. Чунки юқорида айтиб ўтганимиздек, ота ҳам, она ҳам биргалиқда болаларнинг хавфсизлиги ва ишончини таъминлайдилар.

Бундан ташқари, тадқиқотларда оталарига нисбатан илиқ муносабатда бўлган болаларда ақлий имконият икки баравар кўплиги, 20 ёшгacha бўган даврда фарзандли бўлиш эҳтимоли 75 фоизга камлиги, қамоққа тушиш имконияти 80 фоизга пастлиги, руҳий зўриқиши ҳолатларига эса икки баравар кам тушиши кузатилган.

УНУТИЛАЁТГАН ТАЪСИР

Афсуски, айрим оиласарда оталар болалар тарбиясини бутунлай оила бекалари – аёлларнинг иши деб билиб, буни тўлигича уларга топшириб кўйганилар. Яна айрим оиласарда эса, оталар фарзандлари тарбиясига улуш қўшадиган даврда фақат пул топиш ташвиши билан юришади. Ҳатто улар орасида фарзандлари билан ҳафталаб, кунлаб сұхбатлашмаган оталар ҳам бор.

Хулоса ўрнида эса биз мавзунинг бошқа жиҳатлари билан боғлиқ яна айрим мулоҳазаларни билдирган педагог, олти нафар фарзанднинг отаси Турсунпўлат Элчиевнинг фикрларини келтиришни ҳам жоиз деб билдик:

– Бугун ёшлар ахлоқида кузатилаётган айрим енгилелпи ҳаракатларнинг юзага келишини оталарнинг ўз болаларига нисбатан бироз қаттиққўлликни унугтган ҳолда муносабатда бўлишлари ҳам сабаб бўлмоқда. Оталар болалар оламига кириб келаётган таъсирларга нисбатан мустаҳкам ҳимоя қўрғони бўлиб, айрим пайларда уларнинг ўткинчи қизиқишлиар асири бўлиб қолмасликларига ҳам масъулдирлар. Бу масъулликни ўз маромида адо этишни эса, улар бугун фарзанди кияётган кийимини таъқиқлашдан олдин, яъни фарзандини болалик палласиданоқ ўзбекона рух ва хушахлоқ сифатлар билан безантириб боришдан бошлиши лозим. Бу эса, оталарнинг кичкингой фарзанди билан қай оҳангда сўзлашиши, қандай ўйнаши, ҳатто у билан биргаликда нималарни муҳокама қилиши каби энг оддий вазифаларга нисбатан ёндашувидан бошланади.

Мақоладан келиб чиқиб хулоса ўрнида,

Гап келди: Қаттиққұллик – бу хайрихоұллик ва босиқұллик билан талабчан бўлишидир. Фарзанд тарбиялашда, отанинг қаттиққұллиги доимо қўл келган. Бу бола онгида “хоҳлаган ишімни қыламан”, деган фикрнинг түгилмаслигига замин яратади. Бола қаттиққұллик, ҳадеб тергайверишлардан ҳам безиб кетиши мумкин. Яхшиси, фарзанд билан дўст тутиноқ керак. Бу унинг учун кенг имкониятларни яратади, яъни ўз отаси билан дўстлардек эркин муомалада бўлиши ва кечинмалари билан ўртоқлашиш ота ва ўғил муносабатини янада яқинлаштиради. Педагогик манбаларда ҳам бу ҳақда жуда чиройли далиллар келтирилган. Масалан, энг аввало, фарзандига унинг ёшига қараб муомала қилиш, боланинг ёши улғайиб борган сари унинг шу ёшдаги ҳис-туйғулари билан ўртоқлашиш ва унга кўмақдош бўлиш кераклиги ҳақида гап боради. Бу, албатта, фарзанд тарбияси давомида унинг ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлайди. Болада уйғонган бу ишонч туйғуси уни ёмон ишлар қилишдан сақлади.

Шу маънода машхур педагог Сухомлинский:

“Энг аввало, бола юрагининг ҳаяжонини тушуниш керак. Боланинг аҳволини тушуниш, унга ҳамдард бўлиш, мадад бериш керак. Кўпинча, ҳамдардлик, раҳмдиллик, чин кўнгилдан гаплашиш боланинг дилига хуш келадиган энг яқин ёрдам бўлади. Бепарволик, лоқайдлик эса боланинг дилини ларзага солади”, деганда қанчалар ҳақ эди.

СИЗ ҚАТТИҚҚҮЛ ОНАМИСИЗ?

Бу саволига Ҳинд актрисаси Жая Баччан қуйидагича жавоб беради:

“Жудаям. Лекин бунинг сабаби болаларимнинг бетартиб ва тарбиясизлигига әмас. Уларни олдий ойла фарзандлари қатори катта қиладим, ота-онасиининг бойлиги ва шуҳратидан фойдаланишларига йўл қўймадим. Тўғри, улар кўпинча ОАВ эътиборида бўлишарди. Мен уларга бундай талтаймаслик кераклигини уқтирадим. Мана, энди фарзандларимнинг камолини кўриб ўтирибмиз...”

Ҳа, онада ҳам меҳрибонликни устун тутган ҳолда каттиққўллик ҳам бўлиши зарур. Чунки фарзандларимизга қаттиққўл бўлсақ, унга ҳам, бизга ҳам фойда. Каттиққўллик меъёрида бўлса, янада кўркам. Фарзандингиз талтайдими, уни ўз вақтида жиловини тортинг. Жилов буш бўлса, фарзанд бебош бўлиши турган гап. Отa-она бир тараф бўлса, фарзандни йўлга солиш осонроқ. Акс ҳолда... Ўзинг асра!

Ҳаётий воқеа

13.2. Қаттиққўллик бўлмаса

“Мен – онаман, оламда энг улуғ зот хисобланувчи мунис онахонларнинг бириман. Ҳеч қачон ўғлимнинг ёмон бўлишини истамаганман. Исташим мумкин ҳам әмас, бу ақлга сифмайди. Лекин меҳрибон ва ғамхўр сиймосида боламга хоҳлаган нарсасини муҳайё, ўзини эса тўпаи-тўтиё қиласерибман-у, буни бола қони сингдиролмаслигини ҳис этмабман. Ҳа, энг муҳимини унутибман: жуда бери бўлса ота-онасичалик ҳаёт кечирипар, давру-даврон сурар, дебман. Мутлақ янглишибман, кечирилмас хато қилибман.

Тұғри, үғлимни үз жонимдаи ҳам ортиқ сүйдим, чунки у биттегинайди. Оғзимдан туындык еру күкка ишонмадим, пұпараб катта қылдим. Тилемда бол бергандим, унға оғу бұлиб сингибди, янын боламни үз ихтиерим билан балога айлантириб олдим. Аңглаб етганимда әса кеч қолдим, менинг поездим аллақачон кетиб бұлғанди. Мана әңди “пушаймонлар үшал қуңдыр” келди, шічоқсиз сүйилиб, кунда бир бор үлятман. Тириклайин гүрга тиқилдим, бу фарзандини тұғри тарбиялай олмаган она – мен учун чинакам дұзах азоби, менинг фожиам.

Сизнинг хукмингизга ҳавола этаётганим – булар үғлимнинг турмадан менга – үз онасига ёзғанлари – үлганим устига чиқиб тепғанлари, буни менга бир журналист йигит келтириб берди. Нима учун? Нима мақсадда, билолмайман. “Сиз монелик қымасанғиз, газетда ёритамиз”, деди. Дард устига чипқон. Уни бир умр сир сақлашим мүмкін ва сизга маълум қилиш-қымаслик ихтиёри үзимда әди. Күнглимга келиб қолди: ҳеч бир бандай мүмкін мендақа баҳтсиз бұлмасин, бошқа бирон она ҳозирғи аяңчли ҳолимга түшмасин, үғли ё қызидан мана бунингдек “Аламнома” олмасин. Бунинг учун шу тобдан, бирон сония ҳам пайсалға солмай бош қотирсін, онанинг бурчи факат туғиши, шохона едириб-ичириш, бутлашгина әмас, әнг аввало, әлу-юртта муносиб үғил-қиз, ватанга эътиқоди бутун фуқаро қилиб вояга етказищдан иборатларини билсин. Мен-ку кеч қолибман, улар улғурсин, ёш ва бұлажак оналарда бу имконият юз фоиз. Худди шу сабаб буни ёритилишига қарши бўлмадим.

Үғлим шуларни ёзиб, тұғри қылғанми-йўқми, бу мен учун аҳамиятсиз. Ким уни, ким мени ёклайди, барибир. Үндан ранжишга асло ҳаққим йўқ, үзим қилған ош. Танамда токи жоним бор, токи ақлим шуу-



рини йўқотмай юрагим уаркан, у менинг ўғлим бўлиб қолаверади, бағрим ҳамиша очиқ. Чунки мен – онаман. Ҳеч бир зот, ҳеч бир тадбир оиласизнинг аввалги обрў-эътиборини тиклаб, шаънини оқлаб беролмаганидек, афсус-надоматларим тарбиядаги тузашиб бўлмас хатоимни хаспушлаёлмайди. Менинг эндиғи эзгу тилагим ўғлим мажбурий хизматини сөгу саломат ўтаб келса ва бундан бўён одамона ҳаёт кечирса бас. Одамлар, қолгани сизнинг хукмингизга ҳавола.

Салима Жўраева

Ая, ўн учинчи декабрда ёзган хатингизни олдим. Менга ўхшаганларнинг уйдан хат олиши сўнган руҳ-у чўккан қўнгил учун сал бўлса-да мадад, далда эканлигини илк бор ҳис этдим. Саломдан сўнг аҳволотимни сўрабсиз. Раҳмат. Лекин қамоқда ётганнинг руҳий аҳволи ҳар қалай очиқда юрган одамникуга ўхшамайди, буни ўзингиз яхши биласиз. “Янгиликлардан ёз”, дебсиз. Қизиқ, қанақа янгилик? Умуман, бу ерда қанақа янгилик бўлиши мумкин? Байконур ё чегара эмаски, турфа саргузаштлар содир бўлиб турса. Эрталаб ишга чиқилади, кечқурун қайтилади. Мендақа йўлини йўқотганлар келиб турари, муддати тугаганлар кетади. Шуми янгилик?

Хатда дадам билан ўзингиз тинч ва соғ-саломат юрганикликингизни ёзибсиз. Ахир сизлар тинч бўлмай, мен тинч бўламанми?! Менга анчайин ачинибсиз, койибсиз ҳам: “...Ўзинггаям жабр қилдинг, бизгаям. Ўғлим, сен тенгилар ўйнаб-кулиб, мазасини қилиб юришибди. Сўзларимга қулоқ осганингда, балки шундай бўлмасди. Ёш туриб...”

Сўзингиз тўғри, ҳақиқатан ўзимга-ўзим қилдим. Ҳеч ким мени бу аҳволга солиб қўйгани йўқ. Ростдан ҳам мен

тентилар... Эсласам, хүрлигим келади. Улардан қаерим кам эди? Нега энди шу қүйга тушиб қолдим? Нима учун ёшлик бебошикларим, балогат ибтидоси қамоқ билан тугади? Бу хүрликми ё қүрлик?

Очиғини айтсам, бунга үхшаш саволдар мени ҳар куни изтиробга солади. Сира пишмаган бу бошим говлаб кетади, тохыда құзғаб қўйилган ари уясини эслатади. Хаёллар исканжасида тўлғанаман, хом сут эмган бандалигимдан куюнаман. Ақлим бутун, тўрт мучам соғ бўла туриб, шундай аҳволга тушганимдан вижданан эзиламан. Лекин фойдасиз, фойдасизлигини билиб, тагин баттар эзиламан...

Хулоса ўрнида,

Гап келди: Она болага нисбатан ортиқроқ меҳрибонлик кўрсатиши табиий, чунки у нуридийдасини тўққиз ою, тўққиз кун қорнида, икки йил қўлида, бир умр қалбида беминнат қутариб юради.

Давраларда ўзимизнинг болажон халқ эканлигимизга урғу беришни яхши кўрамиз, ҳатто бу билан гуурланамиз ҳам. Лекин калтакнинг икки учи бўлганидек, ана шу "болажон"ликнинг замирида ётган аччиқ ҳақиқатлардан баъзан кўз юмамиз. Ўзимиз емай, ичмай, киймай боламизга едирамиз, ичирамиз, кийдиррамиз. "Биз кўрмадик, болаларимиз кўрсин", деб ўзимизнинг хатти-ҳаракатларимизни оқлааб ҳам қўямиз. Кичкиналигида яхши еб-кийиб юрган бола, катта бўлгани сайин янада яхшироқ еб, яхшироқ кийинишни хоҳлаши аник-ку! Шу тариқа, биз ўзимиз истамаган ҳолда фарзандимизни инжиқ, тантиқ, худбин кимсага айлантириб қўямиз. Ва бир умр унинг жазосини тортамиз, яъни баъзи фарзандларга қанчалик кўп меҳр-у муҳабба-

тиңгии багишлийверсанг, келажакда уларнинг фақат заҳар-зардобини ичасан, холос.

ЛАТИФА

“Афандининг бузоги ечилиб кетиб, ҳовлидаги экинларни пайхон қилиб ташлабди. Бөлгөлөн қўяй деса, бузоқ сира тутқич бермабди. Шунда Афанди қўлига таёқ олиб, оғилда турган сигирни ура кетибди. Бу ҳолни кўрган хотини Афандига дебди:

– Жимгина турган сигирда нима гуноҳ, аёвсиз савалайпсиз?

Афанди жавоб қайтарибди:

– Ҳамма айб сигирда, негаки боласини нуқул ялаб-юлқайди, мана бунақа пайтда жим туради. Бузоқнинг бебош бўлиб кетишига сигир сабабчи!”

Қиссадан ҳисса шуки, агар ота-она қаттиққўлликни меъёрида қилиб фарзандни тарбияласа, у жамиятга, атрофдагиларга наф беради. Отa-она фарзандини интизомли, одоб-ахлоқли қилиб тарбияласа, унга қуёш ҳадя қилгандек бўлади. Қуёш эса ҳаммага нур сочади.

13.3. Ўта қаттиққўллик

Қадимги спартакликлар ўз фарзандларининг тарбиясига ўта қаттиққўллик билан ёндашган. Жумладан, ҳар бир эркак ўз оиласида туғилган янти ўғил болани оқсоқоллар ҳузурига олиб бориши лозим эди. Бола соғлом бўлса, оқсоқоллар уни тарбиялашга рухсат берган. Мабодо мажруҳ ёки заиф бўлса, уни жарликка улоқтириб юборардилар...

Ўғил болалар етти ёшга тўлганида уларни маҳсус ҳарбий мактабга олиб кетишган. У ерда оғир шароит-

да яшаб, жисмонан чиникиб, чидамли бўлишни ўрганарадилар. Мактабларда ўқиши-ёзишига катта эътибор берилмай, асосан, ҳарбий машқлар биринчи ўринга қўйиларди. Ўқувчилар катталарнинг буғоруғини сўзсиз бажариши, улар рухсат берганидагина оғиз очиши мумкин эди. Шу бопе бўлажак аскарлар қисқа ва аниқ гапиришга ўрганганд. Спарта давлати Лаконикада жойлашгани учун (ҳозирги Юнонистон ҳудуди) бундай сўзлашув услуби лаконик нутқ деб аталган. Лаконик нутқ деб қисқа, лўнда ва равшан нутққа айтилади. Бу иборанинг негизи қадимги Спарта давлати тарихига бориб тақалади. Масалан, спарталик она ўз ўғлини урушга кузатар экан, унинг қўлига қилич ва қалқон тутқазиб, “қалқон билан ёки қалқонда қайт!” деб қолган.

Спарта аскарлари орасида қалқонни йўқотиш шармандалик ҳисобланган, жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлган аскарларнинг жасадини эса қалқонда кўтариб келишган.

13.4. ОТАНИНГ ҚАТТИҚҚЎЛЛИГИ ЁМОНМИ?

Урф-одатларимизга қўра бошқа хонадонга узатилаётган қиз ота уйи остонасидан ўзга уйга қадам ташлар экан, отасидан ризолик сўрайди.

– Умринг узок, бўлсин, берган ош-тузимга розиман, борган жойингда тошдек қотгин, – дея бошига ун сепиб, ота узундан-узоқ дуо қилади.

Ҳа, ҳар бир қизнинг орзуси ҳам шу. Отасининг дуосини олиш. Бироқ отаси тирик бўлиб, бу вазифани тоғаси, амакиси бажараётганлар бўлса-чи?..

Бир куни бўйи етган хонадош қизлар оталарнинг қаттиққўллиги ҳақида баҳслашиб қолдик ва ҳар ким отаси ҳақида гапириб берди.

– Отам ташқаридан қараганда қаттиққүл, баджахлдай күринади. Лекин у меҳрибон, шириңсуз. Бирор марта бизни урмаган. Уришмаган ҳам. Ёшлигимда арзимаган нарсалар учун синглим билан тортишиб қолсак, менга, болам, сен катта, синглинг кичик. Доим уни химоя қилишинг, меҳрибон булишинг керак деса, синглимга опанг сендан катта, уни хурмат қилишинг лозим, дер эди. Отам менга буюк мақсадларимни амалга ошириш учун қанот бўлган, улар туфайли бугун Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлдим, – дейди хоразмлиқ дугонам Фарогат Жабборова.

– Оилада б нафар қиз эдик, – гап бошлади Дилнавоз опа Жалилова. – Отам бизга жуда қаттиққүл эди. У кишининг сояларидан ҳам чўчир эдик. Бирор муаммолиз бўлса, онам орқали отамга етказардик. Этаги ерни ўпадиган, енги узун кўйлакларни кийиш ёшлигимиздан одатга айланган. Кейин отам ўтирган уйда сериал у ёқда турсин, кино ҳам кўролмасдик. Онамизга оддигина маслаҳат солсак ҳам “бунга отанг нима деркин”, “отанг нима деса шу, болам”, деган жавобни олардик. 9-синфни битириш арафасида синфдошлар “Оқшом” ўюштиридик. Онамга ҳар қанча зорланмай, отам у ерга боришига рухсат бермаслигини айтди. Шунда “нега отам бунчалар қаттиққүл. У кишининг ўрнида “юмшоқроқ” отам бўлганда эди, синфдошларим сафидан қолмасдим. Дугоналарим билан эркин бўлардим”, дердим баъзида.

Катта бўлгач, ҳаммамиз олий ўқув юртларига бир-бир ўқишига кирдик. Бугун отамнинг қаттиққўлликларини тушуниб етдим. Бир гал устозимнинг: “қизим сизни одобли, иболи қилиб тарбиялаган отангизга раҳмат”, деган сўзларини эшитиб қўнглим тўлиб кетди. Ўшанда сабабсиз йиғлаганимни англаб етдим. Университетимиздан менга берилган фахрий ёрлиқни кўлига олган отамнинг табассум юргурган юзини кўрсангиз эди...

Шу пайт кўзим Лайло (исми ўзгарган)га тушди. Бир нуқтага термулиб, нималарнидир хаёлидан ўтказяпти. Нимадир демокка шайланиб оғиз жуфтлайди-ю яна тұхтайди. Отаси билан орасида нимадир бўлган, назаримда. У лом-мим демади, лекин ёмон воқеа бўлганлигини кўзлари айтиб турарди. Бир куни ахийри ёрилди.

Лайло бир йигитни ёқтириб қолибди. Отасининг шаҳарда обрўйи яхшигина экан, йигит ҳақида суриштира бошлабди. Кўп ўтмай бўлажак күёвнинг ахлоқи ёмонлиги ва ҳатто қўли эгрилигини эшитиб қолибди. Сўнг уларнинг тўйига рози бўлмабди. Лайло эса ушбу гапларга ишонмай, шу йигитдан бошқасига тегмаслигини айтиб, оёқ тираб туриб олибди. Ота-бала жанжаллашиб қолибди.

– Тилимдаги дилимга кўчмасин қизим, – огоҳлантиради ота. Лайло бебошлиқ қилди. Мұхабbat кўзни кўр қилиб қўяр экан. Отасига қулок солмайди.

– Агар гапимни икки қилиб, шу йигитни десанг, сендан рози эмасман... Отанинг охирги гапи шу бўлди. Она эса аросатда. На нуридийдаси – қизи, на турмуш ўртоғининг тарафида бўла олади. Шундай қилиб тўй бўлибди...

Энди у суюклиси ёнида. Бироқ ичини ит тирнайди. Ҳамма нарса етарли, тўй тўйдай давом этяпти. Аммо кўнгли тўлмагандай. Умрида бир марта тўй бўлса-ю, мурғаклигидан бошига кўтариб, нима деса шуни тутган, оқ ювиб оқ тараган отаси қудалар ичида кўринмайди. Олдинига қайнонаси келин-куёвнинг пешонасидан ўпди. Сўнг қайнотаси.

...Ҳеч бўлмаса онаси тўйга келар. Ҳарқалай амакисининг сояси кўрингандай бўлди. Безатилган столларга бирин-кетин ўтираётган холалари, янгалар, аммаларини кўриб юраги ҳапқириб кетди. Ойим келмадими? Ичидан эштилар-эштилмас садо чиқди. Йўқ! Муштипар волидаси кўринмайди. Шу пайт холаси қиз томонга

келиб, онасининг тоби йўқлигини, “юз очар”га келишини айтди. Қиз билади, меҳрибони бағритош отасининг юзидан ўтиб келолмаган. Энди отасига нисбатан нафрати қаттиқрок уйғонди. Ҳали шундай турмуш қурсинки, отаси айтган гапларига пушаймон бўлсин...

Тўйдан қайтаётгандарнинг оғзида дув-дув гап. Отаси тирик бўла туриб, қизнинг бошига амакиси ун сепди-я!

Орадан кунлар ўтди. Лайло келин бўлиб тушган хонадон у кутгандек чиқмади. Тўйдан олдин сипо бўлиб кўринган йигитнинг найранглари кўпайди. Ҳар куни ичиб келадиган, жўравоз ўртоқлари билан кечгача қолиб кетадиган бўлди. Қайнотаси ҳам ароқнинг қулига айланиб улгурган экан. Оғзидан боди кириб, шоди чиқади. Пул сўраб, қайнонасиининг сочидан тортади, сұдраб уради. Лайло учун бу манзара даҳшатли эди. Сабаби, 19 ёшга кирибдики, отаси ҳали бирор марта онасига қўл кўтартмаган. Ҳатто ҳақоратламаган ҳам. Лайло ўзини худди қўрқинчли зинданга тушиб қолгандек ҳис қилди...

Бир куни кечки пайт гўшангода китоб ўқиб ўтирса, қайнонасиининг йиғи товуши эшитилди:

– Болажоним, жон болам, ўн гулингдан бир гулинг очилмай кетган боламо-ов!

Йиғи овозидан чўчиб кетган Лайло эшикка чиқди. Не кўз билан қўрсинки, куёвбола алвон рангга бўялган, жонсиз ётарди.

– Отамнинг қарғиши урганди, ўшанда, – кўзёшини артади Лайло.

...Унинг сўзларидан кейин анчагача ўзимга келолмай юрдим. Ҳа, ҳалқимизда “Ота рози, Худо рози” деган гап бор. Нима бўлганда ҳам ота ўз фарзандини жарликка итармайди-ку? Тўғри, баъзи дугоналарим отасининг қаттиқўллигидан нолишади. Лекин уларнинг борлиги-нинг ўзи катта давлат эмасми? Бугун фарзандининг кўз

ўнгида қаттиққұл ота сифатида гавдаланған падар жи-
гарбандининг баҳт-у камоли учун нималарга тайёр де-
майсиз. Тоғлардан-да баланд гуури, ори, азиз жонидан
кечиб фарзандининг омои колишиниң сұраган оталарга
тарих иecha бор гувох бўлган.

“Қанийди, түйимда ота үйимниң остонасидан отам
бошимга ун сепиб, дуо қилиб кузатса”, деган армон қал-
бимда ётади. Баъзида дугоналаримниң “отам ҳар бир
ишимини назорат қиласди. Қаерга боришимни йўқлаb ту-
ради. Менга қаттиққұллик билан муносабатда бўлади”,
деган сўзларини эшишиб қолсам, қанийди менинг ҳам
шундай отам бўлса-ю, тергаб турса, қоқилсам суюб, зи-
мистон йўлларимни ёритса, деган хаёлларга бораман”.

Ёшлигида отасидан ажралиб қолган дугонам Маф-
тунанинг армонли гаплари эса бизни қуийдаги хулосага
ундади:

Нима бўлганда ҳам отамиз – оиласиз устуни. Ҳар
қандай вазиятда биз фарзандлик бурчимиизни унутмас-
лигимиз керак.

Хўлкар ФАРМОН қизи

Ривоят

Бир қиз қўшни қишлоқдан бир йигит билан тани-
шиб қолади. Улар бир-бирини ёқтириб қолишади. Қиз
йигитниң оиласини текшириб-нетмай турмуш қуриш-
га рози бўлади. Катта тўй қилиб, янги ҳаётни бошла-
шади. Қиз ҳомиладор бўлиб қолади, лекин қайноаси
билан келишолмайди. Кунлар, ойлар ўтиб, қизниң
кўзи ёришига жуда оз вақт қолади.

Ўша кунларда нимадир бўлади-ю, йигит онасининг
гапига кириб, қизни уйдан ҳайдайди. Ҳомиладор қиз
эса қўшни қишлоқдаги ота-онасининг уйига тунда ки-
риб боради. Қизниң отаси ҳам денг, эркаклик ор-ному-

си устунлик қилиб, воқеани суриштирмай-нетмай қизи-
ни ҳақоратлаб, “энди менинг уйимда туғмоқчимисан, ўз
уйинга бор” деб кечаси уйидан чиқариб юборади.

Қиз бечора йиғлаб-йиғлаб, азоб-у укубатда ярим тун-
да эрининг уйига қараб йўл олади. Икки қишлоқ ўрта-
сидаги яйдоқ майдонда тұлғоқ кучаяди. Юришга мажо-
ли қолмайди, йиқилади. Қиши чилласи эди. Изғирин
совуқда ётиб, у ҳушидан кетади ва баҳтсиз ҳодиса рўй
беради. Қиз ҳомиласи билан оламдан ўтади.

Мана, ўта қаттиққўлликнинг оқибати!

13.5. БОҒЧАДА ҚАТТИҚҚЎЛЛИК УСУЛИНИ ҚЎЛЛАШ МАЪҚУЛМИ?

Тарбиячи боғча болаларига қаттиққўллик кўрсати-
ши маъқулми? Борди-ю бола шўх бўлса, унда қандай
йўл тутиш лозим. Қуйида шўх болани тарбиялашнинг
5 усулини келтирамиз.

Ута шўх, тиниб-тинчимас болалар билан тил топи-
шиш тарбиячи ёки энагадан сабр-бардош талаб қилади
албатта. Дугонангиз боласини бегоналар эплай олмас-
лигини билгани учун сизга топширган. Ўта фаол бола
машғулот пайтида тинч, катталарнинг танбехисиз ўтира
олмайди, сабабсиз кулиб, бошқа болаларнинг нарсасига
тегиниб, халал беради. Унга қаратса айтилган танбех ва
чекловлар ёрдам бериш ўрнига қайсарлик, кўз ёш ва жа-
завага тушиб йиғлаш ҳолатларини келтириб чиқаради.
Бу ҳолатнинг сабаблари кўп. Биринчи сабаб: бола руҳий
етилмаган, вақтида назорат қилинмаган. Бунинг оқиба-
тида атрофдагиларга ачинмайдиган бўлиб қолган.

Иккинчи сабаб: бола эътиборсиз қолган ва энди шу
йўл билан ўзига эътибор қаратиш мумкинлигини би-
лади. Бундай бола билан ишлаганда, аввало, асабий-
лашманг, жаҳлингиз чиқаётганлигини кўрсатманг.

Хүш, тарбиядек улуғ вазифани амалга ошириш учун қандай усулларни құллаш керак? Саволга жавоб берішдан олдин ҳәётда үз тасдигини топтан айрим холаттарға өткізу үшін болашақтың өзінде олардың мүмкіншіліктерін сипаттаудан шынайы.

1

Ишни болани масъулиятли бўлишга чақиришдан бошланг.

2

Унга бақириш, жазолаш бефойда, чунки у одоб қоидаларини ўзлаштиргмаган. Чекловлар уни фақат қўрқитиши мумкин.

3

Биринчи ўринда боланинг ишончига кириб олинг, унинг ҳаракатларини нега оқламаслигинизни мулоҳимлик билан тушунтиришингиз, ҳатто вақти-вақти билан “аразлаш” ингиз ҳам мумкин.

4

Асосийси, ўзгаришга ҳаракат қилаётгани учун мақтаб туриш лозим. Лекин у кўпи билан беш дақиқа одобли бўлиб туриши мумкин, кейин яна эски қилифини бошлиайди.

Гап келди:

Ота-она Аллохнинг бандаларига берадиган буюк марҳамати, раҳматидандир. Ота-онанинг аҳли солиҳ покиза инсон бўлиши болаларнинг баҳти ҳисобланади. Аллоҳга беҳад ҳамду сано, шукрлар бўлсинки, биз беш нафар фарзанд (мен, Рӯзи, Сафар, Ҳамида, Мавлуда)ларга ҳам Аллоҳ ана шундай аҳли солиҳ, фозил бўлган ота-онага фарзанд булиш баҳтини насиб этди. Аллоҳ уларни раҳмат қилган бўлсан.

Отамиз, онамиз бизни тарбия қилиш учун энг кўп фидоийлик қилган ота-оналардан деб ўйлаймиз. Муболагасиз айтиш мумкинки, улар файласуф Арастунинг куйидаги таърифиға сазовор бўлган ота-оналардан деб биламиз: “Ота-она болани дунёга келтирғанлари учун эмас, уни одобли, ахлоқли қилиб вояга етказгандиклари учунгина олқишига сазовор бўла оладилар.”

Ҳақиқатан ҳам улар бизнинг тарбиямиз учун буюк хизматларни қилиштан. Биз ёш бўлганмиз, билмаганмиз, энди секин-секин билдики, ота-онамиз икковлари оиласидаги тарбия борасидаги вазифаларни тақсимлаб олишган эканлар. Онамиз бизга раҳм-шавқат кўрсатиш юкини бўйниларига олган бўлсалар, отамиз бизга нисбатан талабчан бўлиш вазифасини гарданларига олган эканлар. Ана шу икки нарсадан ўртача бир ҳолатдан келиб чиқиб, ўзлари истаган, динимиз буюрган бир тарбияни беришга мусассар бўлган эканлар.

Отам оиласида қаттиққўл, лекин кези келганда, меҳрибон, ғамхўр инсон әдилар. Беш нафар фарзанддан бирортамиз гап қайтариш у ёқда турсин, юзларига тик қаролмасдик. Худога шукур, бугунги кунда барчамиз оиласи, бола-

чақали, неварали бўлиб кетганмиз. Отамнинг хурматини қанчалик жойига қўя олдик, бунга бир нима дейиш қийин, албатта. У киши оламдан ўтганига 25 йил, онамнинг вафотларига 17 йил бўлган бўлса-да, ҳамон уларнинг ўғитлари қулоқларим остида жаранглайди. Ҳаётнинг энг оғир ва қувончили дамларида падаримни эслайман. Эвоҳ, шу дам отам ёнимда бўлмадилар-да, дейман. Орадан шунча йиллар ўтган бўлса-да, ёрдамларига муҳтоҷлик сезаман. Ота белнинг қуввати, хонадоннинг давлати. Оталарнинг дуоси борки, юрган тинч, мамлакат обод.

Отаки оиласда ҳукмрон бўлса, у жойда ҳамма нарса ўз ўрнида бўлади. Қайсики, оиласда парокандалик бўлса, билингки, у ерда отанинг ўрни йўқ. Нима бўлганда ҳам ота оиласнинг сарбони, унинг хурматини жойига қўйиб эъзозлаш лозим. Оталаримиз соғ-омон бўлишсин.

Қайдлар

Мудом ота-она калтаги билан ўсган бола аждаҳо илоннинг қошида турган қуёндек титроқ ва қўрқоқ бўлиб қолади.

* * *

Мулойимлик билан уддалолмаган одам, қўполлик билан ҳам уддалай олмайди.

* * *

Болани қўрқитиб тарбиялаётган киши ҳақиқий обрўга эга бўлмайди. Қўрқитиши ёш қалбни, севгини вайрон қиласди.



* * *



Гўдакка қўл югуртирунганг. Калтак еган бола ота-она-сидан ўзининг ҳамма сирларини яширадган, ҳеч ким билан дўстлаша олмайдиган, ҳатто катта бўлганида ҳам, ичимдагини топ, дейдиган бўлиб қолади.

Яна бир гап

Қаттиққўлликдаги меъёрии билиш учун боланинг тилини ва дилини билмоқ керак. Болани шубҳа билан ноҳақ таъқиб этиш, қўполлик, қаттиққўллик билан иззат-нафсига тегиш дилидаги умид ва орзуларини поймол қиласди. Улғайганда ўзида ишончсизлик, фикрини очиқ билдира олмаслик энг кераклиси мустақил фикрни йўқотади.

Катталар ёш болаларини ёш, гўдак демай, улар билан фикрлашмоғи, сирлашмоғи ҳам керак. Ана шу жиҳатларни инобатга олмаган, тарбияда қаттиққўлликни бироз ошириб юборган отанинг тавбасини бир ўқиб кўринг-а!

13.7. ҚАТТИҚҚЎЛ ОТА ТАВБАСИ

Ушбу хат бундан юз йил олдин ёзилган ва Америка Қўшма Штатларининг барча газеталарида бир неча бор қайта-қайта чоп этилган.

“Кулоқ сол, ўғлим. Бу гапларни сен ухлаб ётганингда айтаяпман: сенинг жажжи қўлинг чакканг тагида, жингалак соchlаринг эса нам пешонангда бир-бирига ёпишиб қолган. Мен ўгринча секин сенинг ёнингга келдим. Бир неча дақиқа олдин китоб ўқиб ўтириб пушаймонликнинг оғир юки руҳимни эзди. Сенинг олдингда ўз айбимни сезган ҳолда турибман.



Мен ёмон кайфиятнинг аламини сендан олдим. Мактабга кетиш учун кийинаётганингда юзингни ҳўл сочиқ билан арттанинг учун уришиб бердим. Ботинкангни то-зalamаганинг учун сўқдим. Кийимингни ерга ташлаганинг учун жаҳлим чиқиб койидим. Нонушта пайти ҳам айбсигта бошладим. Сен чойни тўкиб юбординг. Сунг ҳар бир луқмани очқўзлик билан ютдинг. Тирсагингни овқат қолдиқлари устига қўйдинг. Овқатни сочиб-тўкиб единг. Кейин мен поездга кеч қолмай деб шошилиб турганимда сен ўйнаш учун кетаётиб ўтрилганча қўлингни силкитиб” – “Ҳайр дада!” – деганингда, мен қошларими-ни чимириб “Қаддингни тик тутиб юр!” деб жавоб бер-дим.

Сунгра, куннинг охирида, ҳаммаси яна бошқатдан бошланди. Уйга қайтаётиб сен ерга тиззангни ташлаб копток ўйнаётганингни кўрдим. Пайпокларинг теши-либ кетганди. Сени олдимга солиб, уйга ҳайдайман деб ўртоқларинг олдида уялтиридим. “Пайпоклар қиммат туради – агар уларни ўз пулингга сотиб олганингда эди, қўзингга қараб кийган бўлардинг!” дедим.

Сенга шундай гапларни ўз отанг айтганини бир тасаввур қил ўғлим!

Эсингдами, газета ўқиб ўтирганимда хонага тортин-ганча кириб, ийманиб менга қараганинг? Менга ҳалақит беришларидан аччиқланиб, сенга қўз остидан қараб қўйганимда, иккиланиб бўсағада тўхтаб қолдинг. “Сенга нима керак?” деб сўрадим мен кўрслик билан.

Ҳеч нарса демадинг, лекин бирдан югуриб келиб бўйнимдан қучоқлаб ўпдинг. Сенинг жажжи қўлла-ринг худо сенинг юрагингга солган ва ҳатто менинг қўпол муомалам ҳам қурита олмаган муҳаббат билан қучарди.

Кейин сен юргурганча чиқиб кетдинг.

Ана шунда ўғлим, газета қўлимдан сирғалиб тушиб кетди, баданимни даҳшатли, жирканч қўрқув қамраб олди. Тарки одат мени нима қилиб қўйди? Айблаш, ҳадеб койимоқ одати – ёш бола бўлганинг учун сенга мен берган мукофот бўлди. Мен сени яхши кўрмаганман деб айтиб бўлмайди. Ҳамма гап сенга нисбатан ҳаддан ташқари катта талаб қўйганим, сенга ўзимнинг ёшим ўлчовида ёndoшганимда.

Сенинг феъл-авторингда эса соғлом, ажойиб ва самими хислатлар қанчалик кўп. Митти юрагинг тонгги қуёш каби юксак. Бу ҳис ухлашдан олдин мени ўпиш учун беихтиёр жўшқинланганингда намоён бўлади. Бугун бошқа ҳеч нарсанинг аҳамияти йўқ ўғлим. Тим қоронғуликда каравотинг олдига келдим ва хижолат билан сенинг олдингда тиз чўқдим!

Бу билан гуноҳимни ювиб бўлмайди. Биламан, уйғонганингдан кейин бу гапларни айтсам барибир тушунмасдинг. Лекин ишон, эртага мен ҳақиқий ота бўламан! Сенга дўст бўламан! Куйинганингда сен билан бирга куйинаман, кулганингда куламан. Оғзимдан аччик гап чиқишини сезсан тилимни тишлайман. Мен кеча-кундуз худди дуодай “Ахир у бор-йўғи ёш бола-ку, ёш бола-ку”, – деб, қайта-қайта такрорлаб юраман.

Сени хаёлимда навқирон эркак, деб фаҳмлаган эканман. Лекин ҳозир сен чарчаб, гужанак бўлиб ётганингни кўриб, ҳали ёш бола эканлигининг тушуняпман. Кечагина онангнинг қўлларида бошингни унинг елкасига қўйиб ётардинг. Сендан ҳаддан ташқари кўп, ҳаддан ташқари кўп талаб қилганман”.

13.8. ҚАТТИҚҚҮЛЛИК МЕЪЁРИНИ БИЛГАН ОТАЛАР

Менинг дүстларим күп. Шулар таркибида фарзанд тарбияси сохасыда ўзига хос мактаб яратган замондош дүстларим ҳам бор. Булар академиклар Саидахрор Гуломов, Қаландар Абдураҳмонов, профессорлар Фатхулло Каримов ва Зокиржон Йўлдошевлардир.

Улар фарзанд тарбиясидек ғоят масъулиятли вазифани замон талабларидан ҳамда донишмандларнинг “Болани бир зум ҳам бўш қўйманг” деган ўйтдан келиб чиқкан ҳолда амалга оширилар. Бугунги кунда:

Академик Саидахрор Гуломовнинг барча фарзандлари олим. Хусусан, ўғиллари фан доктори, профессор; Икки қизларидан бирлари фан доктори, профессор, иккинчи қизлари ҳам фан номзоди, доцент.

Академик Қаландар Абдураҳмоновнинг икки ўғиллари ва бир қизлари фан доктори ва профессор.

Професор Фатхулла Каримовнинг бир ўғиллари фан доктори, иккинчи ўғиллари эса фан номзоди.

Професор Зокиржон Йўлдошевнинг катта ўғиллари фан номзоди, кичик ўғиллари эса фан доктори.

Бир пайтлар бу дўстларимни бола тарбиясида ҳаддан ташқари қаттиққўлиқда айблаб, йиллар ўтиши билан ўзлари энди улардан ибрат олмаганиклари учун афсусланиб юрганлар ҳам оз эмас.

Шу ўринда,

Гап келди: Рахматли падари бузрукворим Абдулло Мавлонов доимо айтардилар: “Болани мактабга чиққунча бўлган даврида эркалатиб ўстир, олти ёшидан ўн бешгача илм ўргат, қаттиққўл бўл, ундан ўртоқлари ким эканлигини, уйга келганда ва кетганда қаерга бораётганлигини мунтазам

сўраб тур, ўн бешдан кейин унинг мустақил фикрлашига йўл очиб болага эркинлик бер. Уни очиқдан-очиқ эмас, зимдан кузат. Шунда бола бир қолипда ўсади”, дер эдилар.

Ўгитларига амал қилган холда беш нафар фарзандни гарбияладик. Бири-биридан гарбияли, одобли. Барчаси хаётда ўз ўрнини топган, оиласи, бола-чақали, севимли касби бор.

13.9. ЭҲТИМОЛ, МЕҲРИБОНЛИК УСУЛИГА УСТУВОРЛИК БЕРИШ МАЪҚУЛДИР?

Ҳар қандай ёшдаги фарзанд учун ота-она меҳридан зиёд нарса йўқ! Отa-она меҳрига қонган фарзандларгина ота-оналарига меҳрибон, ахлоқ-одобда ҳам мукаммал, она Ватанига ҳам содиқ инсон бўлиб етишишлари аниқ.

Шуни мамнуният билан айтиш жоизки, мамлакатимиздаги аксарият оиласарда ота-она билан фарзанд ўртасида меҳр-муҳаббатга суғорилган муносабатлар қарор топган. Бундай оиласарда катталар билан болалар ўртасида ўзаро хурмат, оиласий мувоффикларни биргаликда ҳал этиш, болалар фикри билан ҳам ҳисоблашиш, оиласининг ҳар бир аъзоси ўзига юклатилган вазифага масъулият билан қарашлари одат тусига кирган. Бироқ, кўп бўлмаса-да, айрим оиласарда ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларни кўнгилдагидек деб айта олмаймиз. Болаларни ҳаддан ташқари эркалатиб тарбиялашга кўпроқ изн бериб додга қолиб келаётганилар ҳам учрайди.

Қуйида маънавиятимизнинг пешқадам тарғиботчилиридан Турсуной Содиқованинг навоийлик отахонимизнинг қуйидаги саволларига берган жавобларини иктибос қиласиз.

Савол

— Үзим навоийликман. Ёлғиз ўғлимдан ҳеч нимани аямадим. Тошкентдаги олий үқув юртига қийналмай кирди. Машина, уй олиб бердим. Лекин ўғлим юзимга оёқ құниб, иккі болали хотин билан яшаб юрибди. Уни бу йұлдан қайтара олмаяпман. Эркак бошим билан хар куни йиғлайман...

Жавоб

— Сиз йиғлашда давом этинг, биродар! Фақат “Энди нима қиласман?” деб әмас, истиғфор айтиб, Аллохға тавбалар айтиб йиғланғ, холис туриб, хатоларингизни әслаб, тан олиб, сизни кечиришини Ҳақдан астойдил сұраб йиғланғ! Шундай қилишиңгиз зарур! Чunksи сизнинг гуноҳларингиз әвазига болангиз чатоқ йұлға кетди. Болани сиз ботқоққа ботирдингиз! Юрагини шайтонга сиз ин қилиб бердингиз!

Биринчидан, үзингизнинг дунёингизга қурт тушган: ҳаёт гүзаллиги, роҳат, яхши яшащ, асосан, бойлиқда, пулда деган тұхтамдасиз! Сиз болангизни суд қилишдан аввал үзингизни тафтиш қилинг! Ота-онангизга қай даражада фарзандлық қылғансиз? Гапларига қулоқ солармидингиз? Доимий излармидингиз, йұқлармидингиз? Қани айтингчи, неча марта күзларини ёшлатғансиз? Фарзанд сифатида баҳойингиз нечалигини ҳеч үйлаб күрганмисиз? Шу кунларда-чи? Болангизни үқимишли, уйли, машинали қилишдан аввал жигарбандларингизни, айниқса, камхарж оға-иниларингизни сал бўлса-да үйлаб, хижолат чекдингизми?

Албатта, йўқ! Бу йигитчиликнинг асосий шарти, мақоми эканлигини билмайсиз ҳам. Аёлда аёллик илми, эркақда эркақлик илми бўлмас экан, улардан келадигани фақат зиёндир. Сиз дунёга келиб битта илмга – пул топиш илмига ихлос қўйдингиз, фақат шу

илмни ўргандингиз. Сизда йигитлик илми йўқ бўлгани сабабли, баҳтсиз эркак бўлиб турибсиз.

Сиз ота бўлиб ўғлингизга, аввало, хунар ўргатишингиз, қўлларини қадоқ қилиб меҳнатга қўникутиришингиз, машина эмас, аввал унга от минишини билдиришингиз керак эди ва ҳ.к... Кейинчалик синиб қолмаслиги учун таглари қадоқ бўлгунча китоб ўқишига даъват қилишингиз, ётоқхоналарда ҳамма қатори яшашга қўйиб беришингиз, ҳеч йўқ ярим пулини ўзи ишлаб топмагунча машина олиб бермаслигингиз керак эди! Болани оқ билакка айлантиридингиз, агар қийналиб ўқиганда, ота-она азиятларини, қадрини таниб, билиб борарди. Соғиниб совға олса, соғиниб бир нимага етишса, сиз айтган ноқоби ишларни қиласади. Ҳозир унинг пули бор – хавф йўқ! Эртага пули ёки сизнинг пулингиз тугаса, буни ҳаёт дейдилар: тақ этиб ўтириб қолсангиз, ана ўшанда кўринг фожиани! Анови йўлда илашганлар ҳам уни тарқ этади, пулига айланниб, унинг ширасига қўнадиганлар ҳам учиб кетадилар. Унинг устига сиз унга ирода, сабр, шукронани ўргатмагансиз, қарабсизки, аلامига чидамай наша чекишлар, ароқ ичишлар бошланади! Ҳозирги кунингиз ҳам ҳолва бўлиб қолади.

Сизга аччиқ ўғитим шуки, агар ўғлингизга сарф қилган пулларингизни ҳалол топганингизда бола айнимас эди. Тўғри, у маблағларни ўғирлаб, ё қимор ўйнаб топмагансиз, аммо бироннинг норози бўлиб берганини, пешона терисиз топилган ўлжани ёки судхўрликнинг орқасидан келган даромадни болангизга едириб-кийдириб қўйгансиз. Агар ҳаромга парҳезингиз бўлса, унда сиз дилозорсиз, сиз деб кимдир йиғлаб юрибди. Шундай, биродар, бекордан бекорга бу аҳволга тушиб қолмагансиз, тавба қилинг, тавба қилинг, бу ҳам ибодатдир!

Болангизни эса ҳозирча ўз ҳолига қўйиб беринг, айни вақтда унинг кўзи кўр, қулоги кар, то пешонаси деворга

тегмагунча, ўз бурнини ўзи қонатмагунча ҳеч гап таъсир қилмайди, бу ишларнинг барини Аллоҳдан деб билинг ва ўғлингизни тӯғри йўлга тушишини сўраб, астойдил дуо қилинг! Ота дуоси, албатта, ижобат бўлади, иншо-оллоҳ.

Қиссадан хисса ўрнида,

Гап келди: Ота-онаси қошидаги фарзандлик бурчини уннутиб, молу-мулк тўплашга, айш-ишратга ҳирс қўйган фарзандга факат беш метр кафангага ўралиб кетаётган мурдани кўрсатиши кифоя.

13.10. “ОТАСИННИНГ ЎҒЛИ”, “ОНАСИННИНГ ҚИЗИ”

...Эркинжон ўзига тўқ оиласда катта бўлди. Болалигиданоқ отасининг: “Менинг давримда яшаб қолинглар, ҳеч кимдан қўрқма, нима хоҳлассанг айт, муҳайё қиласман”, деган сўзларини қулогига қуийиб улғайди. Мактабга хоҳласа борди, хоҳламаса йўқ. Ўқитувчилари сўраб-суриштиrsa, отаси ҳам, онаси ҳам “Болани қандай тарбиялашни ўзимиз биламиз, мактабингда ўқиб нимани қойил қиласади?!” дея жавоб қайтаришди. Ота ўғилининг маҳалла-кўйда қиласидан бежо қилиқларига ҳам бепарво қаради.

– Жўраларимнинг ҳаммаси ўқишига ҳужжат топширди, мени ҳам бирор жойга киритиб қўйинг, – деди мактабни отасининг кучи билан “аъло”га тамомлаган Эркин.

Фарзандининг “шохини қайтартмаган” ота унинг бу ниятидан хурсанд бўлди. Оғайниларини ишга солиб, ўғилини нуфузли институтларнинг бирига жойлади. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганиаридек отасининг

ўғли талабалиқда ҳам эркаликларини давом эттириди. “Тенгқурларидан паст кетмаслик” учун бериладиган пулларни айш-ишратга, күча санғишига сарфлади.

Шу оиласининг қизи – Гузал ҳам эркатойликда акасидан қолишимасди. Эрининг топиш-тутиши яхшилиги учун унча-мунчани менсимайдиган онасига эргашиб, тўйма-тўй, даврама-давра юрди. Сара кийимларни кийди. Она уй-рўзгор ишларини хизматкорга топшириб, қизига на рўзгор тутишни, на овқат тайёrlашни ўргатди.

Афсуски... Ҳамма машмаша оиласининг ишлари касодга учрашидан бошланди. Бу пайтга келиб, Эркин отанинг соясида ўқишини битирган, данғиллама тўй қилиб уйланган, Гузал обрўли хонадонга узатилганди. Аммо отага мадад бўладиган ўғил ҳеч қаерда ишламас, борган муассасасидан вазифасини уддалай олмай ҳайдалар, қиз эса эпсизликда, таңбалликда айбланиб, икки куннинг бирида уйида эди...

Бу каби воқеалар маҳалла-қўйимиз, яқин-атрофимизда содир бўлиб турганидан, афсуски, тоноолмаймиз. Келажакда қайси қасбни эгалламоқчи эканини сўрасангиз “Отам билади”, дейдиган, “севган касби”ни эплолмаётган “ота ўғил”, “она қиз”лар орамизда йўқ дейсизми?

Бу билан фарзандлар ота-она маслаҳатига амал қилмаслиги керак, демоқчи эмасмиз. Албатта, ҳар бир ота-она болаларнинг яхши инсон бўлиши, кам-қўстсиз вояга етиши учун ҳаракат қилади. Аммо уларни манъавиятли қилиб тарбиялаш, мустақил ҳаётга тайёrlаш ҳам муҳим эканини унутмаслигимиз керак. Акс ҳолда, оиласаримизда турмуш ташвишларига чидамсиз, сабр-қаноатсиз, фақат ўзини ўйлайдиган, бошқага бефарқ бир авлод вояга етади. Жамиятда эса оиласий ажра-

лишлар, корхона ва ташкилотларда кадрлар құнимсизligи пайдо бўлаверади. Афсуски, муаммолар занжири шу билан тугамайди.

Абдулғафур ШЕРХОЛОВ

“Эркалатсанг эси кетар” мақолининг тасдиги шу эмасми?

13.11. ЭРКАЛАТИБ ТАРБИЯЛАШНИНГ 9 ОФАТИ

1

Боланинг эркатойлиги, тантиқлиги қанча ошса, у ота-онани шунча ташвиш ва таҳликага солади.

2

Ёшлигидан бошлаб, фақат мен яхши ейишим ва кийинишим керак, дейишга одатланган бола катта бўлганида ҳам фақат ўз манфаатини кўзлайдиган худбин бўлиб қолади.

3

Болани сояпарвар қилиб ўстириш ярамайди. Ундей бола ҳаётда ноқобил бўлиб қолади. Аксинча, унинг сараторнинг жазирамасига, қишининг изғиринига, ҳаётдаги ҳар қандай қийинчиликларга бардош берадиган, матонатли киши қилиб чиниктиromoқ лозим.

4

Ёшлигидаги ўз айтганини қилдиришга ўрганиб қолган бола катта бўлганда ҳам одамлардан номатлуб ишларни бажаришни талаб этадиган ўжар киши бўлиб қолади.

5

Боланинг ўжарлиги унга кўрсатилган ортиқча меҳрибонликнинг оқибати бўлиб, бу касалнинг давоси эса уни маҳорат билан тўғри тарбиялашдир.

6

Болани ҳадеб етаклайверма, ўз оёғи билан юргани яхши, акс ҳолда соқоли чиқиб, бола-чақали бўлганида ҳам етаклаб юрасан.

7

Ёшлигидаги фақат ота-онадан меҳрибонлик кутиб, ўзи уларга ғамхўрлик қилишга одатланмаган бола улғайгач, сув ютиб, сув бермайдиган ўпқон каби одамлардан манфаат кутиб, манфаати тегмайдиган худбин бўлиб қолади.

8

Фарзандларни эркалатиб тарбиясига аҳамият бермаганилигидан қанчадан-қанча мартабали, мансабдор шахслар ўз мансабларидан кетганинг гувоҳи бўлганмиз.

Үқитувчи-тарбиячининг болага бўлган талабчанлиги овқатга солинадиган тузга ўхшайди. Овқатга туз кўп солинса, шўр, кам солинса, bemаза бўлади. Худди шунингдек, болага ортиқча қаттиққўллик қилинса, унинг дилида нафрат туйғулари ўйғонади, ҳаддан ортиқ “мехрибонлик” қилинса, у ота-онани писанд қилмай қўяди.

Хулоса ўрнида,

Гап келди: Ҳар бир ота-онага ўз фарзанди ҳамма нарсадан гўзал ва азиз бўлиб кўринади. Бу ота-оналарга хос хислатдир. Доно ҳалқимиз: “Типратикан ўз боласини юмшоғим, кўнғиз оппоғим” дейди. Лекин ота-оналар ортиқча меҳрибонлик қилиб, болани ноўрин эркалатавериши юқоридаги кўнгилсиз оқибатларга сабаб бўлади.

БҮЙРУҚ ЁКИ МАСЛАҲАТ УСУЛИНИМИ?

14.1. БҮЙРУҚМИ ЁКИ ЁН БОСГАН МАЬҚУЛМИ?

Фарзандингизнинг шўхликларию, беозор инжиқ-ликларидан баҳтиёрик осмонида сайд этуб юрганингизда ногаҳон унинг сизга қила бошлаган қўрс муомаласидан хушёр тортиб қоласиз, ўйга толасиз: “Нега у бунчалик қўрс бўлиб қолди?!” Саволга жавоб ахтариб, шубҳанинг кўнглингиз кириб чиқмаган кўчаси қолмайди. Фарзандингизнинг қўрс муомала қила бошлишига сабаб қилиб, гоҳ унинг дўстларини, гоҳ муаллимларини, гоҳ қўни-қўшниларни кўрсатасизу, аммо оилада ўзингиз ўрнатган тартиб гоҳида шундай қўн-гилсизликка олиб келиши мумкинлиги хаёлингизга келмайди.

Аслида эса бу қўрслик фарзандингизнинг сизнинг айрим муносабатларингизга қарши кўтарган болаларча исёнидир. Бу исённинг олдини олиш ҳам, уни бартараф этиш ҳам унчалик мушкул эмас. Бунинг учун сиз бироз синчковроқ ва адолатлироқ бўлсангиз кифоя. Йўқ, сизни адолатсизликда айблаш фикрида эмасман, фақат фарзандингизга бўлган муносабатингизнинг айрим жиҳатларида кўз илғамас хатоликларга йўл қўйишингиз туфайли шундай ҳол юзага келишини яна бир карра ёдингизга солиш ва унга эътиборингизни жалб этмоқчиман.

Ҳеч кимга сир эмас. Ҳатто энг намунали оиласа ҳам ота-она ва фарзанд ўртасида келишмовчилик содир булиши табиий. Бунга асосан ота-она билан фарзандлар қизиқишлиари ва интилишларининг бир-бирига мувофиқ келмай қолиши сабаб бўлади. Натижада ўртада хафагарчилик юзага келади, зеро бир томоннинг ғалабаси, ҳеч шубҳасиз, иккинчи томоннинг мағлубиятини белгилайди.

Хўш, бундай вазиятда нима қилиш керак?! Буйруқ тарзида фарзандлардан бўйсунувчаликни талаб этиш яхшими ёки оила осойишталигини ўйлаб, ён бос-ган мъқулми! Аслида, у йўлни ҳам, бу йўлни ҳам муаммоли вазиятдан чиқишининг мақбул усули деб бўлмайди. Бундай ҳолатларда муносабатни мувозанатга келтирувчи, оила осойишталигини саклаб қолиб икки томонни ҳам бирдек қониқтирувчи биргина восита бор, у муроса. Низоли вазият юзага келган чоғларда муроса йўлини танлаш, фарзандни усталик билан бунга йўллаш ота-она зиммасидаги вазифа саналади.

Бунинг учун, энг аввало, фарзандингиз талабини диққат билан эшитишингиз керак. Шунда сиз “бир ўқ билан икки күённи урасиз”, яъни ҳам вазиятни тўла англаб оласиз, ҳам юзага келган ҳолатни хотиржам муҳокама этиш учун илк қадамни қўйишига эришасиз. Зеро, фарзандингиз ўзини диққат билан тинглашга тайёр эканингизни билиши ҳамон, дарҳол сезиларли даражада тинчланади, сизнинг чиндан ёрдам кўрсатишга интилаётганингизга ишонади ва ниҳоят ўзи ҳам муаммонинг тинчлик билан ҳал этилишини истаб қолади.

Икки томон ҳам зиддият юзасидан бир-бирининг фикрини эшитишига тайёр бўлган вақтда айтилган бирор-бир фикр ҳам эътиборсиз колдирилмайди. Ҳатто сизга фарзандингизнинг қандайдир таклифи ғайритабиий тувлса-да, у ҳисобга олиниши шарт. Сизнинг асо-

сий вазифангиз эса ўртага ташланган барча таклифлардан иккى томонни ҳам бирдек қониқтира оладиганини танлаб олиш ёки уларни умумлаштирган ҳолда сизга ҳам, фарзандингизга ҳам маъқул бўладиган қарорга келиш саналади.

Лекин аксарият ҳолларда ота-оналар фарзандлари олдидағи “обрўалирига гард юқиши мумкинлигидан ҳадиксираб, бу йўлни танлашни лозим топмайдилар. Аслида эса фарзандингиз билан муросага келиш учун интилиш обрўйингизга заррача ҳам путур етказ-майди, аксинча, унинг қўнглида сизга бўлган ишончни мустаҳкамлайди. Бунинг натижаси ўлароқ фарзандингиз қаршисида ақлли ваadolatli инсон сифатида янада кўпроқ обрў орттирасиз. Бундан ташқари, фарзандингиз билан юзага келган зиддиятли вази-ятни у билан биргаликда муҳокама этар экансиз, масалага ўзгача нигоҳ билан қарай бошлайсиз. Натижада фарзандингизга бўлган муносабатингизда йўл қўяётган хатоликларингизни ҳам пайқайсиз. Шуни унутмаслик керакки, биргаликда қарор қабул қилаётганда ўз хатоларингизни ҳам тан олишингизга тўғри келади.

Ўз хатосини тан олиш, керак бўлса, фарзанддан узр ҳам сўраш ҳеч қачон ота-она ожизлигининг ёки мағлубиятининг белгиси саналмайди. Аксинча, бу оқилик ваadolat белгисидир. Оила осойишталиги эса кимнингдир устуналиги билан эмас, балкиadolat ва меҳрнинг устуворлиги билан белгиланади.

14.2. Эҳтимол, буйруқ эмас, балки маслаҳат яхшидир?

Тасаввур қилинг, бир вақтда бир телеканал орқали мультфильм, иккинчиси орқали эса бадиий фильм ёки футбол берилади, дейлик. Табиийки, фарзандин-

гиз учун мультфильм биринчи ўринда туради, сиз учун эса... Хўш, бундай вазиятда нима қиласиз?! Албатта, мультфильм кўриш ёшидан ўтганингиз ва оиласдаги "ҳоким"лик мақомингиздан фойдаланиб, бу сафар фарзандингизнинг мультфильм кўриш истаги билан мутлақо ҳисоблашимайсиз.

Айнан шундай холат юзага келган пайтда сиз ўз болалигингизни хотирласангиз эди, хотирангиз кўзгусида ота-онаси "тушунарсиз кино" ёки "зерикарли футбол"-ни деб "ажойиб мультик"ни кўришга йўл қўймагани учун бир четда мунғайиб, кўзлари ёшланиб турган болакай (қизалоқ) акс этарди. Ҳатто сиз уни элас-элас танигандек ҳам бўлардингиз. Ҳолбуки истаги адолатсиз равишда қондирилмагани туфайли лаблари алам билан титраганча йиғлаб юборишга тайёр турган бу кичкин-той... ўзингиз эдингиз! Ўша вақтда ота-онангиздан хафа бўлиб, анча пайтгача аразлаб ҳам юрган эдингиз. Хўш, Энди ёдингизга тушдими?!

Эслайсизми, ўша вақтда ота-онангизнинг бу хатти-ҳаракати боис мурғак қалбингизда адолатсизлик-нинг қаттиқ зарбасини туйгандингиз. Энди айтингчи, сиз мультфильм кўришга тўсқинлик қилган чоғингизда фарзандингиз дилини ҳам адолатсизлик тифи жароҳатламадимикин? Ҳудди сиз ота-онангиздан хафа бўлганингиз кабиу ҳам сиздан ранжимадимикин?! Сизни "адолатсиз" деб ҳисбламадимикин?! Бордию, унинг нозик кўнгли шундай туйгулар тўфони таъсирига берилгудек бўлса, у кейинчалик сизнинг "Ҳамиша адолатли бўл!" – деган насиҳатингизга кулоқ сола олармикин?! Сиз шу хатти-ҳаракатингиз билан беихтиёр унинг онгига "Баъзи вақтда ўз манфаати йўлида адолатсизлик қиласа ҳам бўлаверар экан-ку!" деган тушунчанинг илк кўринишини жойлаб қўймадингизмикин?! Шусабабли ҳам ҳар бир ота-она болаларнинг ўзига хос инжиқлик ва қайсар-

ликлари бўлишига қарамай, катталар билан баҳсда ҳамиша ҳимоясиз қолишларини ёдда тутиши даркор. Фарзандингизга буйруқ беришингиз ёки бирор ишни бажариш учун мажбур этишингиз жуда осон. Аммо фарзандингиз бирор ишни кўнглиниздаги деқ бажаришини истасангиз ҳам, бу холатда ўзингизни мутлақо ҳақ санасангиз ҳам, ҳеч қачон бунга авторитар усул — ўз сўзингизни ўтказиш йўли билангина эришишга интилмаганингиз маъкул. Зеро фарзандларга ҳамиша шундай муносабатда бўлиш кўпгина кўнгилсизликларга сабаб бўлиши аниқ.

Буюк шахс, улуғ саркарда, жаҳонгир бобомиз Амир Темурнинг тузукларида ("Темур тузуклари", Т. 1991, 16 бет) шундай қайдлар бор:

"Ишларимни барини кенгаш билан юргизиб, уни битиришда тӯғри тадбир қўллар эдим. Бир ишга киришмай туриб ундан қутулиб чиқиши йўлларини мўлжаллаб қўяр эдим... Яна тажрибамдан ўтказдимки, кенгаш эгалари бирлик, иттифоқлик билан сўзда событ, ишда чидамли бўлишлари шартдир. Қилмоқчи бўлган ишларини қилмасдан қолдирмасинлар. Агар бир ишни қилмасликка сўз берар эканлар, унинг яқинига ҳам йўламасинлар".

Бу ерда гап ҳар бир юмушда маслаҳатлашиб, кенгашиб иш кўрмоқ, сўзда событлик, баҳамжиҳатлик, насиҳатни ҳам мантиқан англаб фарқлай билмоқ ҳақида кетяпти. Дарвоҷе, ҳар қандай қўл урилган юмуш ҳаётимиздаги кескин бурилишларга олиб бормоги мумкинлигини назарда тутсак, чуқур ўйлаб, кенгашиб иш кўрмоқнинг шарофатини чуқурроқ ҳис этамиз. Таъбир жоиз бўлса, ҳар бир оиласининг, ҳар бир кўнгилнинг ўз "салтанати" бўлиши керак. Бу ўхшатишнинг сабаби шуки, инсон ҳарчанд куч-кувватга тўлиб, қайсиdir ишларни мустақил амалга оширишга ўзида қодирлик сезса ҳам,

ота-онаси, яқинлари, устозларининг маслаҳатини олмоги керак. Ўгиту тузукларда тилга олинган кенгаш, машварат фикрларингизни тиниқлаштиради, пешлайди, ўзингизга бўлган ишончни асослаб, мустаҳкамлайди ёки иккиланишларингизнинг сабабини ойдинлаштиради. Биз ёшлиар тарбиясида ана шу масаланинг энг нозик жиҳатларигача ёътибор қаратмоғимиз лозим.

Шу ўринда,

Гап келди: Шуни афсус билан таъкидлаш лозимки, бугун айрим ёшларимизда озгина эришилган муваффақиятдан кеккайиш, озгина маслаҳат ёки насиҳат қиласан ёхуд кусурини айтган қунишни-ю биродарларидан ғашланиш, ўзи танлаган йўлнинг охирини қўрмайин “Тўппа тўғри” деб билишдек кусурлар учрайди.

Улар: “Маслаҳат қиласан тоф ошар, маслаҳат қиласан тўғри йўлдан адашар” деган мақолнинг моҳиятини англамайдилар.

14.3. Иқрор замирида

Амир Темур ўгитлари мағзини чақиб кўрайлиқ. Масалан, “Сўзловчи гар нодон эрур тингловчи доно ўлсин”, “Энг баланд минора ҳам ердан кўтарилигай”. Бу каби ўгитлар мазмуни изоҳланар экан, шубҳасиз отоналар, фарзандлар шундай улуғ сиймонинг: “Барча ишларнинг тўққиз улушин кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улушни эса қилич билан бажо келтирдим”, деган иқрори замиридаги “кенгашмоқ”, яъни маслаҳатлашмоқ хосиятининг кучу қурдатини англаб етадилар.

Дунёни лол қолдирган жаҳонгири олам кўпнинг фи-
крини ҳар хил тадбиirlар орқали ўрганиб, ўзи билан ўзи
кенгашиб амалларидағи тўқисликка интилган экан, биз
бундан оқилона ибрат олмоғимиз керак.

14.4. Баъзида буйруқ ҳам керак

Подшоҳ тажрибасиз хизматкори билан кемага тушди. Хизматкор умрида денгиз кўрмаган бўлиб, унинг мashaққатини билмасди. Бир пайт у йиглай бошлади. Уни овутишга харакат қилдилар, аммо дир-дир титраётган хизматкор йигидан ўзини тўхтатолмасди. Подшоҳнинг жаҳли чиқди. Ҳамма ноилож қолган бир пайтда кемада кетаётган бир қари подшоҳ ҳузурига келиб шундай деди:

- Подшоҳи олам, изн беринг, мен уни йигидан тўхта-
тишга уринай
- Менга катта ёрдам қилган бўлардингиз, – деди под-
шоҳ.

Қария хизматкорни денгизга улоқтиришларини буюрди. Хизматкор бир неча бор сувга шўнфиди. Кейин сочидан ушлаб, кемага тортдилар. Уч-тўрт бор сувда чўктириб олинган хизматкор бир маҳал кемага яқинлашиб, ичкарига кириб олди ва бир четда жимгина ўтирди. Қария қўллаган тадбири султонни лол қолдирди ва:

- Бунда қандай ҳикмат бор? – дей сўради.

Қария жавоб берди:

- Хизматкор умрида сувда чўкмаган. Шунинг учун унга кемадаги осудалик қиймати билинди. Ҳузур-ҳаловат, саодат ва хотиржамлик шундай неъматки, бир фалокатга йўлиқмагунча инсон унинг қадрини била олмайди.

АЙРИМ ҚАЙДЛАР

Ёшлардан маслаҳат олишдан ор қилмаслик керак.
Доно халқимиз: “Ақл ёшда эмас, бошда”, дейди.

Ақл тарозиси билан ер, ҳатто узок планеталарни
үлчаш мумкиң, аммоadolatciz буйруқ туфайли фар-
зандни үлчай оладиган тарози ясалмаган.

ХУЛОСА ҮРНИДА

Фарзандингиз оиланинг тұла хуқуқли аъзоси экан-
лигини унутманг. Унинг ҳам үз мажбуриятлари бўли-
ши керак. Фикрига қулоқ тутиб, хulosаларини тингланг.
Агар улар сизнинг фикрингиз, режаларингизга қарама-
қарши бўлса, босиқлик билан нега ундей эмас, бундай-
лигини тушунтиринг. Барча талабларингиз буйруқ ёки
босим остида эмас, мулоҳаза билан амалга оширилиши
керак. Акс ҳолда, фарзандингизни сизга сўзсиз итоат
этувчи, бироқ ўзи мустақил қарор қабул қила олмайди-
ган эркисиз, фаросатсиз шахс қилиб вояга етказасиз.

15.1. Ҳадеб танбех бериш ўринилими?

Танбех – бу ножӯя хатти-харакат учун берилган таъбир, койиш, огоҳлантириш ёки жазо, дейилган ўзбек тилининг изоҳли лугатида.

Танбех болани ўз-ўзини ҳимоя қилишга ўзини оқлашга мажбур қиласди. Танбех, айниқса, танқид хавфли, чунки ўринсиз танбех инсон гуурига, иззат-нафсига тегади ва ранжитади. Ўринли танбех боланинг келажакда нафақат ота-онасига, шунингдек, жамиятга фойдали одам бўлиб етишишига ёрдам беради.

РИВОЯТ

Қадим замонда бир боғбон бўлган экан: Унинг яккаю ягона фарзанди бўлиб, жуда тантиқ экан. Боғбон боласига танбех берса, хотини ўртага тушиб: “Қўяверинг, катта бўлса, эси кириб қолади”, дер экан. Боғбон хотинининг гапи хато эканини тушунириш учун шундай йўл тутибди: боғга иккита бир хил мевали дарахт ниҳолини ёнмаён экибди. Уларни бир вақтда суғориб, бир хил парваришилабди. Лекин ниҳоллардан бирининг ортиқча шохларини кесиб, иккинчисига эса умуман тегмабди. Орадан уч йил ўтибди, ниҳоллар дарахтга айланиб, мева берадиган пайти келибди. Шохлари кесиб турилгани баланд ва чиройли дарахт бўлиб, мевалари ҳам кўп экан. Қай-

чи тегмаган ниҳолнинг, шохлари эса улар томонга тарвақайлаб, танаси қийшиқ бир дараҳт бўлибди. Бир-икки меваси эса майдалитидан кўзга ташланмас экан.

Боғбон хотинини чақириб дараҳтларни кўрсатибди ва тушунтирибди: “Мана бу дараҳтнинг ортиқча шохларини кесиб турганим учун бутун кучи асосий шохларига бориб, серҳосил бўлиши. Буниси эса ўз ҳолига ташлаб кўйганим учун мева бермайдиган, фойдасиз дараҳт бўлди. Унинг ортиқча шохларини энди кестган билан фойдаси кам. Тўғри парваришини ниҳоллигида қилиш керак эди”.

ХУЛОСА: Эй фарзанд, ота-онангнинг сенга берган танбеҳлари худди ниҳолнинг ортиқча шохларини кесиб ташлаганга ўхшайди. Шунда сен вақтингни бефойда нарсаларга сарфламай, керакли илм ва ҳунар ўргансанг, келажакда жамиятга фойдали одам бўлиб етишасан.

Бироқ, эслатиш маъносида,

Гап келди: Болага тез-тез танбеҳ бермаслик керак, чунки ҳадеб танбеҳ эшиитаверса, таъсир қилмайдиган бўлиб қолади.

Агар биз бир кунда бир неча марта болага “мумкин эмас”, деб танбеҳ бераверсак, бу сўзлар ўз қадрини йўқотади ва бола уни “Эй дўстим, бир пасга тўхтаб тур” деб қабул қила бошлиди. Навбатдаги гап “мумкин эмас” иборасини эшиитганда, аввалига бир муддат тўхтаб, қараб туради-да, сўнг яна ишини давом эттираверади. Баъзи болалар эса гапингизга эътибор ҳам бермайди. “Мумкин эмас” айтилавериб сийқаси чиқиб кетмаслиги, бу иборани бола “ҳозирча тегмасин” деб тушуниб, сиз чиқиб кетгач, қилаётган иши мумкинга айланмаслиги учун болани тергашда бир сўзни (иборани) кўп

марта ишлатманг. Масалан, дераза токчасига чиқиши ёки тупроқни оғзига солиш умуман мүмкін эмас. Сиз бу пайтда “мүмкін эмас”ни ишлатишиңгиз мүмкін. Қошиқни столга уриш эса кайфиятингиз яхши пайтида мүмкін-у, бошингиз оғриб турғанида мүмкін эмас. Энди сиз “кәрак эмас” ёки “ойингиңни боши оғрияны, столга қосыкни урма, болажоним” каби сұзлар билан тушунтириңг.

Аксарият ҳолларда тарбиячилар болаларни танбек ёмғири остида қолдириб, бир қисмігина тұғри бүлгап айбловларни құядылар. Бу танбекшілер тұғри бүлиши мүмкін, лекин болалар билан мұносабат усулига ному-воғиқ тарзда ифода этилган бўлади. Бундай үринсиз муомаланинг ўзи бола қалбини чилпарчин қилишга қодир. Мана бу ҳикояни эшитинг.

ҲИКОЯ

“Фахри коинот Пайғамбаримизга (с.а.в.) шарбат келтиришди. У зот (с.а.в.) олиб ичдилар. Ўнг ёnlарида ўсмир, чап ёnlарида ёши улуғ кишилар ўтираради. Шунда болага қараб:

Буни катталарга берсам майлими? деб изн сўради-лар.

Бола эса:

– Йўқ, Худо ҳаққи, сиздан менга теккан насибамни ўзим оламан, – дея жавоб берди.

Шунда Пайғамбар (с.а.в.) қўлларидағи косани унга бердилар. Бу йигитча Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) эди”.

Кўрдингизми азизлар! Пайғамбаримиз (с.а.в.) болада, деб эътиборсизлик қилмадилар, гўзал бир ифода ила болаларга қандай муомала қилишни таълим бердилар.

Ота ўғлига танбех берди:

– Сенинг ёшингда Наполеон энг аълочи ўқувчи бўлган.

Ўғил жавоб қайтарди:

– Сизнинг ёшиңгизда у император бўлган.

15.2. ФАРЗАНДНИНГ ОТА-ОНАСИНИ ТАНҚИД ҚИЛИШГА ҲАҚКИ БОРМИ?

Фарзандингиз ёшлигида ортиқча бош қотиришга сабаб бўладиган муаммо, тушунмовчилик туғдирмайди. Аммо катталашгани сайин, немис халқ мақолида айтилганидек, “кичкина бола – кичкина даҳмаза, катта бола – катта муаммо келтиради”. Кўпчилик ота-оналар болага қачон гапириш, қачон оғизни юмиш кераклигини ўргатадилар. Агар фарзандингиз сизга шундай қисаси? Болаининг катталарга ақл ўргатиши ғалати, аммо кўз юмиб бўлмайди, бу ҳаётда бор нарса.

Уч ёшли Жамшид ошхонада шоша-пиша овқатга уннаётган онасини ҳол-жонига куймасдан саволга тутарди:

– Ойижон, мушукнинг нимага думи бой, нимага у миёв-миёв қиляпти, мушукни ойиши қайелда, дадаши-чи?

Унинг бир-иккита саволига жавоб бериб шундоғам хаёли бўлинган онаси жеркиб берди:

– Ҳой тирмизак, ҳадеб бижиллайвермай бирпас нари тур, овқатимни пишириб олай...

Шу маҳал ошхонага кириб келган бувиси бир четда аразлаб турган неварасининг нима учун хафа бўлганини билгач, келинига танбех берди:

– Келин, ҳозир бу айни кўп савол берадиган ёшда, биз катталарнинг вазифамиз унинг саволларига сабр-тоқат билан жавоб бериш, бундай пайтда болани уришманг, хўпми?”

Хўш, сиз-чи, кичкинтой “нима-нимачи” ларнинг савол тўла хархашаларига не деб жавоб бергансиз? Мутахассисларнинг фикрича, турли буюмлар ва жони-ворлар, умуман, ўзини ўраб турган атроф оламга боланинг қизиқувчанилиги, шу ҳакда саволлар ёғдириши унинг истеъдоди белгиси ҳисобланар акан. Афсуски, боладаги бу каби қизиқувчаниликни бир лаҳзада йўқотиш ҳам уичалик қийин эмас.

Шу ўринда,

Гап келди: Азиз тарбиячилар! Болангизнинг бир кунда юз ва ундан ортиқ берган саволидан жаҳлингиз чиқмасин. Бунинг учун унга танбех берманг.

Савол бериш ёши – бола ривожидаги муҳим босқич. Бу пайтда юзлаб саволлар бериш мумкин. Бу давр кичкинтойга қандай таъсир кўрсатиши эса унинг ота-онасига боғлиқ. Айрим катталар боланинг серсаволлигидан аччиқланади, ваҳоланки, бундан хурсанд бўлиш керак. Чунки бу боланинг ривожланиши тўғри кетаётганигини исботлайди. Уч ёшдан беш ёшгача бўлган даврда бола бундай босқичдан ўтмаса, бунинг сабаби тўғрисида ўйлаб кўриш шарт! Ҳар қандай гўдак Киплинг эртагидаги филчага ўхшаб дунёдаги ҳамма нарсалар тўғрисида билгиси келади. Ҳозирча унинг учун маълумотнинг асосий манбаи – ота-она ва яқинлари ҳисобланади. Кичкинтойнинг наздида сиз унинг учун барча олим профессорлардан ақллироқсиз. Бундай юксак ишончни оқлаш керак! Улгайиш жараёнида кейинчалик у ўзига керакли маълумот ва ахборотларни китоб, ТВ кўрсатувлари, интернет ва кўчадан ўзлаштиришни ўрганиб олади.

ИБН СИНО НИМА ДЕЙДИ?

Машхур табиб ва донишманд Абу Али ибн Синодан сұрашибди: "Сиз шунча нарсани биласиз ва қила оласиз. Болалигингизда тендошларингиз орасыда әңг яхшиси бұлғандирсиз, а?" Йүқ, асло ундаі әмас, – деб жавоб берибди Ибн Сино, – атрофимда мендан анча ақларок үқувчилар бор әди. Аммо савол берувчилар орасыда әңг күчлиси мен әдим!"

Күриниб турибдикі, савол бериш қобиляти бир умр үзлаштиришимиз керак бўлган санъатдир. Ҳар биримиз ҳаётимиз давомида кўп марта одобсиз, беъмани, аҳмоқона саволларга дуч келганмиз. Агар гўдакка тўгри савол бериш ва тузишни ўргатсак, савол беришдан қўрқмасликни тушунтирусак, уни келажақда муваффақиятга эришишига кўмаклашган бўламиз. Ҳолбуки, биз катта одамлар тушунмаган нарсамиз тўғрисида бирордан такроран сұрашдан ёки суҳбатдошимизга үзимизни қизиқтирган саволни беришдан чўчиймиз ва хатога йўл қўямиз. Асосан саволларига жавоб ололмаган ёки савол беришни ўрганмаган болалардан айнан шундай одамлар пайдо бўлади.

Ҳа, савол бериш ҳам ўзига хос бир санъат. Танбех олиш ёки бериш ҳам бериладиган саволнинг ўринили ёки ўринисиз эканлигига боғлиқ.

15.3. Эҳтимол, бола тарбиясида мақтовга устуворлик бериш лозимдир?

Мақтов ҳаммага ёқади, бироқ ортиқча мақтов – бу оғу дейишиади халқимизда. Чунки кишини кўтара кўтар гаплар әмас, далиллар мақташи керак.

Саъдий Шерозийда шундай бир хикоят бор.

ҲИКОЯТ

Қаландар саҳро ўртасидаги қудук ёнида афтодаҳол ётган кучукка дуч келади. Ўзи ниҳоятда чанқаган бўлишига қарамай, дасторини арқондек қудукқа солиб, учига боғланган қалпоги билан мажолсиз кучукка қўлидан сув беради. Қаландарнинг бу ишидан хабар топган пайғамбар “Нега шу яхшиликни аввал мен қила олмадим?” дегандек, Яратгандан ўз гуноҳини сўраган экан.

Қиссадан хисса шуки, биёбонда қудук қазиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Зоро, кимнингдир корига яраш, тўғри маслаҳати, хуш табиати ёки ширин сўзи билан инсонларга наф келитирш – чин одамийликдир. Мақтов ўшандайларга ярашади.

Унутман!

Болаларингизни ҳадеб мақтайверманг, у катта бўлгач, чекишга ўрганган кишидек мақтов кашандаси бўлиб қолиши мумкин.

Шунинг учун мақташнинг қуидаги 9 та умумий қоидасини ёдда титинг ва имкон қадар ёшига қараб меъёрида мақтанг.

- Мақтов сўzlари айтишдан олдин, айнан нима демоқчи эканлигинизни ўзингиз учун аниқлаб олинг. Йўқса, сұхбатдошингизнинг кўнглини оламан деб, тескари натижага эришиб ўтиришингиз ҳеч гап эмас.

- Узундан узоқ мақтов сўzlаридан тийилганингиз маъқул. Чунки бунда, биринчидан, гапингиз чувалашиб, асл мазмун-моҳиятита путур етиши, иккинчидан эса, сұхбатдошингиз бу сўzlарингиздан зерикиши, сизни тинглаш унга малол келиши ҳам аниқ.

- Сұхбатдошингизнинг ҳамма биладиган жиҳатларига эмас, балки айнан қўпчиликка номаълум ҳислатларигагина эътибор қаратинг. Масалан, унинг ташқи

чиroyини эмас, күнгли тозалигини, меҳрибон эканлигини мақтасангиз, бу яхшироқ натижа беради ва куттаганингиздан ҳам аъло таассурот қолдиради.

• “Доимо”, “Ажойиб”, “Жуда”, “Гап йўқ” каби умумий сўзлардан, қолипга тушиб қолган иборалар ва жумлашардан қочинг. Мақтовда бевосита у ўуллананаётган одамнинг хислатлари қанчалик кўпроқ ва яхшироқ акс этса, унинг баҳоси ва қадри ҳам шунга яраша юқори бўлади.

• Мақтов сўзларини ҳар доим аниқ-тиниқ, дадил, табассум билан айтинг. Бундай пайтда иккилангандаи тутилиб қолишлар, чайналишлар, дилсўзларингиз самимий эмаслигига ишора бўлиши мумкин.

• Мақтовда аниқ фактларга таянинг. Масалан: “Сиз нима кийсангиз ҳам ярашади”, дейиш шунчаки кўнгилини кўтариш учун айтилган гап сифатида қабул қилинади. Аслида эса: “Сизга мовий ранг (ёки бошқаси)ли кийим жуда ярашади, очилиб кетасиз”, дейиш тўғрироқ бўлади.

• Чин дилдан айтилмаган мақтов даров сезилиб қолади. Шу боис кўнглингиздаги самимий, илиқ сўзларни тилингизга чиқаришга қийналсангиз индамай қўя қолганингиз маъқул.

• Мақтовни ҳар доим ўрнида ва вақтида айтган дуруст. Ўринсиз мақтов асабга тегиши мумкин. Масалан, ҳамкасбингизнинг муҳим тадбирдаги ажойиб маърузасидан сўнг шу нарса билан табриклиш ўрнига янги костюмини мақтаб турсангиз, ғалати туйилиши ҳеч гап эмас.

• Бошқа одамларга қойил қолишга, ҳавас қилишга қодир бўлишга интилинг. Ҳалқимизнинг: “Хасад билан эмас, ҳавас билан яшаш керак”, деган ҳикмати бекорга айтилмаган. Сиз яқинларингиз, ҳамкасларингизнинг яхши томонларини топиб мақтов сўзлари айтсангиз,

улар ҳам албатта сизнинг ижобий ҳислатларингизга эътибор қаратишади. Бу ҳақида ўзингизга чин дилдан фикр айтишади.

15.4. Қандай қилиб танбех ва мақтov мутаносиблигига эришилади?

Ҳадеб танбех бераверсангиз боланинг бети қотади, ҳаддан ташқари ошириб мақтасангиз талтайиб кетади. Ҳўш, шундай бўлмаслиги ва “олтин ўрта”ни топиш учун нима қилиш керак? Бунинг учун қуйидаги муҳим қоидаларга риоя қилишни тавсия этамиз. Фарзандингизга танбех бериш орқали:

1. Фикрлашни ўргатинг.

Сир эмас, биз танбехни кўпинча кўтара олмаймиз, уни бизга қарата отилган ўқ деб биламиз. Аслида танбех айниқса, танқид – инсон тафаккурининг ривожланиши, фикрлашини ўстирувчи воситадир. Сиз болангизнинг жим булиб сукут сақлаб ичимдагини топ дейдиган ҳолидан бўлишини истамоқчи эмасмисиз? Унда унинг ўйлашига ёрдам беринг.

Масалан: “Нега айтганимни қилмайсан?”, дея танбех бериш ўрнига “Ақлли бола отасига итоат этади” дея уялтириш, “Сигарет чакма” демасдан “Менинг ўғлим сигарет чекиш соғлиққа ўта зарар эканлигини яхши тушунади” дея онгига сингдириш самаралироқдир.

2. Тинглашни ўргатинг:

Боланинг туйғулари, кузатишлари ва қабул қилиши тинглашга арзийди ва бу боланинг ўзига бўлган ҳурматини оширади.

Сизга бирор нарса айтмоқчи бўлганида ҳақиқатдан ҳам унга вақт ажратса олмасангиз ҳозир банд эканингизни ва, албатта, вақт топишингизни айтинг. Гордоннинг “фаол тинглаш” услубида кўрсатилганидек,

фарзандларингизни ёнингизга чақириб, уни эшита-ётганингизни ва нима демоқчи эканини тушунтиришингизни айтинг.

Масалан, 7 яшар қиз бола шундай дейиши мумкин.

Қиз: “Дада сиздан жудаям жаҳлим чиқди, бошқа хонамга кирманг”.

Ота: “Жаҳлинг чиқдими?”

Қиз: “Ҳа, чунки сиз мени сирнанишга олиб бораман деган әдингиз, энди эса кеч бўлиб қолди”.

Ота: “Ҳа, тушундим, Сенга ваъда берган эдим, аммо устидан чиқолмадим. Бундан ҳафаман. Кечгача ишлаб сенга қўнгироқ қилишни унтушибман. Истасанг, эртага боришимиз мумкин”.

Фаол тинглашда оила бошлиқлари воқеаларга кўпроқ боланинг кўзи билан қарашга уриниши керак. Шунда бола ҳам ўз туйғуларига аҳамият берилаётганини англайди.

3. Таңбех беришга нима сабаб бўлганини билди-ринг.

Тўрт ёшли фарзандингиз ўйинчофини бешикда ётган укасига отгани учун жаҳлингиз чиқкан, дейлик. Бу ҳолатда жаҳлингиз чиққанини унга қандай билдирасиз? Профессор Томас Гордон таклиф этган энг сода йўл “мен” дейишдир. Яъни “Сен жуда ёмон боласан!” ёки “Сен аҳмоқсан” дейиш ўрнига “Сен шундай қилганингда мен ўзимни ёмон ҳис этаман”, “Сен ўйинчоқларингни отганингда менинг жаҳлим чиқади. Ахир унга зиён етказишинг мумкин эди”, дея таңбех беришингиз мумкин. Яъни сиз бу билан фарзандларингиздан эмас, унинг ножӯя ҳаракатидан жаҳлингиз чиққанини ифодалаган бўласиз.

Айрим қайдлар

Хоразмда шундай гап бор:

Хато қилган фарзандига танбех бериш ўрнига фалончиларнинг болаларидан яхши-ку, деб ўзини овунтирган ота-онанинг сўнгги пушаймонидан эшаклар ҳанграб, итлар кулади (Сафо Очил).

Бу ибора ҳаддан зиёд кесатиқ маъносини ташийди.

Ота-онанинг болага кўрсатган бундай меҳрибонлигидан устоз-ўқитувчининг оқилона танбехи афзал.

Ўз ташаббуси билан иш қилмоқчи бўлганда болага “Қўй, қўлингдан келмайди” деб, унинг ташаббусини бўғавериш уни ношудликка йўллашдир. Унга танбех беринг.

16.1. Насиҳат тошга ўйилган нақш

Насиҳат – бу яхши йўлга солиш, таълим бериш мақсадида айтилган гап; маслаҳат, панд, ўгит дейилган ўзбек тилининг изоҳли луғатида.

Насиҳат тингловчи бўла олиш, насиҳатга қулоқ тутиш, унга амал қилиш ҳам комилликнинг белгисидир. Инсон юрагининг қулоғи очиқ бўлсин, бундай одам насиҳатга қулоқ тутади. Менинг гапим тўғри, ҳамма ишим яхши, камчилигим йўқ, менга бироннинг ўргатишини хоҳламайман, деган одам мушкуллари осон бўлмайдиган одам, муаммолари ҳеч тугамайдиган одам, умуман, баҳтсизлик сари юраётган одам. Тарихда буюк уламолар, катта олимлар ва етук инсонлар ҳам вақти-вақти билан ўзлари ихлос қўйган одамнинг қошига бориб, “Менга бир насиҳат қилиб қўйинг”, деган илтижони қиласар эканлар. Бу деган насиҳатга қулоқ тутаётган ўзига танқидий қараётган, ўзидан қониқмаётган одам. Демак, у тараққиётдаги одамdir.

Улғаяётган болага берилган насиҳат тошга ўйилган нақшдек из қолдиради. Бола шундай тарбияланса, дини, ватани ва миллатига фойдали шахс бўлиб етишади. Бундай шахслардан таркиб топган жамият ҳам соғлом ва мустаҳкам бўлади.

Бир донишманд ўз ўғлига шундай насиҳат қилди:

– Үғлим, агар муродинг гулларини очилишини истасанг, шу 5 нарсага эътибор қил:

- Қахру-ғазаб оловини юмшоқлик суви билан ўчир;
- Аҳлоқсиз, тарбиясиз, бузук ишлар васвасасидан ҳазар қил;
- Ишларинг биносини тўғрилик узра қур, хиёнат йўлига қадам қўйма;
- Юз берган воқеаларни, ҳодисаларни чиdam билан бошқаларга ўтказ, сабр-тоқатни қўлдан берма.
- Хирс, тама, ифво, бирорга озор беришдан сақлан.

Истасангким етмагай сенга бало,
Бермагил ҳеч кимга озору жафо.

16.2. Ота насиҳатини олмаган ўғил

Қадим замонларда Шарқ мамлакатларининг бирида мол-мулки етти авлодига ҳам етиб ортадиган, бадавлат бир савдогар ўтган экан. Қўлга киритган бойликларнинг барчасига ўзининг ҳалол меҳнати билан эришгани учун ҳам у кибрга берилмабди. Аксинча, савдо ортидан келган фойданинг ҳаммасини фақирларга, ёрдамга муҳтож оиласаларга бераркан.

Фақат савдогарни бир нарса қийнаб келар экан. У ҳам бўлса яккаю ягона фарзандининг тақдири. Чунки ўғли унинг бойликларига ишониб меҳнат нималигини, қийинчилик нималигини билмай эртаю кеч танбалликда кун кечирапкан. Ёши бир жойга бориб колган савдогар ўғлига сўнгти бор насиҳат бериш мақсадида уни ёнига чақирибди.

“Ўғлим – дея гап бошлабди савдогар. – Менинг ёшим бир жойга бориб қолди. Қўлимдан келганича бойлик орттирдим, чексиз мол-дунё тўпладим. Бунинг эвазига

сен қийинчилик нималигини билмай ўсдинг. Аммо бойлик – қўлнинг кири. Бир кун келиб у сени ташлаб кетиши мумкин.

Шундай бўлмаслиги учун ҳам киши ҳар доим меҳнат қилиши, қўлидаги бойликни қандай сарф қилишни билиши керак. Сендан бир нарсанни илтимос қиласман. Ҳунар ўрган. Чунки хунари бор одам ҳеч қачон хор бўлмаган”.

Орадан кўп утмай савдогар ҳам бандаликни бажо келтириб бу дунёни тарқ этибди. Нотавон ўғил эса отасининг ўлимидан ҳам, бирор бир ҳунарни эгалламаганидан ҳам ҳеч қайғурмас, эртанги ҳаёти ҳақида ҳам ҳеч ўйламас экан. Чунки унинг ҳаёlinи банд қилган нарса шу экан: “Отамдан қолган мерос бутун умримга етади”. “Ётиб еганга тог ҳам чидамас” деганлариdek ўйламай қилган сарф-харажатнинг натижаси тез орада билинибди. Савдогарнинг ўғли ҳеч кўрмаган оғир кунларни бошидан кечира бошлабди. Шунда отасининг: “Ҳунар ўрган. Чунки хунари бор одам ҳеч қачон хор бўлмаган” деган насиҳати эсига тушибди. Энди унга амал қиласликнинг иложи йўқ эди.

Иложисизликдан яқин орадаги темирчига шогирд тушибди. Орадан уч-тўрт ой ўтса ҳамки савдогарнинг ўғли бу касбнинг сир-синоатларини эгаллай олмабди. Тўғрироғи, қийинчилик кўрмаган, меҳнат нималигини билмаган бу қўллар ишга сира кўниколмабди. Натижада у бу касбни эгаллашдан воз кечиб бошқа бир ҳунарни эгаллаш мақсадида қишлоқнинг энг кўзга кўринган новвойига шогирд бўлиб борибди.

Бироқ савдогарнинг ўғли бу касбнинг ҳам қийинчиликларига дош беролмабди. Шундан сўнг ҳам яна бир қанча ҳунарларни ўрганишга уриниб кўрибди. Лекин бирор ҳунарнинг бошини тутолмабди. Боши деворга урилиб, ўзини қўярга жой тополмай юрган кунларнинг

бирида туш күрибди. Тушида мархум отаси яна насиҳат берәётган экан.

“Үглим, шундай бўлишини билардим. Бойликка ишониб танбаллик кўчасидан юрдинг. Ҳунарни эгаллай олмаслигинг эса сенинг сабрсизлигингдан, иродасизлигингдандир. Бунда менинг ҳам айбим бор. Шунинг учун ҳам мен сени бу дунёдан қутқармоқчиман, қўлингдан келса албатта. Келали, бу иш келади сенинг қўлингдан. Ўзингни шу ётган уйингнинг шифтига ос. Бу менинг сенга сўнгги ёрдамим бўлади”.

Иигит уйғониб караса, тушида экан. Лекин дунёдан ростдан ҳам тўйганлиги эсига тушиб ўзини худди отаси айтгандай қилиб осмоқقا чоғланибди. Бироқ оғирликка бардош бера олмаган шифт таг-туги билан кўчиб тушибди.

Йигит ўзига келиб қараса, шифт қолдиқлари орасида бир халтacha турган эмиш. Қўлига олиб уни очиб кўрибди. Не кўз билан кўрсинки, халта тўла олтин эмиш. Қўзларига ишонмабди. Наҳотки, отасининг иши бўлса бу. Йигитнинг боши деворга урилгани учун ҳам бу гал у хисоб-китобини жойига қўйиб пулни ишлатибди. Ота касби – савдогарликнинг бошини тутибди. Ҳар бир ишини меҳр билан бажаргани учун ҳам унга барака ёғилибди. Тез орада ишлари юришиб, яхши ҳаёт кечира бошлибди.

16.3. Эликка элик

Болалар тарбиянинг 50 фоизини эшитиб, ўқиб ўрганиб олсалар, 50 фоизини кузатиб, кўриб ўзлаштирадилар. Демак, фарзандларимни яхлит тарбиялаб вояга етказаман, деган ота-оналар фақат насиҳату-ўгитларга берилмасдан, балки одоб-аҳлоқи, юриш-туриши, гап сўзлари, уйда ва кўча-кўйда муомала хатти-ҳаракати билан ўз ворисларига ИБРАТ кўрсатишлари керак.

Пайғамбаримиз Мұхаммад саллаллоҳи алайҳи вассалам: “Баҳтли киши бошқани күриб ибрат олган кишидир. Баҳтсизи – онасининг қорнида баҳтсиз бўлган кишидир. Албатта, ҳар бирингиз қабрга борасиз. Ҳар бир нарса охири билан баҳоланади”, – дейдилар.

Меъёрдан ошса

Панд-насиҳат тарбия учун зарур. Аммо у меъёрдан ошса, тескари натижа бериши аниқ. Бу борада эрамизгача таҳминан 4-эрамизнинг 65 йилларида яшаб ижод этган Рим ёзувчиси Сенеканинг:

“Насиҳатгўйлик билан яхшиликка олиб келиш мушкул, ўрнак кўрсатиш орқали эса осон”, деган фикрига доимо амал қилиб олиш лозим деб ўйлайман.

Демак, болаларга бериладиган ўгит қуруқ насиҳатгўйлик бўлмай, балки уларнинг қалбларига бориб етадиган ва эътиқодларига айланиб, амал қиласидиган шахсий намуна зарур.

Қадимдан ота-боболаримиз тарбия ишини сўз ва амал бирлиги билан бажариб, юксак натижаларга эришиб келган. Улар ёшларга панду насиҳатлар билан бирга, бевосита ўз турмуш тажрибаларидан ибратли мисоллар келтириб ҳаётнинг пасту-баланди, аччиқ-чучугидан сабоқ берган. Ўгитлар ҳаётий бўлган, яъни, ёшларга ўзлари бир умр амал қилган одоб-ахлоқ қоидалари, муомала ва муносабатларини ибрат қилиб кўрсатганлари боис, тарбия бобидаги ишлари ҳам сирли, ҳам ишончли кечган.

Отанинг сўзи:

Менинг айтадиган гапларимни сўзлаб, фарзандимнинг тили чиқади. Мен қиласидиган ишларни бажариб, фарзандим иш ўрганади. Менинг қилиқларим, одатларим, юриш-туришим, хуллас МЕН – фарзандим учун намуна.

Дарҳақиқат,

Гап келди: Бола қалбига ҳеч бир нарса ота-она ибратидек кучли таъсир этмайди. Бола фахм-фаросатни фақат ота-онасидан үрганиши мумкин. Бола учун кўз очиб кўрган ўз онаси ва отасидан яқин ва севимли одам бўлмаганинги учун у бенгтиёр ва тўла-тўкис уларнинг феъли-авторларини ўзлантириб олади.

Ибн Сино фарзандни болалигидан бошлаб фақат яхши қилиқларга ўргатиш, бу одатлар эса келажакда унинг характеристига айланиб, мустаҳкам иродали бўлиб етишишига замин яратади, дейди. Айниқса, ота-онанинг шахсий намунаси бола келажагини белгилаб берувчи омил эканлигини мисоллар асосида кўрсатиб беради. “Боланинг хулқини мўътадилликда сақлашга алоҳида эътибор бериш керак, уни эса болани қаттиқ ғазабланишдан, қўрқиш, хафалик ва уйқусизликдан сақлаш орқали эришилади”, дейди олим ўз асарида. Шунингдек, болани икки ёшдан бошлаб ҳам жисмоний, ҳам ақлий ривожлантириб бориш, мусиқа ва эртаклар эшлишига ўргатиш лозимлигини таъкидлайди.

16.4. Ибрат бўлишга лойикмизми?

Бола улғайиш жараёнида ҳамма нарсани асосан атрофидаги катталардан ўрганади. Улардан ибрат олишга, уларга тақлид қилишга интилиб ҳаётий тажриба орттиради. Энди ўзингиз қўпол ва бадхулқ бўлсангизу, болангизни чиройли хулқли ва одобли қилиб тарбиялайман, деб ўйласангиз хато қиласиз. Агар ўзингиз чексангиз ёки ичсангизу, умидингиз ва ҳаракатларингиз пучга чиқади. Агар ўзингиз ёлғон гапирсангиз ёки алдоқчи бўлсангиз,

болангиздан ростгўйлик ва омонатдорлик кутиб овора бўлманг.

“Қасосли дунё, қайтар дунё” деган гаплар бор. Ўзингиз ота-онангизга ёки бошқа яқинларингизга қандай муомала-муносабатда бўлган экансиз, бу нарсани фарзандларингиздан албатта қўрасиз. Ота-оналарнинг фарзандларига меҳнатнинг аҳамияти ҳақида ҳадеб ташвиқот қилишиларидан қўра, бир маротаба намуна қўрсатганилари маъқулроқдир, чунки бола эшитганидан қўра, қўрганига кўпроқ ишонади. Ўз навбатида фарзандингиз сизга қандай беодоблик қиласан ёки алам ўтказган бўлса, у ҳам фарзандидан албатта тортади. Занжир ҳалқалари каби бу нарса даврлар оша бир-бирига боғланиб кетаверади. Келажакда фарзандингиз ҳам сиз каби “авлодлар тўқнашуви” азобини тортиб юрмасин десангиз, ана шу занжир ҳалқаларини узиб ташлашингизга тўғри келади. Бу борадаги ажойиб ривоятларни ҳам кўп эшитгансиз.

Ривоят

“Бир йигит отасининг соқолидан тутамлаб ураётганига маҳалла-кўй шоҳид бўлиб қаттиқ изтиробга тушибди, “Инсон фарзанди отасини ҳам урадими” деб қайғу чекибди. Шунда кўпни кўрган бир отахон: “Бунга ажабланмасангиз ҳам бўлади, ҳозир хўрлик кўраётган киши ёшлигида отасини худди ҳозиргидай соқолидан тортиб урган эди, мана энди ўзига қайтди”, деган экан.

Ёки узоқ умр кўриб, фарзандларига малол келиб қолган отасини ўғил хотинининг маслаҳати билан шаҳар ташқарисига ташлаб келиш учун йўлга чиқибди. Чарчаб, бир дараҳт соясида дам олишга тўхтаганида отаси негадир жилмайиб қўйибди. Ўғли бунинг сабабини сўраса, “Бундан кўп йиллар муқаддам мен ҳам отамни адирга ташлаб келиш учун йўлга чиққанимда худди шу ерда тўхтаб дам олган эдим” деб жавоб қиласан экан.

Замондош олимимиз нима дейди?

Замондош олимларимиздан бири ёзганидай, “Барча нарса асли билан боғланган бўлса мустаҳкам бўлади, аслида узилган ҳар бир нарса хорлик ва харобликка маҳқум. Кишининг асли ота-онасиdir. Чунки унинг ўсиб-улгайиб камолига етиши уларга боғлиқ. Ота-онасидан узилган бирор кимсанинг толеи-бахти ҳануз баланд бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Ота-онадан узилиш уларни ранжитишидир. Уларнинг қалбига озор етказган, норози қилган ўғил ёки қиз “оқ”дир ва қаттиқ гоноҳкордир”.

Хулоса ўрнида,

Гап келди: Болани олимимиз айтган салбий жиҳатлардан халос қилмогимиз керак. Яхшилик уруғини унинг қалбига фақат ижобий таъсир кўрсатиш орқалигини сепа оламиз.

Сир эмаски, айни дамда авж олиб кетган уюшган жиноятчилик, маишатпарастлик, юлғичлик, талон-торожлик, фоҳишибозлик, гиёхвандлик, одам савдоси каби ҳодисаларни бола ўз кўзи билан кўриб турибди. У эшиттанига нисбатан кўрганига кўпроқ ишонади. Биз катта ёшдаги ота-оналар, тарбиячилар болага фақат ижобий ўрнак кўрсатишгагина ҳақлимиз. Сохта шуҳрат кетидан қувган шахслар ҳозир ҳам бор. Улар баҳорда униб чиқадиган замбруғ ва қўзиқориндек кўриниб кетаверади. Табиат ва жамиятнинг муайян қонуниятига биноан улар қачондир шарманда бўладилар.

Афсуски, улар ҳам ибрат бўлиши мумкин бўлган ота-она, aka-ука, опа-сингилларимиз-ку!

Шундай қилиб:

Биз фарзандларимиз учун қилишимиз лозим бўлган ишларнинг энг яхшиси уларга ўрнак олишлари учун яхши намуна бўлишдирип. Фарзандларингизни ўз мисолингизда тарбияланг, улар сизнинг феъл-авторингизни эслаб қолишади ва ҳатто сизга тақлид қилишга уринишади. Агар уларга бир гапни гапириб, кейин амалда бунинг тескарисини қиласидиган бўлсангиз, фарзандингиздан айриласиз. Фарзандларимиз учун уларни ўз мисаолимизда тарбиялашдан бошқа фақат бир иш қила олишимиз мумкин: хато қилишса, ёрдам қўлини чўзиш учун ҳар доим уларнинг ёнида бўлиш. Унчалик кўп эмас, шундай эмасми?

Бу хусусида шундай ҳикоятни келтирамиз.

Ота ва ўғил ҳикояти

Бир доно кучадан кетаётган эди, қараса, бир киши ўғлини уришиб турар, қизарип-бўзариб қичқира: “Йўқол, уйга келма, қорангни кўрсатма, қайга кетсанг кетавер!” дер эди. Доно киши яқин келиб, жанжалнинг сирини сўради:

– Кўрмайсизми отахон, – деди ҳалиги киши ҳамон ҳовуридан тушмай, – сўзимга қулок солмайди, ўртоқлари билан қаерлардадир довдираб юради...

Доно киши кулди, ҳалиги кишининг елкасига қўлини кўяркан:

– Биродар, баҳор янги келганда ариқлардаги сувга эътибор берганимисиз? – деб сўради.

– Ҳа, – деди ҳалиги киши.

– Суви тиник бўладими ёки лойқами?

– Аввал лойқа бўлади, ёзга томон тинади.

– Баракалла, – деди доно, – ёшлик ҳам баҳорга ўхшайди. Шунинг учун араблар: “Ёшлик – жинниликнинг бир тури” дейишган. Болани уриб, сўкиб, ҳайдаш билан тар-

бия бериб бўлмайди, аксинча, панду-насиҳат, ширин сўз ва меҳрибонлик билан тўғри йўлга солинади.

Рубоий:

*Болага бақирма, безлашиб кетар,
Куноллик танига узлашиб кетар.
Баҳорда селга боқ, момакалдироқ –
Ўқирса, суръати тезлашиб кетар.*

Инсон ширин сўзнинг фидойиси, айниқса, бола ота-онадан ширин сўз ва мақтov эшитса, кўнгли тоғдек кўта-рилади, юраги бутун бўлиб ўсади. Бемеҳрлик эса унинг муҳаббатини сўндириб, ихлосини қайтаради.

Рубоий:

*Болага кулиб боқ – кулиб боқади,
Кўзлари меҳрга тўлиб боқади,
Қичқирсанг, бақирсанг юраги қотиб,
Мехру мухаббати ўлиб боқади.*

Шундан сўнг доно боланинг олдига келди. Унинг қўлидан тутиб:

– Ўғлим, ҳеч бир ота ўз фарзандининг ёмон бўлишини истайдими? Ўз жигарбандига ёмонликнираво кўрадими? – деди.

– Йўқ, – деди бола.

– Баракалла, ўғлим, – деди доно киши. – Демак, отанг сенга нима деса, нимани буюрса, сенинг камолга етишингни кўзлаб қилади. Отанинг вазифаси боланинг хатосини кўрсатиш, тўғри йўлга бошлишдир. Ота ўз боласининг хатосини кўрсатмаса, бола охири хароб булади. Мана, эшит:

Хомтотк ила ҳар бир ток камолга етур,
Багри ҳаво олиб, шамолга етур.
Хомтотк қилинмаса инсон феъли ҳам,
Говлаб кетиб охирни заволга етур.

Шундай деб доно киши ўз йўлига равона бўлди. Бир оз юриб орқасига қаради ва ота билан боланинг қўл ушилашиб, уйга кириб кетаётганларини кўрди.

Ҳар бир болакайнинг отасига

Сени ҳақ ҳисоблар
Ҳар ерда, ҳар дам.
Унинг нигоҳида
Сен – одил ҳакам.
Неки қилсанг, доим
Сен унга ўрнак.
Сенга ўхшаш истар
Улғайгач, бешак.
У сени зийрак кузатиб,
Орtingдан борар.
Сузларингга қулоқ тутиб,
Овозинг ёдлар

У сендан олар ўрнак
Орзуси битта:
Сенинг ўрнингни босиш
Бўлиб тез катта.
Ўйлари ҳокимисан,
Олдда маёғи.
Сенга таянар у –
Кўзинг қароги.
Ишонади сўзсиз
Нима десанг ҳам
Қиёғанг сақланар
Унда ҳар дам...

Муаллифи номаълум

Мазкур шеър билан танишгач, уни келгусида яна бир ўқиш учун ушбу саҳифанинг бурчагини буклаб қўйсангиз, ажаб эмас.

ЖАЗОЛАШ ЁКИ РАҒБАТЛАНТИРИШ УСУЛИ

Жазолаш ва рағбатлантириш – таълим-тарбия жараё-нининг ажралмас қисмларидан ҳисобланади. Улардан түғри ва ўринли фойдаланиш эса ота-оналардан маълум бир педагогик ва психологик билимлардан хабардор бўлишини тақозо этади.

Таълим-тарбия мураккаб жараёндир. Унда қувончили ва баҳтли кунлар билан бирга ноҳуш ва ташвишли пайтлар ҳам бўлиб туради. Бола-бола-да, ўзи билган ё билмаган ҳолда бирор ҳатога йўл қўйиши, айбли иш қилиб қўйиши мумкин. Бундай пайтда ота-оналар, айниқса, ёш ота-оналар жунбушга келиб турган жаҳлини ютиб, вазминылик билан болага хатосини тушунтириб бериши ёки қилган айбига яраша одиллик билан жазо берлаши осон эмас.

Ёхуд, ишдаги ёки ўқишдаги муваффақияти учун кўрсатиласетган рағбатлантириш мезони ошиб кетмаслиги, болани талтайтириб юбормаслик учун нималарга эътибор бериш керак? Бу хил масалаларнинг ҳам ечими осонлик билан ҳал бўлавермайди.

Хўш!

17.1. Жазолаш нима?

Жазолаш ҳақида гапирадиган бўлсак, биз катталар кўпинча, жазолаш деганда болаларга дўқ-пўписа қилишни ёки жисмоний жазо беришни тушунамиз.

Ваҳоланки, боланинг қилган айбига қараб бериладиган жазонинг турли хиллари мавжуд. Булар: болага танбех бериш, уялтириш, бирор нарсадан маҳрум қилиш, таъқиқлаш ва шу кабилардир.

Психологларнинг кўрсатишича, бола бирор айб иш қилиб қўйгаңдан кейин бериладиган жазога олдиндан рухий жиҳатдан тайёр турар экан. Агар берилаётган жазо бола кутган даражадан ошиб кетса, бола ўз шахсини ортиқча таҳқирланган ҳисоблаб, берилган жазога нисбатан салбий муносабат билдиради. Аксинча, жазо кутилган даражадан пастрок бўлса, бу хил жазонинг смараси етарли бўлмайди. Дейлик, бир бола айби учун ота-онанинг койишини кутиб, ўзини шунга тайёр қилиб турибди. Иккинчи бир бола эса, ота-онам қилган айбимни кўрмаса, билмаса, деб уни яширишга ҳаракат қилиб турибди. Энди биринчи боланинг ота-онаси боланинг айбини кўриб, уришиб-койимасдан ўзининг қаттиқ, хафа бўлганлигини билдириб, индамай қўя қолса, бу болага кучли таъсир кўрсатиши, уни изтиробга солиши, виждан азобига қўйиши мумкин. Аксинча, ўз айбини яширишга интилиб, жазодан қочиб турган бола учун эса бу усул ҳеч қандай таъсир кучига эга бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам берилаётган жазо бола кутмаган формада берилса, унга кучли таъсир қиласди.

Ота-оналар ва биз катталарнинг асосий вазифаларимиздан бири – бола томонидан қилинган айб тасодифан бўлганми ёки бола уни билиб туриб қилганми, шуни аниқлаб, шунга яраша жазо беришдан иборат бўлиши керак. Ёш болалар, баъзан ўзлари билмаган ҳолда нотўғри ҳаракатлар қилиб қўйиши, уқувсизлиги орқасида бирор нарсани бузиб ёки син-дириб қўйиши мумкин. Бундай пайтларда болани уришмасдан, сабртоқат билан йўл қўйган хатоларини кўрсатиб беришимиз, тузатишимиш зарур.

Баъзи катталар болаларда фақат нұқсанларниғина күришади. Унинг яхши хислатлари шу камчиликтар соясида қолиб кетади. Кетма-кет танбекілар берилавериши натижасида болада қайсаrlик, тажанглик, серзардалик каби салбий характер-хусусиятлар таркиб то-падики, бу кейинчалик бола билан ота-она ва катталар уртасындағы муносабатларнинг ёмоналашиб, кескинлашиб кетишига олиб келади. Ёки болани ҳадеб ёмонала-наверилиши, унда “Хақиқатдан мен ёмон бұлсам керак”, “Мен тузалмас эканман”, деган тушунча онгига син-гиб кетиб, танбек ва жазоларга нисбатан лоқайд бўлиб қолади. Шунинг учун халқимиз “ураверсанг – эти қотади, сўкаверсанг – бети қотади”, деб бежиз айтмаган.

Болага қилган айби учун ортиқча зугум қилиш, тан жазоси бериш уни қўрқоқ ва ёлғончи қилиб қўяди. Бирор айб қилган бола ота-онасидан қўрқиб, қилган ай-бидан тониб тураверади. Агар бола қилган айбига икрор бўлиб, ундан афсусланаётган бўлса, узр сўраса, бу узрни қабул қилиш керак. Рус ёзувчиси М. Горький (1868–1936) айтганидек, ҳамма, ҳар доим инсонга, унда ёмоналиқдан кўра яхшилик кўп, деб қараш керак. Ота-оналар ва ўқи-түвчилар боладаги яхши фазилатлардан уни камчили-кларини йўқотишда фойдаланишлари зарур.

Бола айб қилганда узундан-узоқ панд-насиҳатлар қилиш, “биз сендеқ вақтимизда ундоқ эдик, бундоқ қил-ганмиз”, деб гапиравериш, болани, айниқса, ўсмирнинг энсасини қотириши, бу хил тарбиявий чоралар нисба-тан салбий муносабатлар кўрсатиши мумкин.

Яна баъзи оиласаларда жазо беришнинг ярамас бир формасини учратиб қоламиз. Яъни, болага қилинган айби учун иш буюрилади. “Шу қилган айбинг учун бугун уйни тозалаб чиқасан ёки томорқани чопиб қўя-сан”, дейилади. Бу ерда меҳнат қилиш бола наздида жазо бериш билан баробар бўлиб қолади.

Савол

Үғлим энди уч ёшга тұлди. У тобора қайсар, инжиқ бўлиб боряпти. Қандай йўл тушишни билмай ҳайрон қоламан. Жазолай, десам, ҳали кичкина. Нима қилай?

Сурайё, Жиззах

Жавоб

Жазолашга шошилманг. Болангиз қайсар эмас, балки қатъиятидир. Тўполончи ҳам эмас, ғайратли. Ахир бу сифатлар салбий хислат эмас, балки фазилат ҳисобланади. Тўгрими? Унутманг, бола ҳеч қачон сабабсиз инжиқлик қилмайди. Аввало, ана шу сабабни топишга ҳаракат қилинг. Бола билан айрим масалаларни муҳокама қилишни ҳам ўрганинг. Шунда у истак ва талабларини жанжалсиз, тўғри гап билан ифодалашни ўрганади. Аксарият ота-оналар болалари билан муроса қилишдан кўра буйруқ беришни маъқул қўришади. Агар болага ён берилса, нуфузим тушиб қолади, деб ўйлайдиганлар ҳам бор. Аслида, обрўга куч билан эмас, ақл билан эришилади.

Икки-уч ёшлардаги болаларни ўйнаб турганида, тўхтатиб овқат едириш мушкуллигини оналар яхши билишади. Кичкинтойлар "режаларини ўзгартириш"ни ёқтиришмайди. Бундай пайтда болани алдаб, диққатини бошқа томонга қаратиб олиш керак. Кейин овқатлантирсангиз бўлади. Чунки мажбурлаб овқат едиришнинг фойдасидан зарари кўпроқ. Бола қайсарлик қилиб турганида жазолаш ҳам бефойда. Умуман, шумлик қилиб қўйганидан кейин жазолаш мантиқиззик. Яхшиси, болани олдиндан тайёрлаб нима мумкин, нима мумкин эмаслигини қулоғига куйиб боринг. Бундан ташқари шундай ҳолатлар борки, болани жазолаш мутлақо мумкин эмас. Хусусан:

- уйқудан олдин ва уйқудан турган заҳоти;
- овқат маҳал;
- бирор жойи жароҳатланганида ва қўркқанида;
- бир ишга чин дилдан ҳаракат қилиб, уддалай олмаганида.

Болаларнинг кўнгли соғ. Улар алолатсизликни кўнгилдан ҳис қилишади. Агар ростдан ҳам айбор бўлиб, уларни жазоласангиз, сиздан хафа бўлишмайди. Болаларга, “сен эпсизсан, кўлингдан бир иш келмайди”, деган гапни такрорлайвермаслик керак. Кўнглига дарз етказишингиз мумкин.

Демак, “мумкин эмас”, деган тушунчани болаларга эмас, ўзимизга ҳам тез-тез уқтириб туришимиз керак экан.

Сурайёхон, сизга қуидаги тарбиялаш усулини қўлашни тавсия этамиз.

ТАРБИЯЛАШ УСУЛИ

Беш ёшли Нодиржон жуда шўх. Кунларнинг бирида уларнига қишлоқдан бобоси меҳмонга келди. Ҳалқимизда набирани “Данагидан мағзи ширин”, дейишади. “Мағиз қанчалик ширин бўлмасин”, лекин унинг катталарнинг гапига қулоқ солмаслиги бобосини анча ўйлантириб қўйди.

Якшанба куни эмасми, ота-она фарзандини бобосига ташлаб, бозорга кетишиди. Нодиржон эса уйни бошига кўтариб, у хонадан бу хонага юргани-юрган, ҳеч тиним билмайди. Бобо нимани қилма деса, аксинча, ўшани қиласи. Койиган билан фойдаси бўлмади.

Шунда бобо ҳовлига чиқди, бир муддат ўтгач, кўлида толнинг тахминан уч қаричча келадиган новдаси билан кириб келди. Сўнг эринмасдан унинг пустини шилиб, новдани челяқдаги сувга солиб қўйди. Бундай ғайри-

оддий ҳаракатларни диққат билан кузатиб турган набира қизиқсиниб, бобосидан нима иш қилаётганини сўради. Бобо пинагини ҳам бузмасдан: “Биласанми, Нодиржон, ёшлигимизда бобомизнинг айтганларини қилмасак, толнинг новдаси билан бизни обдон савалар эдилар. Бу хонаданга ҳам худди шундай тол хивич керакка үхшайди, шекилли, лекин бу оёққа қаттиқ тегиши учун у бир кечакундуз сувда туриши зарур”, деб жавоб берди...

Бозордан қайтган ота-она Нодиржонни умуман “танимай” қолишиди. Унинг хонаси саранжом-саришта, кийимлари шкафчага осиғлиқ, оёқ кийимлари тартиб билан териб қўйилган, ўзи эса бобосининг ёнида яқинда сотиб олинган Алифбони “хижжалаб” ўқиш билан машғул.

Эртасига келиннинг: “Челакка тол новдалари қаёдан келиб қолди”, деган саволига жавобан, бобо билан набира бир-бирларига кўз қисиб қўйишиди.

17.2. Жазолашдан мақсад, болани интизомли қилиш-ми?

Йўқ. Жазолаш – бу болани интизомли қилиш эмас. Афсуски, кўпчилик интизом ва жазони бир-бирисиз тасаввур эта олмайди. Аслида эса, улар бир-биридан кескин фарқ қиласи. Олайлик, интизом – болани ўзини-ўзи назорат қилишга ўргатиш, мақтов ва яхши муносабатларга асосланган бўлиб, узлуксиз давом этадиган жараёндир. Фақаттина жазолашнинг бош мақсадга айланиши эса – ниманидир бажармасликнинг нохуш оқибати бўлиб, уялтириш, шарманда қилиш ва хўрлаш каби воситаларга асосланади. Бундан олдинги даврларда яшаган, бир неча авлодга мансуб ота-оналар ҳам болаларини интизомга ўргатиш мақсадида уларни уришган ва бошқа жисмоний жазо шаклларидан фойдаланишган.

Аммо даврлар ўтиб, мазкур услублар замон чиғириқларидан ўта олмади. Сабаби – мутахассислар жисмоний жазолаш орқали болаларни интизомли қилиб тарбиялашнинг бир қатор салбий оқибатларини исботлаб беришди. Бунда энг асоратли жиҳат сифатида улар жисмоний жазоларга гирифтор этилган болаларни бошиқа одамларга нисбатан агрессивликка мойил ва енгилтак бўлиб улғайишининг эҳтимоли юқорилигини таъкидлашди.

Қолаверса, жисмоний жазолар болаларни қўрқоқ қилиб қўйиши ва ўша пайтнинг ўзидағина салбий хулқни бартараф этиши ҳам аниқланиб, жаҳон педагогикасида жисмоний жазодан фойдаланиш бутунлай таъқиқланди. Аммо айтиш жоизки, таълим муассасалари – мактаб ва МТМларда жисмоний жазолаш бартараф этилгани билан, айрим ота-оналар, болаларини интизомга ўргатиш жараёнида бу қадимий усулни қўллаб келмоқдалар. Натижада кичик ёшдаги болаларда сиқилиш ва ўзини ёлғиз хис қилиш баробарида, бошқалар билан бўлган муносабатларда гарчи яхши кўрсак-да, уларга озор бериш мумкин экан, деган хulosани пайдо қилмоқда.

Шу ўринда ТДАУ ўқитувчиси И. Турсуновнинг “Маърифат” газетасида (27.09.03.) чоп этилган мақоласини қўйида эътиборларингизга ҳавола қиласиз.

17.3. Ота камари: у тарбияда самара берадими?

Инсон учун дунёда фарзанди камолини кўришдан буюк орзу бўлмаса керак. Фарзанд – нихол. Уни эҳтиётсизлик билан эгиб, синдириб қўйиши мумкин. Афсуски, биз ота-оналар баъзан буни унугиб кўямиз.

Елкалари кенг, бақувват, баланд бўйли йигит 8–9 ёшлар чамасидаги болакай билан турарди. Бола қал-

тираганича отасининг қўлидаги камардан кўз узмасди. Отаси ўғли стол четида турган катта чинни чойнакни бехосдан тушириб юбориб, синдиргани учун жазолаётганди. Жазолаганда ҳам анчагача унутмайдиган қилиб жазолади. Болакай бундай “жазо”ларнинг қанчасини кўрмади, дейсиз. Мургаккина қалб бир умрга мана шу жазони унутадимикин? Умуман, агар она стол четига чойнакни кўймаганида болакай уни синдиրмасди. Муҳтарам ўқувчиларимиз ўйлаётгандир, бу отанинг қаҳри қаттиқ, бемеҳр экан, деб. У пойтахтдаги катта заводларнинг бирида бош муҳандис бўлиб ишлади. Ундан нима учун ўғлингизга ёмон муносабатда бўласиз, деб сўрадим.

– Мен ўғлимга ёмон муносабатда бўлибманми, ўйлаб гапиряпсизми? Ўғлимни яхши кўраман. Лекин унинг бефаросат бўлиб улғайишини истамайман. Фаросатли бўлиши учун уй анжомларининг қадрига етиши керак. Ахир, улар озмунча пулга келганми?

Отанинг яна шундай тушунчалари мавжудки, “болани тез-тез уриб туриш керак, шундагина у ота-онасини хурмат қиласиган, саранжом-сариштали, одобли-хушли бўлиб улғаяди”. Бу отага мана шу одат “ота мерос” экан.

Кўп йиллик ўқитувчилик фаолиятим давомида мен бундай жазо усуllibаридан фойдаланаётган ота-оналар ва ўқитувчиларни кўрганман.

Эсимда, 1987 йил олий ўқув юртини тугатиб, йўлланма билан Қумкўргон туманидаги қишлоқ мактабларининг бирига ишга бордим. Ўшанда бир ўқитувчининг айтган фикрлари ҳозиргача сира ёдимдан чиқмайди. “Мен ўқувчиларим гапга кирмаса, уй вазифасини тайёрлаб келмаса қандай ўқувчи бўлишидан қатъи назар, ёмон баҳо билан жазолайман. Уларга қўл кўтариб бўлмайди. Ишдан кетишинг, ҳаттоки судланишинг ҳам

мумкин. Лекин уйда ўғлимни тез-тез камарим билан уриб тураман".

Орадан анча йиллар үтди. Ўша ҳамкасбимнинг ўғли олий даргоҳни битиряпти. Бир куни машғулотлардан сўнг у ёнимга келиб, "Домла, хабарингиз бор, болалигимда отам мени айб қиласам-қиласам камари билан савалаб туради. У кипши онамнинг ёлворишларига ҳам кулоқ солмай, ҳатто юқори синфда ўқиб юрган кезларимда ҳам мени уришни қўймади. Камар азобидан қанчалик қийналганимни ўзимдан бошқа ҳеч ким билмасди. Ўтган йил мени уйлантиришди. Яқинда ота ҳам бўлдим. Лекин домлажон, юрагим жуда ғаш. Отам бир куни онамга "набирамни ўзим ҳақиқий йигит қилиб тарбиялайман, ҳеч қайсинг менинг ишимга аралашмайсан, деб қолди. Наҳотки, мен кўрган азоб-уқубатни отам энди неварасига ҳам раво кўрса?!"

Мен эртаси куни собиқ ҳамкасбимга мактуб битдим... Баъзан шундай воқеалар бўладики, эшишиб ҳайрон қоласан. Она ишдан келиб қичқира кетади. "Падар лаънати, уйинг куйгур, ишдан чарчаб келиб, дам олай десам қўймайсан, ҳайвон, нервимга ўйнайсан. Нима, мени гўрга тиқмоқчимисан?» Она отанинг қаердандир камарини топиб олиб фарзандини савалай кетади.

Ачинарлиси шундаки, баъзи ота-оналар ҳатто ўз қизларини ҳам тез-тез камар билан "сийлаб" туришар экан. Қиз болага ота қўл кўтарса ўша қиз баҳтсиз бўлади, деган гап бор. "Мен 2000 йили пойтахтнинг Ҳамза туманидаги 153-мактабда рус синфларига ўзбек тилидан дарс бергандим. Ўшанда Таня К. исмли ақлли, зийрак, билимли, одоб-ахлоқли қиз ўқирди. Таня ўзбек тилини шунчалик мукаммал эгаллаган эдики, у бемалол Алишер Навоий, Муқимий, Нодирабегим каби мумтоз шоирларимизнинг ғазалларини ва замонавий шоирларимиз шеърларини ўта маҳорат билан ёдан айтиб берарди.

Ўқув йили якунланай деб қолган паллаларда Таня тез-тез дарс қолдирадиган бўлди. Бир куни Таняларникига кириб ўтишга қарор қилдим. Унинг ота-онаси яхшигина “тарбиячи” бўлиб чиқди. Отаси менга чой куйиб узатаркан: “Ўзингизга маълум, қизимизнинг ўқишидан доимо хабар олиб турамиз. Театр, концерт, циркка олиб борамиз. Лекин у нимагадир шу кунлари одамови бўлиб қолди...”, – деди.

Дадаси тўғри айтятти, мана, кеча ҳам уни камар билан роса савалади, – мақтаниброқ гапирди онаси.

Нега? – дедим ҳайрон бўлиб.

Уйга кеч келадиган бўлиб қолди. Кеча бир нотаниш йигит кузатиб келибди. Ахир, ҳозирдан шундай юришларининг олдини олмасак, эртага у юзимизни ерга қаратиши мумкин, – деди отаси ғазабини яширмай.

Қиз бола гул япроги, ўйланмай қилинган муносабат унинг тўкилишига олиб келади. Оқибати эса аянчли бўлади.

Мен талабаларнинг ҳаётини ўрганиш мақсадида улардан куйидаги саволга жавоб олдим. “Ота-онангиз ёшлигингизда сизга қандай муносабатда бўлишган?”. Натижалар куйидагича:

100 нафар талабадан 40 нафари доимо бўлар-бўлмасга ота мушти ёки камаридан “баҳраманд” бўлиб турган. 21 нафар талаба ота-онасидан гарчанд “тан жароҳати” олмаган бўлса-да, аммо сўкиш, ҳақорат эшитишни “ёмон ишлари” учун канда қилишмаган. 30 нафар талаба ота-онасидан уларнинг яхши муомалалари учун умрбод миннатдор эканлар. Қолган 9 нафар талаба ота-онасининг “буйруғи” ҳамда “талаби” билан ўз акалари ёки опалари томонидан тез-тез калтакланган.

Шу ўринда битта савол туғилади: хўш, болаларнинг ота-онаси томонидан жазоланишида биз ўқитувчиларнинг айбимиз йўқми? Ўқувчининг кундалик даф-

тарига бұлар-бұлмасға қониқарсиз хулқ ёзиш ёки арзимаган айби учун ота-оналарни мактабга чакиравериши шартмикан? Фарзанд – оила меваси. Үнинг яхши пишиб етилишида, оила боғбонлари – ота-онанинг үрни катта. Уни куртаклигіда бехосдан синдириб құйсанғыз, сұнг...

Фарзандни ота-боболаримиз белбоғта, камарга тенглаптирали. Бу пуштикамарингиз вакти келиб белингизга күч, күзингизга нур бўлишини унугманг. Афсуски, болаларни “жазолаш” мавзуси ҳақида радио, телевидение, матбуотда деярли чиқишилар йўқ. Олимларимиз бу мавзуда кўзга кўринарли ишлар қилган, деб айта олмаймиз.

Ўзбек педагогикасининг асосчиларидан бири Махмудхўжа Беҳбудий ўзининг “Рисолаи асбоби завод” (1904 йил) ва “Китобатул атфол” (1909 йил) рисолаларидан болага берилган яхши тарбия ҳалқ учун, жамиятга ва юрт фаровонлиги учун замин яратишидир, деса, Абдулла Авлоний “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” китобида болага етказилган маънавий заар оиласа, қолаверса, жамиятга етказилган заарадир, дейди.

Шундай экан, бизнинг келажагимиз, ифтихоримиз бўлган болаларимизни авайтайлик.

Мақоладан хулоса шуки, фарзандлари қалбига йўл топа олмаётган, улар билан мурosalари келишмаётган ота-она камарини ишлатишдан олдин аввало, ўзларини үнинг үрнига қўйиб кўришса, ана шу фарзандлари ёшида ўзлари қандай фикрлашган ва қандай иш тутишган бўлар эди, шу ҳақда жиндай мулоҳаза юритишиша, ҳамма нарса жойига тушади. Бунинг устига давр, замон орасидаги фарқни ҳам унутмаслик керак: замон ҳеч қачон бир жойда қотиб турмайди. У ўзгариб, тараққий этиб туради. Кечагина ардоқланган нарса бугун эътибордан қолиши, ёки аксинча, кеча қадри бўлмаган бир қадрият бугун энг қийматли нарсага айланиши мумкин.

Агар ана ўу омиллар эътиборга олинмаса, “хозирги ёшларга қойил қолмадим, бизнинг давримиизда бундек қиласардик, бизлар мана бундек эдик” каби маломат ва надоматлар кўпаяверади, катталар ва болалар ўртасида зиддият ва тўкнашувлар, бақириш-чақиришлар, асабийлашишлар авжга минаверади.

Қўйидаги икки маизара хусусида ўзингиз тегинили хулосалар чиқарарсиз деб ўйлаймиз.

АЙТГАННИ ҚИЛГАН ФАРЗАНД

Ривоят қилишларига қараганда, Мусо алайхиссалом яшаган асрда касби дурадгор бир кимса бўлиб, Парвардигор унга танҳо ўғил ато этган экан. Унинг ўғли ўн саккиз ёшга етганда шаҳарнинг энг барно йигити бўлиш билан бирга ақл-одобода ҳам ҳаммани лол этар даражада экан. Айниқса, чавандозлик ва уруш санъатини мукаммал эгаллабди. Кунлардан бир кун ота эрта тонгда шаҳарнинг Чорсусига ўғлини олиб келибди-да, одамлар гавжум паллада уни қамчилай бошлабди. Унинг бундай ҳаракатидан донг қотган одамлар:

– Нега шундай алпқомат ўғлингни уряпсан? – дея сўрабдилар.

– Бу ахмоқ айтганини қиласи-да, – деб жавоб қилибди ва янада қаттиқроқ қамчилай бошлабди.

Оломон бу уста умуман эсини еб кўйибди, деб бошини сарак-сарак қилганча афсус-надоматлар билан йўлларида давом этишибди. Уста эса уч кунга қадар ҳар куни ўғлини Чорсуга бошлаб келар, уни кечгача савалар экан.

Бу ҳолни ҳар куни кузатган одамлар бечора ўғлига юраги ачишиб, “оҳ” тортсалар, бешафқат отанинг бундай ишидан нафратланиб, уни қарғар эканлар. Ва ниҳоят тўртинчи куни пешинга яқин ўғлини савалаётган

устага ўн олти ёшлар атрофидаги парилардай гўзал қиз яқинлашибди.

– Отахон, ўғлингиз қандай гуноҳи билан бундай жазо-га лойик топилди?

– Кўрмайсизми, қизим, – уста ҳаракатидан тўхтаб-ди, – бу ўғил айтганини қиласади-да.

– Ундан бўлса, – дебди қиз жиадий оҳангда, – уни яна-да каттиқроқ жазоланг.

Қизнинг бу гапини эшитган оломон ҳайрон бўлиб, “бу қиз бунча бешафқат” дея қичқира бошлабди. Оло-монни тинчлантирган катта ёшдаги бир киши қиздан оҳиста сўрабди:

– Қизим, нега бундай қарорга келдингиз?

– Отахон, – мулойимлик билан жавоб қила бошлаб-ди қиз, – асл инсон бир киши бирор ишни айтмасидан аввал қила билмоғи лозим. Итни итлиги шундаки, у айтганингизни киласади. Одамнинг одамлиги эса фикр-лаб, ўзи билиб иш қилишида.

Оломон қизнинг жавобидан лол қолибди ва унга таъ-зим килиб, тасаннолар ўқишиди. Уста эса ўғлини ўша қизга уйлантириб, кўнгли хотиржам тортибди.

Киссадан ҳисса шуки, барчамиз ўз ишимизни ўзимиз билган ҳолда қилайлик ва Аллоҳ шундай фарзандларни ато этган бўлсин.

ОТАСИНИНГ АЙТГАНИНИ ҚИЛГАН ЎФИЛ

Бола пешонасида икки тақдир – икки хил йўл мав-жуғудлигини дарров фарқлай олмайди. Буни фарқлагунча борлиқдаги ҳодисалар уни кўп гангитади. Ана шундай гап чиқиб юрганда катталарнинг муносабатлари ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қиласади. Қуйидаги ҳаётий воқеа ана шу ҳақда.

ОТА ҮФИЛ

(Күш уясида күрганини қиласы) “Қаны, аканғизни битта сүкиб қўйинг”... Болакай үзича ғудраниб сўкинди. Ота қийқираб кулди. “Ота үғил-да, бу акаси, ҳақиқий ота үғил. Қаны, мана бу ўртогингизни бир йиғлатинг-чи”, яна ҳай-ҳайлади ота. Болакай иккиланмай үзи тенги жимгина ўйнаб ўтирган қўшнисининг ўғлини юзига чанг солди. Калтак еган болакайвой-войлаб қолади. Онаси уйидан югуриб чиқди-да, йиғлатётган ўғил-часини опичлаб олар экан: “Э, уялинг-е қўшни. Шу иш ёшингизга мосми?” – деди.

– Ҳа, энди йигит-да қўшни, битта калтакка шунчами? Үғил бола-да, – дея хиринглади.

– Э садақаи гап сенга, – дедио қўшни аёл бурилиб уйига кетди. Йиллар бир-бирини қувиб болакай ҳам улғайди. Мактабга борган тенгдошлирига ҳам ҳар нарсага сўкиши ўқитувчини ота хузурига бошлади. “Ҳали отангга бориб бир адабингни бердирмасамми?” Бола парво ҳам қилмади. Ўқитувчининг арз-додини тингланган ота унга насиҳат қилди:

– Йигитчиликда бўлиб туради-да, сўкса сўкибди. Нима қилибди? Бироз эркароқ, улғайиб қуишилиб қолар.

Ҳафсаласи пир бўлган ўқитувчи отанинг бу қадар бепарвонигига жаҳли чиқиб: “Билмадимов ҳозирдан шу кетиши бўлса кейин ўзингиздан кўринг”, – дебди.

Йигитчиликнинг хунар танлаш, ўз йўлини топиш йўлига келганда, ота ўғил бир-икки шўх болаларга қўшилиб ичкилик ичди. Уйга илк марта гандираклаб келган ўғлини кўрган онанинг капалаги учиб кетди. “Вой отаси, қаранг, ўғлингиз маст-ку”. Ота ўғлига қарап экан завқланиб кулди. “Йигитчилик онаси, ичса-ичар, демак у улғайибди. Ҳақиқий эркак бўлибди”. Ўғлини қўлла-

ридан судраб жойига ётқизар экан яна тақрорлади: – “Шундайми ота ўғил шундай паҳлавон, ҳик-к”.

Ота ўғил энди ҳақиқий ота ўғилга айланганди. Аввалига оз-оз ичиш кунда-шунга айланиб ултурган эди. Камига чекиш ҳам аллақачон нашага ўтиб ултурган эди. Ота ҳам аввалгидек ёғли жойда ишламас. Камирии билан ёши бир жойга бориб қолган эди. Ота ўғил кунда жанжал қилар, ичиш-чекишига пул тополмас, отасини уйдан уйга қувиб калтакларди. Она-ку ўғлининг хароб ҳолини кўтаролмай ўтиб кетди. Ўғил на йиғлади, на куяди. Ахир у йиғлашни билмасди-да. Калтаклар зарбидан кўкариб кетган баданини ота силар экан, бир савол бошида тинмай айланарди. Қаерда хато қилдим? Нима қилдимки, ўз ўғлим ўз отасини шунча азобласа? Қаерда адашдим, экан? Поёни йўқ саволларни ўз-ўзига берар экан, ота тайинли жавоб тополмади. Бу пайтда эса ота ўғил ҳаддан зиёд эркинликнинг қулига айланиб ултурганди.

Киссадан ҳисса ўрнига,

Гап келди: Хурматли ота-оналар!

Агар болангизни чиндан бўйсиндиришни, сўкинмаслиги, ёмон сўзлар айтмаслигини истасангиз, ўзингиз унга намуна бўлинг. Одатда, бола сиз, ака-укалари айтган сўзларни ўзингизга қайтаради. Боланингхатосини қўйиш биланэмас фақат ва фақат далиллаш орқали тўғирлашингз мумкин. Кимки боласини хатоси учун “хайвон” деса, бола бу гапни бошқа одамга айтса, ҳайрон бўлмасин. Қилинган хатони яхши гап ва тушунириш билан эмас, сўкиш, уриш, жазолаш билан тўғирлаш керак экан, деган хулоса болага сизни қилган хатоингиз

учун “танқид қилишга” асос бўлади. У сизга индамаслиги ҳам мумкин, аммо муносабати салбий томонга ўзгариши аниқ. “Урушсанг, яна сўксанг, сен билан гаплашмайман” – бу боланинг нотўғри йўлдан кетаётганини кўрсатувчи энг тўғри огохлантиришилар. Истаймизми, йўқми болаларимиз – бизнинг аксимиз. Болангиз гарбия кўрган бўлишини истайсизми, демак, ўзингизни ҳам қайта тарбиялаш вақти келди. Голландлар айтганидек, отилган ўқ ва тарбияни ортига қайтариб бўлмайди.

17.4. РАҒБАТЛАНТИРИШ НИМА?

Энди тарбия жараёнида рағбатлантиришнинг аҳамияти хусусида гапирадиган бўлсак, рағбатлантириш болаларда ташаббусни ривожлантиради, руҳини кўтарилиши, қилаётган ишидан фаҳрланиш ҳиссини вужудга келтириб, катталар билан болалар ўртасида илиқ муносабатларни вужудга келтиради.

Рағбатларнинг ҳам хиллари кўп. Масалан, ота-онанинг маъқулловчи назар ташлаб қўйиши, ёшроқ болаларни ўпич билан сийлаш, бошқаларга намуна қилиб кўрсатиб, оила даврасида мақташ, кинотеатрларга навбатдан ташқари олиб бориш ёки юбориш, оиласидан байрам уюштириш, бола яхши кўрадиган нарсаларни совға қилиш кабиладир.

Педагог олимларнинг нуқтаи назарича, болалар ўзларини қадрлашаётгани ва рағбатлантираётганинг ҳис этмаслик, албатта, хулқларини ўзгартиради. Бунинг учун эса тарбиячи, педагог ва ота-оналар ўз олдиларига мақсадни тўғри қўя олмоғи зарур. Куйидаги жазо ва интизом орасидаги фарқларни билиб олиш эса

уларнинг бу йўлдан биринчи қадамни ташлашларига катта ёрдам беради. Одатда:

Интизомга ўргатиш мақсадида иш тутганда:

- асосий эътибор бола нима қилиши кераклигига қаратилади;
- бу узлуксиз жараёндир;
- ўрнак кўрсатилади;
- ўз-ўзини назорат қилишга олиб келади;
- болаларни ўзгаришига ёрдам беради;
- ижобий ҳисобланади;
- боланинг ўзини мустақил тутиши маъқул кўрилади;
- болаларни ўйлаб иш қилишга рағбатлантиради;
- ғуурни ўстиради;
- ахлоқни шакллантиради.

Жазолаш мақсадида иш тутганда:

- асосий эътибор бола нима қилмаслиги кераклигига қаратилади;
- бу бир марта содир буладиган ҳодисадир;
- бўйсунишга мажбур қилинади;
- мустақилликка путур етказади;
- катталар бор аламини тўкиб солишиади;
- салбий ҳисобланади;
- болани ота-она қандай талаб қиласа, ўзини шундай тутишга мажбур қилади;
- бола учун ота-онаси фикрлайди;
- ғуурни йўқ қилади;
- ёмон хулқ танқид қилинади.

Шуниси қизиқки, кичкентойларнинг идеаллари катталар – ота-она, ўқитувчи ва тарбиячилар ҳам баъзида уларнинг кўз ўнгига, айниқса, болалар одоб доирасидан

чиққанда ёки гапларига кирмаганда қаттиқ ғазабланишади. Ваҳоланки, бундай ҳолатларда қўлга эрк бериш ёки оғзаки ҳақоратлаш керак эмас. Кичкинтойларни интизомга ўргатишнинг муҳим воситаларидан бири унга ўзини қандай тутиш кераклигини кўрсатиб беришдири. Болалар катталарнинг ўзаро муносабатларини қузата туриб, ўзини-ўзи назорат қилиши тўғрисида кўп нарсаларни билиб олишади. Натижада катталар бир-бирлари билан ижобий муносабатда бўлаётганини кўрганликлари боис, ўзлари ҳам бошқалар билан айнан шундай муносабатда бўлиши лозимлигини тушунадилар.

17.5. Совға қилиш ҳар доим ҳам рағбатлантиришми?

Совға қилишни тез-тез қўллаш яхши натижада бермай қўйиши, бола тамагирроқ бўлиб, ҳар бир мувоффақияти ёки яхши иши учун совға-салом кутадиган бўлиб қолиши мумкин.

Бола қилаётган ишини мақтов учун ёки бирор совға олиш учунгина қилишга ўрганмаслиги керак. Айрим ота-оналар фарзандларига: “Агар синфни аъло баҳоларга битирсанг, велосипед олиб бераман”, – деб ваъда беришади. Бола яхши ўқиш учун, ҳаракат қилиши мумкин. Лекин унинг аъло баҳоларга ўқишга қилаётган ҳаракати ҳақиқий билим олиш учун эмас, балки совға олиш учун қилиняпти.

Боланинг ҳар қандай фойдали, мақбул хатти-ҳаракатлари тақдирланиши, рағбатлантирилиши лозим. Айтайлик, бола математикадан бўладиган контроль ишга икки-уч кун зўр бериб тайёргарлик кўрди ва охир натижада “аъло” баҳо олиб келди. Агар ота-она унинг қувончига шерик бўлмасдан, лоқайдлик билан муноса-

батда бўлсалар, бола бундан азият чекиши, қўнгли чўкиши мумкин. Чунки унинг меҳнати ўқитувчилари томонидан “аъло” баҳо билан тақдирланди, лекин ота-она томонидан эса муносиб тақдирланмай қолди.

Азиз ота-оналар! Тарбиячилар!

Инсондаги рағбатга эхтиёжмандлик Аллоҳдандир. Болаларнинг ҳар бир тӯғри ишини пайқаганимизни ўзига билдирайлик ва ташаккур билдиришни ҳам унумайлик. Бола кичкина жони билан бизни рози қилишга тиришиб, тирмашади ва розилигимизни олади.

Илоҳим, бу инсоний фазл ва роҳатлар унинг боласига ҳам ўтсин!

Бола ўқишни эплай олмаётгани учун койиш қўпинча тескари натижа беради ва, аксинча, кутилмагандан мақташ ва рағбатлантириш, унинг арзимас муваффақиятига биргаликда хурсанд бўлиш, ўргатиленган ожизлик туғдирадиган иложсиз аҳволдан чиқишга кўмаклашади, ўз кучига ишониш туйғусини уйғотади, ҳаракатга ундаиди.

Яна бир қўшимча гап:

Буюк ихтирочи олим Эдисонни ёшлик пайтидан ҳар куни эрталаб фақат бир сўз айтиб уйғотишар экан:

– “Туринг граф, сизни буюк ишлар кутмоқда!”.

Бундай муомаладан ҳар қандай бола ҳам улфайиб ҳақиқатдан буюк ишлар қилишга чорланишдан бошқа иложи йўқ.

Хуолоса ўрнида,

Гап келди: Қаттиқўллик ҳам, меҳрибонлик ҳам, буйруқ ва маслаҳат ҳам, танбеҳ ва мақтov ҳам, насиҳат ва ибрат ҳам, рағбатлантириш ҳам, жазолаш ҳам меъёрида қўлланиб турилса, энг муҳими асосли

ва ўз вақтида берилса, таълим-тарбия самарали натижалар беради.

Меъёрбузиларэкан, тарбия ҳамайнийверади. Овқатга солинадиган туз кўпроқ тушса – шўр, камроқ тушса – бемаза бўлишига ўхшатаман бу ҳолатни.

Шундай қилиб:

Фарзанд тарбияси тўғрисидаги юқорида айтилган гаплар ҳаммаси бир-бирини қувватлайди, тарбия усулидаги турли даражаларни билдиради. Солих фарзандни вояга етказиш учун онанинг пок бўлиши, шубҳали таом ва шароблардан парҳезкор бўлиши, фарзанд дунёга келганда Расулуллоҳ (с.в.а.) айтганлариdek усулларни қўлаш, тарбия билан асосан аёлларнинг шугулланишлари, қўкрак сути билан тўла икки йил эмизиш, тилни, одоб-ахлоқни, одамларга муомалани онадан ўрганиш – буларнинг ҳаммаси бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлган тарбия воситаларидир. Булардан ташқари ота-она-нинг одоб-ахлоқ, диёнат, ҳалоликда, ширин муомалада ўзларининг намуна бўлишлари, айтган сўзларига амаллари муносиб бўлиши фарзанд тарбиясини мукаммал бўлишга олиб келади.

Ўғиллар оталарини, қизлар оналарини кўриб, ҳавас қилиб ўшалардек бўлишга интиладилар. Аллоҳ таоло ҳар бандага инсофли фарзанд ато этсин. Куръон оятларида таълим берилганидек: “Эй Роббимиз, бизларга оналаримизни ҳам, зурриётларимизни ҳам кўз қувонтирадиган қилгин”. Омин!

Яна бир муҳим якуний гап.

Азизлар! Биз “роббимиз Аллоҳ!” деймиз. “Роббим” сўзининг луғавий маъноси – Тарбиячи дегани. Яъни, Аллоҳ – тарбиячиdir. Демак, ота-она ҳам бош тарбиячининг кўрсатмалари асосида фарзандини тарбия-

лаши керак. Масалан, бир ота-она қизига зирак ёки узук олиб берди. Лекин булар ўткинчи нарсалар, чунки улар емирилиши, қиймати йўқолиши мумкин, лекин, тарбия йўқолмайди. "Отасига раҳмат, тилла соат олиб берибди", демаймиз. "Отасига раҳмат, яхши тарбия берибди", деймиз. Агар ота-она фарзандига тилла узук олиб берса, у факат боланинг кўнглини кўтариши мумкин, бошқага ҳеч қандай фойда бермайди. Агар ота-она фарзандига яхши тарбия берса, у жамиятга, атрофидагиларга наф беради. Ота-она фарзандини яхши тарбияласа, унга қуёш ҳадя қилгандек бўлади. Қуёш эса ҳаммага нур сочади.

Отаси меҳнат қилдирмай эркалатса, унинг устига онаси ардоқлаб пайпасласа, ундан бола эл-юртини хурматламайди.

XVIII БОБ

ФАРЗАНД ТАРБИЯСИДАГИ БЕШТА ХАТО

Ҳар бир ота-она ўз фарзандини құлидан келгани-ча ва ҳаётта бўлган муносабатига қараб тарбиялайди. Ёнингизда бурнини тортиб, қўзларини ишқалаб турган “айбдорни” ўзингиз ҳохламаган ҳолда, минг бор виждан азобида уришасиз. Балки фарзандингиз бундай хатога йўл қувишида сизнинг ҳам айбингиз бордир. Қуидаги хатолардан холоса чиқариб, уларни такрорламасликка ҳаракат қилинг.

18.1. Биринчи хато

“Мен сени яхши кўрмайман”, “Агар мен истагандай бола бўлмасант, мен сени яхши кўрмайман”.

Ота-она фикри: Нега фарзандларимиз ҳар бир илтимосимизни муаммога айлантиришади? Ёки улар атай-лаб шундай қилишармикан? Уларни тартибга чақириш керакми? Бундай пайтда уларнинг қулогига гап кирамиди? Кўрқитиш шартмикан? Бу ҳам фойда бермади. Ана шундай пайларда кўпгина оналар “Ойижонинг энди сени яхши кўрмайди” иборасидан қурол сифатида фойдаланишади.

Рұхшунос фикри: Ривоят қилишларича, Пайғамбар алайҳиссалом болаларга ўз меҳр муҳаббатларини ҳатти-ҳаракатлари билан ҳам, сўзлари билан ҳам исбот этганлар. Кўп ривоятларда айтишадики, неваралари Ҳасан ва Ҳусайинни қучоқлаб ўпгач “Ё, Раббим! Мен буларни яхши кўраман. Сен ҳам сев.”, деганлар.

Куйидаги ривоят ҳам пайғамбаримизнинг болаларганисбатанхуддишундай муносабатдабўлганликларидан далолат беради. Бир куни ул зот туйдан қайтиб келаётган аёлларни кўриб қоладилар. Уларга қараб: “Валлоҳи, сизлар мен учун Ҳақниңг энг севғанларисиз, – дейилар. Бир ривоятда “Аллоҳга қасамки, сизларни яхши кўраман”, – дейилади.

18.2. Иккинчи хато

Бу дегани “Истаганингни қил, менга фарқи йўқ”.

Ота-она фикри: Бақир-чақирнинг нима кераги бор? Болага бирор нарсани уқтириш, уни исботлашга не ҳожат? Ахир, ҳозирданоқ ўз муммоларини ҳал қилишни ўргангани яхши эмасми? Мустақил ҳаётга мослашиши осон кечади. Бизларни ҳам тинч кўяди.

Руҳшунос фикри: Ҳеч қачон болангизнинг қизиқиши ва машғулотларига бефарқлигингишни кўрсат-манг. Агар унинг ҳатти ҳаракатларига нисбатан эътирозингиз бўлса: “Болажоним мана бу масалада сен билан чиқиша олмайман. Лекин мен сенга истаган пайтингда ёрдам бераман, чунки сени яхши кўраман”, деб айтинг.

ҲИКОЯ

Яқин ўтмишда ишлари доим бошларидан ошиб тошган ота-она бор эди. Уларнинг қалбларида фарзанд меҳридан асар ҳам йўқ, фарзандлар учун ажратилиши керак бўлган вақтларини бекор кетадиган вақт деб ҳисоблашар эди. Ота доим ҳисоб-китоб ишларидан, она эса тилла жавоҳирларидан бош кўтармас, бойликларини янада қандай қилиб кўпайтириш йўлларини ўйлаш билан банд эдилар. Болалар уларни бирор машғулотга

чалиғитадиган бўлишса, уларни жеркиб ташлашар эди. Бола отасининг қўзларига қўл теккизиб, қучоқламоқчи бўлса, унга совуқ муомалада бўлар, ҳатто уни итариб юборар, жеркиб, бақирар эди.

Бир куни бола қўлида бир расмли китоб олиб, отасининг ёнига келди ва: "Дадажон мана бу маймунни қаранг, қўлида банаң ушлаб турибди, кулгили-да?" – деди. Олдиғаги ҳисоб-китоб дафтариға ўнгигиб кетган отаси болага жаҳли чиқиб: "Нари тур, халақит берма! Нимаси кулгили экан?" – деб жеркиб берди болани. Отасидан яхши гап ола билмаган болакай онаси ning ёнига борди. Расмни унга кўрсатди, отасидан ҳам ҳеч қандай рафбат ололмаган болкай бошини эгиб нари кетди. Ота-онасидан хафа бўлган бола севинчини баҳам кўриш учун хизматкор қизнинг ёнига борди... хизматкор жуда меҳрибон, болалар тилига яхши тушунадиган қиз эди. Расмга қараб: "Вой-бў, роса масхара-ку! Бунинг туришини қара..." деб боланинг яхши кайфиятига шерик бўлди. Иккаласи бир-бирига қараб роса кулишди. Шундай кейин бола қизга бўри билан қўзичоқнинг расмини кўрсатди. Бўрининг қўзичоқни ейиш учун не-не хийла-най-ранглар қилганини сўзлай бошлади. Хизматкор қиз боланинг ҳикоясини диққат билан эшитиб, унинг ҳис-туйғуларига шерик бўлди.

Шундан кейин бола қувончли ва хафа дамларини хизматкор қиз билан баҳам қўрадиган бўлди. Қизга ота-онасидан ҳам кўпроқ меҳр қўя бошлади. Ота-онаси узоқ муддатга сафарга кетишганда ҳам уларни йўқлигини хис этмай қўйди. Хизматкор қиз бир кун келмай қолса, болакай жуда хафа бўлар, йиғламаслик учун ўзини аранг тутиб турар, овқат емас, сув ичмас эди. Хизматкор қиз қайтиб келганда боланинг қувончи ичига сифмас, боши кўкка етар эди.

ҲАЁТИЙ ВОҚЕА

“Ушанда эндиғина 18 ёшда әдим. Ҳали ҳаётнинг пасту баландини тушунмас әдим. Аммо мактабда түрт-беш баҳоларга үқигандим. Радиотехника соҳасига қизиқардим. Ўқишига боришини учун албатта йўл кира ва бошига майда-чуйда харажатларга пул зарур әди. Лекин онамга (кагтагина ташкилотда ҳисобчи бўлиб ишларди) бу ҳақда айтганимда, қўлидаги бор пулинин мендан қизғонди. Отам эса онамнинг чизган чизигидан чиқмасди. Хуллас, ўз орзуладим томон қўймоқчи бўлган илк қадамларим ҳали босилмаёқ қирқилди. Бир неча йил ул-бул ишларга уриниб юрдим. Аммо бирор тайинли хунар эгалламадим. Тўғри йўл кўрсатадиган ота-онамнинг эса мен билан иши бўлмади. Мана энди оиласиман, икки фарзандим бор, аёлим үқитувчи. Унинг маошига кўз тикиб яшаш – виждонсизлик. Тайинли иш жойим бўлмагани учун Россияга қатнаб, қурилишларда ишлаб келаман. Ўша жойда ғишт териш, пардозлаш каби хунарларни эгалладим. Агар бундан йигирма икки йил аввал ўзим қизиқсан соҳада үқиб, бирор мутахассисликни эгаллагнимда ҳозир ўз юртимда элимиз равнақи учун ишлаётган бўлармидим. Энди мен икки фарзандимни ҳам албатта үқитаман, илмли инсонлар қилиб тарбиялайман, деб ният қилганман...”

Ҳар иккала ҳолат юзасидан,

Гап келди: Бундай ота-оналар тахминан ўрдакка ўхша шади. Агар шаҳарни сув босса, ўрдак бўйинини кериб, “менга нима” деркан. Улар фарзанд тақдирига бепарво, лоқайд ота-оналардир. Улар фарзандлар назаридан қолган ота-оналардир.

Болангиз гапингизга кириши, сизнинг сўзларингизга қулоқ солиши учун, унга нисбатан эътиборли бўлинг.

Мехрингизни аяманг, у билан мулоқотга албатта вақт ажратинг. Боланинг ҳар бир ҳаракатини мактаб, рағбатлантириб туринг.

18.3. Учинчи хато

Ўта қаттиққўллик. “Ҳар бир ишни мен айтгандай қилишинг керак, чунки бу уйда фақат менинг деганим бўлади”.

Ота-она фикри: болалар катталардан чўчиб, уларнинг ҳар бир гапини сўzsиз бажаришлари шарт. Бунда баҳс-мунозараларга ўрин йўқ. Боланинг ёшидан қатъи назар, у хоҳ 6 га, хоҳ 16 га кирган бўлсин. Болаларни талтайтириб юборсангиз, бошингизга ўтириб олади.

Рухшунос фикри: Болалар албатта қилган ҳар бир ҳаракатини тўлиқ англаб етиши керак. Ўта қаттиқ қўллик гоҳида дрессировка (ҳайвон ўргатиш)ни эслатади. Ёнингизда бўлганда у сиз айтгандай ҳамма ишни қилиб, кўздан фойиб бўлдингиз дегунча ўз билганича иш тутади. Ишонтириш қаттиққўлликдан яхшироқ. Зарурат туғилганда қуийдаги сўзларни ишлатинг: “Ҳозир мен айтгандай қилгин, кечқурун бу ҳақда бафуржга гаплашиб оламиз. Нимага, нима учун, деган саволларингга жавоб топишга ҳаракат қиласман”.

Бизнинг фикримиз: Маълумки, инсон ўз “МЕН”ига монанд иш қиласми. Болангиз ҳақида нима деб ўйлаётган бўлсангиз, фарзандингиз ўша фикрингизнинг аниқ нусхасидир. Ота-она боласини яхши қўриши мумкин, аммо ўта қаттиққўллик қилиши ва ҳадеб айблайвериши тескари оқибатга олиб келади бола ўзини рад этилган,

яхши кўрилмагандек ҳис қиласди. "Мени яхши кўрмайиз" – бу болангиз ўзини ўзи яхши кўрмаслиги, ўзини хурмат қилмаслигидан даракдир ва бунда сизнинг ҳиссангиз бор. Тўғри баъзан тантиклиги тутиб қолган болалар нимагалир эришини учун ҳам шундай дейли. Аммо бу юзтадан битта болага тўғри келади.

Ёшлиқдан "Мен"нинг салбий образга айланиши ишхуш оқибатларга олиб келиши мумкин ва қаттиққўллик барибир самара бермайди.

Хўш, ўта қаттиққўлликдан ҳосил бўлган муаммолардан қандай қутилиши мумкин? Бунинг учун:

1

Болангиз ўз арази ва ширингина кулгиси билан ўз хоҳишига етишига йўл қуйманг. Мумкин эмас деган гапингизда маҳкам туринг ва уни охиригача қаттиққўллик билан ҳал қилинг. Талабингизга жавоб топгангиздан сўнггина яна меҳрибон, қувноқ ва ҳамма яхшиликларга тайёр ота-онага айланинг, болангиз бетоб бўлиб қолса, чарчаган бўлса ёки тишлари чиқаётган пайтида инжиқлик қилса, сизнинг қоидаларнгизни тан олмайди. Бундай пайтда болангизга ён беришингиз шарт.

2

Боланинг хулқи атайлаб ёки ўз-ўзидан ўзгаришини ажратса билинг. Қаттиқ хархаша қилган тақдирда ҳам бажармаслик лозим бўлган талаб бўлса, бажарманг. Агар ўзингиз жорий қилган тартиботдан бир марта чекинсангиз, бола ўз тарбиясини ҳамиша хархаша билан амалга оширишни одат қилиб олади. Унда жанжалсиз кунни баҳти кун деб ҳисоблай бошлайсиз.

Биринчи бўйсунмаслик кўпчилик орасида мумкин бўлмаган нарсага рухсат беришдан бошланади. Дейлик, бола билан дўконга чиққанингизда одамлар олдида хижолат бўлмаслик учун болангизниң кўнглига қарашга, истаган нарсасини олиб беришга мажбур бўласиз. Қарабисизки, бола кейинги сафар ўз талабини қондириш учун додлаб, ўзини ерга отади. Шунинг учун иложи борича болани дўконга олиб борманг. Мабодо олиб боришга мажбур бўлсангиз, одамлар нима деб ўйлашидан қатъи назар, хархашани бошлиши билан болангизни олиб чиқиб кетинг.

3

Ёмон хулқи учун жазоламанг, аксинча, яхши хулқи учун болани кўпроқ мақтанд ва мукофотланг. Жаҳлингиз чиққанида (болангизни уриб ёки бақириб уришиб жазоламаслик учун) ичингизда ўнгача сананг. Бу ҳақиқатдан ҳам фикрингизни жамлаб, тўғри йўлни танлашингизда ёрдам беради. Шуни ёдингизда сақлангки, тарбиянинг ўта қаттиққўллик усули ҳар бир масалани айнан шу йўл билан ҳал қилинишини бола миясига муҳрлаб қўяди.

Шундай қилиб, ўта қаттиққўлликдан бўлак, бошқачасига қандай қилиб болани йўлга солиш мумкин?

Жавоб: зўравонлиқдан воз кечинг. Шунда бола устидаги ҳақиқий хукмронликни қўлга киритасиз. Бундай жавоб ғалати туюлиши мумкин, аммо гапнинг индалоси худди шундай.

ҲУКМРОНЛИК НИМА?

Ҳукмонлик – бу вазиятни бошқариш демак. Аччиқланиш, бақириш, газбланиш – ожизлик ва истаган нарсангни ололмаслигингни кўрсатишидир. Яхшилик-

часига, қўрқитмасдан қаттиққўл бўлиш сизга тўлиқ зафар ва фарзандингизнинг сизни қўрқиб эмас, яхши кўриб бўйсунишин таъминлайди. Бу муҳаббатга факат сазовор бўлиш керак.

ҚАНДАЙ ҚИЛИБ?

Боланинг ҳис-туйғуларини авайлаш ва уларни ҳурмат қилиш – мана калит. Бу бола истаганини қилади, унга ҳар нарсада рози бўлинг, дегани эмас. Агар аксинча, фарзанд чегара борлигини билиши керак ва сиз унга шу чегарани белгилаб берасиз.

Гап шундаки, қандай қилиб? Бу саволнинг жавоби фақат ота-оналарни эмас, руҳшуносларни ҳам бошини жуда кўп қотирган. Кўплаб тадқиқотларнинг кўрсатишича, буйруқ бериш, жазолаш ва мушт билан қўрқитиб ўстириш усули болани, унинг туйғуларини ҳурмат қилиш ва муроса қилиш усулига қараганда самарааси кам экан. Иккинчи усулда ҳам бола ота-она муаммога ечим қидириб, биргаликда ҳаракат қилгани боис бола ўзини якка ҳимоясиз сезмайди. Ота-онаси унинг манфаатини химоя қилиб, мулоимлик билан тушнудириши болани ота-онасига ишониб, унга қулоқ тутишига асос бўлади.

Муроса қилишда бола низоларни маданиятли кишидек ҳал қилишни, фаросат билан йўл тутишни, ўзига ишониб вазиятдан чиқиш йўлларини қидиришни, ота-онаси ва ўзини яхши кўришни ўрганади. “Менинг фикрим аҳамиятга эга, йўлимда учрайдиган муаммони ўзим еча оламан, менинг ўрнимга қарор қабул қиласиган, муаммоларимни ҳал қиласиган масъул шахсга муҳтоҷ эмасман, ҳаётимни қуриш ва баҳтли бўлиш кўлимдан келади”. Муроса қилиб катта қилинган одам ана шундай шиор билан яшайди. Шафқатсиз авторитар мухитда катта бўлганлар (аммо маънан эмас)да айнан

шу тушунча етишмайды. Тушуниш, ўзини борлиги-ча қабул қилиш билан тарбия күрганлар катталарнинг фикрига ҳурмат билан қарайди ва улар қадрлайдиган нарсаларни қадрлайди.

18.4. Тўртинчи хато

“Яхшиси, буни ўзим бажараман, болажоним бунинг уддасидан ҳали чиқмайди”.

Ота-она фикри: фарзандингиз учун ҳамма нарсани бажаришга тайёrsиз. Сиз болалик бир зумда ўтиб кетадиган давр деб ҳисоблаб, уни ғам-ташвиш, губорлардан холи қилишга уринасиз. Ширингина болажонингизни ҳар бир орзу истагини амалга ошириш қанчалик хузур бағишлишини билсангиз керак.

Рұхшунос фикри: әркатор, ҳеч нарсада қийинчилик күрмай ўсган болаларга ҳётта мослашиш жуда қийин кечади. Агар унга кунига ҳар бир губорни пулфайверсангиз, фарзандингиз шунчалик ўзини ҳимоясиз ва ёлғиз ҳис этади. “Ўзинг бажариб кўрчи! Агар қийналсанг сенга ўзим ёрдам бераман”, дейишни ҳам ўрганинг. Энди қуидаги воқеани эшигининг.

ЭРКАЛАТСАНГ, ЭСИ КЕТАР

Бир киши уч ўғил фарзандини эркалатиб тарбиялаб вояга етказди. Барчасини олий маълумотли, уй-жойли қилди. Фарзандларни обрули жойларга ишга жойлаштириди. Фарзандлар эса амал пиллапояларидан кўтарилиб яхши мартабаларга эришдилар. Ота эса кексайиб, касалманд бўлиб қолди. Фарзандлар аввалига унга қарашиб туришди, кейин эса ўз ҳолига ташлаб қўйишли. Ниҳоят тошбағир фарзандлар отани қариялар уйига топширишди. Афсуски, орамизда онда-сонда бўлса-да, ана шундай каслар ҳам учраб туради.

Бу дунё – қайтар дунё. Сиз ҳам бир куни келиб қарийсиз. Сиз ота-онангизга қандай қилиб муомала қилган бўлсангиз, фарзандларингиз ҳам сизга худди шундай муомала қиласи.

Қиссадан хисса шуки, фарзандга меҳр беринш керак, эркалатиш ҳам лозим, бироқ бу нарса меъёридан ошса, тескари натижа бериши мумкин.

Шунинг учун ҳам болани севишда, унга меҳр беришда меҳрнинг қуидаги уч турига эътибор қаратмоқ лозим.

МЕҲРИБОНЛИКНИНГ УЧ ТУРИ

1

“Агар...” тури

Меҳрнинг бу тури боланинг бир нарса эвазига эга бўладиган севгисидир. Бундай меҳр одатда, тарбиячилар томонидан қуидагича ифода этилади:

- Агар яхши бола бўлсанг, ота-онанг ҳам сени яхши кўради;
- Агар омадли, машхур инсон бўлсанг, сени яхши кўраман;
- Агар турмуш ўртоғим сифатида сендан куттганларимни бера олсанг сени севаман, кабилар.

Ҳаётда меҳр ва севгининг энг кўп учрайдиган шарти ана шундай. Бундай меҳр ва севги муайян шарт устида курилади, бирор нарса эвазига берилади.

Бундай меҳр тури эркалатиб тарбиялашга йўл қуимайди. Сабаби ҳеч бир ота-она фарзандини тантик бўлиб вояга етишини хоҳламайди.

“Чунки...” тури

Меҳрнинг бу турига кура болангиз бирор нарсага эга бўлгани учун севилади. Ота-онанинг унга меҳр қўшиши у эга бўлган нарса ёки шарт-шароитга боғлиқ. Масалан,

- Сени севаман, чунки сенга ишонаман;
- Сени севаман, чунки сен тартибга зўр риоя қиласан;
- Сени севаман, чунки сен вақтни жуда қадрлайсан, шу кабилар.

Бу турдаги меҳр “агар” туридаги меҳр, севгисидан устундир. Чунки бундай севги тури қандай бўлсак, шундайлигича севилиш демакдир.

“...га қарамай” тури.

Меҳрнинг, севгининг бу тури – бағри кенг туридир. Бу бирор шартга боғлиқ бўлмаган меҳр, севги. Бу тур севгида бола “ким бўлишидан қатъи назар севилади”. Бу деган сўз, бола ёмон хулқли, одоби йўқ бўлса ҳам сийланади дегани эмас, албаттла...

Отам ва онам учун “менда имтиёз бор” деб, меҳнат қилмай юрадиган эркатой ўз қилмишини ота-она имтизиҳи тугагандан сўнг пайқайди.

18.5. Бешинчи хато

Мажбурий сирдош.

“Болам менинг энг яхши дўстим, сирдошим”.

Ота-она фикри: Фарзанд ҳаётимиз мазмуни. Шунақа ақлли, доно ки, у билан ҳамма нарса ҳақида гаплашса бўлади. У бизни жуда яхши тушунади, худди катта одамлардек фикр юритади.

Рұхшунос фикри: Болалар ота-оналарига ёқинш учун ҳамма ишга тайёр бўлишади. Ахир “оийжон” ва “дадажон” улар учун ҳаётдаги энг муҳим одамлар. Баъзизда улар катталарнинг муаммоли оламига ўралашиб қолишади. Фарзандингизнинг болалик гаштини сурин имкониятидан маҳрум қилманг.

Болалар билан сирлашмаслик, уларга қўпол муомала қилиш, бир-бирини тушунмаслик, бола фикрини менсимаслик, уни ҳар бир ҳаракатига танқидий қарашиб ва шунга ўхшаш салбий ҳолатлар охир оқибат болада ҳам асабийлашишни, ота-онага қўрс жавоб қайтариш, ёлғон ишлатиш ва ўзини “ҳимоя қилишга тайёр туриш” дек асаб тизимини тарангланишига олиб келади. Улар камгап ёки аксинча, уришқоқ бўлиб борадилар. Ота-она томонидан етарли меҳр қўрмаган бола бора-бора тошбагир инсонга айланиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас. Бундай болалардан ҳар қандай салбий ҳаракатлар чиқиши турган гап.

Айрим қайдлар

Тарбиядаги энг катта хато, ўта шошқалоқлиқдир.

* * *

Болада эркинлик туйғуси билан виждон ҳисси мутаносиб равищда ривожланмоғи лозим. Шунда у ўз эркидан виждонига қарши фойдаланмайди.

* * *

Айтилган ишни “хўп” деб бажарадиган бола яхши, лекин зарур ишларни ўзи билиб қиласиган бола ундан

ҳам яхши. Бола ношуд бўлиб қолишининг асосий сабаби, унинг ўзи бажариши лозим бўлган ҳамма ишларнинг бошқаларнинг бажаришидир. Ундан боланинг ҳаёти турткى остида ўтади.

* * *

Болани ўзига елим бўлиб ёпишишига одатлантирган “мехрибон” она танасидан елим чиқариб, унинг бўғиши ва сиқишига учраган дарахатнинг ачинарли аҳволига тушади.

* * *

Ота билан она ўз фарзандларини меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаб, инсоннинг бу энг яхши фазилатини унга мерос қилиб қолдирса, болаларини бир умрга баҳтиёр қиласди. Баъзи ота-оналар эса болага эркатойликни “тортиқ” қилиб қолдириб, уни бир умрга баҳтсиз қиласдилар.

* * *

Топшириқ олишда синчков бўлган бола унинг ижросида ҳам хушёр ва тадбирокор бўлади. Бола қалби шундай қасрки, уни зўрилик билан забт этолмайсан. Унинг хаёлинни, дилидаги орзу-истакларини билиб, яқиндан мулоқотда бўлсанг, бу қасрнинг эшиги сенга осон очилади.

* * *

Ҳар қандай имконият бўлса ҳам, боланг учун бошқа болалардан ўзини устун қўйишга сабаб бўладиган имтиёзлар беришдан сақлан.

18.6. Фарзандни бақирмасдан тарбиялаш мүмкинми?

Фарзандларингиз тез-тез сизни бор овозингиз билан бақириб уларни койишга мажбур этадиган ҳатти-харататлар содир этиб туришадими? Баъзи пайтларда уларни тартибга чақиришнинг бундан бошқа воситасини тополмай қоласизми? Қуйида сизга овозни баландлатмасдан уйда тартиб ўрнатиш борасида айрим тавсияларни таклиф этамиз.

Оилада, айниқса, бирга яшаётгандар кўпчиликни ташкил этадиган ўзбек оиласарида муросаю мадора қилиб, ҳамманинг кўнглига бирдек йўл топиб, барчанинг бошини қовуштириб яшаш осон иш эмас. Турли фойдали ва заарли техника ва технологиялар, миллий ўзлигимизга ва уминсоний қадриятларга мос келадиган ҳамда бизга мутлақо ёт бўлган ғоялар ҳар томондан кириб келаётган бугунги тезкор замонда ота-оналар олдида фарзандларни комил инсонлар қилиб тарбиялашдек мушкул вазифа турибди.

Бу жараёнда бир нарсани доимо ёдда тутинг. Ҳар қандай вазиятда ҳам асабларингизни жиловлай билсангиз, фарзандингизнинг хурматини қозонасиз. У билан боғлиқ муаммоларни ечишда бақир-чақир қилиш ҳам, болани ҳар қандай эркинликлардан маҳрум этиш ҳам, унга эътиборсиз бўлиш ҳам тўғри эмас. Фарзандингиз унга ақл ўргатмаётганингизни, балки тўғри йўл топиши учун амалий маслаҳатлар беряётганингизни ҳис этиши лозим.

18.7. Асабни жиловлашнинг етти усули

1

Агар фарзандингиз ҳар қандай ҳолатда ҳам асабингизни бузишининг, бақириб-чакиришга мажбур этишининг йўлини қиласа, буни эътиборсиз қолдирмаган маъқул. Қолаверса, бунда болаларни ҳам айблаш ҳам нотуғри, одатда, деярли ҳар доим ота-оналарнинг ўzlари айбдор бўлишади. Бу борада бир неча фойдали маслаҳатларимиз бор.

2

Нима асабингизга тегишини аниқлаштириб олинг

Ҳар биримиз кўпроқ асабимизга тегадиган ва жахлимизни чиқариши мумкин бўлган сўзларни тахминан бўлсада, биламиз. Аммо бу ҳақда фарзандларимиз биздан кўра кўпроқ нарса билишади. Уларга бизнинг ожиз томонларимиз яхши маълум бўлади. Шу туфайли ўғлингиз ёки қизингиз: “Сиз замондан орқада қолгансиз”, “Ишингизни биздан ҳам кўра кўпроқ яхши кўрасиз”, деб сизга танбех беришга уринганида, айниқса, дўст ёки дугоналарининг ота-онасини сизга намуна қилиб кўрсатишганда, чуқур нафас олиб, оғзингизга “кулф” солинг. Бундай пайтда ишга эрта бориб кеч қайтишларингиз, баъзида уйга ҳам иш олиб келишларингиз уларнинг таъминоти, келажаги учун қилинаётганлигини уқтиришга уриниш ортиқчадир.

Боланинг ўз худуди бўлсин

Ҳар бир бола уйда ўз худуди бўлишини хоҳлайди. Бу унинг алоҳида хонаси ёки дарс тайёrlайдиган, ўйнайдиган, нарсалари сакланадиган жой бўлиши мумкин. Айниқса, алоҳида хона бўлиши боланинг индивидуал шахс сифатида ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Шу боис шароитингиз кўтарса, уйда фарзандларингизга алоҳида хона (ўғил болалар учун битта, қизлар учун битта) қилиб берганингиз маъқул. Аммо назорат қилиш баҳонасида ҳар доим унинг нарсаларини титкилаш, хонасини тартибга келтириши ва йиғиштириб қуиши лозимлигини тинмай эслатавериш ярамайди. Кунларнинг бирида у хонаси жуда ҳам бетартиб бўлиб кетганини, дўсти ёки дугонаси келиб қолгудай бўлса, унинг олдида уялиб қолишини тушуниб етади ва хонани йиғиштиришга киришади. Қолаверса, ҳар гал фарзандингизга тартибли бўлишни уқтиришдан олдин ўз нарсаларингизни йиғиштириб, тартибга солиб қуишини унутманг. Бундан ташқари, бир эслаб кўринг-а, болалик ва ўсмирилик йилларингизда ўзингиз қанчалик тартибли эдингиз?!

Фарзандингизнинг ўз фикри бўлсин

Албатта, бу осон эмас. Аммо эркин фикрлашга имкон бериш фарзандларингиз билан ўрталарингиздаги ўзаро ишонч ва хурматни мустаҳкамлайди. Унинг сўзларига қулоқ солинг ва ҳеч қачон фикрларини қорала-

манг. Шунчаки, унга нима яхшию, нима ёмонлигини оддий тилда тушунтириб боринг.

5

Умумий саволлар берманг

Чунки бундай саволларингизга у тўгри жавоб беришга умид қилмаса ҳам бўлади. Унинг жавоби юзаки эканлигини билганингиз учун яна жаҳлингиз чиқиб, эътиroz билдира бошлашашингиз мумкин. Оқибатда яна бир келишмовчилик келиб чиқади. Ҳамма гап шундаки, “болам, қалай?”, “аҳволинг яхшими” каби саволларга жўяли жавоб бериши мушкул. Уларнинг аксарияти бундай саволга қисқагина қилиб “яхши” деб жавоб бериб қўя қолади. Бундай жавоб эса ҳамма ота-онани ҳам қаноатлантиравермайди, чунки у деярли хеч нарсага аниқлик киритмайди, индамай қўя қолишдан фарқи йўқ. Шу боис ростдан ҳам фарзандингизнинг ҳолатини билишни истасангиз, саволларни аниқроқ қўйинг, унинг ишларига эътиборли бўлинг.

6

Унинг танловини ҳурмат қилинг

Маълум ёшга етгач, болада ўзининг бўш вақтини хоҳлагандек ўтказиш хуқуки пайдо бўлиши табиий ҳолдир. Масалан, у сиз билан дугонангизниги мемонга боришдан кўра тенгдошларига қўшилиб, футбол ўйнашни истаса, бунинг нимаси ёмон. Ахир катталарнинг иш, оила ва бошқа майдо-чуйдалар ҳақидаги гийбатлашувидан кўра ўзи тенгилар билан мулоқотда

бўлиш бола учун қизиқроқ ва фойдалироқ эканини унутманг. Болага майда харажатлари учун бериладиган пул миқдори ҳам ўта муҳим масала. Унга имконингиздан ортиқ пул берманг. Оиласизнинг молиявий аҳволини фарзандингизга ортиқча бақир чақирларсиз тушунириштаги, уни пулни тежаб сарфлаб боришга ўргатиб боринг. Аммо ҳеч қачон берган пулнингизни нималарга сарфлаши лозимлигини қатъий талаб қилишга ёки шунга ўргатишга ҳаракат қилманг. Бу нарса унинг пул сарфлашни мустақил ўрганишига халақит беради.

7

Қўзларига тик боқманг

Мабодо, ўзаро суҳбат чогида сиз фарзандингиз рост гапираётганини ёхуд алдаётган бўлиши мумкинлиги ни билиш учун кўзларига тикилиб қарасангиз, у ўзидан ҳаяжонлана бошлиди. Оқибатда, ҳатто рост гапираётган бўлса ҳам тутулиб, гапидан адашиб қолиши ҳеч гап эмас. Натижада сизда у ёлғон гапирди, деган нотўғри тасаввур пайдо бўлади. Фарзандингизни ичидагини билиб олишга эмас, балки уни тушунишга ҳаракат қилинг.

8

Ўзингизни босишни ўрганинг

Икки ёшли бола ҳозиргина онаси таъқиқлаганига қарамай, ошхона пичноғини қўлига олади. Ўсмир эса онасига қараб: “Нима учун бошқаларга мумкин бўлган нарса менга мумкин эмас?” деган қатъий саволни қўяди. Бу билан фарзандингиз сизни бурчакка қисмоқчи бўлади. Бундай пайтда “Сенга пичноғни олма дегандим-ку!”, “Бошқалар билан ишинг бўлмасин, сен менинг бо-

ламсан ва менинг айтганимни қилишинг шарт!" каби бақир-чақирлар билан уларнинг ғашига тегманг. Яхшиси, жимгина нариги хонага чиқиб кетинг. Худди уларни гапини эшитмагандай ўз ишларингиз билан шуғулланаверинг. Вақт сизга ҳаяжонингизни босиб, асабингизни жиловлашингизга ёрдам беради. Фарзандингиз эса нихоят бундай томошалар билан сизнинг жигингизга тегиб бўлмаслигини англаб етади.

КИЧИК МАСЛАҲАТЛАР

Жажжигина фарзандингиз ўйинчогини каравотдан пастга ташлаб юбориб, "олиб беринг" деб хархаша қиласиди. Энг ёмони, олиб берганингиздан сўнг яна уни каравотдан пастга улоқтиради. Ва ўша ҳол яна такрорладади.

Жилмайишга ҳаракат қилинг! Чунки фарзандингиз нарсаларнинг хоссаларини ҳамда сабаб ва оқибатлари ўртасидаги жараённи шу йўл билан ўрганяпти. Ўйинчоқни то бу томоша жонингизга теккунича олиб бераверинг. Кейин эса жажжи тадқиқотчининг эътиборини бошқа нарсага тортинг.

Болангиз гапга қулоқ солмайди. Ҳар бир гапни унга йигирма маротабалаб такрорлаш керак. Гап-сўзни йиғишириб ишга киришганингиз маъқулроқ! Асабга тегадиган ҳамма нарсадан воз кечинг (телефизорни учиринг, радионинг овозини пасайтилинг ва ҳоказо). Фарзандингизни ёнига ўтириб, ундан нима хоҳлашингизни ётиғи билан тушунтиринг.

Ўғлингиз уйга бегоналарнинг ўйинчогини олиб келиб, қайтаришни истамаяпти.

Уни уялтирманг: уч-тўрт яшар бола бегонанинг нарсасини рухсатсиз олиб бўлмаслигини, олиб келган

ўйинчоқлари бирорники эканини тушуниш мушкул.
Унга уйдаги ўйинчоқлардан бир нечтасини танлаб, олиб
келгандарининг ўрнига боғчага элтишни маслаҳат бе-
ринг. Ўйнаб-ўйнаб бир куни жонига теккач, бегоналар-
нинг ўйинчогини ҳам қайтариб олиб бориб беради.

V ҚИСМ.

ФАРЗАНД ТАРБИЯСИГА ОИД НОМАЛАР

19.1. Васият нима?

Васият – бу мархумнинг ўз яқинларига айтиб ёки ёзib қолдирган топшириғи, истаги, насиҳати дейилган ўзбек тилининг изоҳли луғатида. Бу буюк зотнинг ёки ота-боболарнинг ўз издошларига, авлодига айтиб ёки ёзib қолдирган ўгити, панд-насиҳати, кўрсатиб кетган йўл-йўриги.

Васият муқаддас. У инсоннинг ўлими олдидан айтган ва кейин тириклар бажариши лозим ва шарт бўлган ишлар, исткалар, хоҳишлар, насиҳат ва кўрсатмалар мажмуи. Ёши, жинси, мавқеи ва оиласвий жиҳатларидан қатъи назар ҳамма васият қилиш ҳақ-хуқуқига эга. У шароитга қараб ёзма, ёки оғзаки бўлиши мумкин. Ҳар қандай васиятни тириклар ўзини “одам” санаганлар бажаришга мажбурдирлар.

Айниқса, ота-она васияти муқаддасдир. Шунинг учун ҳам муқаддаски, у ота-онанинг умр интиҳоси олдидаги фарзандларига айтадиган сўнгги сўзи, сўнгги амри бу! У ота-она учун энг керакли, энг зарур, айтилиши лозим кўрилган энг муҳим сўзи эканки, улар бошқа ҳамма гап сўзларни қўйиб туриб васият қилади. Демак, васият фарзандларга қолдирилаётган энг улуғ неъмат бўлиши баробарида ота-онанинг диёнати ва иймони ҳамдир. Ким васиятни оёқости қилибди, у ота-она диёнатини, имонини ҳам оёқости қилган ҳисобланади.

19.2. Ҳазрати Али (р.А.)нинг васияти

Ҳазрати Али Пайғамбаримиз Мұхаммад с.а.в.нинг амакилари Абу Толибнинг ўғли. 23 ёшида Пайғамбаримизнинг 18 ёшли қизи Фотимага уйланиб Ҳасан, Ҳусайн, Мұхсін, Умму Қулсум, Зайнаб фарзандлар күрган.

Ҳазрати Али (р.а.) ўғли ҳазрати Ҳасанга васият қилған әдилар:

- Билмаган нарсанг ҳақида сұzlама;
- Вазифанғ бұлмаган ишга киришма, ҳар ишни ахлига қолдир;
- Фалокат келишидан күркқан йўлингни тарқ эт, зеро, бир ишда фалокат сезилганда, уни тарқ этмоқ күркүв билан олға сурмоқдан хайрлиидир;
- Киши дунёда охирати учун нима ҳозирлаган бўла-са, эртага шу нарсага эришади;
- Сўз аҳли бўлишдан кўра иш аҳли бўлгин.

19.3. Луқмони Ҳакимнинг васияти

Тарихда икки Луқмон ўтган: бири Луқмон ибн Од-пайғамбар Ҳуд алайҳиссалом замонидан (милоддан авввалги уч минг йиллик охири ва икки минг йиллик бошларида); иккинчиси эса Луқмони Ҳаким – пайғамбар Довуд а.с. замонида (тахминан, милоддан аввали 1100-йилларда яшаб ўтган).

Нақл қилинишича, Аллоҳ таоло Луқмони Ҳакимга икки фариштасини юборибди ва унга пайғамбарлик ёки ҳикмат-донишмандлик беражагини айтиб, улардан бирини танлашни буюради. Луқмони Ҳаким пайғамбарлик юки залворли бўлишини айтиб, донишмандликни танлаган ва узоқ умр сўраган. Ҳақ таоло ӯзининг бу солих, азиз бандасининг илтижо ва дуосини қабул қилиб, донишмандлик ва узоқ умр ато этади.

Аллоҳ таолодан Луқмони ҳакимга берилган табиблик маҳорати шундай бўлганки, ер юзидағи барча тиёҳлар, ўсимликлар, жонли, жонсиз мавжудотлар унга ўзларининг қайси касалга даво бўлишларини билдирганлар.

Луқмони ҳаким башарият тарихида донолик, донишмандлик тимсоли сифатида танилди. Ҳозир ҳам билағон, топқир, фикри теран, оғир, вазмин одамни "Луқмоннинг ўзи-ку, бу" деб таърифлайдилар.

Чунончи Тангри таоло Луқмони ҳакимга шунда улуғ ҳикмат, билим ато этганки, барча пайғамбарлар, азиз авлиёлар унга берилган бундай билим ва ҳикматга ҳавас қилганлар. Луқмони ҳаким хабашлардан, касби чўпон эди. Аввалига қул бўлган, кейинроқ хожаси уни озод қилган. Луқмони ҳаким умри давомида инсонларни яккахудоликка тарғиб қилиб келган.

Қуръони каримнинг 31 "Луқмон" сураси, 12–13 ва 17–18 оялларида ул зот ҳақида қўйидагилар келтирилган:

"Биз Луқмонга ҳикмат ато этдик (ва унга дедик): "Аллоҳга шукр қилгин!" Кимки шукр қилса, фақат ўзи учун шукр қилур. Кимки, ношукрлик қилса, бас, албатта, Аллоҳ беҳожат ва ҳамд эгасидир".

Эй, ўғилчам, намозни мукаммал адо эт, яхшиликка буюр ва ёмонликдан қайтар ҳамда ўзингга етган (балолар)га сабр қил! Албатта, мана шу ишиларнинг пухтасидандир!

Одамларга (кибрланиб) юзингни буриштирмагин ва ерда керилиб юрмагин. Чунки Аллоҳ барча кибрли, мақтанчоқ кимсаларни сўймас. (Юрганингда) ўртаҳол юргин ва овозингни паст қилгин. Чунки овозларнинг энг ёмони эшаклар овозидир.

Луқмони ҳаким васиятларининг баён этилиш тартиби ҳам ўзига хос илоҳий қонуниятга – тизимга эга. Хусусан, унинг:

Биринчи ўгити – Аллоҳга ширк келтирмаслик.
Чунки, ширк улкан зулматидир.

Иккинчи ўгити – яхши ва ёмон амалларга бериладиган жазолар.

Учинчи ўгити – намозни тўқис адо этиш, амри маъруф, нахий мункар, сабр қилиш.

Тўртинчи ўгити – тақаббурлик қилмаслик ва муомала одоблари ҳақида. Бу асосда тарбияланган инсон икки дунё саодатига эришади (валлоҳу аълам биссавоб).

Луқмони ҳакимнинг ўғлига яна уч васияти.

Луқмони ҳаким ўғлига уч васият қилди:

Бири шуки, хотинингга зинҳор сирингни айтма;

Иккинчиси – нокасдан қарз олма;

Учинчиси – сипоҳи билан дўст тутма.

ҲИКОЯТ

Луқмони ҳаким вафот этганидан сўнг у отасининг бу васиятларини синаб қўрмоқчи бўлибди. Бозорга бориб бир қўй олди, уни сўйиб қопга солди ва уйига келтиреди. Хотини ундан бу қопнинг ичидаги нима борлигини сўради. У айтди: “Бир одамни ўлдириб қўйдим, уни шу қопга жойладим, буни зинҳор бировга айта кўрма”. Шундай қилиб уни ҳовлисининг бир жойига кўмиб қўйди.

Сўнгра бир нокас одамдан қарз олди. Миршаб қўшниси билан яқин дўст тутинди. Бир куни хотини билан гап талашиб қолиб, хотинини урди. Хотини айюҳаннос солиб: “Эрим одам ўлдиришга ўрганиб қолган. Мени ҳам уриб ўлдиromoқчи, ёрдам беринглар!” деб қичқириди. Бу хабарни дарров амирга етказдилар. Амир: “У кишини қочмасдан бурун зудлик билан ушлаб келтиринглар”, деди. Айтдилар: “Ким келтирур?” Луқмони ҳаким ўғлининг миршаб дўсти: “Мен унинг уйини би-

ламан, бориб уни келтираман”, деди ва бориб уни тутиб амирнинг олдига олиб келди.

Келтираётгандаридаги Луқмон ўғли айтди: “Эй, дўстим, мени қўйиб юбор, қочайин”. Дўсти унамади. Йўлда нокас келиб унинг гирибонидан олди: “Ҳаққимни бер, сен ўларсан, ҳаққим куяр”, – деди.

Амир айтди: “Субҳаналлоҳ, эй ҳаким ўғли, бу иш сенга лойик эмас эди-ку?” У айтди: “Эй амир, умринг узоқ бўлсин, киши юбор уйимга, ўша мен ўлдирган ва уйимга қўмиб қўйган одамни келтирсиналар”.

Бориб ўша қўмилган қопни келтирдилар ва уни очдилар, ичидан бир сўйилган қўй чиқди. Амир айтди: “Бу не ҳол?” У айтди: “Отам менга уч насиҳат қилган Эди, уни синаш учун бу ишни қилган эдим. Отамнинг сўзи рост чиқди”.

20.1. Насиҳат нима

Насиҳат – бу яхши йўлга солиш, таълим-тарбия бериш мақсадида айтилган гап, маслаҳат, панд, ўгит дейилган ўзбек тилининг изоҳли луғатида.

Насиҳат қилиш орқали инсонларни яхши, эзгу ишларга буюриш (амру маъруф) ва уларни ёмон ишлардан қайтариш (нахий мункар) Аллоҳ таолонинг фарз (мажбурий) амалларидан ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам ҳар бир ота-она, тарбиячи фарзандларини, таниш билиш, қариндош-уругларини, қолаверса, ҳамюртларини ҳамиша яхши ишлар, солих амаллар қилишга бошлиши, ёмон, гуноҳ ишлар ва жиноятлардан қайтариши зарур.

Айниқса, юртимиз мустақил бўлиб, миллий қадриятларимизга қайтилаётган, миллий мафкура кенг тарғиб этилаётган, ҳозирги пайтда бу алоҳида аҳамият касб этади.

20.2. Ризоуддин ибн Фахриддиннинг II насиҳати

Ул зот машҳур олим ва фозил эди. Унинг ахлоқ, одоб ва тарбияга оид кўплаб асарлари бор. Шулардан бири – “Катталарга насиҳат” номли асарининг сўнгти қисми “Ўн бир насиҳат” деб номланади. Биз уни бир оз қисқартирилган ҳолда Сиз азизларга тақдим этамиз.

Биринчи насиҳат

Бутун аъзоларингизни гуноҳ ишлардан сақланг, қайғу алам келганда сабр қилинг. Инсоф, адолатни ўзингизга раҳбар қилиб олинг. Ҳеч кимни ўзингизга душман қилманд. Ҳамманинг иззат ва ҳурматини бажо келтиринг. Пул, молу дунёингизни тежаб сарф қилинг, исрофгарчиликка йўл қўйманг.

Одамларни кўнгилларини оғритманг. Кўп ўйланг. Оз сўзланг. Нодон ва хиёнатчиларга сирингизни айтманг, улар билан кенгашманг. Олим ва фозилларга эргашинг. Муруват аҳилларидан намуна олинг. Ташқи қиёфандиз ва кўнглингизни пок-соф тутинг. Ўз билгангизга таянманг, яқинларингизнинг маслаҳатлари билан иш қилинг. Қариндош-уругларингизни зиёрат қилиб, ҳолларидан хабар олиб туринг. Бирордан қарздор бўлсангиз, ваъда қилган кунингизда топширинг. Қўлингизда келган хизматни ҳеч кимдан аяманг. Ҳар куни бошингизни ёстиққа қўйган вақтингизда кун бўйи қилган ишларингизни бир бир кўздан ўтказинг, яхши иш қилган бўлсангиз, севининг, маъносиз ишларингиз бўлса қайтуринг, тавба қилинг. Эртаси куни нима ишлар қилишингиз мумкинлигини ўйлаб бир қарорга келинг, шу қарорингиз бўйича иш олиб боринг. Кунлар қилган ишларингизни кўрсатувчи дафтарлардир, бу дафтарларга ёмон ишлар ёзилмаслигига ғайрат қилинг.

Лукмони ҳакимнинг ўғлига қилган насиҳати:

– Эй ўғлим, сабр ва қаноатни ҳамиша ўзингга йўлдош қилгин, нафсинг қўйига кирма ва уни қийнаш йўлини энг улуғ йўл деб бил! Топганингга қаноат қил, кўп тошишга интилма, таомдан ҳамиша қорнинг оч бўлсин, аммо ҳикматдан вужудинг тўқ бўлсин. Кам ейиш ва кам ухлаш сенинг ҳақиқий севган ишинг бўлсин. Ўзингга раво кўрмаган нарсани бирорларга ҳам раво кўрма! Кийимларингни эса доимо озода тут.

Иккинчи насиҳат

Дўст-душман орасида юз қизартирадиган нарсаларни ишлашдан ҳазар қилинг, гўзал хулқли бўлиш билан шарапф касб этинг. Тўғри йўлдан бир қарич ҳам айрилманг. Ёшда ўзингиздан катталарга иззат-хурмат, кичикларга шафқат ва марҳамат қилинг. Эзгулик уруғларини сочсангиз, саодат экинларини ўрасиз. Одобиши, тарбияли одам билан ошна-оғайни бўлсангиз, мартабангиз, даражангиз ошади, ҳалқнинг ишончини қозонасиз. Одобсиз, тарбиясизлар билан ошно бўлсангиз, улар сизни ўз йўлларига тортадилар, даражангиздан туширадилар, омонатларингизга хиёнат этадилар, сирларингизни фош қиласидилар.

Қўшниларингиз билан яхши кун кечиринг, бир-бирингизнинг ҳолингиздан хабар олиб туринг, эзгулик қилинг, бир-бирингизни ёмонлиқдан қайтаринг. Ақлсиз, нодонлар дўстликка ярамайди, улар билан дўстлашманг, ҳеч нарсага ярамайдиган, бўлмагур нарсаларга аччиқланиб асабийлашманг. Одамларни фазилат ва саодатларини кўролмай ҳасад ўтида ёнманг. Ҳасад вижданни роҳатсизлантиради, ҳасадчидан ҳамма нафраланади.

Ота насиҳати

Бир куни кекса деҳқон ўғли билан шаҳар томонга борар эди. Йўлда ота бир дона от тақасини кўриб қолди ва ўғлига деди: ўғлим, ана шу тақани олгин! Эй ота, бу тушиб қолган тақанинг бизга нима кераги бор?

Ота ўғлига ҳеч нарса демади. Тақани ўзи олиб, чўнтағига солиб қўйди. Шаҳарга етганларидан сўнг ўз ишларини бажардилар, ота бояги тақани мевафурушга берида ва унинг эвазига озгина гилос сотиб олиб, чўнтағига солиб қўйди.

Ота ва бола қишлоқ томон қайта бошладилар. Офтоб нақ тепага келганда ўғил чанқаганлигини айтиб, отасига шикоят қилди. Отаси ҳам битта-битта гиолосларни беріб, унинг ташналигини қондириб борди. Уйга яқинлашганиларда ўғли деди:

– Ота, агар шу гиолослар бўлмаганида, чанқаб ўлар эканман деди.

– Ўглим, қачон ва нимага олганимни биласанми, – сўради отаси.

– Йўқ, – деб жавоб берди ўғил.

Ўша сен йўлда ор қилган тақа эвазига олганман. Ҳар кичик нарсанинг ҳам ўз вазифаси ва қиммати бор. Керакли тошнинг оғирлиги йўқ, деб бежиз айтмайдилар.

Тўртинчи насиҳат

Истаган нарсангиз бўлмай қолса, қайғуриб безовта бўлманг, сабр қилинг. Бир-бирингиз билан маслаҳатлашиб ишланг. Келгуси кунларингизни ўйланг. Хоҳ тўғри, хоҳ нотўғри бўлган нарса учун сира ҳам қасам ичманг. Жамиятга зарап келтирадиган ишлардан сақланинг. Очик жойда ишлаш уят бўладиган ишларни яширин жойда ҳам ишламанг. Айтишга ярамаган сўзларни оғзингизга чиқарманг. Ҳар бир маъносиз сўзларни сўзловчи валдир-васар бўлманг. Одди-қочди сўзларга ишониб юрманг. Бошқаларни менсимай “ўзим биламан” деб даво қилманг, ўзингизни билармон қилиб кўрсатманг, илмда сиздан ҳам юқори зотлар борлигини унугманг, мақтанчоқлик жоҳил, нодон кишилар ишидир.

Зайнаб буви

Севимли болаларим, бу галги сухбатимизда яна иккита ҳикоят айтиб бераман. Биринчи ҳикоям Салимжон

билан Жамиланинг бувиси ҳақида бўлади. Ҳикоямни яхшилаб тингланг.

Ҳикоят: Салимжон ва Жамиланинг Зайнаб исмли бувиси бор. Зайнаб буви қишида иссиқ жойда, ёз кунларида дераза олдида ўтириб, кўзига кўзойнак таъқиб пайпок тўқийиди ёки ип йигиради. Бувижоннинг бундан бошқа ишлари ҳам қўп. Ҳуроз, товук, жужаларни чақиради, улар югуриб бувини ёнига келадилар. Зайнаб буви уларга дон беради.

Хар куни эрталаб Салимжон билан Жамила бувиларининг ёнларига келадилар, салом бериб у билан куришадилар, чой ичишга таклиф қиладилар. Буви ҳам уларни ўз қучоғига юз-кўзларидан ўпиб, ҳақларига хайр дуо қиласди. Кечқурун бўлдими бувининг ҳамма неваралари унинг ёнига йифилиб, бувижон, эртак айтиб беринг, деб қўймасдан эртак айттирадилар. Буви ҳам кулиб, невараларининг бошларини силаб-сийпаб:

– Ҳа, қўзичоқларима, ҳеч қўймасизлар, майли, айтсам-айта қолай. “Бир бор экан, бир йўқ экан, бўри баковул экан, тулки ясовул экан, қадим замонда бир полвон бола бор экан”, – деб эртак айтишга киришади.

Зайнаб буви жуда мулоим, ёқимли, ширин сўзли кампир, унинг ҳамма ўғил-қизлари, келинлари, неваралари жуда ҳам севадилар. Унинг ҳамма айтганларини қабул қилиб, орзусини ўrniga қўядилар.

Азиз болаларим, сизларнинг ҳам албатта бува ва бувиларингиз бор, уларни севасиз, шундай экан, менинг шу икки оғиз сўзимни эсингиздан чиқарманг:

1. Бува ва бувиларимиз ота-оналримизни боқиб, тарбиялаб ўстирдилар. Энди жуда қариб қолганликлари учун ишлашга кучлари етмай қолдилар. Уларнинг муҳтоҷ бўлган нарсаларини ҳозирлаб бериш ўғил-қиз, невараларнинг вазифалариdir.

2. Бува-бувиларимизни севайлик, хурмат этайлик, сира ҳам дилларини оғритмайлик, ҳамма орзуларини ўрнига қўяйлик. Улар ёшликларида биз учун хизмат қилдилар. Энди қариб қолганлирида биз уларнинг хизматларида бўлайлик, тўғрими, болаларим?

Бешинчи насиҳат

Бир киши учун иккинчи бир киши билан орангизни бузманг, улар мабодо дўстлашиб қолсалар, сиз уялиб қоласиз. Гўзал ишларни кўриб турувчи кишилар ва ёзиб турувчи қаламлар бордир. Шунинг учун қилган яхшиликларингизни ҳаммага айтиб мақтаниб юрманг. Ақлидан кўра тили кучли бўлган, аччиқ сўзли ва маъносиз сўзлар сўзлаб юрган киши билан асло сўзлашманг. Ақлингиздан бошқа тўғри насиҳат қилувчини изламанг. Нодонликдан бошқа душмандан қўрқманг. Ёмон ишларни ишлаш эмас, ҳатто кўнглиингизга ҳам келтирманг. Илм нурини бузуқлик суви билан ўчирманг. Одоб-ахлоқ кийимидан бошқа гўзал кийим топилмайди. Буни унутманг.

Бузук, ярамас кишилар билан ошна-оғайинчилик қилишдан сақланинг, чунки ўзингиз сезмасдан уларнинг ёмон хулқлари сизга ҳам таъсир қилиб қолиши мумкин.

Нон ва бошқа нозу-неъматларни хорламанг, исрофгарчиликка йўл қўйманг, бирорнинг ички ва ташки ҳолини “ёмон одам” деб гувоҳлик берманг. Бир одамнинг оёғи тойиб қайғу-ҳасратга гирифтор бўлганига шодланманг, унинг ҳоли бир куни сизнинг бошингизга ҳам келиши мумкин. Молу давлатингиз билан одамларни рози эта олмасангиз, уларни яхши хулқингиз билан рози қилинг. Бирордан ўч олишга кучингиз етса ҳам ўч олманг, хатосини кечиринг, аччиқланманг, ўзингизни босинг. Ҳузурингизда ўзгани фийбат қилган киши бошқаларга сизни фийбат қиласди, бундай кишига кўн-

гил берманг. Маст киши билан ади-бади айтишиб ўтирманг, ундан узоқлашинг.

Бир одам билан дўстлашишни истасангиз, мухтожлик вақтингизда ёрдам қилувчи, тўғри сўзловчи, эзгулигингишни тақдир этувчи, қайғуингизга қайғуланиб, шодлигингишга юндурувчи пок қалбли одам билан дўстлашинг, тилёғлама, мунофиқлар билан дўст бўла кўрманг. Кўчаларда заруратсиз йинилиб, одамларнинг ўтишига халақит берманг.

Шайх Саъдий айтади:

Йигитлик ёшимда зўр куч-қудратга эга эдим, ўзимдан кичик ва кучсизларнинг қўлларини қайириб, дилларига озор берардим, ҳамма мендан безган эди. Ниҳоят бир куни ўзимдан кучлироқ инсоннинг муштини едим. Шундан кейин ҳеч кимга зўравонлик қилмадим. Эй ўғил, кучим бор деб зўравонлик қилма, ҳеч кимга жабру жафо айлама. Агар зўравонлигинги давом эттиранг бир кун зўравонликнинг қандай кўнгилсиз натижани берганини кўрасан.

Олтинчи насиҳат

Орангизда адоват, гинағўйлик давом этаетган бўлса, уларни бартараф қилиб дўстлашинг. Бутун ҳимматингизни халқ манфаати учун сарф қилинг. Мартаба ва мансабни севишга мубтало бўлманг. Нопок нарсаларга вақтингизни ва пулингизни сарф этманг.

Шундай ота-оналар борки, фарзандларининг тарбиясига илм-хунар ўрганишларига аҳамият бермайдилар, қайғурмайдилар. Уларни ўз назоратлари остига олмайдилар, тизгинсиз қўйиб юборадилар. Ҳатто фарзандлари ёнида одоб-ахлоқقا зид бўлган сўзларни айтишга уялмайдилар. Мана шундай нодон, жоҳил ота-оналар тарбиясида ўсан болалардан жамият учун бирор фойда кутиш мумкинми? Шунинг учун фар-

зандларингизни гўзал ахлоқли, одобли этиб ўстиринг, ўзингиз ҳам тарбиянгиз, одоб-ахлоқингиз билан уларга ўрнак бўлишга ҳаракат қилинг.

Ривоят

Бир киши донишмандга келиб арз қилди:

– Фалончи кўпчилик ўртасида менинг камчилигимни айтиб изза қилди. Энди ўша абраҳдан қандай қилиб қасдимни олсам бўлади?

Донишманд унга деди:

– Агар у кўпчилик ўртасида сенинг айбингни айтган бўлса, демак, ўзининг ҳам айбини очибди. Энди сен ўша одамлар ичидаги унинг яхши сифатларини айтиб мақтагин.

– Нима учун, ахир, у мени ёмонлаган бўлса, мен уни мақтайдикамми?

– Агар сен ҳам уни ёмонлассанг, унда ўша абраҳдан нима фарқинг қолади? Агар мақтасанг, балки қилган ишидан уялиб пушаймон бўлар.

Хуроса. Эй, фарзанд, ҳар бир ишнинг ўзинг учун фойдали томонини қидир. Агар ҳеч нима топа олмаганингда ҳам бу ишдан фойда чиқмаслигини билиб олассан.

Еттинчи насиҳат

Одамлардан айб ахтариб юрувчи бўлманг. Ўзаро келишолмай бир-бирингиздан узоқлашиб кетманг, балки дўстлашинг, бир оила аъзолари каби бир-бирингизга меҳр-муҳаббатли бўлинг. Зарурат бўлмаса бирордан ҳеч нарса сўраманг, унинг миннатини кўтариб юрманг. Арзимаган, аҳамиятсиз нарсалар учун бир-бирингиз билан жанжаллашманг, жоҳил, нодонлардан бўлманг.

Илм-фан, одоб-ахлоқка тегишли яхши сўзларни эшитсангиз эсдан чиқмаслиги чорасини кўринг. Керак-

сиз, бўлмагур сўзларни сўзлашдан тилингизни тийинг. Ҳеч кимни гийбат қилманг, бирорга туҳмат қилишдан сақланинг. Қариндош-уругларингиз, дўстларингиз ёки таниш билишларингиздан бириси учраб қолса ҳолини сўранг, уйингизга келган меҳмонни иззат-хурматини бажо келтиринг. Бошингизга қайгу-алам тоги йоғилишини истамасангиз, эзгуликдан узоқ, ёмонликка яқин ярамас одамларга ўндошманиг. Улар билан сира сухбат-дош бўлманг.

Байт:

Гар ёмонлик йўлини ҳар кимса қилса ихтиёр,
Халқ ишончин йўқ этиб, бўлгай балоларга дучор.

Ривоят

Қадимда бир бой савдогар бўлган экан. Унинг бойлиги етти пуштига етар экан. Шунга қарамасдан у ўғлига гилам тўқиши хунарини ўргатибди. Бир куни бола дўстлари билан сайрга чиқибди. Пул ундириш илинжида юрган қароқчилар уни ўғирлаб, олиб қочишибди. Шаҳар четидаги бир хароба уйга олиб бориб қамаб қўйишибди. Отасига хат юбориб ўғли учун катта пул талаб қилишибди. Лекин савдогар пулни беришга шошилмабди. Қароқчиларнинг токати ток бўлиб, болани ўлдирмоқчи бўлганда, бола уларга шундай дебди: “Мени ўлдирсангиз ҳеч нарсасиз қоласиз. Агар айтганларимни қиласангиз мендан фойда кўришингиз мумкин. Менга гилам тўқиши учун ип ва дастгоҳ олиб келинглар. Мен гилам тўқийман, сиз уни бозорга олиб чиқиб сотасиз ва яхшигина пул ишлаб оласиз”.

Қароқчилар тез орада биринчи гиламни бозорга олиб чиқибди. Бозор айланиб юрган савдогар ўғлининг тўқиган гиламини танибди ва бир киши орқали уни катта пулга сотиб олибди. Уйга келиб гиламни дикқат билан

текширибди. Ўғли гиламдаги нақшлар орасига ўзи турган жойнинг харитасини усталик билан жойлаштирган экан. Савдогар дўстларини олиб ўша жойга борибди ва ўғлини туткунликдан халос этибди.

Хулоса. Эй фарзанд, хунар бойга ҳам, камбағалга ҳам бирдек керак экан. Агар бой бўлсанг, эртаю-кеч бойлигингни сақлайсан. Агар хунарманд бўлсанг, хунаринг сени асрайди.

Саккизинчи насиҳат

Биз инсонларга инъом этилган улуғ ҳадя ақлни улуғ неъмат деб билинг, уни софлик ва комил равишда асрашга эътибор беринг. Бундай улуғ неъматни ва бундай шаъриф ҳадяни сақлаш ҳар кимнинг энг биринчи ва шарафли бурчи эканини унутманг.

Шундай экан, баъзи одамлар борки, бу азиз неъматни ичкилик йўлида барбод қиласидар. Ақл агар олтин баробарида сотиладиган бўлсайди, хушёр одамлар бор нарсаларини сотиб бўлса ҳам, ақлга харидор бўлар эдилар. Ҳолбуки, ичкиликка мубтало бўлган одамлар девоналиникни сотиб оладилар.

Ичкилик ҳамма ёмонликларнинг онасидир. Ичкиликка мубтало бўлган киши мулоийимлик, поклик, омонаят, сир сақлаш, тадбир ва оилани тарбия этиш гузал хулқлардан бутунлай маҳрум бўлади. Вақт ва мол дунёсини қўлидан бой беради, бузуқ хулқини гуноҳсиз ёш болаларга мерос этиб қолдиради. Шунинг учун бу заҳар, бу оғудан аввал ўзингизни, кейин оилангизни, ҳаттоки, ҳамма қариндош-уругларингизни, таниш билишларингизни сақлаш йўлида ғайрат қилинг ва бутун иштиҳодингизни сарф қилинг.

Байт:

Ичкилик оғу-захар, ёндашмагил бўлгил узок.

Канчалик бўлсанг ундан узок, ўшанча яхширок.

Ривоят

Қадим замонда бир ойна солувчи бўлган экан. Бир куни у ўз фойдасини кўзлаб бир девонага дебди: “Агар бориб одамларнинг ойналарини синдиранг, менга ёрдам берган бўлар эдинг, чунки менинг ишим юришар эди”.

Девона унинг гапига кириб, ойна солувчининг уйига ютуриб бориб, ҳамма ойналарини битта қўймай синдирибди. Кечкурун уйига келган ойна солувчи буни кўриб газабланибди ва девонани уриша бошлабди.

Нега мендан жаҳлинг чиқади, ахир ойналарни синдири деб ўзинг айтинг-ку?! – дебди девона. Мен сенга бошқаларнинг уйидаги ойналарни синдири, шунда менинг ишим кўпаяди, деган эдим.

Агар бошқаларнинг ойнасини синдирысам, улар бошқа ойна солувчини чақиришлари мумкин эди. Сеникини синдирысам, сен ҳеч кимни чақирмайсан ва ўзингнинг ишинг кўпаяди, – дебди девона.

Хулоса: Эй фарзанд, билгинки, бошқаларга зиён етказиш эвазига тирикчилик қилишнинг оқибати мана шундай бўлади.

Тўққизинчи насиҳат

Бир-бирингизни турмушингизга, молу-дунёингизга ҳасад қилманг, аччиқлашманг, ёмон сўзга борманг, газаб вақтида ўзингизни тутинг, иккюозлама мунофиқлиқдан, баҳиллиқдан сақланинг, ёлғончи, гийбатчи, тухматчи ва чақимчи бўлманг. Ваъдангизга вафо қилинг, меҳнатсевар, ишчан, гайратли ва матонатли бўлинг. Омонатга хиёнат қилманг, одамларни кулдириш учун маъносиз, одоб, тарбияга хилоф бўлган сўзлардан сўзламанг.

Байт:

Истасангиз қайғу ҳамлардан нажот,
Ножӯя ишлардан айланг эҳтиёт.

Ривоят

Қадим замонда бир овчи бўлган экан. У бир куни айик боласини топиб олибди ва парваришлай бошлабди. Айик кундан-кунга ўсиб, унга ўргана бошлабди. Овчи қаерга борса, уни ўзи билан олиб юрар экан. Одамлар унга эҳтиёт бўлишни тайинлаб, бу қилаётган иши хато эканлигини айтибди. Лекин овчи уларга “Лекин бу айик менга одамдан ҳам яхши дўст, у мени ҳар жойда қўриқлайди”, деб жавоб берилбди. Бир куни улар биргага ов қилиб юришганда овчи чарчабди ва бир дараҳт соясида бироз мизғиб дам олмоқчи бўлибди. Айик эса уни ҳар доимгидек қўриқлай бошлабди. Шу пайт бир пашша келиб овчига қўнибди. Айик уни ҳайдабди. Паашша айланиб яна қўнибди. Айик яна ҳайдабди. Бу ҳол бир неча бор такрорланиб, айиқнинг жаҳли чиқибди. Катта бир тошни олиб, овчига қўниб турган паашшага отибди. Паашша учиб кетибди, овчи эса тил тортмай ўлибди.

Хулоса: Эй фарзанд, дўст танлашда ўйлаб иш қил. Ўтган одамлар “Аҳмоқ дўстдан, ақлли душман яхши” деб бежиз айтишмаган.

Ўнинчи насиҳат

Ақлли одам ўзининг кимлигини, даражасини билиб, шунга қараб иш олиб боради, гўзал хулқли одамларда мунофиқлик бўлмайди, ёмонликдан қайғуриб яхшилик учун севилиш комил инсонда топилади.

Ризқ-рӯзингизни тупроқ остидан изланг, яъни ер ҳайдаб уруғ сепинг, тоғларга чиқиб конларни изланг, бу ишларга мутахассис бўлиш учун маҳсус ўқув юртларига кириб ўқинг, молу давлатингизни, оиласингизни тарбия этишдан қизғанманг. Мабодо ишингиз ўнгланмаса қайғуриб ўтираманг, ўнгланишга ғов бўлиб турган нарсаларни битиришга ғайрат қилиб киришинг. Билмаган нарсалрингизни “биламан” деб даъво қилманг.

Ёлғондан гувоҳлик берманг. Ҳаққингиз йўқ нарсаларни даъво қилиб олманг. Нафис санъатларни ўрганишга ҳаракат қилинг, ўрганинг. Она тилингизни севинг, ҳурмат қилинг, қадр-қийматини тақдир қилинг, юксак мақомга кўтариңг.

Ривоят

Қадим замонда икки дўст ов қилиш учун ўрмонга борибди. Тасодифан уларга айиқ рӯпара бўлибди. Дўстлардан бири миљигини ташлаб, яқин атрофдаги дараҳтлардан бирининг устига чиқиб олибди. Айиқ ерда ётган одамни ҳидлаб кўриб, нари кетибди. Чунки айиқлар ўлакса емайдилар. Айиқ кўздан ғойиб бўлгач, дараҳатдаги овчи ерга тушиб, дўстининг олдига келиб ҳазиллашибди: “Оғайни, айиқ қулоғингга бир нима дедими?” Дўсти унга: “Ҳа, дўст танлашда адашибсан, деди”, – деб жавоб берибди.

Хулоса: Эй фарзанд, билгинки, яхши кунингда дўстларинг кўп бўлади. Лекин ҳақиқий дўстлар сафарда ва тижоратда синалади.

Ўн биринчи насиҳат

Гуноҳ унутилмайди, эзгулик ерда қолмайди. Ҳар кимки нима сепса шуни ўради. Эзгулик экишга шошилинг, нафсингизни ҳамма истагини бажо келтиришдан чекилинг. Хайрли ишлар учун саъй ҳаракат қилинг. Жамият манфаатини ўз шахсий манфатингиздан ортиқ билинг. Ёмонлик орқасидан юрманг. Саломатлик, тинчлик энг улуғ неъматлардан ҳисобланади. Бунинг қадр-қимматини билинг. Умрингизни фойдасиз нарсаларга сарф қилманг. Сизнинг мол дунёнгиз, насл-насабингиз, мартабангиз эмас, қилган гўзал ишларингиз, яхшиликларингиз шараф билан ёд этилади, халқ кўнглида абабий қолдиради. Ўйлаган тилакларин-

гиз ҳосил бўлмай қолса ортиқча қайгуриб, соғлигингида заарар етказманг, шунга ўхшаш молу-дунёингизни кўплиги учун ҳам ўз-ўзингизни билмас даражада шодланманг, гуурланиб кетманг.

Ишланг, меҳнатни севинг, ҳалол қасб билан топган мол-дунёингизни керакли ерларга сарф этинг.

Ривоят

Қадим замонда бир шаҳарда бир донишманд яшаган экан. Турли жойлардан унинг олдига маслаҳат учун одамлар келишар экан. У одамларга қимматли маслаҳатлар берар экан. Унинг овозаси узок-узоқ ўлкаларга етибди.

Бошқа бир шаҳарда донишмандлиги билан донг таратган бир одамнинг қулогига ҳам бу хабарлар етиб борибди. У одамлар орасида ўз обрўсини йўқотиб қўйишдан қўрқиб, ўзининг ўша донишманддан устунлигини исботламоқчи бўлибди ва шундай режа тузибди. “Бир капалакни тутиб, икки кафтим орасига олиб, ҳамманинг олдида донишманднинг олдига бораман. “Кафтим орасида нима бор?” деб сўрайман. Албатта у капалак деб жавоб беради. Шунда мен “у тирикми ёки ўликми?” деб сўрайман. Агар у тирик деса, мен кафтими билдирамасдан сиқиб, капалакани ўлдираман. Шунда кафтимни очганимда ҳамма капалакнинг тирик эмаслигини кўради. Агарда у капалакни ўлик деса, мен кафтимни очиб, уни учириб юбораман, ҳамма капалакнинг тирик эканлигини кўради, шунда барча унинг хато қилганини сезади”, деб ўйлади.

У айтганини қилиб, капалакни олиб донишманднинг олдига борибди ва “Қўлимдаги нима?” деб сўрабди. “Капалак” деб жавоб берибди донишманд. “У тирикми ёки ўликми?” деб сўрабди келган донишманд. “Бу энди

сенга боғлиқ”, деб жавоб берибди донишманд унинг күзига қараб.

Хулоса: Эй фарзанд, билгинки, ўзингниг кучингга ортиқча баҳо берининг сени ҳам мана шундай уялтириб қўйиши мумкин. Донишмандлар: “Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил”, – деб бежиз айтишмаган.

20.3. Абу Бақр Сиддиқ ўғитлари

“Мен ҳам сиз каби бир одамман. Билмадим, балки Расууллоҳ саллалоҳу алайҳи вассаллам бажара олган хизматни менга ҳам таклиф қиласиз”. Ваҳоланки, Аллоҳ таоло Мұхаммад алайҳиссаломни бутун оламлардан афзal қилди ва уни бало-оғатлардан асрди. Мен эса тобеман. Ўз билганимча ҳаракат қилишга ҳаққим йўқ.

Тўғри ҳаракат қилсам, менга эргашинг. Тўғри йўлдан чиқсам, мени тўғри йўлга солиб қўйинг. Расууллоҳ саллалоҳу алайҳи вассаллам вафот этгандарида умматларидан ҳеч кимда бир чўп зарра қадар ҳақлари қолмаган эди. Менинг эса вақти вақти билан пайдо бўладиган бир шайтоним бор. У келганида мендан узокроқ турингки, ногоҳон сизни уриб қўймайин ёхуд соч-соқолингизни тортмайин.

Эй, инсонлар! Сиз қай замон тугаши сизга номаълум бир умр ичида кун ва тунларингизни ўтказмоқдасиз. Агар қўлингиздан келса, бу ҳаётингизни солиҳ амаллар билан ўтказинг. Буни ҳам фақат Аллоҳ таолонинг ёрдами билан амалга ошира оласиз. Ажалингиз сиздан ишлаш фурсатини олиб қўймасдан туриб, имкониятларингизни ишга солиб, хайрли амалларга шошилинг. Зоро, ажалларини унугтган, амалларини бошқаларга ташлаган кимсалар ҳам бордир. Зинҳор улар каби бўлманг. Тезроқ бўлинг, гафлатда қолманг. Чунки орқангиздан сизга етишмоқ учун тез келаётган ажалингиз бор.

Үлимдан қүрқинг, оталардан, ўғиллардан, ака-укалардан ибрат олинг. Яшаётган кишиларга эмас, ўлганидан сұнг улар ортда қолдираётган гүзал нарсаларга ҳавас қилинг.

20.4. Қизларга түрт насиҳат

1

Билингки, гүзаллик поклиқдир, покизалиқдир. Хушфеълиқ, одоб, ҳаё ва яхшиликка интилинг. Одам руҳан гүзал бўлмай туриб, жисман гүзал бўла олмайди. Шунинг учун ҳам дур дейдиларки, унинг ичи тоза, шаффоф бўлур. Ундан ҳеч ким губор топа олмас.

Ҳар қандай ҳолатда одоб ва ҳаёни сақлаган ғолиб бўлур. Чунки одоб ва ҳаёга тенгсиз гүзаллик ва сирсиноат жамланган. Ҳар қандай куч унинг олдида мағлуб бўлур.

2

Меъёрдан ортиқ бўянишга ва башанг кийинишга интилманг ва маҳдиё бўлманг. Ҳамма нарса табиий ҳолатда гүзалдир. Оддийроқ кийининг ва самимий бўлинг. Самимийлик, хушфеълиқ ва камтарлик ҳақиқий бекиёс гүзалликдир. Сунъий атиргулни қанчалик гүзал қилиб тайёрлаган бўлмасин, у табиий атиргул олдида барибир қадрсиздир.

Гүзалликнинг бозори йўқ. Ўзингизни қанчалик камтар тутсангиз, шунчалик гүзал кўринурсиз. Ёшликтининг ўзи тенгсиз гүзалликдир.

Оддий, ҳалол ва диёнатли бўлинг. Қалбнинг покизалиги бебаҳо гўзалликдир. Одамнинг қалби қандай бўлса, чехра ҳам ана шундай бўлади. Ҳалоллик сизни гийбатлардан, тұхматлардан асрайди ва ҳеч қачон юзингизни заъфарон этмайди. Ҳалол инсонларнинг күрининши сирли, жозибали, нафосатли бўлур.

Бойликка ружу қўйманг. Бойлик, зеб-зийнат ҳақиқий гўзалликдан пастроқда туур. Чехрадаги самимий ва гўзал табассум латофатини дуру гавҳарлар шодаси ҳеч қачон бера олган эмас.

Пайғамбаримиз Мұхаммад Мустафо (с.а.в.) қизлари биби Фотимага шундай насиҳат қилғанлар: “Эй, жигарим Фотима, агар икки дунё саодатини топай десанг, доимо таҳорат, покизалик, тавбаю истиффор билан ороланиб юргин. Аллоҳга ҳамду сано айтгувчи, ёмонликлардан паноҳ сўраб тавба қилгувчи, доимо таҳоратли юрувчи кишиларнинг қалби ҳам, чехраси ҳам гўзал бўлғусидур. Бундай гўзалликка дунё бисоти билан эришиб бўлмас. Заъфаронлар ҳар хил хушбўй нарсалар билан зеболанган аёлдан кўра, поклик ва хушфеъллик, озодалик ва ҳаё билан зеболанган аёл минг чандон ортикроқдир”.

Ривоят

Қадим замонда сув, шамол ва ростгўйлик дўст бўлишган экан. Бир куни сув билан ростгўйлик шамолдан сўрашибди: “Эй шамол, сен жуда тез учасан. Агар сени топмоқчи бўлсан, қаердан қидирайлик?” Шамол

“Мени тоғлар орасидан топасиз”, дебди. Кейин шамол билан ростгүйлик сувдан сұрашибди: “Сен жуда тез оқасан, агар сени қидирса қаердан топамиз?” “Мени абадий музиклардан изланг”, дебди сув. Кейин шамол ва сув ростгүйликтан сұрашибди: “Ростгүйлик сени-чи, агар қидирса қаердан топамиз?” Ростгүйлик дебди: “Мен кимнинг ёнида бұлсам, ундан ажралмайман. Мени тарк этганларни ёмон құраман. Агар мени йүқтотган қайта то-пмоқчи бұлса, юрагининг тубидан изласин, лекин у ерга етиш жуда мушкул”.

Хулоса: Эй фарзанд, билгинки, ростгүйлигини йүқтот-ған одамнинг қалби тоғлар орасидаги чукур ва абадий музиклардай совуқ бұлади.

20.5. Онанинг қизига насиҳатлари

Қизим! Эрингдан ҳеч бир сириңни яширма! Эрингдан бошқа кишига сир айтма. Бошқанинг күз үнгида эрингта қарши бир оғиз сүз айтма. Чөхранғни бузма...

Қизим! Эринг хүш күрмаган ишлардан, күнглига бо-тадиган одатлардан ийроқ бўл. Унинг раşкини келти-радиган ишни қилма. Эрингнинг молини сақлаб тут, хи-ёнат қилма!

Қизим! Дунё ҳар вақт неъмат бўлиб турмас, баъзи вақт оғулари, тиканлари, найзалари ҳам бўлади. Эринг билан орангизда хилофлик тушса, совуққонлик билан сўзла, қизишма, юзингни ва товушингни ўзgartирма!...

Қизим! Эринг ишга кетганида кузатиб қуй. Қайтиб келганида кутиб ол! Эрингдан кеч қолмай уйқуга ёт, ундан олдин тур!

Қизим! Агарда Аллоҳ таоло болалар берса, уларнинг танларини ўзинг эҳтиёт эт! Фарзандларинг ақлларини тарбия қил, яхши хулқларга одатлантир!

Қизим! Ҳар ишда ишонганинг Аллоҳ таоло бўлсин!
Ҳар бир умидинг Аллоҳ таолода бўлсин! Аллоҳ таоло
буюқдири. Ҳар нарсани билгувчиидир. Кариму Раҳимдири...

Ризоуддин ибн Фахриддин

(7x7, 12.08.10)

Ривоят

Бир куни Луқмони ҳакимдан сўрашди:

- Сен донишмандликни кимдан ўргандинг?
- Кўрлардан, улар атрофни кўра олмаганлари сабабли кўп қоқиладилар, тўсиқларга учрайдилар, йиқила-дилар.

Хулоса. Эй фарзанд, агар кўзинг очиқ бўлса, атроф-дагиларнинг босаётган қадамларига разм сол. Шунда хаёт йўлингда камроқ қоқиласан.

20.6. Озарбод насиҳатлари

Озарбод қадимги форс ҳакимларидан бўлиб, у ўғлига қуйидагича насиҳат қиласи:

– Эй ўғлим, сен доим мезбон бўлай, одамларни меҳмон қилишга ҳамиша қодир бўлай десанг, меҳ-мондорчиликда ўртача йўл тут, бирдагина бор-будингни сарфлаб юборма, бировга муҳтоҷ бўлмай десанг қаноат йўлида барқарор тур! Одимда турган мақсадга етай десанг, доимо интилишда бўл! Дунёда омон бўлай десанг, гуноҳ ишлардан узоқ юр, дўстларим кўпайсин десанг, тавозеъ ва камтарликни шиор қил! Агар сен дўстларинг билан мустаҳкам алоқада бўлсанг, уларнинг иззат-икро-мини жойига кўйсанг, улар сенинг мададкоринг бўлади. Ёт кишиларга ҳожатинг тушмайди. Кўрқоқ ва бошкесар кишиларга қарзга пул берма, улардан ҳеч қаҷон қайта-риб ололмайсан! Ҳасадчини ўз молу давлатингдан огоҳ

қилма, ўз давлатига фахр ва ғуур қилювчи кишилар билан алоқада бўлма! Қайси ишда бўлмасин, ҳийла ва мақрини ишга солма, хушомадгўйликдан узоқ бўл! Йўқолган нарсага ғам чекма. Молу давлат бир қушки, ҳар дам ҳар маконга кўнади.

Эй ўғил, шундай кишилар билан дўст тутингинки, улар хеч қачон сенга хиёнат қилимасинлар. Бундан ташқари, оғирлиқ қунларида сени танҳо колдиримасинлар. Молингта мағрур, камбағаллигингга ғамгин бўлма! Доно киши шундай кишики, бойликка маст бўлмайди, кулфатда хор бўлмайди.

Ривоят

Қадим замонда бир ота ва ўғил шаҳар кўчаларининг бирида кетишар эди. Ота эшак минган, ўғил эса уларнинг кетидан борар эди. Уларни кўрган бир киши: “Анавиларни қаранглар отаси эшакни миниб олибди, ўғли эса ҳолдан тойиб уларга ета олмаяпти”, дебди. Йўловчининг гапи отага таъсир қилиб, эшакдан тушибди ва ўғлини ўтқазиб, йўлида давом этибди. Йўлда учраган бошқа бир йўловчи эса: “Анави болани қаранглар, отасини пиёда юргизиб, ўзи эшкани миниб олибди”, – дебди. Бу гап ўғилга таъсир қилиб, отасидан эшакка мишишни сўрабди. Ота-бала эшакни миниб кетаётганларини кўрган одамлар: “Анави ноинсофларни қаранглар, иккаласи битта эшакни миниб олибди”, – дейишибди. Энди ота бола эшакдан тушиб уни етаклаб кета бошлабди. Уларни кўрган бошқа бир йўловчи: “Анавиларни қаранглар, иккиси пиёда эшакни етаклаб кетяпти”, – дебди.

Хулоса: Эй фарзанд, билгинки, нима иш қилсанг ҳам, ишингдан айб топувчилар учрайди. Шунинг учун доим ўз шароитингга қараб иш тут.

20.7. Она насиҳати

Бундан бир неча юз йил олдин араб қабила бошлиқларидан Авф ибн Милҳам исмли киши бўйи етган қизи Умму Инасни қабила пешволаридан бирига турмушга беришга қарор қилган эди. Милҳамнинг хотини Умома ўзга хонадонига ўзатилаётган қизини қаршисига ўтқазиб ушбу қимматли насиҳатларни айтган:

– Жоним болам!

Бир кишини яхшиликка ундаш учун панду насиҳатлар берилади. Одоб-ахлоқли ёки бой бир кишининг фарзанди бўлиш ёки барчага мақбул хислатта эгаликнинг ўзи инсонга кифоя қилганида эди, сенга насиҳат қилиб ўтирумасдим.

Аслида, насиҳат ва тавсия унутилганларни ўргатади. Шунга кўра, насиҳатлар жуда фойдалидир. Суюкли қизим!

Агар биронта қиз ота-она бой бўлганидан турмушга чиқищдан муҳтоҷ бўлмасайди, сенинг ҳеч қачон турмушга чиқишингга ҳожат қолмасди. Аммо ҳаёт сен ўйлагандек эмас. Эркаклар биз учун, биз эса эркаклар учун яратилганмиз.

Қизим!

Ўзинг улғайган оиласдан чиқиб, мутлақо нотаниш бир оиласга борасан, ҳеч кўришиб гаплашмаган, хулқ-атворини билмаган бир кишининг умр йўлдошига айланасан. Сен унинг хизматкори бўлгинки, у ҳам сенга ёрдамчи бўлсин.

Болам!

Кел энди, баъзи насиҳатларни берайин. Уларни яхшилаб ўрганиб, чиройли амал қилсанг, умр бўйи роҳатда яшайсан. Умр йўлдошингиз билан ҳеч қачон орангиз бўзилмайди. Бу дунёда баҳтли ҳаёт кечирганинг каби, охиратда ҳам абадий саодатга эришасан.

1. Қаноатли бўл! Яъни умр йўлдошинг келтирган озиқ-овқат, кийим-кечакнинг ҳаммасини мамнуният билан қабул қил. Чунки, қаноат қалбга хузур-ҳаловат бағишлайди.

2. Айтилаётган гапларни доимо диққат билан эшиш ва ҳамиша итоатда бўл. Умр йўлдошингга эътиroz билдирма, у билан ҳамфикр ва яқдил бўлишга ҳаракат қил. Бундай ҳаракатларинг билан жаноби Ҳакнинг розилигига ҳам етишасан.

3. Умр йўлдошинг кўзи тушиши мумкин бўлган ҳамма жойга эътибор бер, шундай қилки, унинг кўзи зинҳор ножӯя ҳолатларга тушмасин.

4. Ёмон ҳид чиқариши эҳтимоли бўлган нарса ва ерларга диққат қил. Уларни топиб тозала. Уйингдан ҳар доим хушбўй ҳидлар таралиб турсин.

5. Шуни яхши бил: тозалик ва латофат сувга боғлиқ. Ҳар қандай нарса сув билан тоза бўлади. Уйда сувларнинг тоза туришига аҳамият бер.

6. Эрингнинг овқатланиш соати ва уйқу вақтига диққат қил. Овқатни ҳамиша унинг одати бўйича тайёрла. Вақтида ухлаши учун ишларингни вақтида тамомла. Чунки очлик кишини тажанглантиради, уйқусизлик эса, хафаликка сабаб бўлади.

7. Уйингдаги мол-мулк, жиҳозларни эҳтиёт қил, бу нарса сенинг ишбилармонлигингни кўрсатади.

8. Эрингнинг яқинларига чиройли муомалада бўл. Бу нарса сенинг яхши уй бекаси эканлигингни билдиради.

9. Эрингнинг сирларини зинҳор бировга айтма. Агар сирларини бировга айтадиган бўлсанг, сендан ранжиди. Бевафолик йўлига кириб ҳам кетиши мумкин.

10. Эрингни ҳурмат қил, буйруқларини бажар, гап қайтариб унга қарши чиқма. Агар қарши бориб исён этсанг, жаҳли чиқиб ранжишига, ҳатто душман каби ҳаракат қилишига сабаб бўласан. Эринг ғамгин ва хафа

бўлган пайтда ўзингни хурсанд тутма, унинг ғам-ташвишига шерик бўл. У хурсанд бўлса, сен ҳам шундай кайфиятда бўлишга ҳаракат қил.

Қисқаси:

Қизим! Эрингга қанчалик ҳурмат ва итоат этсанг, шунчалак суюкли бўласан. Қанчалик рози қиласанг, шунчалик мухаббат кўрасан. Шуни ҳам таъкидлаб ўтишим лозимки, бу айтганларимни фақат унинг истакларини ўз дою-ҳаваслариндан, унинг розилигини ўз орзула-рингдан устун қўйиш билан уddaрай оласан.

Хулоса ўринида,

Гап келди: Умоманинг ўз турмуш тажрибаларига таяниб қизига қилинган бу панд-насиҳатлари умуман эри билан ширин ҳаёт кечириш, оилани яхши бошқариш ва хузур ҳаловатда ва хотиржам яшашини хоҳлайдиган ҳар бир аёл амал қилиши лозим бўлган ишлардандир. Бу насиҳат барча хонимларнинг қулоқларига қурғошиндек қўйилиши, ўзларига мана шу ўгитларга мувофиқ йўл танлашлари керак.

20.8. Ота насиҳати

Ўғлим, ҳалқнинг ўзингга хайриҳоҳ бўлишини хоҳласанг, аввало, ўзинг ҳалқа хайриҳоҳ бўл. Ўз меҳнатинг бекорга кетмаслигини тиласанг, ҳалқ меҳнатини бекорга зое қилма. Обрўли бўлишни истасанг, тавозеъли бўл. Одамлар сени масхара қилиб қўйишларини истамасанг, юриш туришингни тузат, қадр-қимматим ошсин десанг, бошқаларнинг қадр-қимматларини бил. Ҳамманинг ўзингга дўст бўлишини истасанг, одамларга қўлинг ва

тилинг билан озор берма. Иззат ва хурмат эгаси бўлишни хоҳласанг, мумкин қадар молингни муҳтожлардан аяма. Муқаммал бир инсон бўлишни орзу қиласанг, ўзингга мақбул бўлмаган бир ишни бошқаларга раво кўрма. Дилинг оғриб, асабийлашишни тиламасанг, жоҳил, аблах кишилар билан гап талашма. Бегам бўлишни истасанг, ҳасадчи бўлма. Қайғу-аламдан йироқ бўлишни истасанг, қўлингдан чиқсан нарсага, ағсус-надомат килиб юрма. Дўст, ошноларинг қўпайишни хоҳласанг, очик юзли, ширин сўзли бўл, ҳеч кимга гина ва адоват сақлама. Сиринг ошкор бўлишни хоҳламасанг, уни дўстингга ҳам айтма.

ДОНИШМАНДНИНГ ФАРЗАНДИГА НАСИҲАТИ

1. Эй ўғил, ҳаётда муваффақият қозониш, жисман ва руҳан муқаммал бўлиш учун ҳалол бўл, меҳнатни сев. Ҳалол меҳнат қилган киши икки дунёда кам бўлмайди.
2. Ялқовлиқдан узоқлаш. Файратли бўл. Вужудингни ҳаракатга бағишла. Тинма, тириш, олға бос.
3. Эҳтиёт бўл, ҳамма ишингда тартиб ва интизомга риоя қил.
4. Сенга жамият томонидан топширилган вазифани тўғрилик илиа бекаму кўст адо эт.
5. Ҳақиқатни сев, юриш-туришингда содда ва табиий йўлни тут.
6. Самимий, пок қалбли, виждонли ва ҳақшунос бўл.
7. Қаноатли, ҳаммага меҳрибон ва ғамхўр бўл.
8. Тўғрилик ва шиҷоатни ўзингга шиор қилиб ол.
9. Шараф ва номусингга доғ тушириш эҳтимоли бўлган ҳар турли завқ ва сафодан кеч.
10. Гўзал ахлоқнинг матонати, ҳиссиётнинг олий-жаноблиги билан вужудингга сиҳат ва латофат бағишла.

ЁШЛАРГА ЎН НАСИҲАТ

- Сенга ҳаёт бахш этган ота-онангни ва ҳар вақт сенга ёрдам бериб, ҳаётингни қўриқловчи зотларни ҳурмат қил, уларнинг иззат икромларини бажо келтир.
- Ака-ука, опа-сингил, қариндош-уруг ва ёр-дўстларининг муҳаббат ҳамда садоқат ини билан боғлан.
- Манносиз йўллардан, шараф ва номусингни барбод қиласидиган ишлардан йирок бўл.
- Ёшлигинингни, хиссиётинг, соғ-поклигинингни, сиҳатинг номусинг, обрў ва эътиборингни қўриқла.
- Севишни бил, муҳаббат ва соғлом ақл ўзингга умр йўлдош танлашда йўл бошчи бўлсин.
- Имконинг етган вактда дарҳол уйлан, бир оила ташкил қилиб, ўзингга бир саодат ошиёнини ҳозирла. Бу ишинг инсофий вазифа, ўхшаши бўлмаган саодат воситасидир.
- Ўғилларингни сабрли, матонатли, фазилатли ва шиҷоатли қилиб етиштири. Қизларингни ҳам гўзал хислатли қилиб тарбияла.
- Оиласиг ҳаётини гўзал суръатда давом эттири. Оила даврасини сев, у кўзга ёқимли, қалбга завқ-шавқ бахш этиши учун кучингни сарф қил.
- Лутфкор ва шафқатпарвар бўл. Бошларига мушкул иш тушган, фалокатларга эришганларга тасалли бер, мушкулликдан қутилишларига уларга ёрдам бер. Бўш вақтингдан бир қисмини одоб ва ахлоққа қарши бўлмаган ўйин-кулгиларга сарф қил.

“Оз-оз ўрганиб доно бўлур” китобидан

20.9. Ёшларга 5 ўгит

Бир ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз Мұхаммад с.а.в. ёшларга қараты үзларинг қуидаги ўгитларини айтиб ўтиб кетган эканлар: “Беш нарсадан олдин беш нарсани ғанимат билгин: Ҳали ҳаётлик вақтингни ўлим-ажалинг келмасдан олдин, согу-саломатли даврингни, бирор касалликка чалинмасдан олдин бүші вақтингни, банд бўлиб қолишидан олдин, йигитлик пайтингни қариб қолишидан олдин, бойлигингни фақирлигингдан олдин ғанимат билгин”¹.

1. Ҳаёт инсонга бу дунёда бир марта берилади. Бу улуғ неъматни ғанимат билиб, ундан унумли фойдаланиб қолиш инсоннинг ўз қўлида. Унумли фойдалниш деганда яшаб қолиш мақсадида фақат роҳат-фароғат, айшу-ишрат бўлишни эмас, балки киройи инсон бўлиб дунёга келганга яраша яхши ном қолдириш, ўзига, оиласига, халқига бирор жиҳатдан бўлса ҳам манфаат етказишига ҳаракат қилиш, боқий дунё охирати учун хайрли, савобли ишларни қилиб қолишга шошилиш кераклигини тушунишимиз зарур. Белгилиб, ўлчаб берилган умр тугаб, ажал етгач афсуснинг мутлақо фойдаси йўқдир.

2. Сиҳат-саломатлик ҳам улуғ неъматлардан хисобланади. Соғликнинг қадри, одатда, бош ёстиққа текканда билинади. Мана шу соғлик-саломатлик вақтини ғанимат билиб, дунё ва охират учун фойдали ишларни қилиб қолишга ҳаракат қилиш оқилу доно кишиларнинг ҳислатидир. “Тан-сиҳатлик – туман бойлик” деганлари айни ҳақиқат. Бемор одамнинг кўнглига ҳеч нарса сиғмайди. Ҳамма нарса соғлиққа боғлиқ. Мана

¹ Мана шу беш ўгитни исломшунос олим Шайх Абдулазиз Мансур қуидаги шарҳлаш билан (“Туркистон” 15.10.02) келажаги буюк давлатимизнинг пойдевори саналмиш ёшларимизни огохликка давъяят этадилар.

соғлиқни сақлашга ҳаракат қилиш билан бирга бирор хасталикка чалинмай турган ҳолатни ғанимат билиб, илму фан, касб-хунар ва бошқа зарур машғулотлар билан шугулланиб юриш ақли расолик ва хүшёргиликнинг белгиларидаидир.

3. Бўш вақт ҳам инсон учун энг ғанимат фурсат саналади. Бўш вақтни беҳуда ўтказишлик қўлдаги нақд бойликни кўкка совурмок демакдир. Масалан, талаба ёшлиар ўқув юрти дастуридан ташқари ҳам бўш вақтлари бўлади, албатта. Илм-фани эгаллаш – бу фақат ўқув дастурини эгаллашдан иборат эмас-ку! Худда ана шу вақтлардан унумли фойдаланиб, илм-фан, касб-хунарнинг бошқа турлари билан ҳам шугулланиш мумкин. “Йигит кишига қирқ хунар оз” деб бежиз айтилмаган. Кейинчалик ёш бир жойга боргандা пушаймон қилиб, қачонлардир беҳуда ўтказиб юборилган бўш вақтларга пушаймон қилиш, фурсат бор пайтда бирор бошқа хунар ёки касб турларини эгалламагани учун пушаймонда бўлишдан Аллоҳнинг ўзи арасин!

4. Йигитлик, ўспирийлик пайти инсоннинг умр баҳори ҳисобланади. Шу даврда у жуда кўп имкониятларга эга бўлади. Мана шундай даврни ғанимат билиб, имкони борича фойдали ишларни қилишга шошилиш керак. Чунки умр елдек ўтиб, умрнинг кўзи-кексалик даври келиб қолганини инсон сезмай қолади. Кексалик даври файзли кечиши учун эса барча қилиниши лозим ишларни ўспирийлик даврида бажариб улгурган бўлиши керак. Агар белида қуввати бор пайтида эзгу ишларни қилиб улгурган бўлса, бу дунёда ҳам, охиратда ҳам роҳатини кўражак.

5. Бойлик, омад, моддий имконият ҳам кишига ҳадеб берилавермайди. Инсонга умр давомида бир неча марта омад ёр бўлади. Қўлидан кўп иш келадиган, иқтисодий имкониятларига суюниб кўпчиликка манфаати тегади-

ган, хайрия ишларни амалга оширишга құдрати етадиган пайтида савоболи ишларни қилиб қолишга шошилиш керак бўлади. Кейинчалик олдинги имкониятлар бўлмай қолиши мумкин. Агар ўз вақтида лозим бўлган хайрли ишларни қилиб қўйган бўлса, унда ҳеч қандай пушаймонлик ва армон бўлмайди. Бордию, қўли узун пайтида бепарволик билан вақтни ўтказиб, бойлигини бехуда, фойдасиз ишларга сарф қилган бўлса, бунинг армони ва таассуфи оғир кечади. Шунинг учун имконият даврини ғанимат билиш ҳар бир оқилу доно кишига лозимдир.

Ёшлиримиз шу каби маънавиятни ўстирадиган ўгитларга қулоқ бериб, уларга амал қилсалар, албатта, бу дунёлари обод, охиратлари ҳам саодатли бўлур.

Бу күхна дунёда барча авлодларга сабоқ бўладиган ҳикматлар хазинасини қолдирган кўплаб донишмандлар, ёзувчилар яшаб ўтишган. Инглиз давлат арбоби, машхур сиёсатчи ва ёзувчиси Честирфилд, Филипп (1694–1753) ўз асарларида фарзандига бир қатор насиҳатларни ёритган. Қуйида бевосита фарзанд тарбиясига оид айрим насиҳатларни келтирамиз.

21.1. Честирфилд мактублари

Бат, 1946 йил 4 октябрь.

Ўғлим.

Гарчанд насиҳатларни барча ва ҳамма вақт тўғри қабул қиласвермасликлигини яхши тушунсанда, сенга номалар битишга кўп вақт сарфлаяпман. Насиҳатгўйликни кўпинча, афсуски, қаричиликнинг белгиси, сафсата, қуруқ гап деб билиб, унча ёқтиришмайди. Ачинарлиси шундаки, аслида кўпроқ қулок беришлари лозим бўлганлар, айниқса, ёқтиришмайди. Мен эса сени ҳали ёш бўлишингга қарамай ўгитларимдан тўғри хуласа чиқариб, ўзингга керакли ўгитларни ажратиб ва улар биринчи навбатда сенинг, ва фақат сенинг фойдангни кўзлаб айтилган фикрлар эканлигини билиб, уларни ақл тарозисига солиб, ўйлаб кўриш даражасида эсликсан, деган умиддаман. Шундай қилганингда бу ўгитлар ўз ўрнини топган, яъни сенга нафи теккан, деб ҳисобласа бўлади.

Азбаройи Худо, яна отам бокқани учун менга ҳукми-ни ўтказаяпти, деб хаёлингга келтирмагин, мен сенга фақат дўст сифатида маслаҳат беряпман, холос. Сенинг ёшлиқ ғурурингга тегмоқчи, вақти чоғлигингни чекла-моқчи эмасман. Менинг ниятим сен билмаганларингни билдиришdir, энди сабза ураётган ҳаёт йўлинигда учра-ши мумкин бўлган чақир тиканакларни олиб ташлаш, токи улар сени яралаб, зиён етказиб, ёшлигингни хазон этмасинлар.

Шу боис мен сенга аёлларча раҳмдиллик билан эмас, қатъийлик билан қарайман. Сен эса, фақатгина таҳсин-га сазовор ишларинг билан менинг кўнглимни кўтари-шинг мумкин.

Мен сенга доим кунтли, сабр-тоқатли, шу билан бир-га зийрак, абжир бўлишни насиҳат қиласман. Бунинг ҳаммасига қандайдир бир мажбурият эмас, пировар-дидаги кўнгилхушлиги насиб этадиган неъматдек қараш керак. Ўзинг ўйлаб кўр, тенгдошларингдан ҳар томон-лама бир поғона устун туришдан хузурли нарса борми? Ва, аксинча, сендан кимдир ўзиб кетса, бундан ортиқ таҳқирланиш борми? Бунинг устига сенинг таълим тар-биянгга ўртоқларингникидан кўпроқ диққат-эътибор берилаётганини ҳамма билиб турган бўлса? Сен мени тушунгин, мен тириклиқ ҳақида гапирганда фақатгина кимдандир беллашувда голиб чиқишингни назарда тут-майман, гарчанд бу ҳам муҳимлигини эътироф этсам ҳам. Мен барча соҳаларда кенг маънода зафарли бўли-шингни кўзлайман. Фақат бир соҳада юзаки билимга эга бўлгандан бўлмаган маъқул. Юзаки билим кишига қоникиш ҳисси бермаганлиги билан бир пайтда кулги-га ҳам сабаб бўлади. Фақатгина ҳавойи одамларгина шу билан кифояланиб юришлари лозим. Бундайларни кал-табин дейишади.

Агар мен ҳам ёшлигимда, ўз вақтида тиришқоқлик билан керакли билимларни әгаллаб олмаганимда ҳозир бир бебаҳт одамга айланиб қолган бўлардим. Унда ахволим не кечган бўларди, деб ўйлаб қоламан баъзан. Балки кўпчилик нодонларга ўхшаб ичишга ружу қуиган ёки аёллардай сафсата сотини билан кунини беҳуда со-вурадиган (бунақаларни аёлларни ўзи ҳам ёқтирмаиди) одамлардан биттасига айланиб қолармидим? Бунақа беъмани ҳаётдан ўзини-ӯзи осиб қўйиш ҳеч гап эмас, ҳар куни уйқудан кеч туриб, ким билан нима ҳақида гаплашишни билмаслик! Бундан ҳам зерикарли ҳаётни тасаввур қилиш мумкинми? Мени эса китоблар қуршаб турди, менинг беназир бойликларим ва дўстларим! Цицирон китоб ўқишининг фойдаси ҳақида бекорга айтмаган:

“Бу нарса ёшларга маънавий озиқ берса, кексаларни хушнуд этади, баҳтли онлар ҳадя этади, қиин дамларда кўнгилга таскин беради, юпатиб ором бағишилайди, уйда ҳордик сафарда эса содик ҳамроҳ бўлади; тунлар биз билан кечади, ишимизда ҳам кўмакчи, оғримизни ҳам енгиллатади”.

Шуни ҳам ёдингда тутгинки, мен билим олиш керак деганда, биргина китобдан билишни эмас, одамларни ҳам билишни назарда тутаманки, бу нарса китобдан оладиганлардан ҳам муҳимроқдир. Китобий билим ва ҳаётий билим – бу бир-бирини тўлдирувчи инсон учун teng зарур нарсалар. Одам иккисига етарли эътибор беради ва икковини әгалламай туриб, биттасининг ўзини ўзлаштиrolмаслигини билади. Одамнинг билими одамлар орасидагина амалга оширилиши мумкин, салқин хонада эмас.

Ҳаётни кузатганинг сари, китобий билимларни ҳам янги қирралари сенга намоён бўлаверади. Китоб ўқир экансан, ҳаётий тажрибангни кўллаб, ҳақиқатни топи-

шинг осон кечади. Одамларни билиш ҳам, китобдан билим олишдай күп меңнат, сабр-тоқат, қунт талаб қилади. Күп нарсани күра билиш, түғри баҳо бера билиш керак. Баъзи қарияларга эътибор берсак, ўта калтабинликлари натижасида ўн беш ёшликларида қандай бўлса, ҳозир ҳам шундок фикр юритадилар. Ҳаётда сафсатабозлик билан билим ортириб бўлмайди-да.

Сен одамларни четроқдан юзаки кузатибгина қолмасдан, уларнинг ички дунёсига кириб боришга урин. Чунки одамларда ўхшаш одатлар, умумийлик бўлиш билан бир вактда ҳар бирида қандайдир бетакрор, бошқаларда учрамайдиган хислат, бўладики, сен ўшани күра билишга ҳаракат қилишинг керак. Билиб олдингми, кузат, бу хислат, түғри ўша одамни нималарга ундаиди. Ва бундан буён ҳушёр бўлгин, кишини худди ўша туйғусига, бошқача қилиб айтсак, қитиғига тегувчи ишни унга ишониб бўлмайди. Аксинча, сен ўша одамга таъсир кўрсатмоқчи бўлсанг, худди ана шу билимингни ишга солишинг керак. Аммо ёдингдан чиқмасин, ўша одам сени нималар билан лол қолдиришга уринмаслиги мумкин... Хайр.

* * *

Бат, 1746 йил, 9 октябрь.

Ўғлим.

Сенда барча ёшларга хос бўлган бошқаларга ёқиши, тенгдошлардан устун туриш иштиёқи етишмаётганга ўхшайди. Билиб қўйки, ичиндан ёниб бир нарсага интилмас экансан, сен ҳеч қачон, ҳеч нарсага Эриша олмайсан. Кимгадир ёқиши учун шунга яраша аввал ўзинг унга нисбатан эътиборли бўлмас экансан, сенга ҳеч ким қайрилиб боқмайди. Лотинча бир нақл бор: “Сен ўзинг ақлли бўлсанг, тангрилар ҳам сенга ёрдир”. Ҳар фандан ўртамиёна қобилияти бор одам ҳам етарли даражага

да ҳаракат қылса, жонкуяр, үзига ҳам, бошқаларга ҳам ғамхұр, хүшёр бұлса, истаган нарсага әришиши, ниятига етишиши мумкин. Фақат шоирлик ва шеърият бундан мустасно.

Доимо ёдингда бұлсın фақат яшаş учунгина әңг муҳим фазилаттарниғина шакллантириш үчүн әмас, балқи, иккинчи даражали, икир-чикир түйілгандарини ҳам үзида тарбиялашга етарли әထибор бермоқ зарур. Булар: муомала, кийини什 маданияти, рақсга тушиш ва ҳоказолар. Буларсиз кишини жамоат ёқтирмайды, четта суреб құяды. Мен аввалги номаларимда уқтиргандым бу ҳақда сенга...

Бошқаларга нисбатан бепарво бұлмаслик ҳақида гап бораркан, паришонхотирилік хусусида иккі оғиз сүз. Парашонхотирилік иккі нарсадан бұлади: нима биландир үтә бандықдан ёки бүшанглиқдан.

Аммо ҳар иккі ҳолатда ҳам паришонхотириларни ҳеч қандай даврада ёқтиришмайды. Үндай одамлар ноқулай ақвогла тушгани тушган, кечаги онасини бүгүн танимаётганды. Сұхбатларда иштирок этиша олмайды, аксинча, бирдан уйқудан кимдир туртиб үйғотгандай, нималарни дир үринсиз гапира кетишади. Юқорида таъкидлаганимдек, бундай одам ё бүшанг, мияси йўқ ёки бұлмаса үтә муҳим муаммоларни ечиш билан банд. Бирон ёш йигит ҳеч қандай сабабсиз үзини паришонхотир тутса, бошқаларга нисбатан хүшёр, әထиборли бұлмаса, яъни келса-келмас гапларни үринсиз гапираверса, бундайлар тезда четта сурелиб қоладилар. Жамоат қанчалик сендан паст бұлмасин, үша ерда турибсанми, сен менсимаслигингни сездирмагин, үзингни катта олмагин, улардан жирканмагин, дилсиёхлик қилмагин.

Инсонлар уларга етказилған барча зиённи кечиришлари мумкин, лекин дилсиёхликни эса асло.

Шунинг учун агар сен кишиларга ёқмоқчи бўлсанг, аввал сен ўзинг уларга нисбатан зийрак, эътиборли бўлгин; ҳар бир одамнинг ўзига яраша ғуури, нафсонияти борлигини унутмагин – шу эътиборсизлик мана шу нафсониятга тегади ва ўша одамда нафрат туйгуларини қўзғатади. Ҳар бир одамнинг қандайдир кўнгил тори бўлади – ниманидир севади, нимадандир нафратланади. Агар сенинг эътиборсизлигинг ва бенарволигинг оқибатида ўша одам ўзи нафратланган ва айни пайтда сен олдини олишинг мумкин бўлган нарсага дуч келиб қолгудек бўлса, эътиборсизлигиндан хафа бўлади, қўлингдан кела туриб қилмаган ишингдан ранжийди ва ўзини камситилган ҳис этади. Ва у биринчисини ҳам, иккинчисини ҳам кўнглига тугиб қўяди. Аксинча, агарда сен ўша одам ёқтирган ишни билиб амалга оширсанг ёки сўймаган нарсасини бартараф қилсанг, у сендан, албатта, миннатдор бўлади, боши осмонга етади. Шу йўл билан одамларни ўзингга ром этиш бошқа муҳимроқ хизматлардан афзалроқдир.

Аёлларнинг кўнглини олиш учун эса бундан ҳам оз нарса керак бўлади одатда. Бу борада сен олий давраларда удумларга эътибор беравер, тарбия олган одамларнинг ҳаракатини кузатгин. Хайр.

* * *

Лондон, 1747 йил, 21 сентябрь.

Менинг ўғлим.

Охирги почтадан сенинг ёзган хатингни олдим. Эёнзидлендаги хурофтчилар даъватидан ҳайрон бўлишинг ўринили. Ёдингда бўлсин, кимнингдир нотўғри қарашлари, фикр юритишлари хато бўлса, аммо бу хатолик сидқидилдан бўлса, бундан фақат афсусланиш, ўша одамга ачиниш керак. Бундайларнинг устидан кулиб

ҳам бўлмайди, жазолаш ҳам нотўри. Ақли заиф киши худди кўзи ожиздек таассуфга лойик, холос. Униси ҳам, буниси ҳам йўлда қоқилса на айблаб бўлади ва на айблаб устидан кулиб бўлади. Бундайларга меҳр шафқат кўрсатиб, тўғри йўлга солиб қўймоқ даркор. Ҳар бир инсоннинг ҳаёт йўлида унинг ақли йўл бошловчиидир. Мен бошқалар ҳам худди мендай фикрлашини кутишим, бошқаларнинг буйи, гавдаси ҳам айнан менинидақа бўлишини ихтиёр этишимдай гапдир. Ҳамма ҳам ҳақиқатга интилади, лекин ёлғиз Худо билади, ким ўша ҳақиқатга этишганини. Шу боис ҳам кимнидир ўзгача фикрлагани учун уни таъқиб остига олиш, устидан кулиш яхши эмас. Уларнинг маслаклари ўзларининг ақл-идроклари-га яраша шаклланган.

Ёлғонга соддалиқдан ишонганилар эмас, ўша ёлғонни аслида қинғирлигини била туриб тарқатган ва шу маънода хатти-ҳаракат қилганлар гуноҳкордирлар, айбордирлар. Қинғир иш қилишдан зиёд жиноят йўқ деб ҳисоблайман. Бўхтон, қинғир иш – бу адоват, кўрқоқлик, манманлик, шухратпарстлик маҳсулидир. Ёлғон билан бирон бир мақсадга эришиб бўлмайди, ёлғоннинг умри қисқа. Ҳусуматдан мен бирон бир кимсага нисбатан ёлғон ишлатиб, унинг обрўсига путур етказмоқчи бўлсан, пировард натижада барибири, мен ўзим бундан кўпроқ жабранаман. Чунки Эртами-кеч ёлғоннинг ошкор бўлиши муқаррар, ўшандада одамлар мендан нафратланишади, мени пасткаш деб ҳисоблашишади, бундан кейин ўша одамни қоралаш мақсадида тўғри, бор гапларни айтган чоғимда ҳам менга ҳеч ким ишонмайди. Бу шармандалиқдир.

Бундан қутилиш учун эса ҳар хил айёриклар аҳволни яна ҳам чигаллаштиради, холос. Бунақа пайтларда кўрқмасдан содир этган хатосини, айбини бўйнига олиш ҳамма нарсадан кўра мъқул; ундайларга

муруват кўрсатишидаи, одатда. Қўрқандан бўйин эгмаслик эса фақатгина ишни чигаллашириди... Яна бир тоифа одамлар борки, шуҳрат ортириш мақсадида ёлғонни кўп ишлатишидаю, уларга қулоқ солсанг, улардан зўр қаҳрамон йўқ, ҳамма нарсани дўндиришган, беҳисоб аёллар улар қўлидан ўтган... Бундай мақтанчоқларни билиб олиш қийин эмас. Унақалар устида доимо кулиб юришидаи. Чунки узи ахмоқларгина доимо мақтанчоқ, ёлғончи бўлишидаи.

Киши ҳаётининг содиқ етакчиси фақатгина тўғри сўзликдир. Бу унга обрў-эътибор, хурмат келтиради. Энг муҳими, бу нарса ўша кишининг шахсий манфаатларига хизмат қиласди, биринчи навбатда. Ҳар хил одамларга разм солсанг, менинг ҳақлигимни тушуниб оласан... Хайр.

Азизим!

Агар сенга фойдам тегаётган бўлса, демак, менинг умрим зое кетмаяпти, деб ҳисоблайман, зеро, мен бутун умримни сенга бағишлиганман. Мана, ниҳоят умрим маҳсули мен яратган асар тез кунда синчков жамоат ҳузурида намоён бўлишидан бағоят мамнунман. Айни пайтда, мен яхши тушунманки, ушбу асар нуфузли ҳакамлар таҳсинига сазовор бўлиш учун биргина сиртдан ёқимли бўлиши кифоя эмас; қандайдир тугалловчи чизгилар, яна ҳам нафис чизгилар бериш керак бўладики, натижада унинг мазмуни ҳам етарли даражада гўзал бўлсин. Шу боис ҳам мен сен учун учратган шахслар, воқеа-ход силарни кузатиш натижасида тўпланган ва йиллар ўтиб сайқал топган бир қатор ўгитларни, ҳикматларни сенга тақдим этмоқчиман. Уларни ушбу номага қўшиб жўнатаман.

Айтишим керакки, ушбу ҳикматлар фақатгина кечиргандарим замирида вужудга келган, ҳаёлотга эрк бериб тўқиганим йўқ. Сен ҳар бир ўгит устида ўйлаб

кўрсанг, ундан озиқланиб, ҳаётингда керак бўлган пайтларда фойдаланишингни хохлардим.

Ёшлиар ўзларини ақали деб ҳисоблашади, улар орасида ўз-билармони кўп. Маст одам ўзининг соппа-соғлигига ишончи комиллигига ўхшайди бу нарса. Ҳаётда ёшларга тажрибага суюнган вазминликдан қура, жўшқинлик афзалроқдир. Бир томонлама улар ҳак, албатта. Тажрибага таянмаган жўшқинлик хавфлидир, эҳтиорсиз тажриба ҳам бефойда юк бўлганидек. Ҳар иккиси қовушган пайтда комиллик вужудга келади. Аммо бу жуда камдан кам учрайдиган нарса. Шунинг учун сенинг жўшқин қалбининг менинг ҳаётий бой тажрибам ҳамроҳ бўлса дейман; барча тўпланган умр сабоқларим сенинг хизматингда бўлсин, дейман.

Ёшликка хос жўшқинлик, эҳтирос деганда мен биринчи навбатда қийинчилик ва хавф-хатарни сезишга йўл қуймайдиган тезкорлик, тийраклик ҳамда ортиқча узига ишонувчанликни тушунаман.

Баъзилар эса эҳтирос деганда арзимас сабаб билан алангаланиб кетишни, ғаши келиб, ноурин валдирашни, кимдир унинг мавқеига таҳдид қилгандек бўлса, ўйлаб-нетмай беъмани гапларни гапиришни тушунишади. Бу нотўғри ва бунаقا туйгуларни одам ўз қалбидан юлиб ташлаши керак.

Тўғри, ҳаммавақт ҳам ёмон кўрган одам билан хушмуомала бўлиш қийин. Унинг сенга нисбатан қилган ёмонликларига муносиб жавоб қайтаргинг келади. Аммо, тушунгин, нима бўлса ҳам ўзини тия билган маъқул. Аксинча, душманинг хурсанд бўлади, мақсадимга эришдим деб.

Одамлар билан сухбат пайтида ўзингни доимо ни манидир билмаган, эшитмаган қилиб кўрсатган яхши. Айниқса, бирортаси: “Сиз анави ҳақда эшитдингизми” – деб гап бошламоқчи бўлганда, яхшиси “йўқ” деб жа-

воб қайтарган маъқул ва унинг ҳикоясини охиригача дикқат билан тингламоқ мақсадга мувофиқ. Бундан ҳикоячи мамнун бўладики, чунки сўзга чечанлигини эътироф этгандай бўласан. Бошқаси бўлса мазкур тарихни биринчи бўлиб кимгадир етказганидан хурсанд. Учинчиси эса унга ўз пайтида кимдир ўшасини ишониб айтганлигидан гуурланиб қуяди. Бордию, сен: “Ҳа, мен эшитгандим бу ҳакда” деб қўйсанг, уларнинг ҳафсаласини пир қилиб, ранжитган бўласан. Айниқса, миш-мешлар, гийбатлар ҳақида эшитганингни билдирма, асло. Чунки воқифларга худди ўғирлик мол сакловчиларга қарагандек қарашади. “Билмайман, эшитмабман” деб қулоқ солаверсанг, кўп керакли маълумотларни олиш имкониятига эга бўласан. Суҳбатда ҳушёрик керакда. Билсанг, афсонавий Ахил баданига шикаст етмайдиган бўлишига қарамасдан, жангга киаркан, доим барча жанг анжомларини кийиб юрган. Хайр.

Ҳикматлар

Ўртамиёна дамдуз бўлиш, яъни сир сақлай билиширодали киши фазилатидир. Руҳан бақувват киши, ортиқча сир-синоатга берилмайди. Фақатгина қўрқоқлару риёкорлар ўзларининг асл башараларини яшириш мақсадида ҳамма нарсани сирга айлантиришади.

* * *

Тентак сирдан воқиф бўлса, у буни бошқаларга дарров етказади қўяди, чунки у тентакдир. Унинг ўрнида бирор разил бўлса, сирдан ўзининг қабиҳ мақсадлари йўлида фойдаланади. Аёллар ва ашёлар бўлса уларга кимдир ишониб сир айтганини кўз-кўз қилиш учунгина келса-келмас валақлайверишида эшитганларини. Уларга ортиқ ишонмаслик керак.

Дўстлиқда ҳам, душманлиқда ҳам доим меъёрни хис этиб туриш керак. Аксинча, биринчиси хавфли бўлиб қолиши, иккинчиси эса билинмас даражага бориб қолиши мумкин. Эртага нима бўлишини ҳеч ким билмайди.

* * *

Инсон онтига унинг қалби орқали йўл топган маъкулроқ.

21.2. Ог Мандино мактублари

Америкалик машхур ёзувчи Ог Мандино (1923–1996) ўсмиргидаёқ етим қолган бўлишига қарамай ҳаётнинг оғир синовларидан мардонавор ўтди. Онаси вафот этгач, у 17 ёшда қоғоз фабрикасига ишга кирди, сўнгра ҳарбий учувчилик ўқув юртида таҳсил олди, иккинчи жаҳон урушида қатнашди. Урушдан кейин “Бу ишни бугун бажар!” деган сўзни ўзига шиор қилган Мандино даставвал нотиқ сифатида танилди. Айнан унинг нотиқлик санъати туфайли минглаб тингловчилар ҳаётини қайтадан бошлади, маънавиятни бойитиш мўжизасини каашф этишди. Кенг омма билан мулоқот унинг вужудида болалиқдаги ёзувчиликка бўлган қобилиятини уйғотди ва ижодга киришди. Ёзган асарлари мавзуси қизиқарли ва ўзига хос бўлгани учун китоблари кўлма-кўл ўқилди, дунё бўйлаб тарқалди. Унинг “Буюк савдогар”, “Яхши яшаш сири”, “Акбар Умидномаси”, “Дунёдаги буюк мўъжиза” каби 14 та китоби жаҳондаги 25 тилда 50 миллиондан ортиқ нусхада босилиб чиқкан.

Эътиборингизга унинг “Акбар Умидномаси” китобидан олинган ҳикматларни иқтибос келтирамиз.

Ўғлим.

Оломоннинг олтин ва шуҳрат учун уюштираётган бехосият пойгасига қўшилма. Юз бурган вақting,

очкүзлик ва шуҳратпаратликнинг аянчли тўс-тўполонига аҳамият берма. Муваффақиятсизлик ва омадсизликка учрасанг кўз ёш тўкма. Елкангга тушган оғир юкни ирғитиб ташлаб, кўнглинг хотиржам бўлганча дам ол. Дунёда ҳамиша ўзингга хос яша.

“Ҳозир” – ўйлаб улгурмасингдан ортда қолади, чунки сенинг ҳаётинг нари борса икки мангулик ўргасидаги оний лахзадир. Довюракликни одат қил. Ўзингга ваҳима бўлиб туюлган ишларга кириш ва ғалабалрингдан мағурлган. Куч-қувватингни эзгу мақсадларга йўналтири. Ҳамма жойда бўлиш – бу ҳеч жойда бўлмаслик билан баробар. Энг катта бойлигинг бўлган вақтингни қадрла. Мақсадингга танқидий ёндош. Бирор мақсадга эришишдан аввал шундай мақсадга эришган одамлар аҳволига қара, улар баҳтлими? Яқинларингга меҳр-муруват кўрсат. Ёлғиз қолганингда яқинларинг қадри билинганини эслаб тур. Амалга ошмайдиган ниятларингни чеккага суриб, жуда арзимас бўлиб кўринган кундалик юмушларингни охирига етказ. Ҳамма буюк ишлар қаттиқ меҳнат ва ишонч эвазига амалга оширилган. Бардошли бўл. Керак пайт қатъият кўрсат. Ночор аҳволда қолганингда ҳеч кимни айблама, сен шу кўйга танлаш хуқукингни сустеъмол қилганинг учун тушгансан.

Фақирлиқда бўлса ҳам ҳалол кун кечир, қабрингга олтин орқалаб кетишни кўзлагандан кўра бошқа муҳимроқ иш билан шуғуллан. Ҳеч қачон ярим йўлда тўхтама. Ташвиш ва хавотир – умр занглари, кечаги юкингни бугунгисига қўшсанг, кўтариш қийин кечади. Ўзингни аяма ва омад юз ўғирганда руҳингни туширма. Агар эҳтиёж сезсанг, омадсизликка учрамайсан. Ўзгалардан яшашни ўрган. Кимки ўзидан ўзи ўрганса, бу ялқовлиқдан бошқа нарса эмас.

Ўзингни чор атрофда ҳасадгуйлар қараб турган майдонда билиб, мақсад сари интил. Мақтовга берилма.

Агар ўзингдан ғуурлана бошласанг, ўтган умрингга синчиклаб қара, попугингни пасайтириб қўядиган сабаблар борлигини кўрасан. Оқилона фикр юрит. Тушун, одамлар тенг қилиб яратилган, чунки табиатда мувозанат бор, ўз иқтидори билан туғилмаган одам ҳали дунёга келмаган. Ҳар қуни астойдил ишла, гўё бутун сенинг охирги қунинг, одамларга ширин муомала қили, гўё улар шу кечада вафот этишадигандай. Ҳаммани бирдай сев, ҳатто ўзинг унча хўш кўрмайдиганларни ҳам, негаки нафрат сен ўзингга раво кўрмайдиган ортиқча юқдири.

Доим ёрдамингга муҳтож одамларни қидир. Унумма, ким бир қўли билан берса икки қўли билан олади. Кулиб-қувнаб юр. Энг муҳим ҳақиқат шу: баҳтли бўлиш учун кўп нарса керак эмас. Осмонга қара, юксакликка интил. Ҳар бир ишингни Парвардигор иродаси билан амалга ошириб, кетар бўлсанг, лабларингда табассум ва кўнглинг хотиржам мангулик сари йўл ол. Кетганингдан сўнг одамлар сен келган вақтингдагига нисбатан гўзалроқ дунёни мерос қолдирганинг тўғрисида гапирсинлар.

21.3. Чарльз Чаплин мактуби

Жаҳон кино соҳасининг йирик арбобларидан бири. Режиссёр, сценарист ва композитор, қизиқчи актёр сифатида оламга машҳур. Қуйида унинг катта қизи Жеральдинага ёзган мактуби билан танишасиз.

Сен ҳам уриниб кўр!

Қизгинам!

Сендан қанчалар узоқдаман-а! Лекин шундай бўлса-да, ҳамиша сени бир он бўлса ҳам нигоҳимдан узоқлаштирсам кўр бўлай. Сенинг сиймонг, шундоққина кўз ўнгимда-столим устидаги суратингда, дилимда. Лекин ўзинг қайдасан? Афсонавий Парижда Елисей

майдонидаги машхур театр саҳнасида рақс тушаётгандирсан. Щундайлигини биламан, лекин назаримда оёғинг шарпасини эшитаётгандай, қиши осмонидан чараклаб турган юлдузларга ўхшаган кўзларингни кўриб тургандай бўламан. Сени муҳташам ва ёрқин спектаклда татар хоним мафтун бўлган Эрон соҳибжамоли ролини ижро этаётганингни эшийтдим. Соҳибжамол бўлиб рақс тушавер! Юлдуз бўлиб нур сочавер! Аммо томошабиннинг завқи-шавқи ва ташаккуридан кўзинг тингудай бўлса, сенга тақдим этилган гулларнинг ҳидидан бошинг айлангудай бўлса, бир бурчакка бориб мактубимни ўқи ва кекса отангнинг гапларига қулоқ сол.

Болалигингда неча-неча тунлар каравотинг бошида ўтириб сенга “уйқудаги малика” ва “зийрак аждаҳо” ҳақидаги эртакларни сўйлаганимни билсанг эди... Баъзан уйқу элтганда ундан ғолиб бўлишга интилардим: “Қоч! Менинг уйқум қизимнинг орзу-хаёли-ку” дердим. Мен орзуларингни билгандим, Жеральдина. Истиқболингни-ку кунларингни ўшандаёқ кўргандим. Мен саҳнада жавлон уришингни, парилардай самода рақс тушишингни кўргандим. Ўшандаёқ томошабиннинг “Бу қизни кўяпсизларми? Чарли эди шекилли!” деганиларини эшийтгандим.

Ҳа! Мен Чарлиман! Ўша масҳарабоз чолман!

Энди навбат сеники. Рақс тушавер! Мен почалари кенг, йиртиқ ямоқ шим кийиб уйнаганман, сен маликалардек шоҳига беланиб рақс тушяпсан. Бу рақс ва олқишлиар гулдуроси баъзида сени осмонга кўтармоғи мумкин.

Кўкларга кўтарилавер! Лекин пастлашма! Одамлар қандай яшаётганига, совук ва очликдан дийдираф рақс тушаётган дайди раққосаларга боқ! Мен шулар сингари эдим, Жеральдина. Сен эртакларимни эшитиб ётиб, ухлаган ўша афсонавий кечаларда мен бедор бўлардим.

Чехрангта боқиб, қалбинг тепишини хис қилар ва ўз-ўзимга савол берар әдим: “Чарли, наҳотки ана құзичоқ бир куни келиб сенинг кимлигингни билади?” сен мени билмайсан, Жеральдина... ўша узоқ кечаларда сенга күп әртаклар айтиб берганману, аммо ўз әртагимни ҳеч сүйламаганман. Менинг әртагим ҳам қизик. Бу әртак Лондоннинг фақир маҳаллаларида рақс тушған, құшиқ айттан... кейин ташланған садақаларни йиғиб олган масхабороз ҳақидаги әртак... менинг әртагим ана шунақа.

Кел, яхшиси сен түғрингда гаплашайлик.

Сенинг исмингни кейин ҳамма вақт менинг Чаплин номим айтилади, Жеральдина. Ана шу ном билан ер юзидағи одамларни қирқ йилдан ортиқ күлдирдим. Аммо уларнинг кулганидан күра мен күпроқ йиглардым. Сен яшаб турған оламда рақс ва музикадан бұлак нарсалар ҳам бор, Жеральдина!..

Ярим кечада мұхташам залдан чиқаркансан, бадавлат мухлисларингни кутишинг мүмкін, аммо сени уйингга әлтиб құювчи такси шафёридан хотинининг ахволини сүраб қўйиш эсингдан чиқмасин. Бордию, хотини хомиладор бўлиб, чақалоққа сарпо олишга маблағи бўлмаса, шунга етарли пулни унинг қўлига бериб кет.

Вақти-вақти билан метрога ёки автобусга туш, шаҳарни кўр, сайр қил. Одамларга бир назар ташла! Бевабечораларни, етим-есирларни кўр! Ҳар куни ҳеч бўлмаганды бир марта “мен ҳам шулар сингари одамман” дегин ўзингга ўзинг. Ҳа, сен ҳам худди шулар сингари бир одамсан, қизгинам! Яна шуни билиб қўйки, санъат инсонга қаноат бағишлишдан олдин у юксакларга парвоз қилсин деб, одатда, инсоннинг оёғини шол қилиб қўяди. Аммо томошабиндан ўзингни юқори хис қилгудек бўлсанг, дарҳол саҳнани тарқ эт. Биринчи дуч келган таксига тушгину Париж атрофига йўл ол. Бу жойларни мен яхши биламан! Сен у ерда ўзингга ўхшаш, ҳатто сендан

ҳам гўзал, сендан ҳам жозибадор ва сервиқор раққосаларни кўрасан. Сенинг театрингдагидек кўз қамшати-рувчи проҗекторларнинг ёруғи бунда сира ҳам йўқ. Булар учун ой проҗектор, яхшилаб дикқат қил, разм сол! Сендан кўра яхшироқ ракс қила оладиган, яхши чолғучидан ҳам яхши чаладиган одамлар бўлади. Шу нарса ёдингда бўлсинки, Чарлининг оиласида извошлини таҳқирлайдиган ёки Сена бўйида ўтирган тиланчини масхара қиласидиган одам бўлмаган...

Мен ўламан, аммо сен яшайсан... Йўқчилик нималигини сира-сира билмаслигингни истайман. Шу мактуб билан бирга сенга тўлдирилмаган чек юборяпман. Қанча тиласонг, шунча ёзиб олавер. Аммо икки франк сарфлайдиган бўлсанг, учинчи чақа сеники эмаслигини ёдингдан чиқарма. Учинчи франк шу пулга муҳтоҷ бўлган бирон бегона одамга тегиши керак. Ундан одамини дарҳол топиб оласан. Фақат ана шундай фақир кишиларни кўришни истасонг бўлгани, уларни ҳамма ерда учратасан. Пулнинг иблисона кучини билганим учун сен билан пул ҳақида гаплашашпман. Ўзинг билласан, умримнинг кўпини цирқда ўтказганман. Шунда ҳамиша дорбозлар учун ташвишланардим. Сенга бир ҳақ гапни айтиб ўтишим керак, қизгинам. Дорбознинг омонат симда юрганидан кўра одамларнинг қаттиқ ерда юришлари қийинроқ. Ким билади, кунлардан бир куни, балки брилиантларнинг жилvasи кўзингни кўр қилиб қўяр. Ўша он сен тажрибасиз дорбознинг ҳолига тушиб қоласан. Тажрибасиз дорбозлар эса ҳамиша йиқилади... Қалбингни олтин, брилиантларга сотма. Чунки энг катта брилиант бу қўёш. Бахтимизга қуёш ҳаммага баравар нур сочади.

Бир кун келиб бирон одамни севиб қоласан, шу одам билан абадий бирга бўл. Бу ҳақда сенга ёзиб юборишни ойингга айтдим. Севги нималигини мендан кўра у ях-

широқ билади, бу ҳақда мендан күра сенга ойинг айтгани тузук...

Ишиңг жуда оғир. Буни биламан. Баданиң бир парча шойи билан үралган бұлади. Санъат ҳаққи саҳнага яланғоч чиқиши мумкин, аммо у ердан покиза ва соғ қайтиш керак. Бу дүнёда ҳеч ким ва ҳеч нарса қызларнинг оёғидаги тирноккни ҳам күришиңга лойинқ әмас. Яланғочлик – замонамизнинг катта иллати.

Оталар ва фарзандлар үртасида абадий яккама-якка жанг боришини биламан. Майли, мен билан, мениңг фикрларим билан жанг қиласвер, қизгинам! Мен, мутеъ фарзандларни севмайман. Күз ёшларим бу сатрларга томиб түшмасдан олдин, бугун милод кечаси, мұъжиза кечаси әканлигига ишонаман. Истардимки, бир мұъжиза юз берсаю, сенга айтмоқчи бұлғанларимни ҳаммасини том маъноси билан англаб олсанг.

Чарли кексайиб қолди, Жеральдина. Эртами, кечми, хуллас, бир куни саҳнада киядиган оқ шойи кийиминг үрнига қора мотам либоси кийиб қабрим устига келасан. Ҳозирча сени безовта қылгим келмайди. Фақат вақти-вақти билан күзгуга қараб қўй – күзгуда мени кўрасан. Томирларингда мениңг қоним гупирламоқда. Томирларимда қон тұхтаб қолганда ҳам отанг Чарлини унутмаслигингни истардим. Мен фаришта бўлмадим, аммо қўлимдан келганча одам бўлишга тирищдим. Сен ҳам уриниб кўр.

Сени ўтиб, Чарли.

21.4. Қизимга мактуб

Мехрибон, жоним қизим, сенга ушбу мактубимни қалбим тұла изтироб, қўзимда ёш билан йўллаяпман. Биламан, сен жуда ақлли, шунингдек, исминг каби ҳаммага бирдек меҳрибонсан. Айниқса, менга-сенга меҳри-

ни қизғонган отанға. Сен дунёга келган куни хонадонимизга нур кериб келганди. Сени қўлимга олган лаҳзадаёқ илиқ меҳрингни ҳис этганман.

Жажжи бармоқларинг билан жимжилогимни маҳкам ушлаб олгандинг ўшанда. Ҳеч кўйиб юбормасдинг. Шу кундан бошлаб оталик ҳиссини, завқини туйганиман. Аммо мен масъулиятли ота бўулмадим. Ўғил фарзанд кўриш мақсадида бошқа аёлга уйландим. Икки уканг дунёга келгач, сени ва онангни буткул унтиб қўйдим. Мен сизларга моддий жиҳатдан кўмаклашибман-у, бироқ сизларга бунданам мухимроқ нарсани беришни, яъни қалбингизга мурувват кўрсатишни ўйламабман. Шундай бўлса-да, сен ҳар бир байрамда менга қўнғироқ қилиб, табриклишни, ҳол-аҳвол сўрашни канда қилмадинг. Баъзида ишни баҳона қилиб, қўнғироқларингга жавоб ҳам беролмасдим. Шунда сен менга SMS ёзардинг. Мана, кеча ҳам сендан ажойиб мактуб олдим: “Ассалому алайкум, дунёдаги энг азиз инсоним – хурматли дадажоним! Туғилган кунингиз билан табриклиман! Сизга барча эзгу тилаклар ҳамроҳ бўлсин! Ҳаммамизнинг баҳтимизга соғ-саломат, умрингиз узоқ бўлсин! Танангиз асло дард кўрмасин. Сизни доимо яхши кўрувчи қизингиз Мехрибон”. Кеча туғилган куним дабдаба билан ўтдию уйим казо-казо меҳмонлару совға-саломларга тўлиб кетди. Аммо, жоним қизим, шундай кунда бирор инсоннинг оғзидан самимий сўз эшитмадим. Ҳаммасининг юзида сохта табассум ва расмий гаплар. Бир оғиз ширин сўз гадосига айлангандим. Сенинг SMSингни олдиму, кўзларимда ёш қалқанди. Қизалофим, мана шу икки оғиз меҳрли гапинг кўнглимини тоғдек кўтарди. Бу табрикни ҳеч бир ҳадяга алмашмайман. Сен менинг ягонамсан. Шуни билиб қўйгинки, бемеҳр отанг, аслида, сени қаттиқ яхши кўради. Мен гуноҳкорни кечир, Мехрибон қизим. Меҳрингга

ташна ҳамда тез орада сен билан дийдор кўришиш ис-
тагидаги олисдаги отанг.

Амирбек

21.5. Фалсафа фанлари доктори, профессор
ЗИЁДУЛЛА ДАВРОНОВНИНГ
ӯғлига мактуби
(муаллифнинг “Баркамолликка даъват
мактублари” китобидан)

Азиз фарзанд!

Фарзанд тарбиясининг мақсади ота-она томонидан оила ва жамият учун юксак маънавиятли, баркамол инсонни вояга етказишидир. Ҳа, азизим, бу муаммо ҳам абадий муаммодир. Сенга янгилик эмас, ўзинг ҳам тарбия топгансан, топаяпсан. Бу масалага кундалик ҳаётингда кўп дуч келгансан. Шундай бўласа-да фикрларимга қулоқ ос. Турмуш тарзидан мисол тариқасида қабул эт. Биласан, фарзандларнинг асосий тарбиячилари оналардир, бинобарин, уйланганингдан сўнг, аввало, бўлажак фарзандларингни онасига, яъни турмуш ўртоғингга меҳр билан боқ. Фарзанд тарбияси ҳақида у билан иложи бўлса ҳали фарзанд туғилмаган даврдаёқ маслаҳатлашиб ол. Тарбия соҳасини, йуналишларини муҳокама қил. Билган ва ўқиганларингни унга айтиш билан бирга фикрларини ҳам қабул қил, билмаганларини ўргат. Гўдакнинг онаси ўз боласига қанчалик кучли муҳаббат бағишлагани, ҳали у – тарбия дегани эмас, балки шунчаки завқ-шавқ бўлиши мумкин. Мутафаккирлардан бири Жан Поль “Бизга яхши оналарни бeringлар, биз яхши одам бўлиб етишамиз”, деб бекорга айтмаган бўлса керак.

Фарзандлар тарбиясига киришар экансан, оғир ма-
шаққат, лекин лаззат маконига қадам қўйяётганингни

Эслаб юр. Бириинчи тарбия оиласда бошланар экан, бас, ўз оиласнгда фарзандингга тарбия беришни ўйла. Шуни унутмагилки, баъзи зиёли оиласлар фарзандларига қачалик яхши тарбия беришга интилсалар ҳам, фарзандлари уларнинг хурматлари билан ҳисоблашмаганинг гувоҳиман. Ота ва онани обрўсизлангириб юрганиларини эслайман, бундай фарзандларни ақл-фаросатдан йироқ деб тушун. Бинобарин, насиҳат ва ҳаёт тажрибаларини, алломаларнинг ушбу соҳа тўғрисидаги фикрларини ўзингга жо қилиб ол, шундагина қоқилмайсан. Ахлоқий сабоқлардан урнак ол.

Баъзилар ёмон фарзандлар учун ота-онани жазолаш керак, дейдилар. Фикримча, бу мулоҳаза уччалик тўғри эмас. Турмушдаги бундай фикр ҳамиша ҳам оқланмайди. Сенга таъкидлаб айтайки, фарзанд инжиқ бўлиб туғилади, зеро сен шу инжиқликлар чигалини ўз ироданг билан еч, бу инжиқликларга қўнма. Бола инжиқлигини ҳисобга олиб, сен унинг хоҳишлирига кўнар экансан, хулоса қилгинки, тарбиянг фойдасиз, натижада умринг қисқариб қалбинг чўка бошлайди, белинг буқчаяди. Фарзандинг умрингга завол бўлади. Шу сабабли фарзандингга, аввало, қаттиққуллик ва қаҳри қаттиқлик билан бирга меҳрибонлик ҳар кунлик шиоринг бўлсин. Шундагина кексайган саринг, унинг ширин мевасини tota борасан. Ота ва она бўлиш оғир иш эмас, балки, ота ва она вазифасини ўтамоқлик ўта оғирдир. Шу нарсани унутмагилки, фарзанд қўриш, уни кийинтириш, ўстириш, бу ҳали тарбия дегани эмас. Фарзандни оиласга, жамоға қўшиш, оиласдаги, жамоадаги муҳиттга мослаштириш муҳим. Фарзандни оила, жамият, мамлакат, давлат учун тарбиялаш асосий вазифангdir.

Жамоасиз фарзанд худбин, шухратпараст, лоқайд, манман, фўр, жоҳил сифатларга эга бўлиши мумкин. Маълумки, бизнинг замонамиизда турли салбий ақида-

вий йұналишлар пайдо бўлди. Бу йұналишга кирғанлар кези келганда ота-онасими ҳам унутдилар. Ҳатто ҳадислардаги нисахатлар ҳам уларга таъсир этмади.

Фарзанд инсонлар ва инсоният учун тарбияланмас экан, унинг хислати маҳлуқ сифатидан узок әмас. Фарзандинг тарбиясида уйдаги кераксиз сифатлар йўқ қилиниб, ўрнига инсоний хислатлар сингдирилмаса, меҳнат бекор кетганидан далолат. Унумтагилки, фарзандинг қиёфасида келажакдаги саркарда, шоир ёки файласуф, давлат арбобини асло кўрма, унда биринчи навбатда ҳақиқий юксак маънавиятли инсонни кўргин.

Фарзандинг нонкўр ва сотқин, ўғри ва ҳудбин, таъмагир ва ёлғончи, мактончоқ ва лоқайд, дангаса ва текинхўр (ундайлар ҳаётда йўқ әмас) чиқмасин, агар шундай бўлса, аҳволинггавой. Шундай қилгилки, фарзандинг сени орзу-умидларингни тушунсин. Орзу-умидларингни фарзандингга ёшлигида сингдир, кейинроқ сингдира олмайсан, у теварак атрофдаги салбий сифатларни кўриб тарбияси бузилади, сенга фақат зарар келтиришдан бошқани билмайди.

Эшиштан бўлсанг, тарбияда майда-чуйда, икир-чикир, эзтиборсизлик деган нарсанинг ўзи йўқ. Тарбияга қаратилган барча уринишлар, эзгу ният билан қилинган ҳаракатдир. Фарзандинг ўзбошимчалик қилганда, сен уни қайтара олмасанг бу сенинг фожиангдир, тарбияда кеч қолгансан. Эҳтиёткор ва мулоҳазали фарзанд ота-онанинг келажагидир. Фарзандингни шу хислатда тарбиялай олсанг келажагинг ўлмайди.

Фарзандни ўз устингдан хукмрон қилиб тарбиялашдан сақлан. Агар сен фарзанд йўриқларига кўнишиб қолсанг, бу баҳтсизлигингдир.

Тарбияни шундай олиб боргинки, оддийлиқдан мурракабликка, пастдан юқорига чиққандек бўлсин, аксинча иш юритиш, оловни сув билан ўчира олмаганингдек

гап. Тарбия масаласида эсингдан чиқмасинки, күпгина ота-оналар фарзандига нисбатан қаттиққұллик ва итоат-корликни сингдириш керак эканлигини Эътироф этадилар, лекин унга амал қила олмайдилар, раҳмдиллик қиласылар, бу эса кейинроқ, барибир тұқмоқ таёк бұлиб, үзларига урилишини әсларидан чиқарадилар.

Хамма мактубларда, барча давр алломалари тилида, халқ мақолларыда, айниқса, ислом дини ақидаларыда зиммасида фарзанд тарбияси бұлған ота ва она фаолияти күпроқ гапирилади. Ағсуслар бұлсирек, гоҳида ота-она бу фикр ва таклифларни қанчалик үз ҳаётига тадбиқ этмасин, фарзандыннинг тарбияси ижобий натижә бермайди. Сен бунинг устида ҳам туну-күн бош қотир, холоса қил. Инсонни инсон тарбиялайди.

Фарзандлар аксарият ҳолда үз ота-оналарини эскилік ва қолоқлиқда айблайдилар, лекин айни пайтда үзлари ҳам шу ҳолга тушишларини унұтадилар. Сен шундайлардан бўлмагин.

Фарзандинг сенга нисбатан бошқа инсон таъсирида ёки у яшаган заарали муҳит ва шароитта берилиб кетган бўлса, тарбияда кеч қолибман, деявер. Демак, келажакда фарзандинг сенга күнглингдагидек фаолият кўрсатмайди. Сен учун үз ош-нонинг заҳарга айланади. Гоҳида фарзандни эгиладиган новдага үхшатадилар. Начора, эгилмайдиганлари ҳам бўлади. Үз боласини ҳар қандай махлуқ ҳам ҳаётга ўргатади. Лекин инсондан эса ушбу масалада ақл идрок ва фаросат, ижодий тафаккур талаб этилади. Фикримча, муболаға бўлса-да, фарзанд тарбияси жамиятни бошқаришдан ҳам мушкул ишdir.

Фарзандингга яхши тарбия бера олмадингми, баҳтсиз ҳолда кексалик гаштини сурасан. Ўйлагинки, орзу-умидларингнинг барчаси беҳудага кетган. Сабаби фарзандинг сенга раҳмат әмас, ланъят олиб келган. Фарзандинг сенга жон күйдирмаган бўлса, умринг ҳам бекор ўтибди. “Тарбия..., – деган экан, ҳали 27 ёшга тұлмаган ёш рус

шири М.Ю.Лермонтов, – ниҳоятда машаққатли иш. Мана энди ҳаммаси жойида бұлади деб үйлайсан! Қара-санғ, ишлар бошқача: ҳаммаси энди бошланыёттан бұла-ди". Ҳа, азизим, қандай мазмунли сұзлар.

Тұғри, давраларда, жамоа, дүстлар олдида фарзанд тарбияси хакида соатлаб ширин ва қизикарлы маң-рузалар қилиш мүмкін, бу тарбиядан күра минглаб марта осонрок, зоро, ҳаёт шундай. Айниқса, фарзандингни меңнат қилишга үргатишинг осон кечмаслигини үйла, енгил турмуш билан пул топишга интилган фарзанд қаддингни букади. Шундай пул топған фарзанд учун ота ва она бир чақа, топған пул эса минг чақадир. Сени ва оиласын қарзға ботиради, уйингдаги буюмларингни чиқариб сотади, бехудага сарфлайди. Охир-оқибатда, оиласын билан чор-ночор яшайсан, қавму-қариндош, таниш-билишларингдан узоклашасан, ҳаётни ланъат-лайсан, ҳаётдан кетгинг келади. Йүк, сен ундай қилма, зинхор-зинхор бу айтганларимни олдиндан күра бил. Аслида ушбу соҳада баъзилар ва мен айтган фикрлар ҳаёттің бұлиб, уларни ёшлигингданоқ ҳаёт чиғириғидан үтказа ол. Фарзандингга нисбатан меҳр қўйишинг билан бирга озрок "нафратли" ҳам бўл. Қаттиққўллик ҳар доим "қуролинг" бўлсин.

Тарбия беришинг учун кўпроқ мутолаа қил, бошқалар фаолиятни кузат, бунда ҳам синчков бўл. Фарзандинг ҳамиша ҳам буюк неъмат эмас, баъзида аччиқ жаҳолат эканини унутма. Шу аччиқ жаҳолатнинг унга сингиши-нинг олдини олиш йўлларини юқорида таъкидлаганим-дек, фарзандинг ҳаётга келмасданоқ үйлаб бор.

Фарзанд тарбиясига берилар экансан, фарзандингга берган меҳр-муҳаббатингни ошкор қилма. Фарзандинг тарбиясига ҳамиша "шубҳа" билан қара.

Фарзандингни барча талабларини бажаришинг ҳам кейинроқ сенга үткир қилич бўлиб қадалиши мүмкін, бундан эҳтиёт бўл. Фарзандинг учун қаттиққўллик қил-

санг, бу сүнгги малҳамдир. Уни кўз-кўз қилиб кийинтирма, бу эркалатишининг бир усулидир, холос. Ноз-неъматлар билан тўйинтиришга шошилма, фарзандингга маънавий озуқа бериш устунроқ бўлсин. Фарзандинг бирор иш қилган бўлса уни моддий мукофатламагин, бошқа йўлларини изла. Болангга ўта муҳаббат қўйиб, борлиғингни унга берсанг, келажагинг даҳшатдир. Фарзандингга тиз чўкма, теварагида ҳа деганда парвона бўлма, акс ҳолда, нобуд бўласан. Аммо фарзандингга бирор нарсани ваъда қилдингми, уни албатта бажар, улар ёлғонга чидамсиз бўладилар. Фарзандингни кези келганда ёши катта, ахлоқли, таъсири үртоқларинг бўлса, улар даврасига олиб кир. Улар фарзандингга мурожаат килсалар, жавоб берсин, савол туғилмаса, сұхбатдошдан баҳраманд бўлиб ўтирсин.

Фарзандингга турмуш тарзингдан бошқачароқ тарбияни бераман, деб ҳаракат қилма, фойдасиз, унга ҳам ўзингга ҳам ёлғон туюлган жараён сохталиги аён бўлиб қолади, унинг фойдасидан зарари кўпроқдир. Фарзанд тарбиясида мажбурий йўллардан фойдаланишдан эҳтиёт бўл. Қош кўяман деб, кўз чиқарма. Тарбияда шошма-шошарлик йўқотишдир. Барча тарбия соҳасида қўлланган усулларинг ва муомала йўлинг намуна бўлишда акс этса самаралидир. Фарзандинг шўхлик қилганида меъёрида сұхбат қил. Фарзандинг шўх бўлмаса, ақли равон бўлмайди, ундан ҳаракатчан инсон чиқмайди, лоқайд ӯсади. Демак, унинг шўхликларига бардошли бўл. Фарзанд шўхлигини ахлоқий чегарадан чиқиб кетишига йўл қўймаслик лозим.

Фарзандинг ўйин ва ўйинчоқларига дикқатингни қарат. Фарзанд ёшлигидаги ўйин ва ўйинчоқлар катталаар фаолиятига тақлиддир. Ҳаётимизда кўрдикки, фарзандларга ёшлигига олиб берилган баъзи ўйинчоқлар таъсирида катта бўлганларида, шу ўйинчоқларига муккамаларидан кетиб, натижада ножўя ва нохушликларни

келтириб чиқардилар, улардан келган аламларни катталар тортадилар. Демак, ўйинчоқ орқали шундай хислат ўйғотилган, сен бу хислатни ўйғотишдан узокроқ бўл. Таъкидлаганимдек, фарзанд тарбиясида раҳмдилиллик ва қаттиққўллик меъёри асосий тамойилинг бўлсин.

Фарзандингни уришиб, сўкиб, ҳақоратлаб, хафа қилиб тарбиялашдан ўзингни сақла, чунки мажбурий тарбияни сингдириш вақтинча бўлиб қолади, бундай тарбия ўткинчиdir.

Фарзандингни ноҳақ айблашдан эҳтиёт бўл, бу сенга нисбатан фарзандингда нафрат ўйғотади.

Тарбия инсондан маҳорат талаб қиласи. Маҳорат эса талант билан ёнма-ёндир, талантинг бўлмаса ҳам маҳоратингни ўзингда тарбияла. Фарзандингни уришиш, сўкиш билан севиш, уни ардоқлаш, иккаласи бир эги-закдир. Баъзан бу борадаги ютуқларга яхши сўз билан ҳам, қаттиққўллик билан ҳам эришиб бўлмайди. Начора, фарзанд тарбияси бу бир уммондир, уммондан томчи олиш йўлларини излаш дастуринг бўлсин, зора баъзиларга кулиб боқмаган баҳт сенга кулиб боқар.

21.6. Техника фанлари доктори, профессор АБДУВАҲОБ ИКРОМОВнинг “Дилимдаги дурдоналар” китобидан

Ўғлим!

Одатлар ҳам тарбия воситаси эканлигини ёдингда тут! Ўғлим, мана шу насиҳатларни ёза бошлаганимда сен бакалавриатурани тамомлаган ва энди иш фаолиятингни бошлаган эдинг. Сен бугун магистратурани битириб ишлайпсан. Бундан ташқари уйландинг. Энди зиммангдаги мажбуриятлар ҳам ўзгариб, кенгайиб бораверади. Энг муҳим бўлган жиҳат тарбиянинг барча воситалари ҳақида фикринг кенг бўлиши зарур. Тарбияда кўп воситаларни қўллашга тўғри келади. Баъзан

тўғри гапирилса, керак бўлганда зарари бўлмаган, аксинча, фойдаси тегадиган ёлғон ҳам ишлатилади.

Мен бу борада тарбияда азалдан қолган одат-удумларни қўллашинг ҳақида гапирмоқчиман. Минг йиллардан бери амал қилиниб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган одат-удумлар борки, улар бизнинг доимий тарбия воситамизга айланиб қолган. Кундалик ҳаётимиизда амал қилинадиган бундай одатларнинг илдизлари гарчи жуда қадимги замонга бориб тақалса-да, уларнинг инсон тарбиясидаги ўрни ҳанузгача аҳамиятлидир. Масалан, боболаримиз ва момоларимиз ошхонада ювуқсиз қолган идишлар қолса катта гуноҳ деб билганлар. Чунки ёзнинг жазирама иссиқ кунлари эрталабгача овқат қолдиқлари ачиса, ҳар хил бактериялар тарқалиб турли қасалликларга сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун ювилмай қолган идишлар бўлса, бу баракани кетказади, деб талқин қилишган. Ана шу одатни рўзгор қўлланилса, ошхонада саранжом-саришталик ва идишлар тоза туриши одат тусига айланади, юкумли қасалликларнинг олди олинади.

Яна бир мисол. Деярли барча вилоятларнинг шаҳар ва қишлоқларида бирор маърака масалан, никоҳ тўйи, суннат тўйи ва бошқаларда қариялар ва аъзадорлар тўйдан олдин чақирилади. Бунда албатта кексаларнинг ҳаётий тажрибаси ёшларникуга қараганда нисбатан бойлиги ва кўплиги айнан шу маърака, тўй томоша аҳиллик билан ўтиши келишилади. Қайси жойда ана шу удумга амал қилинса ўша жойда тўйлар бошқаларга қараганда файзлироқ ўтади. Бунда, биринчидан, кекса ва нуронийлар тажрибаларидан фойдаланилса, иккинчидан, аъзадорларга ҳурмат ва эҳтиром жойига қўйилган бўлади. Бу эса маҳалланинг иноқлиги ва бир-биридан хабардор бўлишига сабаб бўлади. Чунки, кексалар масжидларда, чойхоналарда ва маҳалланинг бошқа йиғинларида яхши ўтган маърака-мавриidlар ҳақида га-

пирадилар. Яхши одатларнинг натижаси яхши бўлганидан тақлид қиласувчилар кўп бўлади. Бу эса маҳалла учун кони фойда ҳисобланади.

Баъзан бирор туш кўрсак ёки бирон фалокат бўлса камбагалроқ кимсага озрок садака қиласиз аёллар чўзма, буғирсоқ каби пишириқлар қилиб Қуръон оятларидан ўқиб мункулкушод қилишади. Шу тариқа юрагимиздаги қўрқинч ҳисси кўтарилиши баробарида елкандан бир юк тушгандай руҳимиз тетиклашади. Бундан ташқари қўшниларга чўзма ва камабагалларга пул улашиб шахаллада қўни-қўшнилар ўртасида меҳр-муҳабатни орттиради. Бу инсонларни аҳилликка чорлашнинг бир исботидир. Ёки момоларимиз бўйи етган қизни шомдан кейин кўчага чиқармаганлар. Чунки бу вақтда кўчага чиқсалар уларни “шайтон йўлдан урад” эмиш. Шу асно билан момоларимиз вояга етган қизларимизни кечқурунлари кўчага чиқищдан сақлаб келганлар.

Шунинг учун сенга бу насиҳатларимни қилмоқдаманки, кексаларнинг ҳар бир ҳаракатида донишмандлик мавжуд. Унга амал қилиш зарур, чунки асрлар ўтиб тажрибаларда синалган одатлар. Шунинг учун ҳам сенга урф-одатлар ҳам тарбия воситаси деб уқтиромоқдаман.

21.7. Онанинг талаба ўғлига мактуби

Дилбандим, ёлғизим, Анваржон! Биласанми! Хонангга кирганимизда, уйнинг ҳар бир бурчагида сенинг сиймоингни ҳис қиласиз. Шу хонада сен бир нималарни ёзиб, китобларни титиб ўтирадинг. Бугун шу хонада мен сенга хат ёзяпман.

Ўғлим, сени жуда согиндим. Жон болам, илтимос, эҳтиёт бўл. Катта шаҳар сени ўз измига тортмасин, деб қўрқаман. Лекин бир нарсани унумтагинки, катта шаҳарнинг бошқа юзи ҳам бор. Ўша юзини кўришинг учун илмга интилишинг, ғайратли бўлмоғинг лозим.

Илм ол, болам! Зотан, сенинг пойтахтга кетишдан мақсадинг ҳам шу эмасмиди? Тошкентни ўзинг учун кашф эт. Тарихини ўрган, маънавиятидан баҳра ол. Умидим шулки, менинг ўғлим Тошкентнинг зиёли, олди кишиларидан бўлажак. Ўғлим, инсонларга яхшилик қил, яхшилар қаторига қўшил.

Дўст танишда эътиборли бўл, болагинам! Зоро, яхши деб ўйлаганинг ёмон, ёмон деб ўйлаганинг яхши бўлиб чиқиши мумкин. Жаҳлинг чиққанда ўзингни йўқотма, бирордан нафратланма.

Ўзимнинг Анваржоним, қанийди, ёнимда бўлиб қолсангу, дардимни ўзингга айтсам. Айрилиқ азоб экан, лекин буни ўзимиз истадик. Ахир, сени шу университет талабаси бўлишингни қанчалар орзу қилгандик!

Ўғлим, ўқиб ватанингга, миллатингга хизмат қил! Халқнинг дуосини ол! Шундагина одам бўласан. Элнинг назарига тушиб, фикр сўраладиган, инсонлар дардига дармон бўла оладиган кишилар қаторига қўшиласан.

Болам, яна бир ўтинчимни бажо келтир, анави ланъати папиросни оғзингга олма! Чунки ўша нарсадан дунёингга ҳам, соғлигининг ҳам наф йўқ. Ҳеч қачон бўш ўтирма, болам, дарсхонангга киргинда, илм билан машғул бўл! Ўз уйингни яқинларингни меҳрини унуммагин, ўғлим. Онажон, сизни соғинаман, ҳар куни қўнғироқ қиласман, деб айтганингга ҳам мана бир ой бўляпти, меҳрибоним. Имкон топганингда, албатта, қўнғироқ қиласин.

21.8. Мени севманг

Аслида бу касаллик менга отамдан мерос. У юқтирган бу дард онам қорнидалигимдаёқ мени ҳам ўз исканжасига олган.

Отам енгилтак ҳаёт қурбонига айланиб, тупроқка бош қўйганига ўн беш йил бўлди. Онам ёстиқقا михла-

ниб қолган. ОИТС ташхиси билан туғилған менгина эса, мана үн түккіз йилдирки, ҳамма тенгқұрларим қатори инсон қиёфасыда яшаб юрибман. Фақат ҳар ойда тиббий күриқдан үтиб туришим шарт. Ҳамма хуқуқтарға әгаман. Севиши ва севишиштандан ташқари.

Хайхотдай ҳовлида бир үзим. Үлмай юрганимга табобат ҳам ҳайрон. Бу қунлардан күра үлганим маъқул. Лекин ногаҳон...

Шунча йил ичу-ташимни емирган дард чекингандек бўлди. Мен сизни кўрдим. Болалигим шифокор назорати остида энг зўр мактабларда үтди. Мактаб, коллежни аъло баҳоларга тугатиб, олий таълим муассасига талаба бўлдим. Мустақил бўлганимдагина касалим нима эканлигини тушуниб етдим...

Даҳшат!..

Мухаббатни ҳеч қандай қуч тақиқлай олмас экан. На қонун, на фармон. Бироқ юрагимга сиз кириб келдингиз...

Уша қундан бошлиб сиз учун, фақат сиз учун яшашга қарор қилдим. Мана бир йилдирки, сизнинг хаёлингиз – муҳаббатим билан яшаяпман. Сизни үйламаган оним йўқ. Ҳар тонг фақат сизни кўриш учунгина уйғонаман. Факультетга яқинлашганим сайин юрак уришим тезлашади. Ичимда қандайдир қуч фақат сиз томон. Лекин менинг севишишга, кимнидир умидвор қилишга ҳаққим йўқ. Шу туйгу мени тўхтатиб келади. Лекин на илож мени севишингиз мумкин эмас. Мен фақат бир илинж билан яшайман. Бу ҳам бўлса, сизни бир оқила қиз ёнида кўриш. Ўрталарингизда бир болакай бўлса, яна ҳам яхши. Шундагина армоним қолмайди.

22.1. Онамга мактуб

Онажоним, доим сизни нақадар севишимни, митти юрагидан жой олган чексиз меҳрингизни сизга билдиришни истардим. Аммо буни бажара олмадим. Чунки буни англашга ҳеч ҳаракат қилмадингиз. Бир куни боғдан сизга гул тердим. Гулдонга солиб, сизга олиб келаётганимда, тұсатдан гулдан құлимдан тушиб синди. Гуллар билан сизга меҳримни изҳор қылмоқчи әдим. Гулдан сингани учун шунчалар бақирдингизки, энди бошқа ҳеч кимга гул бермасликка аҳд қилдим.

Она, менинг мурғак қалбимда ҳаммани яхши күришга жой бор әди, мен ҳаммани севардим. Аммо сиз одамларни жуда ёмон эканлиklärини, уларга ишонмаслик керак эканлиғини айтдингиз. Мен ҳам энди одамларни севмайман. Онажоним, ҳеч ақлимга сиғдираолмаяпман, менга бошқаларни уришни сиз ўргатдингиз. Мен туғилганимда уришни билмас әдим-ку? Нега ҳозир укамни урганимдан жаҳлингиз чиқяпти? Мен уни урсаң күлимга урасиз. Она, дадамни ҳеч севмайсизми? Доим “даданға айтаман” деб мени құрқитасиз. Уни яхши күришимни истамайсизми? Мен бақирибасдан бир нарсаны айтсан, уни бермайсиз. Бақириб-чақирысам ўша нарсаны берасиз. Шунинг учун мен доим бақириб-чақириб, ийғлаб талаб қиласман. Айтғанғизни қилишим учун ҳам бақиришингизни кутаман.

Биласизми, сизни бақыртиришдан завқланаман. Ўша онда менга эътибор берасиз, деб ўйлайман. Она, сизга айтадиган хушхабарим бор: энди овқатларимни ейман. Янада тезроқ катта бўлишни хоҳлайман. Негалигини биласизми? Сиз билан гаплашаётганда юқорига қарашдан чарчадим. Бундан бўйним оғрияпти. Агар ўсишим жуда узоқча чузилса, нега сиз мен билан сал эгилиб гаплашмайсиз? Ўшанда ўзимни сал яхши ҳис қилардим. Гаплашганда кўзларингзини кўришни истайман. Кўзларингиз туридаги менга бўлган меҳрингизни кўришни истайман.

Онажоним, нега энг яқин дугоналарингизга ўзингизнинг нарсаларингизни бермайсиз? Унинг болалари га ўзимнинг ўйинчоқларимни беришни ёқтиирмайман. Ўйинчоқларни менга оласизми ёки дугоналарингизнинг болаларигами? Улар синдирганда жаҳлингиз чиқмайди. Мен синдирысам “Сенда ҳеч инсоф борми ўзи?” дея мени жазолайсиз. Энди унинг ҳам чорасини топдим: ўйинчоқларни бузиб қўйсам, уларни яшириб, худди бошқалар бузгандек, меҳмон келганда сизга кўрсатаман.

Онажон, нега мени тингламайсиз? Нега сизни чизган қаҳрамонларим, бузилган ўйинчоқларим, йўқолтан қаламим қизиқтиrmайди? Мени ҳам сизнинг ишхонангиздаги бошлиғингиз, дугоналарингизнинг янги олган сумкаси қизиқтиrmайди... Уларни эшитишни хоҳламайман. Мен билан қизиқишингизни, буни мен учун нақадар зарур эканлигини билишингизни истайман. Нима, фақат катталарга тегишли нарса муҳимми?

Она, янги энагамни ҳеч ёқтиирмадим. У соchlаримни сиз тарагандек тарамайди. Менга олдинги энагам қарандек меҳр билан қарамайди. Она, сиз нега менга меҳр билан боқмайсиз?

Она, уйдаги нарсалардан, кулдондан, телевизордан сизни қизғонаман, уларни бузиб, йўқ қилишни истай-

ман. Шунда уларни синдиришдан қўрқмай, уй ичида бемалол югуриб ўйнай оламан. Уларни тозалаш учун ажратган вақтингизчалик менга вақт ажратмайсиз. Демак, уларни мендан кўпроқ яхши кўрасиз. Онажоним, уйда ўйнашдан зерикдим. Ташиқариларда югуриб-елиб ўйнашни, оёқларимни кўлмак сувларга тиқиши, тортни тўкиб ейишни, макаронни қўлим билан ейишни, айронни устимга тўкишни истайман. Она, мен ўзим истаганча яшашни хоҳлайман. Таъқиқлар бўлмаган, меҳрга тўла, оналар фарзандларини тушунадиган бир жойни хоҳлайман. У ерни топиш учун бу ердан кетишни истайман. Балки у жой бир қушнинг қанотида, балки бир гулнинг япроғида, балки бир балиқнинг аквариумида бордир...

22.2. Қалбингдан меҳрга жой бер!

Болам, сен мени нақадар севишингни, мурғаккина юрагингдаги туйгуларингни, тушунтиришга ҳаракат қилганингни, лекин буни ҳеч уддасидан чиқолмаётганингни айтяпсан. Йўқ аслини олганда сен буни уддасидан чиқдинг, ҳатто ортиғи билан уддаладинг. Лекин мен буни тушуниб етмадим ёки тушунганимни сенга тушунтириб беролмадим. Биттагина синган стакан учун сенга бақирганимда сенинг ўша кичкинагина юрагингниң дарз кетишини ўйлаб ҳам кўрмабман. Сен менга берилиган энг нафис гул эканлигини биласан, деб ўйлардим.

Болагинам, инсонларга бўлган меҳрингни барбод этганимдан жуда афсусланаман. Яхши хулқли, одам-шаванда инсон бўлиш учун мурғак қалбинг дарвозаларини инсонларга очиб беришинг керак.

Болажоним, мен ҳар бир боланинг инжиқликлари учун уни тарсакилашдан кўра унга насиҳатлар қилиш ёки уни мукофотлаш тарафдори эдим. Лекин сени ур-

ганим... шу даражага олиб боришини сира ўйламабман. Ҳолбуки, сенга ҳақ ёки ноҳақ бўлсанг ҳам кечиримли бўлишни, кечиримлилик буюклик эканлигини ўргатишни ният қиласандим. Менинг энг катта хатоим сенинг ҳали шунча нарсани тушуниб етмаслигингни ўйлаб кўрмаганигимдир. Ҳолбуки, сен менга ўша кичкина онгинг, қалбинг билан бундай эмаслигини исботладинг: “Дарахт ёшлигида эгилади” мақоли ҳам айнан шунинг исботи эмасмикан!?

Болам, жон-дилимдан сени яхши кўришимни хоҳаяпсан. Сен кўзларимга ҳеч эътибор берганмисан? Агар назар солганингда эди, у ерда сенга аталган бетакрор, таърифига тил ожиз бир меҳр борлигининг гувоҳи бўлардинг. Балки ўринсиз ҳаракатларим кўзларимга парда бўлгандир, мен сенинг ўша пардани олиб ташлашингни ва сенга бўлган меҳримни ҳис қилишингни хоҳлайман.

Жоним болам, мен гўдак учун ўйинларнинг қанчалик муҳим эканлигини яхши биламан. Сенга олиб берган ўйинчоқларимни ўзинг ёки ўртоқларинг билан ўйнашингни ўйлаб, ўйинлар оламига киришни хоҳламадим. Болалигимда менинг ўйинчоқларим жуда кам эди, шунинг учун буларни олганимда сени хурсанд қиласман, деб ўйлагандим. Лекин мени ҳам ўйинчоқларинг орасида кўришни хоҳлашингни ҳеч ўйламаган эканман.

Болам, уйдаги жихозларни мендан қизғонишишингни айтаяпсан. Бир ўйлаб кўргин-а, дунёning қайси жихози ёки гўзаллиги сен билан тенглаша олади, қайси уй юмуши сенинг юрагингга юқсан гард ёки хатони тозалашдан қийин бўлиши мумкин?! Шуни тушуниб етдимки, мен қилишим керак бўлган энг муҳим вазифа, сенинг қалбингга озор етказмаслик ва қалбингни умр бўйи сенга фойда келтирадиган гўзал ўгитлар билан тўлдириш экан.

Нури дийдам, ташвишлар бўлмаган бир дунёда яшаши хоҳлашингни айтаяпсан. Сен ўз сай-ҳаракатларинг, меҳринг билан одамларни ўзингга қарата олсанг-гина ўзинг учун шундай олам яратади оласан. Ўзинг учун гўзал, меҳрга лиммо-лим бир дунё қурасан. Қушнинг қанотига, гулнинг япроғига ёки балиқнинг аквариумига эҳтиёж сезмаслигингни, бутун умр сен учун очилган икки қўлнинг борлигини билишингни хоҳлайман. Ишон менга, бошқа ҳеч нарса сенга Она меҳрини беролмайди. Мен сўзим охирида ички дунёингга киришимга рухсат берганинг учун сенга раҳмат айтмоқчиман; билмаган ҳолда қилган хатоларим туфайли сендан узр сўрамоқчи-ман. Қалбингдан ҳар доим меҳрга жой ажратишингни ва ўзинг ҳам меҳрсиз жойда бўлмаслигингни тилайман.

Онанг Ҳошима Зиляс

22.3. Дил изҳори

Онажон, келин бўлишни орзу қиласадим. Бу энг олий баҳтдек туюларди менга...

Ярим тунда ўғлимнинг йифисидан уйғондим. Овутиш учун алла айтар эканман, негадир сиз кўз олдимга келдингиз. Соғинганимни, қаттиқ соғинганимни англадим. Ўша меҳрни, ўша баҳтни қўмсадим. Ўзим билмас эканман ёнингизда ўтказган ҳар бир куним ҳаётимдаги энг баҳтли кунлар эканини. Баҳт ҳам соғликка ўхшайди дейишади-ку, онажон. У ёнгинангдалигида сезмайсан. Сиздан узоқда яшар эканман, кундан-кунга қалбан яқинлашмоқдаман. Чунки мен ҳам она бўлдим. Она бўлганим учун ҳам сизни яхшироқ тушунаётгандирман.

Стол устига сизга ёзилган, аммо жўнатилмаган мактубни олиб, давом эттираман:

...Кечагидек ёдимда барча ножӯя қилиқларим – иш буюрсангиз баҳона топардим, қаттиқроқ гапирсангиз йиғлардим.

Қизлиқ тахтимдан тушар эканман, барча эркаликини, баҳона қилиш-у, шүхликларни ташлашга мажбур бўлдим. Келинлик масъулияти оғир экан, онажон. Бегона уйга мослашинг, қайнонанинг айтганини қилиш, айрим сўзлари малол келса-да чидаш... шундай пайтларда тұгри маслаҳат бериб, суюнчиқ бўлмаганингизда, бардошим етмасди. Раҳмат, она! Сизга дил изҳоримни йўллашга уяламан. Чунки олдингизда арзирли хизмат қилмадим... Қизингиз Мафтуна.

22.4. Бир пиёла чой ёхуд адашган фарзанднинг онасига ёзганлари

Онажон, соchlарингиз, қошларингиз оқарибди... Ҳатто киприкларингиз. Юзларингизга эрта ажин тушибди. Буларнинг барига мен айбор. Ҳар сафар менга сув тутаётган қўлларингиз қалтирайди, бу мен берган азобларнинг асорати. Эртаю кеч шифтга термулиб, танамдаги оғриқ билан олишиб ётганимдагина тушундим қанчалар нобакор фарзанд бўлганимни... Мана шундай бадбаҳт болани ҳам ташлаб қўймасдан, тунларингизни бедор қилиб ўтирибсиз. Аслида, бундай меҳрга, бундай эътиборга мен нолойиқман. Ўзингиз парвона бўлганингиз етмагандай, дадамни опа-акаларимни “Олдига кириб ҳол-аҳвол сўранглар”, деб мажбур қиляпсиз. Лекин улар мендан ҳазар қиласидар, шунинг учун ёнимга кириш тугул, мен ётган хонанинг остонасига яқинлашишмайди. Тушунаман, уларнинг юз ўгиришларига ҳаққи бор, фақат сиз... менинг онамгина қаршимдасиз.

Онажоним, одамзот шунаقا экан-да, бошига кўргулик тушмагунча кўзи очилмас, боши ёстиққа тегмагунча яқинларининг қадрига етмас экан. Қанийди, Худойим менга яна бир бор яшашни насиб қиласаю, қилган хатоларимни такрорламасдан, сиз ва дадамни рози қилаоладиган фарзанд бўлолсан.

Ана, онажоним, Худони эсладим. Бунга ажабланарсиз, чунки бошимга оғир күн тушди-да. Сиз бұлса ҳамиша "Худойимга хүш келмайдиган иш қиляпсан, болам, бир куни ёмон бұласан", деб тақрорлардингиз. Мен "қанақа Худо, унинг мендан бошқа иши йүқми?" деб қуфр келтирардим.

"Тавба қилдим, дегин", деб ялинардингиз. Энди тавба қиляпман! Балки бу қасаллик мени гүрга олиб кетар, балки сизнинг нолаларингиз билан соғайиб, үрнимдан туриб кетарман. Лекин барибир бебошлиқда ўтказған умримни қайтара олмайман. Уни шунчалар исроф қилдимки... Энди құрқяпман, онажон. У дунёда шунча гуноҳларимнинг жавобини қандай бераман... Шунинг учун ҳам сиздан ўтинаман, мен учун дуо қилинг. Озгина яшай ва бу умримни тавбада ўтказай, зора азобларим камайса...

Кўзларингиз бирам маъюс, қачондан бери юзингизда кулгу кўрмадим, онажон... бу ҳам мен туфайли экани учун юрагим ўртанияпти. Ҳар куни биргина сўзингизни эшитаман "Тузукмисан, болам?".

Сиз билан тўйиб-тўйиб гаплашгим келади, бироқ уяламан. Нима дей, "кечириң", десам, гуноҳим шунчалар қўпки, қай бирини кечирасиз. "Эркаланг" десам, шунга лойиқ бола бўлмадим. Шу гапни айта туриб, болалигим эсимга тушди. Акам ҳамиша менинг ўйинчоқларимни олиб қўярди, шунда сиз уни уришиб "Ундей қилмагин, укант катта бўлганингда сенинг ёнингга кириб, елкадош бўлади", дердингиз.

Онажон, чин дилдан ният қилганингизга ишонаман, аммо мен бу ниятларингизни саробга айлантирдим. Акамга елкадош бўлиш ўрнига қўчадаги ўғриларга шерик бўлдим. Неча хонадоннинг молини ўғирлаб қон қақшатдим. Сизларни эса шарманда, уятга қўйдим. Бир сафар ўғирликка кирганимизда, эгаси кўриб қолиб дод согланида уриб, боғлаб кўйган эдик. Ўшанда у аёл

“Илойим сени боққан ота-онангни умри азобда ўтсин!”
деб қарғади.

Онажоним, ўшанда бу гапни эшитиб, гумроҳ қалбим уйғониш ўрнига уни мазахлаб күлгән әдим. Ўзим бадном бўлганим етмагандек, сизларни ҳам қарғишига қўйганман. Шундай боланинг касалини боқиб, тепасида ўтирибсиз, она!

Қамоқхонанинг зах хоналарида ўтирганимда неча бор сизнинг чехрангизни қўрдим қаршимда. Соғинганим учун кўриняпти, деб ўйлабман... Энди билсан, сиз мен билан бирга қамоқхонада шунча йил руҳан бирга ўтирибсиз... Буни уйга қайтганимда иккимизнинг юзларимиз бир хил сарғайганидан пайқадим.

Оҳ, онажоним-а! Бағрингизга бошимни қўйиб ётгим келаяптию, аммо бунга ботинолмайман. Ҳаққим ҳам йўқ деб ўйлайман. Кечагина дадам билан айтишганингиз қулоғимга чалинди. Дадам сизни койиди.

– Ҳадеб олдига кирверма, касали юқумли, сенга ҳам юқса, кўтаролмайсан, қарисан, деди.

Ўпкам тўлиб кетди. Аммо бор вужудим билан сизнинг жавобингизни эшитишга талпиндим.

– У менинг ичимдан тушган бола, бори ҳам, йўғи ҳам, касали ҳам, соғи ҳам меники. Юқса бирга ўламиз! – дедингиз.

Онажоним, мен бунчалик меҳрга, муҳаббатга лойиқ эмасман!!! Дадам тўғри айтди, менинг ёнимга камроқ киринг, сизни қилимишларим билан азоблаганим етар, энди жиссимдаги касалимни юқтириб ҳам қийнасам... жаҳаннам оташида ёнгандай бўламан. Қани энди, буни тил келиб айта олсанм. Чунки кирмай қолишингиздан шунчалар қўрқаманки...

Биламан уйдагилар менинг тезроқ ўлишимни, бу кунлар тезроқ тугашини кутишяпти, бунинг учун улардан хафа эмасман. Аммо сиз эса мени ҳаётга қайтариш учун курашяпсиз. Қанийди, бунинг иложи бўлса, она-

жоним. Ўзим ҳам қундан-күн танамдан мадор кетаётганини ҳис қиляпман. Мени бу ҳаётда ушлаб турган нарса меҳрингиз ва ҳар куни беминнат тутадиган бир пиёла сувингиз...

Кечалари ухлагани чүчийман, балки уйқу ичида жоним чиқиб кетар, деб. Деразадан осмонга термулиб юлдуз санаб чиқаман, шунда оғриқларим ҳам бир қадам чекингандай бўлади. Тезроқ тонг отсаю, хонамга қуёш нури тушса, кейин эса... сиз кириб келсангиз, деб кутаман. Ҳар куни мана шу биттагина илинж билан кўз очаман, онажон...

Тунлар бедор бўлиб чиқишингизни биламан онажон, айвонимга неча бор келиб кетасиз, оёғингизни учидарсангиз ҳам, нафасингиздан сезаман. "Шунча куйдирсам ҳам, яна мени ўйлаётган онам-а", деб ўз-ўзимдан нафратланаман.

Қамоқхонада бир шеригим бўларди, ҳамиша қофоз қитирлатиб, кечаси билан бир нималарни ёзиб чиқари.

"Нималарни ёзаяпсиз", десам "Онамга хат" дерди. "Ҳар куни ёзасиз-ку, шунча гапингиз кўпми онангизга айтадиган?" десам: "Қизиқ савол бердингиз-ку, наҳотки сизнинг онангизга айтадиган гапларингиз йўқ бўлса дилингизда", деб мени уялтирганди.

Шу шеригимга тақлид қилиб, сизга хат ёзмоқчи бўлганман. Аммо икки қатор ёзишим билан сўз тополмай қийналар, йиртиб ташлаб, яна бошқатдан ёзардим. Битта хатнинг охирига етолмадим. Шунда дадамнинг: "Сенинг қўлингдан яхши иш келмайди, фақат ўғирлик, ёмонлик келади", – деган сўzlари қулогим тагида қайта-қайта жаранглаб, неча кунгача йиғлаб юрганман. Балки ўша пайтлардан бошлаб хатоларимни тушунишни бошлагандирман, онажон! Чунки унгачаем тавба қишлиш, "Сизларга озор бердим-ку" деб ўйлаш ҳаёлимга келмасди. Ўимда битта мақсад: тезроқ бу ердан чиқсанму, яна тарааллабедод ҳаётимни сурсам.

Онажоним, шунчалар күр ва гумроҳ эканман, ҳатто сизнинг кўз ёшларингиз ҳам мени қабиҳ йўллардан қайтара олмади. “Нега?”, деган савонни ўзимга бераверман, беравераман, аммо тополмайман.

Айтарсиз, “Энди нимага керак бу гаплар?”, деб. Умрингизни эговлаб тугатганим рост, аммо ҳеч бўлмаса-да, умрим шамчироқлари липиллаб турганида сиздан, дадамдан “Сендан розиман” деган сўзни жудаям истаяпман, шунинг учун ҳам дилимни очяпман, рози бўлишинглар қийинлигини биламан, шунча йил эговлаб адо қилган боладан бирданига “розимиз” дейиш... лекин умид қиляпман.

Мен эса сизлардан минг мартараб розиман. Тўғри, дадам мени оқ қилди, “остонамни босмасин” деди. Лекин сиз қаттиқ туриб қамоқхонадан чиққанимда уйга олиб келдингиз, дадам ҳайдаб юбормади. Ўшандәёқ оёқларингизга йиқилиб тавба қилмоқчи бўлдиму, журъатим етмади.

Онажоним, балки бу тонг эшигимни очиб кирганингизда мангут уйқуга кетган бўларман, мен учун дод солиб куйманг. Бағрингизни тиғламанг. Фақат “Аллоҳим, шу боламни қабр азобларидан, дўзах ўтларидан ўзинг сақлагин. Гуноҳларини кечиргин, тавбасини қабул қиласин”, деб сўранг. Менга аза очманг, мотам тутманг, биргина ўтинчим: мен учун дуода бўлинг. Айтишларича, Худойим оналарни дуосини албатта ижобат қиласар экан. Биламан, бундай деб duo қилишингизга арзимайман, аммо, жоним онажоним, бу дунёда шунча гуноҳлар ичida гирён бўлдим, энди у дунёда сизнинг дуоингиз билан ором топай...

Ана, тонг ёриша бошлияпти, бир оздан сўнг сиз эшигимни очасиз. Хонанинг ҳавосини янгилайсиз. Илиқ сув билан юзларимни ювасиз... сўнг эса қақраган лабларимга бир пиёла сув тутасиз. Бу шунчаки сув эмас, онажон, у менинг танамдаги иситманинг тафтини пасайти-

рұвчи малҳам... Тезроқ келинг, онажоним... сув ичгим келяпти.

22.5. Қарздорлик

Асфальт йўлнинг қоқ уртасидан ёриб чиққан гиёҳ яшашга интилаётган инсонни эслатади. Оғзида хас тутган қалдирғоч ин қуриш пайида. Чумчуқлар чугурлашиб, палопонига дон изляяпти. Ёқимли, майин шабада хаёлларимни олис-олисларга етаклайди. Туғилиб ўсан маҳалламга кириб борар эканман, оёқларимга тош осиб қўйгандек қадамларим оғир. Юрагим файзи йўқ, ғарид кулбага ўхшайди. Вужудим бўм-бўш хувиллаган саҳрони эсалатади. Елкамни англаб бўлмас бир юк босади. Кўнглим орзиқиб, бўғзимга нимадир тиқилгандек. Иродам ўзимга бўйсунмай, юзимни кўз ёшларим ювмоқда. Ўз ташвиши билан югуриб-елаётган одамлар сезмасин, дея тезда кўз ёшимни артиб оламан. Оҳ, онажон! Қанийди кириб борганимда, қаршимда пешвоз чиқиб кутиб олсангиз, меҳр-ла: “Жон болам, соғмисанг келдингми?”, дея юз-кўзимни, соchlаримни силасангиз.

Онажоним, қанийди, иссиқ бағрингизга бир зум бошимни қўйиб, дунё ташвишларини унутиб, гўдаклигимга қайтсам. Қанийди, йиллар зарбидан, меҳнат заҳматидан томирлари бўртиб чиққан қадоқ қўлларингизни юзимга суртсам.

Тўққиз ой, тўққиз кун вужудингизда тутиб, суюгимизни қотиргунга қадар чеккан заҳматларингизу адояи йўқ уйқусиз тунларингиз, болалигу подшоҳликдаги инжиқликларимиз эвазига пайдо бўлган ажинли юзларингиздан тўйиб бир ўпсам. Бағрингиз шу қадар кенг эканлигини энди-энди чуқур ҳис қиляпман, ўзингиз учун сира яшамапсиз-да, дуогўйгинам. Бирорта урф бўлган кўйлакни ўзингиз киймай, читу-штапел кийиб, бизга эса атлас, духобани илинибсиз. Бўй-бастмимизни томоша

қилиб, байрамларга кузатган меҳрибогинам. Қайтиши-мизга нұхатшұракларни тайёрлаб қўйған онажонгинам.

Зебу-зийнатларга бино қўймаган, топганини боламга деган, тилло зирак орзуламаган, тилло узукни хаёлига келтирмаган муштипаргинам. Акажоним илк маошига тилло зирак, узук олиб келганларида бошлари осмонга етиб, қувончдан йиғлаб, Аллоҳга шукроналар қилиб, ниҳоясиз дуолар қилған муштипаргинам!

74 ёнда ҳам энг кичик набиралари дунёга келганды гулдаста совға қилишни канда қилмаган гулсевар, қалби гул каби гўзал меҳригиёгинам. Қирқ кун касалхонада ётганимда, ҳар куни олис йўл босиб, чарчаш нелигини билмай, ҳаловатини унутиб, ҳузуримга чопган жафокашим!

Баъзан ташвишлардан чарчаб, сиқилиб, дардимни дастурхон қилганимда, иссиқ бағрига босиб: “Жоним болам, ақлли, юраги тор болам, сабр қил! Сабрнинг таги сариқ олтин! Аллоҳнинг ўзи сабрли, инсофли кишини ёрлақайди. Оғир бўл, феълингни кенг қил, торга тор дунё, кенгга кенг дунё, болажоним”, – дея овутиб жўнатган, насиҳатгўйим-а!

Баъзан ҳаётдан нолиганларни эшитсалар, “Болажоним, нолиманглар, уят бўлади, шукр қилинглар. Бир змонларда бир бурда нонга зор бўлиб, кунжара еб шишиб ўлганларни, “нон-нон” дея жон берган одамларни кўрганмиз”, дея шукрли бўлишга ундан онажоним-а! Икки забардаст ўғилнинг дарду-доғини тортиб, чумолига ҳам фарзанд доғини раво кўрмаган инсонпарвар она-жоним-а!

Онажон, шунчалар чеккан азоб-уқубатларингиз, меҳр-у муҳаббатингизга жавоб бера олдимми? Белингиздан қувват, қўзингиздан нур кетиб, бугун қайси фарзандим келар экан, деб маҳзун тортган пайтларингиз, ўзимдан ортиб, пешвозингизга чиқа олдимми? Йўқ, шуни англадимки, ота-она олдида умрбод қарздорли-

гимизча қоларканмиз. Қани энди, хонадонимизга бир бора қадам ранжида қылсангиз-у, узундан-узун дуола-рингиз билан болаларимни сийлаб, қалбимизни нураф-шон айласангиз.

Йўқ, энди бу хаёл, рўёбга чиқмайдиган орзу...

Токи ота-онангиз тирик экан, хузурига шошилинг азизим! Токи уларга қила олмаган хизматингиз учун кейин афсусланиб юрманг...

Сўнгги пушаймонга йўл қўймаслик учун...

Ривоят

“Бир шайх бўлган экан, у беш вақт номозни канда қилмас, доимо рўза тутиб, зиёратлар қилиб юрар экан. Улар хастланиб кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолибди. Та-библар ҳам даволай олишмабди. Аллоҳ таолога омо-натини топширадиган вақт яқинлашиб қолибди. Шун-да яқинларидан бир пайғамбаримиз Муҳаммад алай-ихиссаломнинг олдиларига бориб илтимос қилибди: “Ўзингиз бир қараб қўйсангиз. Тил-забонсиз, бир неча кундан бери ётибдилар”, дебди. Пайғамбаримиз қара-саларки, хаста ўсал бўлиб, кимнидир кутиб жон бера олмай ётибдилар. Шунда улар: “Хастанинг оналари борми?” – деб сўрабди. Атрофидагилардан бириси: “Ҳа, бор, лекин кела олмайдилар. Бироз хафалашиб қолиш-ган”, – дебди. Шунда пайғамбаримизнинг ўзлари йўлга чиқибдилар. Онанинг олдига бориб хамма гапни айтиб: “Сиз рози бўлмасангиз ўғлингизнинг жон бериши қий-ин бўлади”, – дебдилар. Онаизор зор зор йиғлаб келиб, ўғлининг пешонасидан ўпиб: “Мен розиман, жоним бо-лам, розиман”, – деган экан, ўғлининг жони узилибди. Шунда онаизор боласига Аллоҳдан жаннатни тилаган экан.

Якуний хулоса Сиздан, азизлар...



VI ҚИСМ.

ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ ХАҚИДА СОЦИОЛОГИК СҮРОВ НАТИЖАЛАРИ



23.1. Социологик сұровни үтказиши тартиби

Аллоқ бу дунёдаги ҳамма нарсани бир-бирига дахлдор қилиб, яъни қай бирини сабаб, қай бирини натижа (оқибат) қилиб яратиб қўйган. Масалан, фарзанд билан осудалик ўртасидаги боғланишни олайлик. Инсон қанчалик фарзанд тарбиясига бефарқ бўлмасдан яшаса, шунчалик унинг ҳаёти осудаликда, тинч ва хотиржамлика кечади. Бу ерда фарзанд тарбияси сабаб (омил) бўлса, осудалик даражаси натижадир, яъни оқибатдир.

Статистикада бу иккала қадрият (белги) ўртасида боғланиш зичлиги ҳақида маълумотлар йўқ. Шу боис боғланишни аниқлаш мақсадида социологик сұров үтказиши учун маҳсус анкета ишлаб чиқилди ва мамлакатнинг турли ҳудудларига 1100 та анкета тарқатилди. Улардан 999 тасига жавоб олинди.

Анкетага киритилган қўйидаги 12 та савол бўйича ашёвий далиллар тўпланди:

1. Ёшингиз
2. Жинсингиз: эркак, аёл
3. Касбингиз
4. Лавозимингиз: йўқ, оддий ходим, раҳбар
5. Маълумотингиз: ўрта, ўрта маҳсус, олий

6. Илмий даражангиз: йўқ, фан номзоди, фан доктори
7. Яшаш жойингиз: шаҳарда, қишлоқда
8. Энг яхши кўрган ракамингиз: 0, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9
(доирага олинг)
9. Кон гурухингиз_____
10. Мучалингиз_____
11. Буржингиз_____
12. Имзо._____

Сўровлар мамлакатимизнинг барча худудларидан тасодифий равишда танлаб олинган қишлоқ, туман, шаҳарда, ишлаб чиқариш, ўкув муассасалари ва хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлган оддий ишчидан тортиб то раҳбар-ходимгача, оддий талабадан тортиб то академикларгача – турли касб эгалари ўртасида ўтказилди.

Белгиланган меъёrlар асосида ўтказилган сўров натижалари умумлаштирилиб, хулосалар чиқарилди ва улар туркумнинг ушбу сонига жо қилинди.

Бунда аҳолининг ҳар бир қатлами: ёшлар, аёллар, қариялар тўлдирган сўровномаларга алоҳида эътибор берилди. Шу тарзда осудалик қай даражада фарзанд тарбиясига боғлик, унинг боғланиш зичлиги неча фоиз? – деган саволга респондентларнинг фикрини билиш мақсадида қўйидаги жадвал тузилди ва тегишли маълумотлар йигилди, ашёвий далиллар тўпланди. Аммо дунёдаги мавжуд ашёвий далил тўпланганда ҳам, агар уни таҳлил ва талқин қилинмаса, бунинг тирноқча ҳам нафи бўлмайди. Бундай таҳлил ва талқин респондентларнинг фарзанд тарбияси ва осудалик ўртасидаги боғланиш зичлиги ҳақидаги фикрларга асосланиб амалга оширилди.

**Осудалик ва фарзанд тарбияси ўртасидаги боғланиш
зичлиги ҳақида респондентларнинг фикри**

T/p	Респондентлар	Сизнинг фикрингизча осудалик неча фоиз фарзанад тарбиясига боғлик?				
		жуда наст (20% гача)	наст (20-40%)	уртacha (40-60%)	юқори (60-80%)	жуда юқори (80-100%)
1.	Иқтисодчи				+	
2.	Муҳандис			+		
3.	Шифокор					+
	ва ҳ.к.					

Фақат битта, яъни айнан қайси бир устундаги жавоб маъқул бўлса, ўша устун катақласига “+” ишорасини қўйиш ҳамда нима учун айнан шу катақчага мазкур ишора қўйилганини қисқача асослаш йўли билан респондентлар ўз муносабатларини билдирадилар.

Масалан, жадвалимизда иқтисодчи ушбу боғланишини 60–80 фоиз (“юқори”) деб ҳисоблаган бўлса, муҳандис бу боғланиш зичлигини 40–60 (“уртacha”) ва шифокор эса 80–100 фоиз, яъни “жуда юқори” деб белгилаган. Ушбу маълумотларни респондентларнинг касби, жинси, ёши, маълумоти, қишлоқ ва шаҳарда яшаш нуқтаи назардан умумлаштириш, таҳлил қилиш натижасида фарзанд тарбияси (омил) ва осудалик (натижажа) ўртасидаги боғланиш зичлиги ва унинг сирларига оид бир қадар жавоб топишга, шунингдек, айрим қонуниятларни аниқлашга эришилди.

23.2. Рақамлар замиридаги ҳақиқат

999 та анкеталарнинг қайдлар қисмида респондентларнинг “Осуда яшашингизнинг қай даражада бўлиши фарзанд тарбиясига нечоғлик боғлиқ?” “Улар ўртасидаги боғланиш зичлиги қандай?”, деган саволга билдирилган фикрларини умумлаштириб гурухларга бўлганда қуйидаги статистик тақсимотлар ва холосаларга эга бўлдик (1-жадвал).

1-жадвал

Фарзанд тарбияси ва осудалик ўртасидаги боғланиш ҳақида касб эгалари қандай фикрда?

Т/Р	Касблар	Респондентлар сони	Сизнинг фикрингизча осудалик неча фойз фарзанд тарбиясига боғлиқ?				
			жуда паст (20% гача)	паст (20-40%)	ўртача (40-60%)	юқори (60-80%)	жуда юқори (80-100%)
1.	Иқтисодчи	113	—	—	1,2	7,1	91,7
2.	Мухандислар	70	—	—	1,9	13,2	84,9
3.	Хукуқшунослар	81	—	—	1,6	16,4	79,0
4.	Шифокорлар	44	—	—	3,0	9,1	87,9
5.	Журналистлар	54	—	—	4,9	4,9	90,2
6.	Тадбиркорлар	48	—	—	8,3	12,2	78,5
7.	Диншунослар	25	—	—	5,3	—	94,7
8.	Давлат хизматчилари	57	—	—	11,8	2,9	85,3

9.	Педагоглар	294	-	-	2,8	7,5	89,7
10.	Талабалар	182	1,5	1,9	8,6	10,9	77,1
11.	Нафака-хурлар	31	-	-	4,3	14,8	80,9
	Жами	999	0,0	0,0	5,9	10,7	83,4

Сўровномада иштирок этган 999 респондентларнинг 83,4 фоизи (833 киши) осудаликни фарзанд тарбиясига жуда юқори даражада боғлиқ деб таъкидлайдилар. Энг юқори кўрсаткич диншунослар жавобларида кузатиласа (боғланиш кучи 94,7%), энг паст боғланиш талабалар жавобларида қайд қилинди (77,1%). Диншунослар жуда юқори боғланишни эътироф этган ҳолда қўйидаги ҳадис билан ёзма равишда (233, 672, 773 респондентлар анкетасида) асослаб беришган: “Ҳеч бир ота-она ўзининг фарзандига яхши тарбия бериш ва одоб ўргатишдан ортиқ ҳадя қилолмайди”.

Дарҳақиқат, бу дунёда оқил фарзандлар тарбиялаб, улар камолини кўришдан ҳам улуғроқ баҳт борми! Улар ота-оналарига эл-юрт раҳмати, олқишини олиб берсалар – қандай яхши!

Талабаларнинг жавобларидаги боғланиш кучининг нисбатан паст даражада эканлиги улар жавобидаги 1,5 фоизи, яъни 15 нафарининг боғланишни жуда паст (20 фоизгача), 1,9 фоизи, яъни 19 нафарининг паст (20–40 фоизи), 8,6 фоизи, яъни 108 нафарининг юқори (60–80 фоиз) деб ҳисоблаганлари натижасидир. Боғланишни паст даражада деб ҳисоблаган талабаларнинг 98,9 фоизи ҳали турмуш қурмаган талабалар таркибига киради. Албатта, улар фарзанд тарбияси ҳақида мустақил фикрга ҳам эга бўлмаган респондентлардир.

Фарзанд тарбияси ва осудалик ўртасидаги боғланиш кучининг ўртача 83,4% дан юқори деб жавоб берганлар

қаторига иқтисодчилар (91,7%), журналистлар (90,2%), шифокорлар (87,9 %), давлат хизматчилари (85,3 %), мухандислар (84,9 %) кирган бұлса қолған касб әгалари бу ўртачадан боғланиш паст деб белгилашган.

Шуниси характерлики, жавобларда боғланиш күчининг юқори ёки пастилигига баҳо беринің да иншүносалар күпроқ фарзандларнинг иймон-эътиқодлы қилиб тарбиялаш лозимлигига эътиборларини қаратсалар, иқтисодчилар күпроқ иқтисодий тарбияяга, педагоглар эса таълимга ўз эътиборларини күпроқ қаратғанлар. Давлат хизматчилари эса интизомий тарбияяга ургу берғанлар.

Хүш, фарзанд тарбияси билан осудалик ўртасидаги боғлиқлик даражасига нисбатан қишлоқ ахолисининг фикри қанақа? Эҳтимол, қишлоқ шароитидаги оиласынинг ўзига хос таркиби, жипслиги, оиласардаги турмуш тарзининг шаҳар оиласарига нисбатан барчага аёнроқ эканлиги кабилар фарзанд тарбиясига ижобий рол ўйнашига асос бўлувчи омиллардир?

Бу саволларга қишлоқ ва шаҳар аҳли қуйидагича мұносабатларини билдиридилар (2-жадвал).

2-жадвал

Фарзанд тарбияси ва осудалик ўртасидаги боғланиш зичлиги ҳақида қишлоқ ахолисининг фикри қандай?

Т/р	Касблар	Респондентлар сони	Сизнинг фикрингизча осудалик неча фойз фарзанд тарбиясига боғлиқ?				
			жуда паст (20% гача)	паст (20-40%)	ұртача (40-60%)	юқори (60-80%)	жуда юқори (80-100%)
1.	Шаҳарда	777	0,2	0,5	5,7	10,0	83,6
2.	Қишлоқда	222	—	0,6	3,0	14,3	82,1
	Жами	999	0,0	0,0	5,9	10,7	83,4

Күриб турибмизки, жами сўралганларнинг 83,4 фоизи, яъни 833 киши фарзанд тарбияси билан осудалик ўртасидаги боғланишни жуда юқори деб санашади. Жуда паст ва паст даражада деб белгилаганлар деярли йўқ ҳисоби. Бироқ шаҳар аҳолисининг 1 фоизга яқини (0,7 %) бу боғланишни паст деб белгиланган. Бу гурӯҳ респондентлар фарзанд тарбиясига биљвосита қараб уларнинг тарбияси бевосита ота-онага боғлиқ деб жавоб беришган.

Сўровномада қатнашган 666 нафар эркак ва 333 аёлдан шаҳарда яшаётган эркакларнинг салмоғи 67,1% ни, қишлоқда эса 65,3 фоизни ташкил қиласкан. Кизиги шундаки, шаҳарда яшовчи аёлларнинг 84,9 фоизи, яъни 217 киши фарзанд тарбияси билан осудалик ўртасидаги боғланишни жуда юқори (80–100 %) деб баҳолаган бўлса, қишлоқ аёлларнинг эса 79,3 фоизи, яъни 61 киши шундай баҳони берган.

Демак, шаҳарда яшовчи аёлларнинг фарзанд тарбиясига бўлган эътибори қишлоқ аёллариникига қараганда юқорироқ экан. Буни шаҳар шароитида яшашнинг ўзига хослиги билан изоҳлаш мумкин.

Фарзанд тарбияси билан осудалик ўртасидаги боғланиш хусусида гап кетганда яна бир жиҳатга алоҳида тўхталиб ўтмоқ жоиз. Бу ҳам бўлса – турли ёшда бўлган респондентларнинг ушбу боғланиш кучи ҳақидаги фикри масаласи. Мана ўша жавоблар натижаси (З-жадвал).

Фарзанд тарбияси билан осудалик ўртасидаги боғланиш зичлиги ҳақида турли ёшдаги респондентларнинг фикри қандай?

Т/р	Ёш	Респондентлар	Сизнинг фикрингизча осудалик неча фоиз фарзанд тарбиясига боғлиқ?				
			жуда паст (20% гача)	паст (20-40%)	ўртacha (40-60%)	юқори (60-80%)	жуда юқори (80-100%)
1.	18-28	290	–	2,0	6,0	34,0	58,0
2.	29-39	265	–	–	8,3	25,0	66,7
3.	40-50	186	–	0,7	3,6	14,3	81,5
4.	51-60	160	–	–	4,1	14,0	81,8
5.	61-70	66	0,5	0,9	3,2	6,8	88,6
6.	71-90	32	–	0,5	2,0	8,0	89,4
	Жами	999	–	0,0	5,9	10,7	83,4

Жадвалдан кўриниб турибдики, респондентларнинг ёши ортиб борган сари осудаликнинг фарзанд тарбиясига боғлиқлигини жуда юқори деб баҳолайдиганларнинг салмоғи ҳам ошиб боряпти. Хусусан, 70-90 ёшлиларнинг 89,4 фоизи бу боғланиш зичлигини жуда юқори деб санашган бўлишса, 18-28 ёшлиларнинг 58,0 фоизи бу боғланишни жуда юқори деб хисоблаган.

Бундай қонуниятнинг замирида ҳаёт тажрибаси, ёш билан боғлик таълим-тарбия услубларининг қўлланиши, оиласвий муҳитнинг мўтадиллиги каби ижобий жиҳатлар ётади.

Фарзанд тарбияси ва осудалик ўртасидаги боғланиш зичлигини аниқлаш билан бир қаторда сўровнома ан-

кеталари орқали фарзанд тарбияси билан бевосита боғлиқ бўлган қуидаги муҳим муаммоларни аниқлаш имконига эга бўлдик. Хусусан, “Жамиятимизда фарзанд тарбиясида ким кўпроқ ўз таъсирини ўтказади?” деган саволга респондентларнинг:

- 71,8 фоизи – “оила”
- 7,1 фоизи – “боғча”
- 16,1 фоизи – “таълим муассасалари” ва
- 5,0 фоизи – “кўча”, “маҳалла” деб жавоб беришган.

Оила куриш ҳар бир инсон ҳаётидаги мастьулиятли ва аҳамиятли воқеадир. Сўралганларнинг кўпчилиги учун эр-хотиннинг ўзаро муҳаббати (52,6 фоизи) ва бир-бира га бўлган ишончи (47,4 фоизи) мустаҳкам оила қуришнинг муҳим шарти ҳисобланади. Ҳар уч кишидан бири (34,9 фоизи) ҳаёт қийинчиликларига чидаш ва ундан қоникиш ҳосил қилиш, 27,7 фоизи эса фарзандлар – оиланинг мустаҳкамланишига ёрдам беради, деб билади. Сўровда иштирок этганларнинг ҳар бешидан бири учун (20,5 фоизи) оиланинг моддий фаровонлиги муҳим омил ҳисобланади.

“Оилада фарзандларнинг маънавий-маърифий тарбияси нималарда намоён бўлиши керак?” деган саволга юртдошлиаримизнинг кўпчилиги (56,8 фоизи) биринчи ўринда катталарга ҳурмат, деб жавоб берди.

“Фарзанд тарбияси билан ким кўпроқ шуғулланиши керак?”, деган саволга респондентларнинг:

- 71,3 фоизи – “ота-она”
- 7,6 фоизи – “буви ва бувалар”
- 21,1 фоизи – “мактабгача таълим, таълим муассасалари ва маҳалла”, деб жавоб беришган.

Шуниси эътиборлики, оилада асосий тарбиячи она деб ҳисоблайдиганларнинг салмоғи анча юқори. Айниқса, бу қишлоқда яшовчи респондентлар жавобларида кузатилди.

“Маънавий соғлом ва баркамол фарзандлар қандай оиласарда тарбияланиши мумкин?”, деган саволга сўралганларнинг кўпчилиги (59,8 фоизи) ота бошқарилаётган оиласада, 40,2 фоизи бир-бирини тушунадиган, ота-она биргаликда ҳамда яқдиллик устун оиласарда, деб жавоб берди.

Бу эса фарзандни ота ва она бирга тарбия қилиши зарурлигидан дарак беради. Сўровда иштирок этган ҳар етти кишининг бири тарбияда отанинг (15,3 фоизи), 4 фоизи буви ва буванинг роли муҳимлигини қайд этди.

Олинган маълумотлар ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда маънавий-маърифий омиллар аҳамиятини кучайтириш лозимлигидан далолат беради. Аввалгидек, ўзбекистонликлар учун фарзандларни тарбиялашда ота-онанинг гапига қулоқ солиш, меҳнатсеварлик, ўқиш, ҳақгўйлик ва одоб муҳим саналади.

Оила муаммолари, унинг моддий фаровонлиги ўсиши ҳар доим давлатимиз раҳбарининг эътиборида бўлган. Бу борада таълим олишга катта аҳамият берилимоқда. Чунончи, БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) буюртмасига кўра ўтказилган 2003 йилги социологик мониторинг маълумотларига кўра, Ўзбекистонда мактабда ҳамда касб-хунар ва техник таълим олиш учун Марказий Осиё мамлакатлари орасида энг кўп маблағ сарфланмоқда. “Ижтимоий фикр” маркази ўтказган сўров шуни кўрсатдики, ватандошларимизнинг кўпчилиги йигит ва қизлар олий маълумотга эга бўлиши керак, деб ҳисоблади (91,1 ва 81,2 фоизи).

Мустаҳкам, маънавий соғлом оила кўпчилик ҳамюртларимиз учун тўлақонли турмушнинг барқарор шароитларини яратади. Оила ичидаги муҳит эса инсоннинг шахс сифатидаги хислатларини шакллантиришга кучли таъсир кўрсатади ва унинг ижтимоийлашиш жараёнида катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари, фарзанд оила

аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўзлаштиради ва бу келажақда унинг ўз оиласини қуришига таъсир күрсатади.

“Фарзандларга қандай фазилатларни шакллантириш энг муҳимдир?” деган саволга қатнашган 999 нафар респондентлар қуидаги жавобларни бергандар (4-жадвал).

4-жадвал

Фарзандларга қандай фазилатларни шакллантириш энг муҳимдир?

T/p	Фазилатлар	100 фоиз сўровда қатнашганларнинг турли варианtlардаги жавоблари (%)
1.	Меҳнатсеварлик	67
2.	Ҳалоллик	57
3.	Одоб	53
4.	Интизом	52
5.	Одиллик	47
6.	Жавобгарлик	33
7.	Эркинлик	33
8.	Мустақиллик	32
9.	Тежамкорлик	30
10	Мақсадсарилик	30

Кўриб турибмиз, фарзандларга шакллантирилиши лозим бўлган фазилатлар таркибида меҳнатсеварлик энг биринчи ўринда турибди. Респондентларнинг 67 фоизи, яъни 669 нафари айнан шу фазилатни сингдириш лозимлигини таъкидлашган. Дарҳақиқат, боланинг ёшлигидан бошлаб меҳнат қилишга эмас, кўп гапиришга

ўргатсак у болалигидан оз иш қиласынан маҳмадонга айланиб боради ва оқибатда катта бўлганда ҳам ишдан кўра гапни яхши кўрадиган бўлиб қолади.

122 рақами (37 ёшли уй бекаси) фарзандни меҳнат-севарликка ўргатиш жуда муҳим деб ҳисоблаб ўз фикрини қўйидагича изоҳлаган:

“Масалан, она идиш-тавоқларни ювиш билан овора бўлганида кичкина қизчаси ёнига келиб “ўз ҳиссанини қўшишга” ҳаракат қиласи. Шундай вазиятда болага икки хил муомала қилиш мумкин. Биринчиси, болага: “бор, ўйинчоғингни ўйна, халақит берма, сен ҳали кичкинасан ва ҳоказо...” дейиши мумкин. Ёки аксинча, қизчага, у синдириш эҳтимоли бўлган бир-икки пиёланинг бағридан ўтиб баҳоли қудрат иш берилишининг ўзи, унга “сен бу ишни қила оласан, сен эпчил ва ақллисан, мен сенга ишонаман, сен муносиб қизсан” деган маънени билдиради.

Ҳа, энг муҳими, болалар оиласа ҳам, жамиятда ҳам меҳнат билан камол топадилар, улғаядилар. Шунга қўникма ҳосил қиласидилар. 33 фоиз респондент меҳнатсеварликни сингдириш хусусида қўйидагича ўз фикрларини билдиришган:

“Меҳнат асосий тарбиячи. Лекин ҳар дарёning ўз кемаси бор деганидек, баъзан биз болаларнинг ўқишига имкон бермаймиз, ҳаддан ортиқ жисмоний меҳнат қилишга мажбур этамиз. Оқибатда болаларнинг билим олиш имкониятлари чекланмоқда.

Бекорчилик ҳам иллатdir. Бинобарин, унинг ҳосилиси ундан ёмон. Жирканч ҳис-туйғу ҳам, ножӯя хатти-ҳаракатлар ҳам бекорчилиқдан келиб чиқади. Шунинг учун кўп болали оила болаларининг хулқу одоблари айрим ёлғиз болали оиласарга нисбатан ибратли. Ёлғиз фарзандли баъзи оила соҳиблари болага ҳаддан ортиқ имтиёзлар беришади, эркалатадилар, меҳнат қилди-

ришмайди-да, пайпаслашади. Оқибатда бу хил тарбия олган болалар худбин бўлиб ўсишади, катта бўлишганида ҳам ўз манфаатини ўйлашади. Шахсиятпаст таҳминан ўрдакка ўхшайди. Агар шаҳарни сув босса, ўрлак бўйинни кериб, "менга нима", деркан. Бундай болалар ўз ота-онасини ҳам ҳурмат қилимайдилар. Чунки ортиқча кўрсатилган меҳрибонлик меҳрсизлик бўлиб қайтади. Болага кўрсатиладиган меҳр ҳам, талабчанлик ҳам меъёрида бўлсин".

Респондентларнинг 53 фоизи болаларни ахлоқсиз муҳитда вояга етказаётганлар уларни одобсиз қилиб тарбиялади ва уларни оловга отгандек жиноят қилган деб ҳисоблайдилар.

"Айб иш қилганингизда ота-онангиз қандай тарбиявий усуllibарни қўллаган?" деган саволга 999 нафар респондент қуидаги жавобларни беришган (5-жадвал).

5-жадвал

Айб иш қилганингизда ота-онангиз қандай тарбиявий усуllibарни қўллаганлар?

Т/р	Тарбиялаш усуllibари	Респондентлар сони	
		киши	жамига нисбатан фоизда
1.	Ҳеч қандай усулни қўлламаган	299	30
2.	Камар ёки шапалоқ билан сийлаган	150	15
3.	Бақириш кўпроқ бўлган	190	19
4.	Бурчакка турғизиб қўйган	90	9
5.	Совға-салом ва ҳарқандай имтиёзлардан маҳрум этган	80	8
6.	Тарбиявий соатларни олиб боришган	60	6
7.	Бошқа усуllibар	130	13
Жами		999	100

Кўриб турибмиз, респондентларнинг 30 фоизи, яъни 299 киши бирор бир ножӯя иш қилишганда ҳеч қандай тарбиявий усулни кўллашмаган. Бу ўринда улар ибрат бўлиш усулини қўллашни лозим деб биладилар. Уларнинг фикрича, кундалик хатти-харакатдан сабоқ чиқара билиш ўз-ўзини тарбия қилишнинг энг муҳим восита-сиdir.

332 рақамили респондент (48 ёшли, педагог, эркак киши) бу ҳақда қуйидаги фикрини ёзма равишда бирдирган:

“Оқиб келаётган сувни тұғри йўллаб, тарай билсак, бизга ҳосил ва озуқа беради, агар уни ўз ҳолига қўйсан, ҳамма ерни вайрон, экинларни пайҳон қиласди. Куч ва гайрати қайнаб-тошаётган болага ижобий ибрат ва намуна бўла олсак, роҳатини кўрамиз, акс ҳолда, тошқин сувдек азобу-уқубатини тортамиз”.

Албатта, ота-она фарзанди учун намуна. Олма тагига олма тушади. Бироқ болага ибрат бўляпман деб уни эътиборсиз қолдириш, уни эркалатишдан ҳам ёмонроқдир.

15 фоиз респондент (150 киши) бола айб иш қилганда камар усулини қўллаш маъқул деб билишган.

Касб эгалари кесимида “Тарбиялаш усулида нисбатлар қай даражада бўлгани маъқул?” деган саволга қуйидаги жавоблар олинди (6-жадвал).

Кўриб турибмиз, респондентларнинг учдан икки қисмидан кўпроги (75,6 фоизи, яъни 755 киши) бола тарбиясида қаттиққўллик усулига устуворлик беришган. Уларнинг фикрича, “Болани бўш қўйсанг, ўз ҳолига ташласанг, ҳар бир босган қадамини назорат қилиб турмасанг, унинг хулқи бузилади, ҳаддидан ошиб кетади, натижада ўзига ҳам сенга ҳам зиён-заҳмат етказиши мумкин”.

Касб әгалари кесимидағи жавоблар

Т/Р	Касблар	Респондентлар сони (киши)	Тарбиялаш усулида нисбатлар қай даражада бўлгани маъқул (%)	
			қаттиқ-қўллик	мехрибонлик
1.	Иктиносидчи	113	77,2	22,8
2.	Муҳандислар	70	75,3	24,7
3.	Хукуқшунослар	81	86,5	13,5
4.	Шифокорлар	44	81,8	18,2
5.	Журналистлар	54	83,0	17,0
6.	Тадбиркорлар	48	75,0	25,0
7.	Диншунослар	25	73,6	26,4
8.	Давлат хизматчилари	57	76,4	23,6
9.	Педагоглар	294	77,7	22,3
10.	Талабалар	182	68,1	31,9
11.	Нафакахўрлар	31	90,1	9,9
	Жами	999	75,6	24,4

Сўровда қатнашган 182 нафар талабалардан 68,1 фоизи тарбияда қаттиққўллик бўлиш маъқулдир деб санашган бўлса, 31,9 фоизи меҳрибонлик усулини қўллаган мақсадга мувофиқ деб билишади. Улар: "Урган кишидан бола нафратланади. Шу сабаб ортиқча қаттиққўлликдан қочиш керак", дейишади.

Қаттиққўллик усулини қўллаш зарурлиги бўйича энг юқори салмоққа эга бўлганлар таркибига нафа-қахўрлар (90,1 %) ва хукуқшунослар (86 %) киради. Улар оиласда отанинг вазифаси ва бурчига алоҳида аҳамият беришиб, айниқса, отанинг фарзандига қаттиққўл бўлишини талаб этишади.

Болаларни жазолаш, лозим бўлса, бу ишни отанинг ўзи эмас, балки мураббий бажартгани маъқул, деб хи-

соблашади. Чунки отанинг ўз қўли билан фарзандини жазолаши унда адоват ҳиссини пайдо қиласди, дейиша-ди. Албатта, отадан фарзанд ҳайиқиб турсин, агар ҳай-икмаса ота-онани хор қиласди, деб ёзма равишда изох беришган.

Шу ўринда,

Гап келди: Домлаларимдан бирининг сухбатини жуда хуш кўраман. Ҳар гал у кишининг мушоҳадала-ри ҳаётий қарашларимни бир баҳя ўстиргандек бўлади. Домла турмушидан нолийдиганларни сира ёқтирумайди. Айниқса, бола тарбиясида қаттиқўлликни ёқлайди. У кишининг хулоса-ларига кўра, ўринсиз “мехрибонлик” боланинг сояпарвар бўлиб улгайишига сабаб бўлади.

— Албатта, отада жигарбандига табиий меҳр мужассам бўлади. Лекин бу туйғуни “сарфлаш”нинг ҳам ўз меъёри, тарозиси бўлмоғи жоиз, — дейди у киши.

— Атрофингида синчковроқ назар ташла-сангиз, ҳаётнинг ўзи мактаб. Бу соч оқаргунча нималарнинг гувоҳи бўлмади, дейсиз. Аччиқ бўлса-да, бир ҳақиқат: бу замонда ҳеч кимнинг очликдан ўлганини кўрмадим. Лекин тўқлиқдан “ёрилиб”, хору-хасга айланганларга кўп бора дуч келдим.

Бу ҳаётий хулосага, албатта, бир томонлама ёндашмоқ қарашларимизни чегаралаб қўяр. Лекин жамиятдан ўз ўрнини тополмай минг бир кўчадан бўйлаётганлар охир-оқибат домланинг ибораси биланайтганда “ёрилиб” кетганларнинг кўпчилиги айрича мулозаматлару ардоқлар оғушида “пуф-пуфлаб” тарбияланганлар эмас-микин?!

Қуйида қаттиққұллик усулини құллаш ҳақида айримларнинг фикрларини көлтирамиз.

442 рақамли респондент (43 ёш, сиёсий шархловчи әркак):

Болалар тарбиясида қаттиққұллик ҳам, меҳр-мухабbat ҳам керак. Фақат мөъёрни сақташ мұхимроқ. Масалан, мен оиласда қаттиққұллик күпроқ даркор деб хисоблайман.

Албатта, қаттиққұллик деганда уриш, дүппослаш, сұкиниш, ҳақоратлаш, жеркиш, камситиш ёки моддий жиҳатдан болани noctor ахволға солиб қўйишини назарда тутмаяпман. Қаттиққұллик менинг тушун-чамда, аввало, интизом, тартиб, ижро, итоат этиш – асло кўрқоқлик эмас, мажбурият, масъулият деганидир.

517 рақамли респондент (38 ёш, аёл, туман ҳокимияти раҳбарларидан бири):

Тарбияда ўз ўрни билан қаттиққұллик ҳам жуда зарур, албатта. Шахсан ўзим фарзандларимни яхши билан ёмонни ажратса билиш, күчада вақтини беҳуда сарфла-маслиқ, рухсат берилмаган жойга бормаслиқ кабиларда қаттиқ, назорат қиласман. Шунингдек, ота фарзандини тартибга чақираётганда, она унинг ёнини олмаслиги лозим. Ёки аксинча. Мана шундагина дилбандларимиз ўзимиз истагандек камол топадилар.

612 рақамли респондент (61 ёшли врач, әркак):

Менинг ўзим табиаттан кўнгилчан ва соддадилман. Очиғи, бу бизга оиласдан юқсан. Отам – машхур профессор, нисбатан қаттиққұлроқ бўлганлар. Бизни жиддий назорат қиласдилар. Яна бир жиҳати, вақти келганда у кишидан меҳрибонроқ ва раҳмдилоқ одамни топиш мушқул эди. Онамни-ку, кўяверинг, ҳозир ҳам жуда бағрикенг ва камтарин. Азалдан шундай эди.

Шахсан менинг назаримда уйда болаларга нисбатан қаттиққұлроқ бўлиш керак. Ота-она фарзандига меҳру муҳаббатини ҳадеб ошкор қиласвериши яхши эмас деб

ўйлайман. Болалар эркаланиб кетишилари мумкин. Шубҳасиз, ота-онанинг меҳр-муҳаббатини ўлчаб бўлмайди, у чексиз, чегарасиз. Фақат бу туйғуни меъёрида болаларга бера олиш керак. Ахир халқимизда “Асал-нинг ҳам ози ширин” деб бежиз айтилмаган-ку!

711 рақамли респондент (62 ёшли аёл, педагог):

Кирқ йилик оиласидан ҳаётим давомида турмуш ўртоғим билан, Худога шукрки, бирон марта сену менга бормаганмиз. Фарзандларимиз олдида ҳеч қачон уришиб, тортишмаганмиз. Бирор масалада кимдир ноҳақ бўлса, болаларга билдирамай, муҳокама қилиб, келишганмиз. Тўғри, қўплар бунга ишонмайди. “Жанжаласиз рўзғор борми?”, дейиши мумкин. Лекин мен ишонч билан айтаман, ҳа, бор! Ана энди фарзанд тарбиясидаги қаттиққўллик – бу биз ота-онанинг ўзаро муносабатимиздаги ҳар қандай вазиятда ҳам ирова ва ақлни ишга кола билишимиз бўлса, меҳр-муҳаббатимиз ҳеч қачон ортиқча эркалатиш, талтайтиришга айланмайди.

Фарзандни тинглай билиш, сўнг оҳисталик билан, жойи келса айёрлик ишлатиб, уни тўғри йўлга колса бўлади. Аммо қаттиққўллик болани фақат жоҳилаштириши мумкин, шундан эҳтиёт бўлайлик.

799 рақамли респондент (44 ёшли эркақ, иқтисодчи):

Оиласидан ота-онанинг ўзи шахсий ибрат бўлолмаса, боладан нимадир кутиш бефойда деб ўйлайман. “Қуш уясида кўрганини қилади”, деган гап бежиз айтилмаган. Масалан, фарзандинг сенга меҳрибон, мулоим бўлишини истасанг, сен ота-онангга шундай муносабатда бўл. Тўғри, гоҳида бир хил тарбияланган фарзандлар ҳар турли одам бўлиб вояга етади. Менимча, бу бола характеристидаги ўзига хосликни инобатта олмаслик оқибатидир. Донишманд ҳақ гапни айтган: болага 5 ёшгача подшодек, 12 ёшгача қулдек, у ёғига дўстдек муомалада бўлиш керак. Тарбияда қаттиққўллик ҳам, меҳр-муҳаб-

бат ҳам зарур. Тарозининг икки палласи тенг бўлиши керак.

Шуни таъкидлаш лозимки, сўров қатнашчиларининг 90 фоизига яқини “Тарбия ишида ҳаммадан ҳам кўпроқ ота-оналарнинг қаттиқўллиги ва талабчанини зарур” деган фикрни қўллаб-куватлашларини билдиришган. “Болани тарбиялашда сўз билан эплаб бўлмаса, чивиқ билан шикаст етмайдиган жойига уриб туриш ҳам керак бўлади” дейилган бола тарбиясига тааллуқли ўзбек ҳалқ мақолларида.

Сўров анкетасидаги: “Тарбияда отанинг ўрни нималарда намоён бўлади? Онанинг-чи?” деган саволга респондентлар қўйидаги жавоблар беришган.

221 рақамли респондент (53 ёшли эркак, диншунос олим):

Ҳар бир оиласда, аввало, отанинг ўрни устун бўлиши шарт. Навоий ҳазратлари битган бир байт мазмуни тахминан шундай эди: “Бордию ота бирон-бир хатога йўл қўйса, уни муҳокама қилимаслик, айб санамаслик керак”. Ва яна ҳалқона ривоятда айтилганидек, ота ўтирган уйнинг томига чиқиши ҳам гуноҳдир.

Оиласда ота ўз фарзандларини иродали, жасоратли, мард қилиб тарбиялаши керак. Аввало, яхши исм қўйсин, боқсин, тарбияласин, баҳтили бўлиши учун илмга, ҳалолликка етакласин, меҳнат қилишга ундинасин, уйлантирсин. Ота-боболаримиз дуо қилганларида бежиз “Кетмас баҳт, туганмас давлат, оқибатли, солиҳ ўғил-қизларроҳатини кўрсин”, демаганлар.

Оиласда онанинг ҳам ўрни отанинидан кам эмас. Бу муқаддас кўрғонда меҳрибон, яхшини ошириб, ёмонни яшириб, фарзандларини тўғри йўлга бошласа, адолат ва тафаккурни ўзига маёқ деб билса бундай оила бутундир. Акс ҳолда...

808 рақамли респондент (62 ёшли аёл, давлат хизматчиси):

Ота – оила устуни. Унинг гапини икки қилиб бўлмайди, ота рози – Худо рози деб бежиз таъкидланмаган. Бу қарашлар фарзанддан, оила аҳлидан нимани талаб этади? Ўз оиласи мисолида айта қолай: Турмуш ўртогим Шукурали Қодиров қурилиш соҳасида ишлайди. Табиийки, асосий вақти кўчада. Аммо қачон уйга дарвозадан секин томоқ қириб келишлари биланоқ ҳали-ҳануз худди келинлик пайтларимдагидек нима иш қилаётганимдан қатъи назар, “Ассалому алайкум”, деб қарши оламан. Қирчиллама қишиб, бошқами, доим елкамда сочиқ, обдастада илиқ сув билан қўлларини чайдираман. Шу... нима десам қанчалар тажанг кайфиятда бўлмасин, дарров юмшайдилар.

Бир қарашда бу арзимаган юмушдек кўринади. Аммо ўзингиз ўйлаб кўринг: она – фарзанд учун биринчи ойна, бола тақлид этишни ўз онасидан бошлайди. Митти гўдак учун энг биринчи паноҳ ҳам она бўлиб туюлади. Ана энди шу инсоннинг ота олдида ўзини қандай тутиши фарзандга бир умрлик унга – андаза бўлади. “Ҳай, тўполон қилма, даданг ухляяпти!”, “Отангнинг туғлисини тозалаб қўйдингми?” ёки “Ҳали шошмай тур, дадангга айтиб бераман”, деган оддий, кундалик гапларимизни қанча тез-тез айтсак, шунчалик оилада отанинг ўрнини мустаҳкамлаган, фарзанд қалбида ўз падари бузрукворига нисбатан эҳтиром туйғуларини уйғотган бўламиз. Боя юқорида, отани оила устуни дегандик. Она эса ана шу устун йиқилмаслиги, синмаслиги учун унинг поида, керак бўлса, ерга белигача ботиб турган кичкина, лекин ўта мустаҳкам тиргакдир.

901 рақамли респондент (41 ёшли аёл, давлат хизматчиси):

Оилада энг катта раҳбар ота деб ҳисоблайман, фарзандлар уни ҳар хил икир-чикирлар билан безовта қилмагани маъқул. Оталар кўпроқ оиладаги моддий эҳтиёжни таъминлаш билан банд бўлади. Уй-жой қуриш,

таъмирлаш, пул топиш масалалари дегандай... Лекин бундай ишлардан ортиб, фарзандларга ҳам вақт ажратишилари оила бахтининг ҳар томонлама тўқис бўлиши учун жуда муҳим.

Фарзанд тарбиясида онанинг ўрни бекиёс. Чунки, боя айтганимиздек, эркак – кўча одами, болалар эса асосан она қарамоғида бўлади. Она уларни кичик ёшидан бошлаб эрталаб барвақт туриш, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш, фаслга қараб қандай кийинищ, боғчада, мактабда ўзини тутиш кабиларни мунтазам ўргатиб, кузатиб бориши керак.

Ўғил-қизига сирдош-маслаҳатдош бўлиш тарбиянинг муҳим шарти ҳисобланади. Бунинг учун эса ўзимиз ҳам билимли, зийрак бўлишимиз шарт.

977 рақамли респондент (73 ёшли аёл, педагог):

Энг аввало, отанинг сўзи сўз, гапи гап бўлган оиласада хайр-барака, хотиржамлик, аҳиллик ҳукмрон бўлади. Фарзандлар бир-бирларига меҳр-оқибатли бўлса, ота-оналарнинг иззат-хурмати ҳам жой-жойига қўйилади. Акси бўлса-чи? “Қовун қовундан ранг олади”, ҳамма нарса омонат. Хотин болаларига кунора эрини ёмонлаб ўтиrsa... Эр курсур ҳам бирор тайинли жойда ишламай, чойхонадан бўшамаса, бир сўз билан айтганда, тили қисиқ бўлса, бу рўзғорда жонини жабборга бериб, уч-тўрт танга топиб келаётган хотиннинг тили узун бўлади-да! Шунинг учун ота ўз вазифаси (бу жуда кенг тушунча)ни шараф билан удаласа, бу оиласа ҳамма хавас қиласди.

Ота ҳамма замонларда ҳам фарзандлари учун кўзгу вазифасини бажариб келган. Ундан андоза олинади, яхши бўлса, яхши, ёмон бўлса, ёмон амаллари болаларига ўтади. Ўйланг, “Манавининг отаси ўзи ўғри, кazzоб, ёлғончи эди”, деган гап-сўз қаёқда-ю, “Барака топсин, отасига тортибди, тарбияли, илмли, маърифатли экан” деган эътироф қаёқда?

Оналар ҳақида гапиришдан аввал яна халқимизнинг бой маънавий меросига мурожаат қиласиз. Эътибор берининг: “Она қизига тахт эмас, баҳт ясаиди”, “Онаси ни куриб қизини ол”... Бу хикматлар бекорга асрлардан асрларга ўтиб келаётганий йўқ. Уларнинг оиласидаги бурчи ва вазифаси ҳам оталардан кам эмас, балки баъзида ортикроқ, десам янгишмайман.

322 рақамли респондент (38 ёшли аёл, давлат хизматчиси):

Оиласада ҳар ким ўз вазифасини бажарса, ўз ўрнингизга эришиш қийин эмас. Эр оила бошлиғи масъулиятини қўлдан бермаса, оиласининг бокувчиси, устуни, охирги қарорни қабул қилувчи бўлиб, ҳар томонлама фарзандларига ибрат бўлолса... Фарзандларининг ахлоқли ва илм олишига ҳам масъулият билан қараса... Хотин ўз юмушларини эътиrozсиз бажарса, оналигини ҳамиша ҳис қиласа, саҳардан тунгача ишламай, фарзанд тарбияси билан шуғулланса. Баъзи оиласаримизда юзага келаётган келишмовчилик сабаби балки ота ўз вазифасини уддай олмаётганидадир. Эҳтимол, бунга хотин майдада-чуйда орзу-ҳавасларга кўп берилиши сабаб бўлаётгандир. Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам фарзандлар тарбияси салбий тарафга қараб оғиб кетмаслиги керак.

Шундай қилиб,

Оиласада ота гўё подшоҳ бўлса, она эса вазирдир. Она оиласининг барча аъзолари, айниқса, фарзандлар (ўғил ва қизлар) билан бевосита муомала-муносабатда бўлади, уларнинг феъл-атворини, юриш-туришини отага нисбатан яхши билади ва шундай бўлиши лозим. Чунки ўғил ва қизлар отага ҳамма сирини айтавермайди.

Демак, оила тарбиясида она муҳим ўрин эгаллашини унумаслик зарур. Шунингдек, она ўз масъулиятини чуқурроқ ҳис қилиб иш тутишга мажбурдир. Сабаби, “Доно онадан ҳам нодон ўғил туғилади” деган мақол

ҳам бор. Бир ота-онадан бир неча бола туғилса, шу болалар ташқи күринища бир-бирларига ўхшасалар ҳам, хулқ-атворлари жиҳатдан ҳар хил бўладилар, бир-бирларига ўхшамайдилар. “Бир онадан алвон хил бола туғилади”, дейилган мақол ҳам бехудага айтилмаган.

Холоса ўрнида,

Гап келди: Азизлар, куйиниб гапираётганимиз бежиз эмас. Келинг, келажагимиз эгалари дея фахр билан тилга оладиган, ишлайдиган фарзандларимиз тақдирига бефарқ бўлмайлик! Ишсиз, илмсиз, касб-корсиз оила соҳиб ва соҳибалиари жуда кўп қийинчиликларга дуч келишини юракдан, чуқур ҳис қиласлий. Бундай оиласлар ота-онасига, жамиятга, хукуматга боқиманда бўлиб қолишмасин.

Қадрли ота-оналар! Ёшлиларимизни аввал ўқитиб, касбли қиласлий, умр, ҳаёт қадрига етади-тан, оиласга, Ватанига нафи тегадиган ажойиб, ҳамма ҳавас қиласдиган баркамол инсонлар бўлиб етишсинлар. Ўғил-қизларимиз бир кун ақли янада тўлишиларидан кейин ота-оналаридан, устозларидан, махалла-кўйидан норизо бўлмасинлар. Фарзандларни ҳаётга тайёrlаш ҳам санъат, бетакрор, буюк санъат эканлигини доимо эсда тутайлик!

Ана шунаقا гаплар. Яқуний холосаларни қилиш эса сизлардан, азизлар! Туркумнинг кейинги сонларида кўришгунча хайр. Осудалик, саломатликни тилаб қоламан. Тангри барчамизни паноҳида арасин!



VII ҚИСМ.

ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ
ТҮҒРИСИДА
ОДДИЙ ҲАҚИҚАТЛАР



ОДДИЮ, ОЛИЙ ҲАҚИҚАТ

Ҳаёт ҳақиқати шундай: ҳеч ким бу дунёга ўз ихтиёри билан келмаган. Бу фоний дунё инсонни сувда, қуруқликда, иссиқда, совукда, түрли оғир, қийин, осон ва енгил шароитларда яшашни ўргатади. Инсоннинг яшиши ташвиш, ғам, низоятда машаққатли меҳнат ва түрли изланишлар эвазига кечади.

Бу оддий ҳақиқатлар “Осуда яшашнинг 99 сири” номли туркум таркибиға кирган 99 та китобнинг маҳсус қисмидаги рукнларда, яъни:

Куръони карим оятларида;
Хадисларда;
Мақолларда;
Донолар бисотида;
Олган сабоқларим ва хулосаларимда;
Шеъриятда;
Латифаларда;
Тестларда;
ўз аксини топган.

Ушбу рукнларни мутолаа қилиш жараёнида ўқувчи аждодларимиз томонидан тўпланган тажриба билан яқиндан танишади. Бу эса ўз навбатида бугунги кунда ҳаётимизда мавжуд айрим муаммолар моҳиятини тұғри тушунишга ва уларнинг адолатли ечимини топишга күмаклашади.

Туркумнинг ушбу (икки жилди) 7 китобида фарзанд тарбиясига оид келтирилган Қуръони каримнинг оятлари, ҳадислар, буюк мутафаккирлар ижодига мансуб фикрлар, турли-туман таъсирчан ва чуқур фалсафий мазмунга эга бўлган афоризмлар ҳар бир ўқувчининг қувваи-ҳофизасини янада юксалтиришига ёрдам беради.

Латифалар, тестлар ва судокуларни-ку қўяверинг.
Улар ўз йўлида.



ҚУРЬОНИ КАРИМ ОЯТЛАРИДА



Роббингиз, Унинг Ўзигагина ибодат қилишларингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишни амр этди. (Эй, инсон) агар уларнинг бири ёки ҳар иккиси ҳузурингда кексалик ўшига етсалар, уларга “уфф! ...” дема ва уларни жеркима! Уларга (доимо) ёқимли сўз айт!

“Нисо” сураси, 171-оят¹.

ШАРҲ²

Олдинги оятда Аллоҳга ширк келтиришдан қайта-рилган бўлса, бу оятда ягона маъбудга — Аллоҳ таолонинг Ўзигагина ибодат қилишга амр этилмоқда. Ундан сўнг, бевосита ота-онага яхшилик қилиш буюрilmоқда.

“Роббинг фақат Унинг Ўзигагина ибодат қилишингни ва ота-онага яхшилик қилишни амр этди”.

Бу Аллоҳнинг бандаларига амри, буйруги, фармонидир; бу бандаларнинг ихтиёрига ташлаб қўйилган иш эмас. Хоҳласа қилиб, хоҳламаса қилмайдиган ҳаваскорлик ҳам эмас. Қариб ҳеч нарсага ярамай қолганда юзланадиган кўнгил хуши ҳам эмас. Бу амр Аллоҳ таолонинг қатъий ва ўзгармас буйруғидир. Бу буйруқни бажариш ҳар бир банданинг бурчидир.

Аллоҳнинг ибодатидан кейинги келадиган иш ота-онага яхшилик қилишдир. Бу ҳам Аллоҳнинг амри. Аллоҳ таоло ўзига ибодат қилишга чақирган амрдан кейин шу жумланинг давомида ота-онага яхшилик қилишни

¹ Куръони Карим: маъноларнинг таржима ва тафсири (таржима ва тафсири муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур). Т.: Тошкент ислом университети, 2001, 517-бет.

² Шайх Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. Иккинчи нашр 6-жуз. Т.: “Шарқ”, 2008, 464-бет.

таъкидламоқда. Бу икки ҳукмнинг бир оятдаги бир жумлада баён қилинишининг ўзиёқ Исломда ота-онанинг хаққи қанчалик улуғ эканини кўрсатади.

“Агар ҳузурингда уларнинг бирлари ёки икковлари ҳам кексаликка етсалар, бас, уларга “уфф” дема”.

Бу жумланинг “уфф” сўзига боғлиқ икки хил маъноси бор. Бир маъноси – ота-онага ёмон сўз айтиб, беҳурмат қилма, дегани бўлса, иккинчи маъноси – ота-онанг олдида “уфф” дема, улар “Болам оғир ҳолга тушибди”, деб озорланадилар, деганидир.

“...уларга озор берма ва уларга яхши сўз айт!”

Ота-онангта ҳеч бир озорни раво кўрма! Қандай яхши сўз бўлса, ўшани ота-онангта раво кўр!

* * *

Улар учун, меҳрибонлик билан, хорлик қанотини паст тут ва (дуода): “Эй, Раббим! Мени (улар) гўдаклик чоғимда тарбиялаганилариdek, сен ҳам уларга раҳм қилгин”, – деб айт!

“Ал-Исро” сураси, 24-оят.

ШАРХ

Фарзанд ота-онанинг ҳузурида ўзини қанчалик хокисор тутса, шунчалик яхши. У бутун меҳрини хокисорлик илиа ота-онасига пояндоз қилса ҳам оз. Шу билан бирга, доимо уларга Аллоҳ таолодан раҳм-шафқат тилаб дуо қилиб туриши лозим.

Ота-онани ҳурматлаш масаласида ҳеч бир тузум ёки тарбия воситаси Исломга teng ҳам, яқин ҳам кела олмайди. Ота-онанинг ҳурмати, фарзанд устидаги хаққи тўғрисидаги оялар ва ҳадислар бу борада дунё тарихида мисли кўрилмаган олиймақом нарсалар эканлиги маълум ва машхурдир. Хусусан бу оят ва ҳадисларни,

илоҳий кўрсатмалар ва исломий ҳикматларни ҳаётга та-
тиқ қилган мусулмонларнинг ота-оналарига кўрсатган
юксак эҳтиромлари ва фидойиликларига тарих шоҳид-
дир.

Хоғиз Абу Бакр ал-Баззор Бурдайдадан, у киши ўз
оталаридан қилган ривоятда қўйидағилар келтирила-
ди: “Бир одам зиёратда онасини кўтариб юриб тавоғ
қилдираётган экан. У Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва-
салламдан: “Онамнинг ҳаққини адо қилдимми?” – деб
сўрабди. Шунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васал-
лам: “Йўқ, бир оҳ тортишининг ҳаққини ҳам адо қил-
ганинг йўқ”, – деган эканлар.

* * *

Биз инсонга ота-онасини (рози қилишни) амр эт-
дик. Онаси уни заифлик устига заифлик билан (қор-
нида) кўтариб юрди. Уни (кўкракдан) ажратиш (муд-
дати) икки йилда (битар). (Биз инсонга буюрдикки,)
“Сен Менга ва ота-онанингга шукр қилгин! Қайтишлиқ
Менинг ҳузуримгадир!”

“Луқмон” сураси, 14-оят.

Қуръони каримда фарзандларга ота-онани ҳурмат
қилиш, уларни эъзозлаш ҳақида қайта-қайта насиҳат
берилади. Чунки, ота-онанинг ҳаққини Ислом юқо-
ри қўяди. Бу мавзудаги оятлар ўрни билан ўрганилди
ва яна ўрганилади. Ушбу оядда эса, ота-онани ҳурмат
қилиш ҳар бир фарзанд учун Аллоҳнинг амри эканлиги
баён этилмоқда.

“Биз инсонга ота-онаси ҳақида тавсия қилдик...”

Тавсия, кўпчилик тушунганидек, ихтиёрий иш эмас.
Балки, Аллоҳнинг амридир. Ўша амр нимадан иборат

эканини айтишдан олдин ота-онани хурмат қилишнинг сабаби айтиб ўтилади.

“Онаси уни заифлик устига заифлик билан кўтарди”.

Яъни, ҳомиладорлик пайтида онаси уни қорнида заифхол бўлиб кўтаради. Борган сари заифлик устига заифлик ортиб боради. Бу ҳол бола туғилгунича давом этади.

“Уни сутдан ажратиш икки йилдадир”.

Яъни, қорнида заифлик устига заифлик билан кўтарган она боласини кейин яна икки йил давомида эмизади.

Уламоларимиз шаръий эмизиш муддати икки йил экани ҳақидаги ҳукмни шу жумладан олганлар. Бола икки ёшга етгунича бирор аёлни эмса, сут орқали на-саб собит бўлади. Ҳамда ўша эмизишга боғлиқ ҳукмлар жорий қилинади. Мисол учун, уни эмизган аёл унга эмизуки она, унинг эри ота, болалари aka-ука, опа-сингилилар бўладилар. Махрамлик ва никоҳ масалаларидағи ҳукмлар ҳам шунга мувофиқ кучга киради.

Хуллас, она ҳам ҳомиладорлик даврида, ҳам эмизиш даврида бола туфайли катта қийинчиликларни бошидан ўтказади. Шунинг учун ҳам, фарзандда онанинг ҳаққи отаникидан кўп бўлади.

Оятнинг давомида тавсиянинг нимадан иборат эканлиги айтилади:

“Менга ва ота-онага шукр қилгин”.

Эй инсон фарзанди, аввало, Менга — яратган Роббингта, кейин ота-онангга — сенинг дунёга келишинингга сабаб бўлган зотларга шукр қилгин. Бу ишлар сенинг энг олий бурчингдир.

“Ва қайтиш фақат Менгадир”.

Билиб қўй, ана ўша қайтиш бўлганида, бу ҳакда Ўзим ҳисоб-китоб қиласман.

* * *

Агар Аллоҳ фарзанд тутишни истаса, сўзсиз, Ўзи яратган нарсаларидан хоҳлаганини танлаб олган бўлур эди. У (бундай айбдан) покдир. У ягона вағолиб Аллоҳдир!

“Зумар” сураси, 4-оят

* * *

Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик. Онаси уни қийналиб кўтариб юрган ва уни қийналиб туққандир. Унга ҳомиладорлиги ва уни (сугдан) ажратиши (муддати) тўққиз ойдир. Бас, қачонки, у вояга етиб, қирқ ёшга тўлганида: “Эй, Раббим, менга ва ота-онамга инъом этган неъматингга шукр қилишга ва Ўзинг рози бўладиган солиҳ амални қилишга мени муваффақ этгин ва мен учун зурриётими ни ислоҳ эт! Албатта, мен Сенга (гуноҳларимдан) тавба қилдим ва албатта, мен мусулмонлардандирман”, – дейди.

“Аҳқоф” сураси, 15-оят

“Киши биродари учун ҳикмати сўздан афзалроқ нарса ҳадя қилолмайди. Чунки шу ҳикмат сабабли Аллоҳ таоло уни түгрий тўлга солиб қўяди ёки ёмон ийлдан қайтаради”.

Ҳадисдан

ҲАДИСЛАРДА

2

ҲАДИСИ ШАРИФ

Ҳадис – Қуръони каримдан кейин туралган Ислом шариатининг асосий манбаларидан иккинчиси ҳисобланади. Пайғамбаримиз Мұхаммад с.а.в.нинг сұзлари, қылған ишлари ва ул зот томонидан маңқулланған бошқа кишиларнинг ишлари Ислом динида суннат деб атала迪.

Шу уч ҳолни ифода этувчи ривоят матнлари (иборалари) ҳадис деб номланади. Шунинг учун Қуръони қарим – Аллоҳ таолонинг сұзи, ҳадис эса Расулуллоҳ сұзлари деб умумий ҳолда таърифланади. Ҳадис тушунчасидан Ҳадиси Құдсий тушунчасини ажратмоқ зарур¹.

Ҳадиси шарифларни йиғиб китоб шаклига келтириш, асосан пайғамбаримиз алайхиссаломнинг вафтаридан кейин амалға оширилған. Бу шарафли иш хижратнинг учинчи асрига келиб кенг қулоч ёйған. Ислом оламининг ўша пайтдаги маданий марказларидан саналған Бағдод, Куфа, Басра, Дамашқ, Бухоро, Самарқанд, Урганч, Термиз каби шаҳарларда ҳадис фани билан шүгүлланувчи мұҳаддислар күп бўлған.

Улар ҳадис тўпламларини тузишган. Улар ичида энг ишончли манба саналғанлари олтита бўлиб буларни:

- Имом Бухорий (810–870);
- Имом Муслим (817–875);
- Имом Абу Довуд (817–888);
- Имом ат-Термизий (831–932);
- Имом ан-Носойй (830–915);
- Имом Можжа (824–886) тузишган.

Бу буюк мұҳаддисларнинг тўрт нафари туронзаминлик бўлгани билан бутун ислом дунёси миқёсида

¹ Ҳадиси Құдсий – бу оят билан ҳадис ўртасидаги мартабага эга ривоят.

фаҳрлансак арзийди. Фақат имом Бухорийнинг ўзлари жами 600 минг ҳадис тўплаб, шулардан 100 минг “Саҳиҳ” (энг ишончли деб ҳисобланган ҳадисларниң покиза сифати) ва 200 минг “Файри саҳиҳ” ҳадисларни ёд олганлар.

* * *

Парвардигорим мени хусни тарбия билан тарбиялади.

* * *

Қайси бир аёлнинг учта фарзанди ёшлигида оламдан ўтса, улар қиёмат куни унга дўзахдан тўсиб турувчи парда бўлур.

* * *

Қиёмат куни исмларингиз ва оталарингиз исмлари билан чақириласиз. Шу сабаб болаларингизга чиройли исм қўйинг.

* * *

Ота-оналарининг касаллик вақтида ҳар иккисини ёки бири бўлмаганида бошқасини рози қилиб жаннати бўлиб олмаган фарзанд хор бўлсин, хор ва яна хор бўлсин.

* * *

Болаларингни сузишга ва ўқ отишга ўргатинглар. Қиз фарзандларингизни уйда тикиш-бичиш ишлари билан шуғуллангани яхши. Агар ота-она бирданига чақириб қолишса, аввал онага жавоб қил!

* * *

Ҳар бир туғилган чақалоқ то тили чиқиб дилидагини гапира олгунча Ислом табиати билан туғилган бўлади. Аммо унинг ота-онаси ўз фарзандини хоҳ яхудий, хоҳ насоро ёки мажусий қилиб қўйиши мумкин.

* * *

Сизларнинг ҳаммаларингиз Одам алайҳиссалом фарзандидирсизлар. Одам алайҳиссалом эса тупроқдан яратилгандир. Вақти келиб одамлар ота-боболари билан фахрланадилар. Бу ишларидан қайтсалар яхши, қайтмасалар Аллоҳнинг наздида қадрлари тезак қўнғиз қадридан ҳам паст хисобланур.

* * *

Ҳақиқий душман агар уни ўлдирсанг савобга, у сени ўлдирса жаннатга эришадиганинг эмас, балки ўз пушти камарингдан бўлган (ноқобил) фарзандларинг ва кўл остингдаги молу давлатингдир.

* * *

Ҳар бир ота ўз фарзандига хулқу – одобдан буюкроқ мерос беролмайди.

* * *

Икки қиз фарзандни боқиб, тарбиялаб вояга етказган одам билан Мен жаннатда бирга бўлурман.

* * *

Отанинг ўз фарзандига берган тарбияси катта миқдорда садақа қилгандан кўра аълорокдир.

* * *

Кимки ота-онасининг розилигини олган бўлса, унга қандай яхши! Тангри унинг умрини узайтиради.

* * *

Оталарингизга меҳрибон бўлинглар шунда сизлар ҳам меҳр-мурувват қўрасизлар.

У зот (Расууллоҳ саллаллоҳу алайҳи вассаллам): “Етим боланинг тарбиятини зиммасига олган киши жаннатда мен билан шундай яқин бўлади”, – дея тўрт бармоқлари билан кўрсаткич бармоқларини кўрсатадилар.

* * *

Ҳеч бир ота-она фарзандига гўзал тарбиядан ортиқ яхши мерос қолдира олмайди.

* * *

Эй фарзанд, агар сен бола кўрсанг, унга яхши от қўйгили, чунки отадан фарзандга ҳақларидан бири яхши от қўйишидир. (*Кобусномадан*)

* * *

Отага итоат қилиш – Тангрига итоат қилишидир. Унинг олдида гуноҳ қилиш Тангри олдида гуноҳкор бўлиш билан баробардир.

* * *

Кимки ота-онасининг розилигини олган бўлса, унга қандай яхши! Тангри унинг умрини узайтиради.

* * *

Яхши тарбия ота-онанинг фарзандига берадиган энг катта совғасидир.

* * *

Мен етимнинг кафиллигини олган одам билан жаннатда бирга бўлурман.

* * *

Фарзанд жаннат райхонидир.



Инсоннинг вафотидан сўнг унга савоби ёзилиб турадиган амаллар: тарқатган илми, солих фарзанд, ҳаётлик пайтида қилган садиқаи жориясиdir.



Кимки учта қиз фарзандни ўстириб, тарбиялаб, вояга етказиб, муносиб жойларга узатса, унинг мукофоти жаннатдир.



Фарзандларингизни одобли этиб тарбиялашларингизни хур куни бечораларга ярим саъ (бир кило) донни садақа қилишиларингиздан яхшидир.



Кимки қиз фарзанд кўриб, сабр қилиб яхши тарбияласа, улар ота-онаси учун қиёмат куни дўзахдан парда бўлади.



Абдуллоҳ ибн Аббосдан ривоят қилинади.

“Қайси бир мусулмон фарзанди савоб умиди билан эрталаб ота-онасини зиёрат қилса, Аллоҳ таоло унга жаннатнинг икки эшигини очади. Агар улардан бирини зиёрат қилса, унга жаннатнинг бир эшигини очади. Бола ота-онасидан қайси бирини хафа қилгудай бўлса, уни рози қилмагунча Аллоҳ таоло ундан рози бўлмайди”, дедилар. Шунда бир киши: “Агар ота-оаналар болага зулм кўрсатган бўлса-чи?” деб сўради. Абдуллоҳ: “Агар улар болаларга зулм кўрсатган бўлса ҳам бола уларни ранжитмаслиги керак”, дедилар.

“Мен мақоллардан жуда күп нарсаны,
бошқача қилиб айтғанда, лұнда фикрлашини
ұрганғанман”.

М. Горький

МАҚОЛЛАР

3

МАҚОЛЛАР

Мақол – бу ҳаётий тажриба асосида халқ томонидан яратилған, одатда, панд-насихат мазмунига әга бўлган ихчам, образли ва ҳикматли ибора, гап, дейилган ўзбек тилининг изоҳли лугатида. Бошқача айтганда, мақол – бу ўта донолик, ақл-заковат билан оқилона айтилган, “міхлаб қўйилған”, ўзгартириб бўлмайдиган чуқур маъноли гапдир.

Мақолларни “Ҳаёт қомуси”, оғзаки энциклопедия, ўзига хос бир бадиий-тариҳий солнома дейиш мумкин. Улар кишиларнинг ақлини ўткирлаштиради, нутқини равшан ва таъсирчан қиласди, ҳаётда тӯғри йўлни танлай билишга, ҳаётий жумбоқлар ва муаммоларни тӯғри ечишга ўргатади, турмушнинг жамики катта-кичик масалалари хусусида қимматли маслаҳатлар беради.

Доно фикрни, ўткир ҳақиқатни, теран мазмунни, сўз хазинасининг дуру жавоҳирларини ўзида мужассам этган ранг-баранг мақоллар нутқимизнинг экспрессив (яъни таъсир этувчи, ҳис-ҳаяжон уйғотувчи) воситалари орасида энг таъсирчан, энг эсда қолувчи, кишини ўйлашга, фикр-мулоҳаза юритишга беихтиёр мажбур қилувчи кучга эгадир.

Уларнинг кишилик жамияти ва ҳар бир инсон ҳаёти учун нақадар қимматли аҳамиятта молик эканлигини жаҳон донишманлари қадим-қадимдан эътироф этиб, қайта-қайта уқтириб келганлар.

Кўйида фарзанд ва унинг тарбияси масалалари ҳақида айтилган мақолларни эътиборингизга ҳавола қилалими.

Айик ўлмай туриб терисини шилладилар.

Мақол маъноси аниқ воқеликдаи йироқ бўлиб, маҷозий маънода ишлатилади. Яъни ёмон фарзандлар ўз ота-оналарининг ҳали кўзи тириклигидаёқ улардан қо-

ладиган мол-мулк (мерос)ларни ўзаро ими-жимида бўлиб оладилар. Буни сезиб қолган ота-она ёхуд бошқалар мазкур мақолни ишлатадилар.

“Азроил одамнинг жонига қасд, Ёмон ўғил отанинг молига қасд”.

Бир онадан алвон хил бола туғилади.

Вар.: “Бир палақда бир неча хил қовун етишади”; “Овул бошқа бўлса ҳам тилак бир, Бармоқ бошқа бўлса ҳам билак бир”, “Бир уядан неча алвон күш учади”; “Бир онанинг боласи – бир тоғнинг лоласи”; “Доно онадан ҳам нодон ўғил туғилади”; “Бир таблада от ҳам бўлар, эшак ҳам” (табла – отхона) “Бир уядан бир саситқи”; “Бир палақдан минг хомак”; “Тангри берганинг ўғли тўрт бўлар, Бири номард бўлса бири мард бўлар”; “Товуқнинг ҳам бир тухуми палағда бўлади”; “Бир палақда неча хил қовун бўлади”, Мажозан: бир ота-онадан бир неча бола туғилса, шу болалар ташқи кўринишида бир-бирларига ўхшасалар ҳам, хулқ-атворлари жиҳатидан ҳар хил бўладилар, бир-бирларига ўхшамайдилар.

Бир товуқقا ҳам дон керак, ҳам – сув.

Мажозий маъноси: “Бола-чақани (айниқса, улар кўп бўлса) боқиши осон эмас. Ҳар бирига аллақанча нарса керак. Бу нарсаларни муҳайё қиласман, деб ота-она озмунча қийналмайди”. Вар.: “Күш нима топса, боласининг оғзига тутади”; “Жўжасига истаб дон, Товуқ боши қора қош”; “Овчи дат ейди, болалари эт ейди” (дат емоқ – азоб-уқубат чекмоқ).

Бир қизга етти қўшни ота-она.

Маъноси: “Қиз ахлоҳ-одоби, иффати билан гўзалдир. Унинг бундай етилиши биргина ота-онанинг эмас, балки кўпчиликнинг тарбиясига боғлиқ. Шундай экан, бир қизга атрофдаги кўни-қўшнилар ҳам мураббийлик қиласмилар ва шундай қилишга уларнииг ҳақлари ҳам бор”.

Болали уй – бозор, боласиз уй – мозор.

Фарзанд – оиланинг бойлиги, қувончи, ота-онанинг таянчи. Фарзанднинг дунёга келиши биргина ота-она учун эмас, балки атрофдаги кишилар – қариндош-уруғ, ёр-биродар, қўни-қўшни, таниш-билишлар учун ҳам олам-олам қувонч баҳш этади. Кўпгина мақолларда шу нарса ўз аксини топган: “Болали уй – хандон, Боласиз уй – зиндан”; “Болали уй – гулистон, Боласиз уй – гуристон”; “Болали уй – гулистон, Боласиз уй – зимистон”; “Болали уй – бозор, шовқини кўнгил ёзар”; “Бола – оиланинг ҳам гули, ҳам булбули”; “Тоғнинг кўрки – лола билан, Уйнинг кўрки – бола билан”; “Боласи кўп – бой бўлур”; “Боласи кўп уйда кунда тўй”; “Болали уйда гурбат йўқ”; “Болали уйда ғийбат йўқ” (ғийбат, одатда, бекорчиликдан, зерикувдан келиб чиқади, дейдилар. Оиласида бола бўлмаса, эр-хотин ё оила аъзолари ўртасида ҳар хил ғийбатли гаплар келиб чиқиши мумин. Агар бола бўлса, уни гапга солиб, ширин-ширин гаплари ва қиликларидан завқланиб, у билан овуниб, ғийбатга ҳам эҳтиёж қолмайди. Бу эса болали уйнинг яна бир яхши фазилатидир). “Болали қўрғонга боғ етмас”; “Болали уйдан баҳт аrimas”. Ҳалқимиз ўртасида шундай бир олқиши сўз ҳам борки, бировга: Ризқ-насибангиз камаймасин, бола-чақангиз қўпайсин”, деган маънода энг яхши тилакларни тилаганларида: “Қозон тўла ош бўлсин, Ёстиқ тўла бош бўлсин!” дейдилар.

Болалилар бош бўлар, боласизлар ёш бўлар.

Болали бўлиш Эр-хотин учун қанчалик катта баҳт бўлса, боласизлик – энг катта баҳтсизликдир. Бир туркум мақолларнинг мазмуни ана шу фикр билан йўғрилган: “Йигит обрўси – аргумоги, келин обрўси – чақалоғи”; “Кўй қўзичоғи билан чиройли, Хотин – чақалоғи билан”; “Сигирнинг савлати – ортидаги бузоги”; “Болали хотин – гул хотин, Боласиз хотин – тул

хотин” (аксарият ҳолларда хотин туғмаса, эр уни күйиб юборади, хотин тул бўлиб қолади). “Туққан – тўққиз бешик қучоқлар, Туғмаган – қуруқ бешик қучоқлар”; “Ўғли йўқнинг ўрни йўқ, қизи йўқнинг қадри йўқ”; “Ўғли борнинг ўзи бор, Қизи борнинг изи бор”; “Ўғли йўқнинг бўғини йўқ”; “Ўғилсизнинг ўрни йўқ. Ўғилликнинг кўнгли тўқ”; “Болалининг бели тинар, Боласизнинг бели синар” (Бу билан: “Боланг бўлса, бот фурсадта ўсиб-улғаяди, қўлтифингга тиргак бўлиб киради, юмушларингга қарашади, белинг тинади, Боланг бўлмаса, ўла-ўлгунингча ишнинг ҳаммасини ўзинг қиласан, белинг синади”, демоқчи бўладилар. Тўй-ҳашамда ёки бирор хизматда болали хотин боласини боқиши, эмизиш, овитиш баҳонасида хизмат қилмайди, бир чеккада бели тиниб ўтиради. Боласиз хотинларнинг эса юмушдан бошлари чиқмайди. Мазкур мақолни ана шундай ҳолга қарата ҳам айтадилар); “Боласи йўқнинг – баҳти йўқ”; “Хотинсизга раҳмат йўқ, ўғилсизга – давлат”; “Хотинсиз ўтиш – хато, Боласиз ўтиш жафо”.

Боланг бўлса шўх бўлсин, шўх бўлмаса йўқ бўлсин.

Вар.: “Йигит деган шўх бўлсин, Шўх бўлмаса йўқ бўлсин”; “Бўлсанг шўх бўл, Бўлмасанг йўқ бўл”. Йигит бўлса шўх бўлса, Юрса кўчалар тўлса. Дўстлар кўриб суюнса, Душманлар куйиб ўлса (Халқ қўшиғи). Булар халқ ўртасидаги “Шўх бола бот қуйилади”, деган тушунчанииг маҳсулидир. “Шўх бола бот қуйилар, Шилқим бол суйилар” ҳам дейдилар. Ҳаётий бу кузатишлар кўпчиликни қуйидаги хуносага олиб келган: “Ёшлигига шўх бўлган бола тез орада қуйилади, ғайратчан, миришкор, уддабуррон, ботир киши бўлиб етишади. Ёшлигига бўшанг, сўлдим бўлганлари эса катта бўлгач ҳам шундайлигича қолади, юрагига ўти бўлмайди, ғайратсизлиги ва ялқовлиги туфайли ҳаётини қийналиб ўтказади”. Буни, албатта,

хәётий қонуният деб бүлмайди, шунчаки күп ҳолларда тасдиқланувчи бир ҳодисадир, холос.

Болани ёшдан ўргат, хотинни бошдан ўргат.

Вар.: “Бола тарбияси – бешикдан”; “Болани ёшидан тий, хотинини – бошидан”; “Болани – бошдан, қизни ёшдан ўргат”; “Болани ёшдан асра, ниҳолни бошдан асра”; “Дараҳтдан мева оламан десанг, ниҳоллигидан парвариш қил”; “Дараҳт ўз жойида эгри битса, минг эгар тобин олсанг, түғри бүлмас”; “Қуриган ёғоч эгилмас, Қуриган тикиш тугилмас” (тикиш – хом теридан тилишлаб ясалган майин қайиш ип); “Қотган говда эгилмагандек, Қотган навда ҳам эгилмайди”; “Бола – лой, она – кулол”; “Бола – туққанники эмас, тарбиялаганники”. Бу мақолларда болани ёшлигиданоқ тарбия қила бошлаш зарурлиги, акс ҳолда тарбия таъсир қилмай қолиши күрсатылған. Ҳалқимиз ўртасида шундай бир ривоят ҳам бор: “Кунларнииг бирида буюк ҳаким ибн Сино ҳузурига ёш эр-хотин келиб: “Эй донишманд, бизга фарзандимизни тарбия этиш хусусида маслаҳат берсангиз”, деб мурожаат қилишади. “Болангиз қанчалик бүлди” сұради ҳаким. “Олти ойлик”, “Аттанг, олти ойга кечиқисизлар!”

Ботирдан “ботир” чиқса, отаси билан олишар.

Құлидан бир иш келадиган бүлгандыа ё пулдор бүлганды ёхуд бирор амалга мингандыа бошқалар тугул ҳатто отасини ҳам менсимай, писанд қилмай құядылған ноқобил фарзанд кораланғанда, унга баҳо берилғанда шу мақол айтилади.

Бузоқни бүш қүйсанг, хурмачани ағдаради.

Бу – бола тарбиясига тааллуқли мақоллардан бири бўлиб, мажозан: “Болани бүш қүйсанг, ўз ҳолига ташласанг, ҳар бир босган қадамини назорат қилиб турмасанг, унинг хулқи бузилади, ҳаддидан ошиб кетади натижада ўзига ҳам сенга ҳам зиён-захмат етказиши мумкин”, дей-илмоқчи.

Вар.: Бузок кўп эмса бўқади, Бўш қўйсанг тўқади”; “Уйноқи кўзичоқ ойна синдирап”. Ота-боболар ўзларининг ибратли сўзларида болаларига нисбатан бир оз қаттиқрок туриш зарурлигини уқтирганлар: “Пайғамбарда ҳам озгина пўписа бўлади”; “Мўйнанинг пардози – чивиқ” (Илгари мўйнани ачитилган кепак ва ун билан ошилардилар. Мўйначилар уни ошлагандан кейин юнгининг орасига кириб қолган кепак ва ун қолдиқларини юнг тарафдан чивиқ билан уриб-уриб тозалардилар. Шундан кейин мўйна ялтираб, кўзга чиройли кўринадиган бўларди. Бу мақол ҳам асосан бола тарбияси хусусида гап кетганда “Болани тарбиялаща сўз билан эплаб бўлмаса, чивиқ билан шикаст етмайдиган жойига уриб туриш ҳам керак бўлади”, деган маънода қўлланилади. “Болани сўкаверсанг бети қотар, Ураверсанг эти қотар” (Маъноси: “Болага таъзир бериш керак, лекин эви билан. Хадеб жеркиб ташлайверилса, қаттиқ-курум гапираверилса, ураверилса, бола бора-бора бунга кўнишиб, унча-мунча гап-сўзни ҳам, калтакни ҳам писанд қилмайдиган бўлиб қолади).

Ёлғиз ўғил – ёвдан қаттиқ, хотини – қалмоқдан қаттиқ.

(Қалмоқ – бир халқнинг номи бўлиб, бу халқ ўтмишда кўп босқинчиликлар қилиб, атрофдаги халкларга, жумладан, ҳозирги Ўзбекистон территориясида яшаган аждодларимизга қаттиқ жабр-зулм ўtkazgan. Шу боисдан ёзма ва оғзаки адабиёт асарларида “қалмоқ” сўзи “душман”, “тошкўнгил”, “қаҳри қаттиқ” деган маънода келтирилади). Одатда, ёлғиз бола, (хоҳ ўғил-у, хоҳ қиз) кўпинча эркалатиб ўстирилади. Оқибатда эрка, тантик бўлиб ўсган, ёшлигига нима деса ота-она томонидан бажо келтирилган болалар (ҳаммаси эмас албатта, аксарияти) ота-онани менсимайдиган, уларга ўз сўзини ўтказадиган бўлиб чиқадилар. Ўз фарзандининг жабрини

чеккан ота-она, бундан бохабар бўлган, буни кўрган, ку-
затган атрофдаги кишилар ёлғиз ўғлини ёвга, ота-онага
ундан ҳам баттарроқ жабр-ситам ўтказадиган келинни
эса баттарроқ ёв бўлмиш қалмоққа ўхшатгандар.

Халқ ўртасида юкоридаги мақол билан боғлик бўлган
бир хикоя ҳам борки, унинг қисқача мазмуни шундай:
“Бир тул хотиннинг ёлғиз, арзанда ўғли бир бойнинг
қизига уйланибди. Калондимоғ келин кампир қайнона-
сини “ўз ногорасига ўйната бошлабди”. Кунлардан бир
кун у қайнонасига тухум бериб: “Шуни қўксингда олиб
юриб, жўжа очтирасан”, деб талаб қилибди. Шўрлик
ночор келиннинг айтганини қилишга мажбур бўлиб-
ди-ю, аммо буни ўғлига айтмабди. Орадан бирмунча
вақт ўтгач, ўғли бу хотинни қўйиб, бошқасига уйланиб-
ди. Олдингисидан ҳам танноз бўлиб чиқсан иккинчи
келин қайнонасини ҳовлидаги дарахтларга арғамчи тор-
тиб, устида “дор” ўйнашга мажбур қилибди. Шўрлик
кампир “дор”дан йиқилиб, қўп азоб-уқубат чекса ҳам,
ўғлига билдирмабди. Яна орадан бирмунча вақт ўтгач,
ўғли иккинчи хотинини ҳам қўйиб юбориб, бошқасига
уйланибди. Учинчи келин қайнонасини ўйинга тушиб,
қизиқчилик, масхарабозлик қилишга мажбур қилиб-
ди. Кампир бундай қила олмаслигини айтиб, рад этса,
келин қўлига говрон олиб, уни уриб-уриб ўйинга туши-
рибди. Қайнона калтак остида ўйинга тушаркан, шун-
дай деб қўшиқ айтибди:

Ёлғиз ёдан қаттиқ бўларми,
Хотини қалмоқдан, ортиқ бўларми?
Болагинам, Матқосимжон, эркатой,
Хотинларинг қаттиқ зулм этди,вой-вой!
Битта хотин олдинг, қилди созивор,
Иккинчиси келиб ўйнатди-ку дор.
Учинчи хотиннинг – ҳаммасидан “соз”,
Килди охир, нетай, мени найрангбоз.

Вар.: “Ёлғиз бола бошга бало”; “Ёлғиз қиз – Ялама туз” (ялама тузни “харсангтұз”, “тоштұз” деб ҳам атайдилар). Уни охурға ташлаб құядилар. Моллар (от, сигир, бузоқ ва б.) вақти-вақти билан тузни ялаб-ялаб, яна ем-ҳашакни еяверадилар. Туз уларни хұра қиласы. Ота-онаси “пүф-пүф” лаб, ардоқлааб, әркалааб ўстирадиган ёлғиз қизни ана шу моллар ялайдиган (яъни, хуш күрадиган) тузга ташбих этгандар.

ЁМОН КУЛОЛ ҚҰЛИДАН ЯХШИ КҮЗА ЧИҚМАЙДИ.

Бу мақолни бола тарбияси хусусида гап кетганды: “Ота-онаси ёмон, ахлоқсиз бұлса, болаларини яхши, ахлоқли, одобли қилиб тарбиялай олмайди”, деган маңнода айтадилар. Юқоридаги мақолнинг бир қанча вариантылари ва мазмундошлари борки, уларға ҳам болаларға чинакам тарбия бериш учун тарбиячиларнинг, яъни ота-оналарнинг үзлари ахлоқли, одобли, ибратли бўлишлари лозимлиги уқтирилади: “Тўғри дарахтдан эгри соя тушмайди” (“Ота-она тўғри, ахлоқ-одобли бўлса, улар тарбия қилган болалар ҳам шундай бўлиб етишади”, дейилмоқчи). “Мева үз дарахтидан йироққа тушмайди”; “Палақдан хомак йироққа тушмайди” (“Болаларнинг феъл-атвори, ташқи күриниши ота-онасини кига ўхшаш ё ўшанга яқинроқ бўлади, бутунлай бошқача бўлмайди”, дейилмоқчи); “Тарбиясиз ота-она эмас, айғир” (бегона аёллар кетидан юриб, бутун вақтини, маблагини шунга сарфлаган-у), уй-рўзгорига, бола-чақасига қарамай қўйган, натижада болаларнинг ноқобил бўлиб чиқишига сабабчи бўлган отани шу мақол билан қаттиқ қоралайдилар, лаънатлайдилар). “Ота-онанинг гунохи кўп бўлса, бола йиғлайди”; “Отаси ёмон – ош талашар, Ялқов одам – иш талашар” (ялқов ишнинг ўнғайини, енгилини талашади, дейилмоқчи).

“Мол турқи эгасини билдиради” (кўпроқ озодалик, сарышталик хусусида гап кетганды айтилади. Масалан,

баъзи одамнинг сигирини қарасангиз ҳавасингиз келади: ўзи ҳам, турган ери ҳам, охури ҳам озода; баъзи одамнинг сигиридан жирканасиз: ҳамма ёғи шалтоққа беланган, ифлос, турган ерига кириб бўлмайди. Сигирнинг яхши ё ёмон ҳолатда бўлиши – эгасига боғлиқ. Молнинг турқи эгасининг қандайлигини – озода, саранжом-саришта, дид-фаросатли ёхуд диди паст, бефарқ, бефаросат эканилигини билдиради. Шунингдек, боланинг озода ё ифлос, йиртиқ-сиртиқ кийиниб юришидан ота-онаси-нинг қандайлигини билиб олса бўлади). “Итни қопагон қилган – эгасининг ўзи” (“Боланинг сўкағон, уришқоқ бўлишига аввало ота-она сабабчи. Уларнинг ўзлари сўкағон, уришқоқ бўлсалар, бу ёмон одат болаларига ҳам юқади ёинки, ота-онанинг ўзи ундей бўлмаса ҳам, болада шундай ёмон одат шакллана бошлаган пайтда олдини олишмаган” дейилмоқчи).

Ёмон ўғил – молга ўртоқ, яхши ўғил – жонга ўртоқ.

Вар.: “Яхши ота бола умрин тилар, Ёмон бола ота ўлимин тилар”; “Азроил – одамнинг жонига касд, Ёмон ўғил – отанинг молига қасд”. Эътиқодий тушунчага кўра, кишининг ажали етса, Азроил келиб, жонини олармиш. Ёмон ўғил отанинг мол-мулкидан, ундан қоладиган меросдан умид қилиб, ота ўлимини тилайди, унинг ўлишини кутиб ётади, ҳатто ўлдиради ҳам.

Ёшлик – бебошлик.

Мазкур мақол билан болаларнинг ҳаддан ташкари шўхлиги, кулоқсизлиги ё ношудлигидан хафа бўладиган, нолийдиган ота-оналарга “Хафа бўлманг, ҳали ёшда, ёшлигига боради. Ёши ўлғайгач, турмуш юки бўйнига тушгач, бундай қилиқларини ташлайди, қуийлади, хато-камчиликларга йўл қўймадиган бўлади”, деган маънода тасалли бериб айтилади.

Вар: “Ёшлик – бебошлик, йигитлик – беклик, қарилик – болалик”; “Бола – болалигига боради”; “Бола сўйласа –

сўзи ширин, Ўйласа – ўйи қийин”; “Ўт тутунсиз бўлмас, Йигит ёзиқсиз бўлмас” (ёзиқ – айб, хато) “Ўт аввалига бурқсиб, тутаб, кўзни ачишириб, кейин ловуллаб ёниб кетади. Худди шунингдек, йигит ҳам ёшлигага хато-камчиликлари, нуқсонлари, шўхлиги билан ота-онани куйдиради, хафа қилади. Аммо катта бўлгани сари эс-хушини йигиб олиб, ота-онанинг жонига оро кира боради”, дейилмоқчи. “Хўтиклигига диринглайди, Эшак бўлганда кулоги шалпаяди”; “Бола, боланинг иши чала”; “Ёши етмай, иши битмас”; “Ёшдан – хато, Каттадан – узр” “Ёш ёшлигига бориб, хато қилиб кўйса, катта уни, албатта, бу хато устма-уст, муттасил тақрорланмай, аллақайтиб бир бўлиб қолса, жуда ҳам койиб ташламай, кечириши лозим”, дейилмоқчи).

Ёшликнинг қадрини қаримасдан бурун бил.

Мазмуни: “Ёшликни сенга боғлаб бериб қўймайди, вақтида унинг қадрига ет. Ёшлигинда, яъни куч-кувватинг борида қилар ишингни қилиб қол, қариганингдан кейин, яъни куч-куватдан қолганингдан кейин – кеч бўлади, афсус қиласан”.

Вар.: “Қаримагунча – йигитлик қадрини билмас”; “Олтин топилар, ёшлик топилмас”; “Ёшлиқда қилинган иш қариганда эгасини кутиб олади”; “Ёшлиқдаги файрат – кексаликда роҳат”.

Игна қаёққа юрса, ип шу ёққа юради.

Мазмуни: “Йўлбошчи қайси йўлга бошласа (ҳоҳ у тўғри йўл бўлсин, ҳоҳ у эгри йўл бўлсин), омма ўша ёкка қараб кетаверади. Оиланинг ҳаётида ҳам болаларнинг яхши ё ёмон йўлга кириб кетиши ота-она кўрсатадиган йўл-йўриққа боғлиқ”.

Мева ўстирмоқ осон, мевасини сақламоқ қийин.

Бу билан мажозан: “Ўғил-қиз топиш осондек кўринса ҳам, уларни парвариш қилиб, вояга етказмоқ, замон хавотирларидан, ёмонлар ва ёмонликлардан муҳофаза

қилмоқ қийин. Бу йўлда ота-она озмунча қийинчиликларга дуч келиб, озмунча азоб-уқубат чекмайди. Бошқа бир мақолда “Ўғил-қизнинг савдоси, Кетга тегди новдаси” дейилишининг боиси ҳам ана шунда”, демоқчи бўладилар.

Мен куярман боламга, болам куяр боласига.

Вар: “Мен боламни дейман, болам боласини дейди”. Ота-она умр бўйи болалари тўгрисида қайгуради, улар баҳти ҳаёт кечирсин, соғ-саломат бўлсин, қийналмасин, азоб-уқубат чекмасин, бошқалардан кам бўлмасин деган эзгу ниятда елиб-югуради, тунларни бедор ўтказади, топганини ўзига эмас, биринчи галда болаларига раво кўради. Ўз навбатида болалар ҳам ўз болалари тўгрисида шундай ғамхўрлик қиласидар. Мазкур мақолларда ана шу ҳолат ўз ифодасини топган.

Олма тагидан йироққа тушмас.

Вар.: “Олмурт ёғочидан олиста тушмас”. Бу мақолларни: “Ўғил-қизнинг феъл-атвори, хатти-ҳаракати, гап-сўзи хоҳ ижобий жиҳатдан бўлсин, хоҳ салбий жиҳатдан бўлсин ота-онаси никидан кескин фарқ қилмайди, ўхшаш ё яқин бўлади” деган маънода айтадилар.

Пешонасини силасанг, бўйи ўсади.

Вар.: “Бошни силовчи бўлса, бўй ўсар”. Бу мақоллар бола тарбияси хақида бўлиб, “Болани ота-она авайлаб, ардоқлаб, эъзозлаб, “силаб-сийпаб”, эркин ўстирса, у соғлом, дуркун бўлади, норгул, барваста, бақувват, кўркам, асаблари мустаҳкам, хушчақчақ инсон бўлиб етишади”, деган маънода насиҳат қилинади.

Тарбия тақани тўғрилайди.

Тақани оддий қўл билан тўғрилаб бўлмайди. Бунинг учун маҳсус асбоб-ускуна ва тадбир керак бўлади. Мазкур мақол билан: “Чинакам тарбия билан “тузалмас” одамни ҳам, жумладан, “қулоқсиз” ўжар гож, ўта шўх болани ҳам тузатиб, одобли қилиш мумкин”, дейилмоқ-

чи. Ота-боболар бола тарбиясида агар сүзнинг, панд-на-сиҳатнинг ўзигина кор қилмайдиган бўлса, дўқ-пўписа қилиш, калтакни ишга солиш фойдадан холи бўлмайди, деган фикрни илгари сурғанлар: “Пайғамбарда ҳам озгина пўписа бўлади”.

Мақолнинг тўғри маъноси шундай: “Пайғамбар ҳам ҳадеб юмшоқ гапириб, “сени жаннатга киргизаман” дейвермайди, дўзах билан ҳам қўрқитиб, пўписа қиласди”. Мазкур маколни қўпинча мажозан: “Бирорни, айниқса болаларни тарбиялашда ҳам жуда юмшоқлик қўл кела-вермайди, бир оз қаттиқлик ҳам керак”, деган маънода қўллайдилар. “Таёқ айиқни ҳам мулла қиласди”; “Токни “так” демасанг, Қашқарга етади” (Отни “так, так!” деб тўхтатадилар. Шунингдек, токни ҳам “так” демаса, яъни вақти-вақти билан қирқиб, хомток қилиб турилмаса, тўхтовсиз ўсиб кетаверади, бўйига зўр беради-ю, ҳосилига куч бера олмайди. Мазкур мақол билан ҳам мажозан: “Болани яхши парвариш қилмасант, ҳаддидан ошганда қайтариб турмасант, бора-бора ҳеч тузатиб бўлмайдиган безори, беодоб бўлиб кетади”, дейилмоқчи). “Болани сўкаверсанг бети қотар. Ураверсанг эти қотар” (“Болага таъзир бериш керак, лекин эви билан. Ҳадеб жер-киб ташлайверилса, сўкаверилса, қаттиқ гапираверилса, ураверилса, бола бора-бора бунга кўнишиб, унча-мунча гап-сўзни ҳам, калтакни ҳам писанд қилмайдиган бўлиб қолади”, дейилмоқчи); “Отаси қиласа зўрликни, Боласи кўрар хўрликни”.

Тойни от қилгунча, эгаси “ит” бўлади.

Болани боқиб ўстириш, тарбиялаб одам қилиш – осон эмас. Бу йўлда ота-она катта қийинчиликларга дуч келади.

Вар.: “Бола ўстириш – тош кемириш”; “Гулчи бир гулни ўстиргунча, юз тикан захрини тортади”; “Тойчо-клар от бўлгунча, юраклар лат бўлади”; “Туя кочиб, юк-

дан қутулмас” (Түяни күпинча отага ташбек этадилар. Мақолда: “Ота бола-чақани бокиши, оила эҳтиёжини таъминлаш йўлида турмуш уринишларидан, меҳнат мاشаққатларидан, елиб-югуришдан қочиб қутулоғмайди”, дейилмоқчи); “Атон тия юк остида қарийди”; “Той от бўлгач, От озод бўлади”; “Той улғайса от тинар, Ўғил улғайса ота тинар”; “Ўзи ўнга кирса, Ота сойга киради”; “Бола бола бўлгунча, Она момо бўлади”; “Яланг оёқ яр кечдим, Қизил оёқ қир кечдим”; “Сув келса симиридим, Тош келса кемиридим”; “Бошимда баркаш бўлди, Елкамда обкаш бўлди”; “Қарғаликка қоқитмадим, Чумчукликка чўқитмадим”; “Туяликка тептирилмадим, Итликка қоптирилмадим” (Бу кейинги беш мақолни ота-оналар ноқобил бўлиб чиққан, кексайган чоғларида карамай қўйган фарзандларидан бирорга нолиганда, ҳасрат қилганда: “Ахир буни катта қилгунча озмунча ҳаракат қилиб, оз мунча қийналғанмидим?!?” деган маънода айтадилар); “Туққан ҳисоб эмас, боққан ҳисоб”; “Туққан – она эмас, Боққан – она”; “Тайлогим – таянчоғим” (Ота-оналар: “Жоним, сен – кўзимнинг нури, белимнинг кувватисан, катта бўлғанингда таянчиғим, суюнчиғим бўласан”, дея – кичкинтойларини севиб, ўпиб, эркалаб, яхши орзу-умидлар қиласилар).

Тўйдирғаннинг – қорнига.

Баъзи ноқобил фарзанд, нонқўр, кўрнамак, ноинсоф одам ўсиб-улғайиб, илмли, хурнарли бўлиб, қўлидан бир иш келадиган бўлиб, топармон-тутармон бўлганидан кейин ота-онасини, мураббийини, устозини қийналиб, мушкул аҳволга тушиб юрган пайтларида ёрдам қўлини чўзган одамини ва ҳ.к. назар-писанд қилмай, менсимай, хурмат қилмай, тескари қараб кетади, кези келганда унга ҳам ёрдам қўлини чўзиш у ёқда турсин, ранжитиб, хафа қиласи, ҳатто уриб-сўкиш даражасига ҳам бориб етади. Мазкур мақолнинг “Томогини еб,

товоғини төп” деган вариантини ҳам ана шундай ярамасларга қарата аччиқ киноя на заҳарханда тариқасида айтилади.

Яхши бўлса – бола, ёмон бўлса – бало.

Бу ва шу каби мақолларда яхши ва ёмон фарзандларнинг феъл-атвори, юриш-туриши, хатти-харакати, гап-сузи, қилиқлари, ота-онага ва бошқаларга тегадиган фойдаси ҳамда зиёни ҳар томонлама ифода этилади: “Яхши қиз – ёқадаги қундуз, Яхши йигит – кўқдаги юлдуз”; “Яхши ўғил – эл обрўси, Яхши қиз – уй обрўси”; “Боланинг ювоши – онанинг хуш боши”; “Боланинг юввоши – отанинг роҳати”; “Қобил фарзанд – жонга пайванд”;

“Яхши қиз эрта туриб соч тараар, Ёмон киз эрта туриб нон сўрар”; “Яхши ўғил уй тузар, Ёмон ўғил тўй бузар”; “Бўлгули бола рўзгор тебратар, Бўлгусиз бола рўзгор тўзғитар”; “Яхши бола нон келтирас, Ёмон бола ғам келтирас”; “Яхши бола шон келтирас, Ёмон бола қон келтирас”; “Яхши бола ёғ келтирас, Ёмон бола доғ келтирас”; “Яхши ўғил боғ қилур, Ёмон ўғил доғ қилур”; “Яхши ўғилга мол чикора, Ёмон ўғилга мол чикора?” (чикора – нимага керак, нима ҳожати бор. Бу мақол ота-она тарафидан ёхуд бошқалар тарафидан ота-онага қарата: “Яхши, ақлли, эсли-хушли ўғилга мол-дунё, мерос қолдиришнинг нима кераги бор, унинг ўзи топиб олади.

Ёмон, аҳмоқ ўғлига мол-дунё, мерос қолдиришнинг нима кераги бор, у мол-дунёларни ёмон йўлга сарфлайди, қадрига етмайди, бадхаржлик билан бот фурсатда тутатиб юборади”, деган матьнода айтилади); “Яхши ўғил молга ўртоқ, Ёмон ўғил – жонга”; “Яхши фарзанд – ота-она чароги, Ёмон фарзанд – ота-онанинг доғи”; “Яхши бола – отага қувват, Ёмон бола – отага уқубат”; “Яхши ўғилдан раҳмат етар, Ёмон ўғилдан лаънат етар”;

“Кобил ўғил отга миндирап, Ноқобил ўғил отдан индирап” (индирап – пастга туширмок); “Ёмон бўлса боласи, Камон бўлар отаси” (“Ёмон фарзанд отани, онани қартиб, қаддини камондек букчайтириб кўяди”, дейилмоқчи); “Бола алжийди, ота ранжийди”; “Яхши бола тўрга тортар, Ёмон бола – гўрга”; “Яхши ўғил тиндирап, Ёмон ўғил ўлдирап”; “Яхши ўғил отадан олти ботмон зиёд бўлар, Ёмон ўғил отадан олти ботмон кам бўлар”; “Яхши бола – суюк, Ёмон бола – куюк”; “Ёмон ўғил боққунча, этагингни қоқ, Ёмон қизни боққунча, дўппингни қоқ”; “Яхши фарзанд – гул, Ёмони – бир пул”; “Ёмон боладан фойда йўқ, Яхши боладан кўнгил тўқ”; “Яхшидан ёмон туғилса – эпи топилмас, Ёмондан яхши туғилса – тенги топилмас”.

Ўнта бўлса ўрни бошқа, қирқта бўлса – қилиғи.

Фарзанд – оиланинг қувончи, ота-онанинг таянчи. Шунинг учун ота-боболар ўз мақолларида эр-хотинга фарзандларни қўпайтиришни ва бу билан жамиятнинг тараққиётига ҳисса кўшишни тавсия этганлар: “Давлатнинг боши – фарзанд”; “Қўй кўзичок билан чиройли, Хотин – чақалоги билан”; “Хотинни яхши кўрсатган – кўлидаги боласи, Дарахтни яхши кўрсатган шохидаги меваси”; “Йигитнинг чироғи – ўғил билан қиз”; “Уттизга кирган йигитнинг ўтин олгудай ўғли бўлсин”; “Қизи борнинг бахти бор, Ўғли борнинг тахти бор”; “Ўғили уй – фаришта, Қизли уй – саришта”; “Ўғил билан қизинг – бамисоли икки кўзинг”; “Ўғил – уйнинг булбули, Қиз – уйнинг гули”; “Ўғил – қанотли от бўлса, Қиз – қанотли куш”; “Боласи қўп – буюк бой, Боласи йўқ – қуруқ сой”; “Боласизнинг моли увол, Имонсизнинг – жони”; “Кулунли бия – бўтасиз туждан яхши”; “Боланинг йўғидан бори яхши, Очидан тўқи яхши”; “Хотинсиз ўтиш – хато, Боласиз ўтиш – жафо”; “Ўғли йўқнинг ўрни йўқ,

Қизи йўқнинг қадри йўқ”; “Ўрада ётда, ўғил туғ” (ўрада – ёмон, хароб уй-жой, кулба); “Ўғлинг тентак бўлса ҳам, омон бўлсин”; “Кийиминг ёмон бўлса ҳам ёпинга ярайди, Боланг ёмон бўлса ҳам бир кунингга ярайди”; “Қийшиқ бўлса ҳам йўл яхши, ёмон бўлса ҳам – ўғил”; “Тугиладиган болага тұғонок, бўлма”; “Болали уйдан баҳт аримас”; “Болали уйдан ризқ аримас”; “Түрт ўғили – тўра хотин”; “Олти ўғиллиниң – олти аршда моли бор”; “Бола бўлса, бешик топилар”; “Қўй эгиз туғса, чўпнинг боши айри туғади” (чўп – ўт-ўлан); “Оғилда ўғлоқ туғиласа, адрда ўти униб чиқади” (ўғлоқ – эчкининг эмизики боласи). Халқимизнинг бу уч мақолида “Болам кўпайиб кетса, уларни боқишга қийналиб қоламан, деб қайғуриб юрма, ҳар бир боланинг ўз ризқи бор”, дейилмоқчи. “Фам емагил бешикдан, Ризқи келар тешикдан”.

Озарбайжон халқ мақоли

Айик боласини оппоғим дейди, типратикан юмшоғим дейди.

Эшакка боласи азиз.

Яхудий халқ мақоли

Бола тарбиялаш уни туғишдан қийин.

Араб мақоли

Фарзандлар аввал камбағаллик, кейин бойлик келитирадилар.

Қиз онадан, ўғил отадан ўрнак олади.

Ёшлик – жинниликтининг бир тури.

Япон мақоли

Денгиздан балиқ тутиб келиб болангга едирсанг, бир кун боқасан. Боланинг ўзини балиқ тутишга ўргатсанг, бир умр боқасан.

Дунёдаги энг катта бойлик – болалар.

Халқ мақоли

Режанг бир йиллик бўлса арпа эк, кўп йиллик бўлса, дарахт эк, агар асрларга тенг бўлса, болани тарбияла.

Ота-онанинг қадри фарзандни дунёга келтиргани билан эмас, балки яхши фарзанд тарбиялагани билан ўлчанади.

Битта ота ўнта фарзанд боқа олади, аммо ўнта фарзанд битта отани боқа олмаслиги мумкин.

Турк мақоли

Тарбия кўрмаган бола ҳақиқий етим саналади.

Ўзбек мақоли

Давлатинг ота-онанг, савлатинг ўғил-қизинг.

Бола ҳам она дейди, она ҳам она дейди.

“Афоризмлар – ихчам шаклдаги
донолик, фикр ва туйғулар жавхари”

У. Олжер

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

4

Аның үшінші мәселе (жоғалы) – салынуда орнастардағы көзбаспандың атасының әр жағынан аузынан өзін сабактастырып олардың ішінен өткізу – тағайындалған салынудағы қарындаштың әріптесінде бірнеше түрдің түрлерінде түшінілген болады.

Күннен күнне күннен күннен жаңы мәселелер туралы өткізу – ол орнастардағы көзбаспандың атасының әр жағынан аузынан олардың ішінен өткізу – тағайындалған салынудағы қарындаштың әріптесінде түрлерінде түшінілген болады.

Демек, күннен күнне күннен жаңы мәселелер туралы өткізу – ол орнастардағы көзбаспандың атасының әр жағынан аузынан олардың ішінен өткізу – тағайындалған салынудағы қарындаштың әріптесінде түрлерінде түшінілген болады.

Демек, күннен күнне күннен жаңы мәселелер туралы өткізу – ол орнастардағы көзбаспандың атасының әр жағынан аузынан олардың ішінен өткізу – тағайындалған салынудағы қарындаштың әріптесінде түрлерінде түшінілген болады.

АФОРИЗМЛАР

Турли давр ва халқларга мансуб буюк зотлар томонидан айтиб кетилган энг доно ўгитлар, энг ёрқин истиоралар ва фавқулодда афоризмларни бир саҳифага жамлаш ниҳоятда мушкул иш. Уларда яширинган аллақандай қудрат ўша фикрларни бир-бири билан баҳслашишга, мусобақалашишга, бир-бирини орқага қолдиришга мажбур этади.

99 та китобдан иборат ушбу туркумда фақат олис ўтмиш донишмандларининг фикр-мулоҳазалари эмас, балки унда улардан сўнгги ва ҳозирги замонда яшаётган атоқли арбобларнинг ҳам фикр-мулоҳазалари келтирилган. Шу тарзда “афоризмларнинг пайвандланиши”га эришилган. Зеро, бугунни ўтишларимиз яратган оқилона дурдоналаридан фойдланилмай туриб, олға суриш мумкин эмас.

Инглиз давлат арбоби, журналист, танқидчи Ж. Морлейнинг таъбири билан айтганда:

“Ҳикматли сўз ва афоризмлар чинакам ҳаётий дошишмандлик ва адабиётнинг мағзи эканини, ҳикматли сўз ва афоризмларга бой китобларгина кўпроқ наф беришини үнутмаслик керак: одамлар китоб ўқиётганда асосан шу ҳикматли сўзларни излашлари зарур”.

И. Гёте эса, иложи бўлса ҳар куни истаган бир ҳикматли сўзни ўзлаштириб олмоқ зарур. Чунки улардан ҳар бир киши ҳаёт учун фойдали жуда кўп фикрларни топиш мумкин, деб айтган

Шунга риоя қилинган ҳолда ушбу 7-китобда дононларнинг фарзанд ва фарзанд тарбияси ҳақидаги фикрларини келтирдик.

Шулардан намуналар

Тарбия ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот ё ҳалокат, ё саодат ё фалокат масаласидир.

Абдулла Авлоний

* * *

Тарбиянинг “биринчиси уй тарбияси, бу она вазифасидир. Иккинчиси мактаб ва мадраса тарбияси. Бу ота, муаллим, мударрис ва хукумат вазифасидир”.

Абдулла Авлоний

* * *

Хукамолардан бири ҳар бир миллатнинг саодати, давлатларнинг тинчи ва роҳати ёшларнинг тарбиясига боғлиқдир. Шариати Исломияда ўз болаларини яхшилаб тарбия қилмак оталарга фарзи айн, яъни тоат-ибодат каби вожиб ва фарздир.

Абдулла Авлоний

* * *

Тарбияни туғилган кундан бошламак, вужудимизни қувватлантиrmак, фикримизни нурлантиrmак, ахлоқимизни гўзаллантиrmак, зеҳнимизни равшанлантиrmак лозим.

Абдулла Авлоний

* * *

Тарбия қилувчилар табиб кабидурки, табиб хастанинг баданидаги касалга даво қилгани каби тарбияни боланинг вужудидаги жаҳл маразига “яхши хулқ” деган давони ичидан, “поклик” деган давони устидан беруб, катта қилмоғи лозимдур.

Абдулла Авлоний

* * *

Оқил ва диёнатлик кишиларга ёлғон сўзлардан тилларини сақламак или баробар, авлодларини ёлғонга

одат қилдурмасдан тарбия қилмаклари энг муқаддас вазифайи инсонияларидур.

Абдулла Авлоний

* * *

Болалар ҳимояси гуллардир. Уларни совук ҳам иссик ҳам зада қилиши мумкин.

Абдулла Орипов

* * *

Үз болангизга... илк маротаба қўл кўтаришингиз қийин. Бир шапалоқ урдингизми – тамом, иккинчи марта қўлингиз ўзидан-ўзи кўтарилаверади. Оилада ҳам шундок. Бир куни “сану-ман”га бордингизми, эртасига ёқалашиш ҳеч гап эмас.

Абдулла Орипов

* * *

Онандан бош товлама ошмасин дарди,
Шараф тожи эрур оёғин гарди.

Абдураҳмон Жомий

* * *

Болаларни баркамол қилиб тарбиялашда, вояга етказишда, унинг тарбиясига фақат оиласигина эмас, балки бутун қавм аъзолари ҳам жавобгардирлар.

Абдурауф Фитрат

* * *

Болалар ахлоқий тарбияни муҳитдан оладилар, бошқача қилиб айтганда, болалар сувга ўхшайдилар, сув идишнинг шаклини олганидек, болалар ҳам муҳитнинг одат ахлоқини қабул қиласидилар.

Абдурауф Фитрат

* * *

Уйланишнинг биринчи мақсади фарзанддир. Авлодни тарбиялаш инсониятнинг хизматидир. Қачонки, биз яхши ахлоқ эгаси бўлган фарзандларни тар-

бияласак, шундагина бўйнимиздаги бу хизмат мажбуриятдан соқит бўламиз.

Кимки, бадаҳлоқ болаларни тарбия этса, инсониятга хизмат эмас, душманлик қилган бўлади. Жамият уларнинг фарзандларидан безор бўлади.

Хуш ва яхши ахлоққа эга бўлган фарзанд иймон соҳиби бўлган ота-онадан бўлади, агарда ота-она ахлоқсиз бўлсалар, уларнинг тарбияси соҳасида ўстган фарзанд ҳам бадаҳлоқ бўлади.

Абдурауф Фитрат

* * *

Болаларга фикрлашда исбот бўлишини ўргатинг, яъни уларга доим тўғри ва рост маълумотлар беринг ва хотираларида беасос, ботил фикрларнинг жой олишига йўл қўйманг.

Абдурауф Фитрат

* * *

Болаларнинг ўйинлари ахлоқ ва одобга зид бўлмаслиги керак.

Абдурауф Фитрат

* * *

Тарбия уч қисмдан иборат: бадан тарбия, ақлий тарбия ва ахлоқ тарбияси.

Абдурауф Фитрат

* * *

Бузук хотиндан туғилган ва разил ота қўлида тарбияланган фарзанддан яхшилик кутиш қийин.

Абулбарокот Қодирий

* * *

Агар ерга урса ота номини,
Кеч ундан ўғилдан, дема номини.

Абулқосим Фирдавсий

Биз кўпинча “ёшларимизнинг тарбияси бузилаёттибди”, деймиз, ҳолбуки, тарбия осмондан тушаётгани йўқ.

Абдулла Каҳҳор

* * *

Бақиргандан кўра мароми билан секинроқ қилинган таъна қулоққа яхшироқ киради, зеҳнга яхшироқ ўрнашади.

Абдулла Каҳҳор

* * *

Ота-онаси эрка ўстирган бола кўпинча худбин бўлади.

Абдулла Каҳҳор

* * *

Мен йигирма йил имоми Малик хизматида юрдим. Шундан ўн саккиз йилида одоб, икки йилида илм ўргандим. Бугун таассуфдаманки, ўша икки йилда ҳам одоб ўрганмоқ жоиз экан.

*Абдураҳмон Қосим
араб донишманди*

* * *

Инсон бошида учта кулфат бор: ўлим, қарилик ва ёмон фарзандлар.

“Авесто”дан

* * *

Дунёнинг ярмини олдим, салтанатимнинг у четидан бу четига бирор болакай бошида бир лаган тилла кўтариб ўтадиган бўлса, бир донасига ҳам зарар етмайдиган тартиб-интизом ўрнатдим.

Амир Темур

* * *

Ҳеч ким онадан сурбет бўлиб туғилмайди бизнинг айбимиз билан шундай одамга айланади.

Ч. Амирэжиби



* * *

Таълимнинг илдизи аччиқ, мевалари шириндир.

Аристотел

* * *

Фарзандларингиз илм ва адабини ўзингизнинг илм ва адабингиз билан чекламанг, уларни келгуси замон учун тайёрланг, чунки улар сизнинг замонангиз эмас, келгуси замон одамлари бўладилар.

Афлотун (Платон)

* * *

Иzzат-ҳурмат ота ва онани, шунингдек, болаларни ҳам қўриқлаб турувчи посбондир; у ота-онани кулфат ва фамдан, болаларни эса виждан азобидан қутқаради.

О. Бальзак

* * *

Мактаб вояга етаётган авлод таффакурини шаклантириш устахонасиdir: агар келажакни қўлдан чиқаришни истамасанг, мактабни қўлда мустаҳкам тутмоқ лозим.

А. Барбюс

* * *

Фарзанд бўлса агар ноаҳил, бадкор,
Ҳосилсиз дараҳтлар бесамар, бебор!

Бархурдор ибн Маҳмуд

* * *

Фарзандлар меҳнатга қувонч баҳш этадилар, аммо муваффақиятсизликлар улар боис дилни оғритадиганроқ бўлиб туюладилар; фарзандлар туфайли ҳаёт ёқимлироқ, ўлим эса – қўрқинчсизроқ бўлиб туюлади.

Ф. Бекон

* * *

Тарбиянинг илк босқичида болалар сиймосида амалдорни ҳам, шоирни ҳам, ҳунармандни ҳам эмас, инсонни

күрмок зарур, кейин у инсон бўлгани ҳолда охир-оқибат у ёки бу касбни эгаллайди.

В. Г. Белинский

* * *

Майли, бола шўхлик ҳам, тўполон ҳам қилсин, фақат бу шўхлиги ва тўполони заарали бўлмасин, жисмоний ва ахлоқий ҳаёсизликка айланиб кетмасин; майли, бу шўхлиги ва тўполони беихтиёр, ўйланмай қилинган бўлсин, аммо аҳмоқона ва бемаъни бўлмасин, бинобарин, аслида руҳсизлик ва жонсизликдан ёмони йўқ.

В. Г. Белинский

* * *

Тарбия – буюк иш: тарбия билан инсон қисмати ҳал этилади.

В. Г. Белинский

* * *

Яхши тарбия ҳар қандай нодон кишини ҳам одам қаторига қўшади.

В. Г. Белинский

* * *

Таълим ва камолотнинг тури кўп, уларнинг ҳар бири ўзича муҳим, аммо ахлоқий таълим уларнинг барчасидан юқори турмоги лозим.

В. Г. Белинский

* * *

Болаларингизга яхшиликни сингдириб ўстиринг, унга баҳтни фақатгина шу беради.

Л. Бетховен

* * *

Адаб бу – хулқни чиройли қилиш, сўзни ва феълни соз қилишдир.

Боҳоуддин Нақибандий

Ўз ота-онасини на иззат, на хурмат қиласиган фарзандларни ҳеч қачон кечиролмайман. Жазо сифатида ўргадаги риштани узаман.

Богбон
(хинд кинофилмидан)

Боласини тарбия этмаган инсон
Кўрлар кўри эрур, нодондан нодон.

Брант

Болага сажда қилманг: улғайганда у жонингизни олади.

П. Буаст

Ота ўз боласи тарбияси учун арзигулик бирон иш қиласман деса унинг онасини севсин.

Владимир Леви

Энг разил, айни пайтда энг оддий ва азалий курнамаклиқ – бу фарзандларнинг ота-онани қадрла маслиги.

Вовенарг

Ҳар қандай таълим ва тарбияда энг асосий нарса муаллим, унинг тафаккур дунёсидир.

А. Дистервег

Ота-оналаримиз бизга буюк ва бебаҳо ҳаётни инъом этдилар. Улар куч ва муҳаббатларини аямай бизни боқиб, катта қилишди. Қари ва касалманд бўлган чоғлари уларни парвариш қилиб тузатиш – бизнинг бурчимиз.

Да Винчи



* * *

Агар болага ҳомиладорлик пайтида она катта муҳаббат ва истак билан ёндашса, унда алоҳида ақл-заковат шаклланади, феъл-автори ёқимтой ва ҳар бир воқеа-ҳодисага эҳтиёткорона муносабатда бўлади.

Да Винчи



Агар болалар меҳнат қилишга ундалмаганларида на саводхонликка, на музикага, на гимнастикага, ҳаттоқи инсонда эзгуликни мустақкамловчи номусга ҳам ўрганмаган бўлур эдилар. Одатда, номус ана шу машғулотларнинг етарлигидан дунёга келади.

Демокрит



Бир эркакни тарбияласанг, бир инсонни тарбиялаган бўласан. Бир аёлни тарбияласанг бутун бир оиласа, фарзандлар тарбисига сингга боради.

Донолар бисотидан



Бир йил тўқ яшайман десанг шоли (дон-дун) эккин; беш йил олдинни кўзласанг – боғ яратгин; бир умр фароғатда яшамоқчи бўлсанг – борингни таълим – тарбияга сарфла.

Донолар бисотидан



Болаларда ўз-ўзини эмас, одамларни севиш туйғусини тарбияламоқ керак. Бунинг учун ота-онанинг ўзи одамларни севиши лозим.

Э. Дзержинский



Болаларнинг гуноҳи ҳам, хизматлари ҳам кўп жиҳатдан ота-она гарданига тушади ва уларнинг виждонига ҳавола этилади.

Э. Дзержинский



Ота-оналар томонидан барча инжиқликлариға қулоқ солиб, әрқа-тантық қилиб ўстирилған болалар худбин ва иродасиз кишилар бўлиб етишадилар.

Э. Дзержинский

* * *

Ота-онанинг фарзандга муҳаббати кўр-кўронада бўлмаслиги керак. Боланинг ҳамма талабини бажаравериш, уни ҳаммавақт ҳам конфет ва шунга ўхшаш нарсалар билан сийлайвериши унинг қалбини мажруҳ қилиб қўйишдан бошқа нарса эмас.

Э. Дзержинский

* * *

Ҳаддан ташқари қаттиққўллик ва кўр-кўронада интизом ўрнатган ўқитувчи – болаларнинг бошига тушган кулфат.

Э. Дзержинский

* * *

Қўрқитиши билан болада фақат тубанликни, бузукликни, иккюзламачиликни, разил қўрқоқликни тарбиялаш мумкин.

Э. Дзержинский

* * *

Ота-она ўз боласини безовта ва беминат қалб билан севадики, бу бола тарбиясига зарар. Бошқа бир муҳаббат борки, у болаларни виждонли қилиб тарбиялади. Ҳақиқий оталик муҳаббати худди шундай бўлади.

Дидро

* * *

Одам болалиқданоқ яхшилик ва гўзаллик куртакларисиз ҳаётга қадам қўймаслиги керак, авлодларни ҳам яхшилик ва гўзаллик куртакларисиз ҳаётга йўллаб бўлмайди.

М.Ф.Достоевский



Тарбия асосон бизнинг дилимизга индивид ва жамият учун фойдали бўлган фазилат уруғларини сочмоғи лозим.

К. Гельвеций

* * *

Умуман барча ахлоқсиз муносабатлар ичида болаларга тўраларча муносабатда бўлиш энг оғир ахлоқлизлиқдир.

Г. Гегель

* * *

Гўдакда ахлоқий туйғулар юксалиши учун она тарбияси зарур.

Г. Гегель

* * *

Эътиқод назария йўли билан сингдирилади, хулқ эса намуна кўрсатиш орқали шакллантирилади.

А.И. Герцен

* * *

Одамзоднинг биринчи тарбиячилари оналардир.

О. Голдсмит

* * *

Одамга болалиқдан сингдирилган одатлар ёш дарахт танасига ўйиб ёзилган ҳарфларга ўхшайдик, улар дарахт билан бирга ўсади, вояга етади дарахтнинг таркибий қисмига айланиб қолади.

В. Гюго

* * *

Болани баҳтли қиласман деб, уни гўдакликдан эркалатиб-талтайтириш ақлдан эмас.

В. Гюго

* * *

Тарбия – виждан иши, таълим эса фаннинг вазифаси.
Кейинчалик, инсон вояга етгач, билимнинг бу икки тури
бири-бирини тўлдиради.

B. Гюго

* * *

Ота-онанинг йиглаши боладан норози бўлганларига
далолатдир.

Имом Бухорий

* * *

Бола мижозини кучайтирмоқ учун унга икки нарсанни қўлламоқ керак. Бири, болани секин-аста тебратиш, иккинчиси, уни ухлатиш учун айтиш одат бўлиб қолган мусиқа ва аллалашдир. Шу иккисини қабул қилиш миқдорига қараб боланинг танаси билан бадантарбияга ва руҳи билан мусиқага бўлган истеъодиди ҳосил қиласади.

Ибн Сино

* * *

Болага дўқ урма, ёмон бўлма, қўпол,
Уйқу қочар, қўрқар, ахир бўлар баттол.

Ибн Сино

* * *

Болага тўғри тарбия берилганда, икки карра фойда қўрилади. Биринчиси, боланинг қалби мусаффо бўлиб ўсади, унинг фикрини фақат ижобий интилишлар эгаллаган бўлади. Иккинчиси, бола қанчалик яхши тарбияланган бўлса, унинг соғлиғи, ташқи кўриниши ҳам шунга яраша бўлади.

Ибн Сино

* * *

Тарбия масаласи барчанинг эътиборида бўлиши шарт.

Ислом Каримов

Бир оддий ҳақиқат барчамиз учун аён бўлиши керак: олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз мамлакатимизниг буюк келажати ҳам, эртанги қунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам, буларнинг барча барчаси, авваламбор, янги авлод, униб ўсиб келётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир.

Ислом Каримов

* * *

Ҳақиқий фарзанд ҳар бир соҳада ўз отасининг ҳукмига тобе бўлади.

Ибн Маҳмуд Б.

* * *

Болаларинг сенга қандай муносабатда бўлишини истасанг, ота-онангга ҳам шундай муносабатда бўл.

Исократ

* * *

Одамларни яхшилашнинг энг ишончли, лекин шу билан бирга энг қийин воситаси тарбияни мукаммал дарражага келтиришдир.

Екатерина II

* * *

Ота-она – камон, фарзанд эса шу камондан отилган ўқ, ўқ камон кўра олмаган келажақда яшайди. Демак, у камондан кўра илғор бўлиши табиий.

*Х. Жаброн
машҳур араб адаби*

* * *

Бутун халқнинг фаровонлиги болаларнинг тўғри тарбияланишига боғлиқ.

Жан Локк

* * *

Болалари бўла туриб зериккан аёл нафратга лойикдир.

Жан Поль

* * *

Болани тарбиялаш жараёнида келгусидаги унинг олдида турган кексаликни ҳам ўйламоқ керак.

Жубер Ж.

* * *

Агар инсон олмаса ҳаётдан таълим,
Унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим.

Кори Ниёзий

* * *

Инсоннинг болага ҳақиқий муҳаббати ақлу идрокка асосланган ғамхўрлик билан, тӯғри йўлга қўйилган тарбия билан ўлчанади.

Кори Ниёзий

* * *

Ҳаёт шуни кўрсатадики, бола тарбиясининг дастлабки даврида йўқ қўйилган хатони кейинча тузатиш мушкулдир, чунки у ёш организмнинг қон-қонига, суюк-суютига сингиб, ҳатто “хроник касал” ҳолатига айланниши мумкин.

Кори Ниёзий

* * *

Ўғил доно бўлса, ота роҳатга етади.

Кошгариј

* * *

Йигитлик замонни ғанимат бил ва унга муносиб иш кил. Чунки сезгиларнинг ишдан қолиб, эшитмоқ, кўрмоқ, ишдан қолмоқ... лаззатидан жудо бўлсанг, ундоқтириклиқдан ўзинг ҳам шод бўлмайсан ва ўзгани ҳам шод қилолмайсан.

Кайковус

* * *

Болаларни ҳаммавақт ҳам тақдирлайвериш ярамайди. Бунинг оқибатида улар ўзларига бино қўя бошлайдилар ва болаларда сал нарсага ўзларини тарозига солиш фикри кучая боради.

И. Кант

* * *

Мактаблар кўплигига қарамай, яхши оталарсиз яхши тарбия бўлмайди.

Н.М. Карамзин

* * *

Тарбия чинакам тарбия бўлсагина юксак эзгулиқdir, акс ҳолда, у ҳеч нимага ярамайди.

Р. Киплинг

* * *

Менга эл қандай истиқомат қилаётганини айтинг, мен эса, сизга у элнинг тарбияси қандай эканлигини айтиб бераман.

Конфуций

* * *

Ёмон тарбия кўрган одамни қайта тарбиялашдан оғирроқ нарса йўқ.

Я. Коменский

* * *

Зеҳни ўткир ва ҳар нарсага қизиқувчан, лекин одамови ва ўжар болалар бўлади. Мактабда, одатда, бундайларни кўргани кўзлари йўқ, доимо уларга ишончсизлик билан қарайдилар; ваҳоланки, яхши тарбия берилса, улардан буюк одамлар чиқади.

Я. Коменский

* * *

Таълим ҳақиқий, тўла, равшан ва мустаҳкам бўлмоғи зарур.

Я. Коменский

* * *

Үрнак құрсатиши дүк-пүписадан күчлироқ таъсир эта-
ди.

И. Корнель

* * *

Мажбурлаб үргатиши, сиқув, зұрлаш туфайли эри-
шилған ҳамма нарса омонат, нотұғри ва ишончсыздыр.

Я. Корчак

* * *

Гұдак – идрокли вужуддир. У үз ҳәтидағи әхтиёжлар, қийинчиликлар ва тұсиқларни яхши билади. Бу үринде үнга нисбатан золимона амру фармоналар, мажбурий тартиб-интизом, ишончсиз назорат әмас, балки шириң мұомалали муроса, тажрибага ишонч, ҳамкорлық, ахил яшаш күпроқ құл келади.

Я. Корчак

* * *

Болаларни қилмаган гунохлари учун қийнаш ёки лоақал арзимаган айблари учун қаттық жазо беріш уларнинг ишончи ва хурматидан бутунлай маҳрум бўлиш демакдир.

Ж. Лабрюйер

* * *

Шундай ғаройиб оталар ҳам борки, улар то умр-
ларининг охиригача фақат фарзандларини үzlаридан
бездериш билангина шуғулланадилар.

Ж. Лабрюйер

* * *

Ұсиб-улғайиш ҳар жиҳатдан – жисмоний ҳам, үнга
үйғун ҳолда ақлий, эстетик, ахлоқий жиҳатдан ҳам
мутаносиб бўлмоғи лозим.

П.Ф. Лесгафт



* * *

Ёмон тарбия кўрган одамнинг дадиллиги қўпол-ликка ўхшайди; донишлиги ўтакетган расмиятчиликка; гапга чечанилиги – майнабозчиликка, оддийлиги – дағалликка, кўнгилчанилиги – тилёгламаликка айланиб кетади.

Ж. Локк

* * *

Халқнинг бахт-саодати болаларни тўғри тарбиялашга боғлиқ.

Ж. Локк

* * *

Мен барча иллатларга ҳикмат юзасидан даво топдим, аммо даволай олмаганим бадфеъллик бўлди.

Луқмони Ҳаким

* * *

Одамни баҳтили бўлишга ўргатишнинг иложи йўқ, лекин уни баҳтиёр бўла оладиган даражада тарбиялаш мумкин.

А.С.Макаренко

* * *

Тарбия, бу нисбатан кексароқ авлоднинг ўз тажрибаси, ўз эҳтироси, ўз эътиқодини ёш авлодга топшириши демақдир.

А.С.Макаренко

* * *

Болаларни ўстириш ва тарбиялаш улкан, жиддий ва хаддан ташқари масъулиятли ишдир.

А.С.Макаренко

* * *

Болаларимиз – бизнинг кексалигимиз. Яхши тарбия – бизнинг баҳтили кексалигимиз, ёмон тарбия – бўлгуси ғам-аламларимиз, кўз ёшларимиз, бошқа одамлар олдидаги, бутун мамлакат олдидаги айбимиз демак.

А.С.Макаренко



Болалар – жамиятнинг ҳаётбахш кучи. Уларсиз жамият жонсиз ва совуқ кўринади.

А.С. Макаренко

* * *

Тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлмоғи лозим.

К. Маркс

* * *

Туғдирган эмас, тарбиялаган – ота.

Менандр

* * *

Оталаридан ёмон тарбия кўрган ёшларгина, ўзларини ёмон тутадилар.

Мольер

* * *

Кўрнамак ўғил бегонадан ёмон. У жиноятчиидир, чунки онага нисбатан эътиборсиз бўлишига ўғилнинг хаққи йўқ.

Г. Мопассан

* * *

Қобилиятли одамни тарбия қиласлик – зулмкорлик.

А. Навоий

* * *

Давлатнинг гуллаб-яшнаши халқнинг фароғати бешак олийжаноб хулқ-одобга боғлиқ, олийжаноб хулқ-одоб эса тарбия туфайлидир.

Н.И.Новиков

* * *

Болаларнинг мурғак қалбига ҳеч бир нарса ибрат-дек кучли таъсир этмайди ва барча ибратлар ичida эса ота-она ибратидан кўра чуқурроқ ва мустаҳкамроқ ўрин оладиган ибрат йўқ.

Н.И.Новиков

Ёшлик, телбаликни чиқар бошингдан,
Онанг хизматида бўлгин ёшингдан.

Носир Хисрав

* * *

Илму фан уйига юборинглар болангизни, илм андок ганжи нофеъдур бани одамғаким, кимда ул бўлса, икки олам бўлур обод анго.

Оғажий

* * *

Биз челяклаб насиҳат айтамизу, аммо ўзимиз томчилаб қабул қиласиз.

У. Олжер

* * *

Одамни бузишни истасанг уни қайта тарбиялашга кириш.

Оскар

* * *

Ўз-ўзини тарбияламоқ учун, аввало, киши ўзини бешафқат, ҳолис судга чақирмоғи керак. Ўз нуқсонлари, камчиликларини аниқ ва очик-ойдин, ғуурни аяб ўтирамай, тушуниб олиши ва улар билан келиша оламни ёки йўқми, уларни ортиқча юқ қилиб бўйнимга илиб юрайми ёки четга улоқтириб таш-лашим зарурми, деган масалани узил-кесил ҳал этиб олмоғи керак.

Н.А. Островский

* * *

Ота-онанинг жони фарзанд. У фозил бўлса роҳати жон. Агар ноқобил бўлса кулфати жон.

М. Пардаев

* * *

Отангдан кечишга ҳаққинг йўқ, лекин отанг сендан кечмаслигига ҳаракат қил.

М. Пардаев

Ўз болаларини қаттиқ интизомда тарбиялашни истамаган ота-оналар танбеҳга лойиқдир.

Петроний

* * *

Мактабининг мақсади, тарбия ва фақат тарбиядир.

Песталоцци

* * *

Тарбия масаласида майдадар нарса йўқ.

Н.И.Пирогов

* * *

Ҳақиқий таълим одамни одамийликка тайёрлашдир.

Н.И.Пирогов

* * *

Менинг фикримча, барча мутафаккирлар тарбияни йўргакдан бошлиш керак, деган холосага келганлар.

Н.И.Пирогов

* * *

Болани сўкишса, уришса ва турли йўллар билан хафа қилишса, у мурғаклигиданоқ ўзини ёлғиз сеза бошлияди.

Д.Д.Писарев

* * *

Ўз болаларини ўта ясантириб қўйиш ва уларни эркалатиб юбориш ақлдан эмас.

И.Т.Посошков

* * *

Агар яхшилаб тарбия берилса, яхшилаб совитилса, энг ҳуркак тойлардан энг учқур бедовлар чиқади.

Плутарх

* * *

Ҳозирги жамиятлар учун тарбия масаласи келажак тақдири билан боғлиқ ҳаёт-мамот масаласидир.

Э. Ренан

* * *

Тарбиянинг бош вазифаси одамни яхши қадам босишга мажбур этишгина эмас, балки шу яхши ишлардан ҳузурланишга ҳам ўргатишдир; фақат ишлабгина қолмай, ишни севиш ҳам керак.

Ж. Рескин

* * *

Фарзандингизни толесиз қилишингизнинг энг синалган усули қандайлигини биласизми? У нима деса, ҳам масига хўп денг.

Ж. Руссо

* * *

Инсон тарбияси у туғилиши ҳамоно бошланади; чақалок ҳали гапирмайди, сўзга қулок солмайди, аммо ўргана бошлайди. Билиш тарбиядан келиб чиқади.

Ж. Руссо

* * *

Агар болангизга ён бераверсангиз, у сизга хукмдор бўлади, ҳатто уни итоат эттириш учун ҳам дақиқа сайин унинг айтганига кўнишингизга тўғри келади.

Ж. Руссо

* * *

Агар сиз болаларнинг шўхликларига йўл бермасангиз, унда ҳеч қачон донишмандларни дунёга келтира олмайсиз.

Ж. Руссо

* * *

Ота болаларни бино қилиш, уларни едириб-ичириш билан ўз зиммасидаги вазифанинг учдан биринигина бажарган бўлади. У болаларини одамзод қаторига қўшмоғи, жамиятга эса – фаол кишиларни, давлатга – гражданинни етиштириб бермоғи керак. Шу учала қарзини узиши мумкин бўлгани ҳолда бу ишни бажармаган ҳар қандай киши айбдордир, бордию, бу

қарзнинг ярминигина узса, яна баттарроқ, айбдор бўла-ди. Кимки зиммасидаги оталик бурчини бажармаса, у ота бўлиш хуқуқидан маҳрумдир.

Ж. Руссо

* * *

Ортиқча қаттиққўллик ва ҳаддан зиёда шафқатлилик бўлади: буларниң ҳар иккаласидан ҳам бирдек қочиш керак.

Ж. Руссо

* * *

Ҳақиқий тарбия қоидаларда эмас, машқлардадир.

Ж. Руссо

* * *

Тарбиядаги энг катта хато ўта шошқалоқлиқдир.

Ж. Руссо

* * *

Ҳар бир ёш ўзининг алоҳида мойилликларига эга, аммо одам ҳамиша қандай бўлса, шундайлигича қолади. Ўн ўнда у – ширинликлар шайдолиги, йигирмада – жазманлик, ўттизда – лаззатланиш, қирқ-да – шуҳрат-парастлик, эллиқда – хасислик измида.

Ж. Руссо

* * *

Қайсарга насиҳат қилган кишининг ўзи насиҳатга муҳтождир.

Саъдий Шерозий

* * *

Бир умр чўтка тегмаган кўйлакни тезда тозалаб бўлмаганидек, одамни ҳам бирданига қайта тарбиялаш мумкин эмас.

М.К.Салтиков-Щедрин

Ўз моҳиятингни ўзгартиришинг мумкинмас, тарбиянинг буюк сири ва буюк кучи ҳам шундан иборатки, у характердаги ҳар хил монелликларни ҳатто нуқсонларни ҳам эзгуликка йўналтиради.

Ж. Санд

* * *

Насиҳатгўйлик билан яхшиликка етишиш қийин, ўрнак кўрсатиш орқали эса осон.

Сенека

* * *

Тарбияга жамият аъзолари ўртасида қарор топган муносабатларни сақлаб туриш учун жуда зарур бўлган билимларни узлуксиз эгаллаш, деб қараш мумкин.

А. Сен-Симон

* * *

Тарбия таълимдан устун туради. Инсонни тарбия вояга етказади.

А. Сент-Экзюпери

* * *

Болалар ҳаёт лотореясининг энг қимматга олинган чипталариидир. Бу чиптадан ютуқ чиқиши-чиқмаслиги сизнинг қўлингиздадир.

В. Стакел

* * *

Тарбия қийин иш ва тарбия шарт-шароитларини яхшилаш ҳар қандай кишининг ҳам муқаддас бурчларидан биридир, зеро ўзини ва теварак-атрофдагиларни маълумотли қилишдан ҳам кўра муҳимроқ иш йўқ.

Суқрот

* * *

Сўз таъсир қилмаган одамга калтак ҳам ўтмайди.

Суқрот



* * *

Болаларинг ҳақида ёмон гапиришяптими, бу одамларнинг сени ёмонлаётгандаридир.

B.A.Сухомлинский

* * *

Тарбиянинг асосий мактаби – эр-хотиннинг, ота-онанинг ўзаро муносабати.

B.A.Сухомлинский

* * *

Биз тарбиялаётган инсонда ахлоқий софлик, маънавий бойлиқ, жисмоний баркамоллик уйғуналашиб кетмоғи зарур.

B.A.Сухомлинский

* * *

Сен болалиқдан она күзларига боқиб, улардаги ташвиш ва ҳаловатни, сурур ва ҳаяжонни күришга ўрганмаган экансан – бир умрга ахлоқий жиҳатдан ногирон бўлиб қоласан. Севгидағи қўполлик сингари ахлоқий ногиронлик ҳам кишилар бошига кулфат, жамиятга зарар келтиради.

B.A.Сухомлинский

* * *

Урган кишидан бола нафратланади.

B.A.Сухомлинский

* * *

Болалар гўзаллик, ўйин, эртак, музика, расм, хаёл, ижодиёт оламида яшамоқлари керак.

B.A.Сухомлинский

* * *

Оила ҳаётинииг бош муддао ва мақсади болалар тарбиясидир. Болалар тарбиясинииг бош мактаби эса эру-хотин, ота-онанинг ўзаро муносабатидир.

B.A.Сухомлинский



* * *

Кўпдан-кўп бахтсизликларнинг илдизи шундаки, ёшлиқданоқ болани ўз хоҳишлигини тизгинашга, бу ишни қилиш мумкин, бунисини албатта қилиш керак, буни қилиш эса мумкин эмас, деган тушунчаларга тўгри ёндашишга ўргатилмайди.

В.А.Сухомлинский

* * *

Инсон бошида учта кулфат бор: ўлим, қарилик ва ёмон фарзандлар. Қарилик ва ўлимга ҳеч ким ўз эшигини ёполмайди, бироқ ёмон фарзандлардан уйни фарзандларнинг ўзлари асрashi мумкин.

В.А.Сухомлинский

* * *

Чақалоқлар ҳамма ерда бир хил йиғлайдилар, улғай-ғанларида уларда хилма-хил одатлар ҳосил бўлади. Бу тарбиянинг натижасидир.

Сюн Цзи

* * *

Тарбиянинг энг муҳим қисми феъл-атворни шакллантиришдир.

Э. Тельман

* * *

Ўз хаёт тажрибасини ҳар томонлама бойитмаган одамнинг тарбияси беҳуда.

Э. Тельман

* * *

Босилган қадам – одатга, одат – характерга, характер эса қисматга айланади.

У. Теккереј

* * *

Ҳатто болалар билан муомалада ҳам тўғри сўз бўл: бирон нарса ваъда қилдингми, бажар, акс холда, уни ёлғончиликка ўргатасан.

Л.Н.Толстой

Ҳаққонийлик ҳамма жойда, айниқса, тарбия масаласида энг муҳим омилдир.

Л.Н.Толстой

* * *

Тасаввур қилинг, ҳаёт шундай бир майдонки, унинг ҳар томонига чўғ ташланган. Ота-она шу ердан боласини олиб, ялангоёқ чиқиб кетиши керак. Яъни бу чўғни ўзи ҳам, боласи ҳам босиб олмасин. Ҳаётнинг тарбия нуқталари ана шу чўғлардир...

Тоҳир Малик

* * *

Тилимнинг зикрию, кўнглимнинг фикри яхши фарзандим.

Увайсий

* * *

Бизда одобнинг йўқлиги энг зўр истеъоддларнинг заволига сабаб бўлмоқда.

С. Уильям

* * *

Қобил фарзанд – бу “вужудим томию, тўртта устуни”.

Умар Хайём

* * *

Тарбия – фақат инсон зеҳнини ўстириш ва унга маълум ҳажмдаги билимни сингдиришгина эмас, балки у инсонда меҳнатга том маънодаги чанқоқлик ҳиссини уйғотмоғи лозим, бусиз одам ҳаётда на эътиборли ва на баҳтиёр бўла олади.

Ушинский

* * *

Уддасидан чиқиб бўлмайдиган нарса ҳақида болага ваъда берманг ва уни ҳеч қачон алдаманг.

К.Д.Ушинский

* * *

Болани ўйинга түғри ўргата билиш маҳорати унга олам сирларини мутолаага қараганда кенгрөк ва ишончлироқ намоён этади.

Ж. Фабр

* * *

Итоаткорлик боланинг биринчи сабоги бўлсин. Сен нимани хоҳласані; унда унинг иккинчи сабоги ўша бўлсин.

Б. Франклин
ривоятларидан

* * *

Умр қисқа, лекин инсон ўз фарзандлари тимсолида қайта яшай бошлайди.

А. Франс

* * *

Болага ўзининг бошқалардан ақллироқ, кучлироқ, довюрак экани ҳақида фикр доимо зарур.

Э. Фром

* * *

Ўз ўғлини ҳеч бир фойдали ишга ўргатмаган одам ўғри боқаётган бўлади.

Т. Фуллер

* * *

Ҳар кимни ўз фарзанди соҳиб жамол (чиройли) кўри-нур ва ўз ақли бакамол.

Хожа Аҳрор Валий

* * *

Ота-онасига содик фарзандларни жаннат гулларига қиёсласа арзийди.

Ҳазрат Али Муртазо

* * *

Тарбия икки негизга – ахлоқ ва оқилликка таянмоғи лозим: биринчиси – яхши фазилатни ўстирса, иккинчи-

си – ўзгалар иллатидан ҳимоя қиласи. Агар фақат ахлоққагина таянилса, унда сиз ғирт бефаҳмлар ёки додвойчи дардисарларни, фақат оқиилликка таянилса – худбин шахсиятпарастларни тарбиялаб етиштиришин-гиз мүмкін.

Н. Шамфор

* * *

Ота-оналар айни ўзлари сингдиран нұқсонлари учун фарзандларини камдан-кам кечира оладилар.

Ф. Шиллер

* * *

Кул каби ўстирилғанлар фақат қул каби бошқа-рилади.

Б. Шоу

* * *

Бола тарбияси учун давлат бошқаришда талаб қилинганидан чуқурроқ таффакур, донолик талаб этилади.

У. Ченнинг

* * *

Таълимнинг инсон учун буюк эзгулик эканини исботтаб ұтиришнинг ҳожати йўқ. Маълумотсиз одамлар ҳам дағал, ҳам қашшоқ ва ҳам баҳтсиздир.

Н.Г.Чернишевский

* * *

Яхши гап билан мақсадига эришолмаган одам қаттиққўллик билан ҳам эриша олмайди.

А.П.Чехов

* * *

Ўз болалигини унуглан тарбиячи ёмон тарбиячидир.

М. Эбнер-Эшенбах

* * *

Таракқиётнинг чинакам белгиси – бойлик ёки таълим даражаси эмас, шаҳарнинг катталиги эмас, ҳосилнинг мўл-кўллиги ҳам эмас, балки шу ўлка бағрида тарбия топган инсон қиёфасидир.

Р. Эмерсон

* * *

Боланинг туйғусини чегаралаб бўлмайди. Унинг тасаввур оламини гўзалликлар билан безамоқ лозим. Келажакнинг даҳолари болалар орасида.

Эркин Воҳидов

* * *

Боланинг биринчи қадамини назорат қилиш керак. Оёқни қийшиқ босгандан кейин уни тўғрилаш қийин бўлади.

Эркин Воҳидов

* * *

Болага отанинг меҳнати синган бўлса, унинг феъл хулқини жадал ўрганади. Ота фарзандини тергаб тарбияласа, унда феъл йўриқ яхши бўлади, ота ва онаси нинг юзини ёруғ қиласди. Агар назорат қилувчиси бўлмаса, ундай фарзанд ярамас ва нобакор бўлади.

Бундай фарзанддан умидингни узвер. Эй, ота, ўғил қизни тергаб тарбиялагин, токи кейин пушаймон бўлмагин.

Юсуф Хос Хожиб

* * *

Ота болани кичиклигидан бебош қилиб қўйса, болада гуноҳ йўқ, барча жафо отада.

Юсуф Хос Хожиб

* * *

Ўғил-қизга санъат, хунар ва билим ўргатиш керак, токи бу фазилатлар туфайли уларнинг феъл-атворлари ва йўриқлари матлуб бўлсин.

Юсуф Хос Хожиб

“Хикматли сүз китоблари ақлнинг
мустақил фаолиятига нафақат тазиқ
ұтказади, акシンча, мустақил фаолиятига
чорлайды”.

Л.Н.Толстой



ОЛГАН САБОҚЛАРИМ ВА ХУЛОСАЛАРИМ



5

ҚАЛБИМ УММОНИДАГИ ТОМЧИЛАР

Хар бир киши бу ёруғ дунёга келиб, то ундан рихлат қылгунига қадар инсоний бурчинни қандай үтәши кераклигидан баҳс очади, сабок олади ва сабок беради, ўзгаларнинг фикрларини ўрганиш ёрдамида ўз шахсий фикрларини яратишга ҳаракат қиласи, үзини ҳайратга солган ҳар қандай ҳодисадан ҳикмат, сир-синоат излайди, кексалик озиқсиз қолмаслиги учун тинимсиз мутолаада бўлади.

Италиян рассоми, ҳайкалтароши ва архитектори Леонардо да Винчи (1452–1519) бу ҳақда шундай деган:

“Кексаликнинг озиғи донолик экаинин ёдда тумтиб, ёшлиқда шундай ҳаракат қилгинки, кексалик озиқсиз қолмасин”.

Немис файласуфи Артур Шопенгауэр (1788–1860) эса юқоридаги фикрларни амалга ошириш йўли ҳақида шундай дейди:

“Кексайганингда ёшлиқнинг бутун кучини эскирмайдиган асарларда мужассамлаштиришига муваффақ бўлинганини англашдан яхшироқ таскин берадиган нарса йўқ”.

Айтиш жоизки, бу ўта мушкул иш. Масалан ҳайратлашиш учун бир дақиқа кифоя, бироқ ҳайратлантирадиган ёхуд эътиборни ўзига жалб қила оладиган теран гап айтиш учун эса кўп ийлар керак. Зоро, ҳар қандай ҳикмат ёки битик тафаккурдан, тинимсиз илм олиш, доноларнинг фикрларини ўрганиш эвазига туғилади. Бу ҳақда рус ёзувчиси Н.А. Рубакин шундай ёзади:

“Ўрганиш ўзгаларнинг фикрлари ёрдамида ўз шахсий фикрларини яратиш демакдир”.

Ушбу ҳикматли сўзлар туртки бўлдими, умр бўйи адабиётга меҳр қўйдим. Китоб мутолааси севимли машғулотим бўлди. Нафақага чиққач эса, ўзим ҳам ярим аср-

дан ортиқроқ давр ичида мазкур туркүм таркибига киргапан ҳар бир мавзу бүйича үқиганларим, йиғганларим, ҳаётий кузатмаларим ҳақида қоғоз қоралай бошладим.

Ва ниҳоят, кексалик озуқасиз қолмасин деб не-не изланиш изтиробларига чулғанған кечалар эвазига юзага келған фарзанд тарбияси турисидаги қуиңдеги битикларимни битдим ва “қалбим уммонаидеги томчилар” деб атадим.

Мана шулардан айримлари

Фарзанд ота-онани бир-бирига боғловчи сехрли ип. Бу ип гоҳо она бүйнини гүё марварид, гавхардек безаса, ота белига олтин камар бұлади. Гоҳо эса она бүйнига сиртмоқдек, ота белига бұғма илондек үралади.

* * *

Дунёда норасо, ношуд фарзанд бўлишдан ҳам ёмони йўқ. Ундай фарзанднинг туғилмагани маъқул.

* * *

Тарбиячи ким деб сўрашса аввал ўзи тарбия топған ота-она деб айтардим.

* * *

Ҳа, ташқаридан бир хил кўринган ҳар бир уйнинг ўз яшаш ва ўз турмуш тарзи, фарзандлар тарбиясида ўз услуги, авлоддан-авлодга ўтиб кетаётган ўз ҳаёт қонунлари бор.

* * *

Афсуски, фарзандлар қўпинча ёши улғайиб, вақт ўтиб бўлғандан сўнг, ота-онанинг қадрини чуқурроқ англайди ва уларнинг иззат-хурматини ўз вақтида етарли

даражада бажо келтирмаганидан афсусланади. Унда кеч бўлган бўлади.

* * *

Тарбияда кичик ва катта деган нарса йўқ. Тарбияда муҳим ва шарт деган қоида бўлиши керак.

* * *

Аччиқ данак экиб ширин мева кутманг.

* * *

Тарбияда кечикиш ҳам, узилишлар ҳам бўлиши мумкин эмас. Тарбияда танаффус ҳам бўлмас.

* * *

Ота-онанинг фарзандига мол-мулкни мерос қолдиргандан кўра, уларни эл учун фойдали ишларга ворис қилиб қолдирмоғи афзалдир.

* * *

Ота-онанинг фарзандига қолдирган энг қимматли мероси – бу яхши одоб, хулқ ва тарбиядир.

* * *

Онанинг меҳри, отанинг қаҳри болани жиловлаб турди.

* * *

Фарзандни, энг аввало, тартиб ва интизомга ўргатиш керак.

* * *

Одамнинг ҳар бир хатти-ҳаракатида у олган тарбия, маданият ёки маданиятсизлик зухур бўлади.



Баъзи фарзандларга қанчалик кўп меҳри мухаббатингни багишлийверсанг, келажакда уларнинг фақат заҳар-зардобини ичасан, холос.



Фарзандларга ўринсиз “меҳрибонлик” уларнинг соя-парвар бўлиб улғайишига сабаб бўлади.



Боласини сўйишни товуқ ҳам билади, қорнини тўйдиришни читтак ҳам удалайди. Аммо ўз жигарбандини оқил, баркамол одам қилиб эл сафига қўшиш ҳар кимнинг қўлидан келавермайди.



Болалар ҳимояга ва ҳужумга муҳтоҷидирлар



Отаси ўтирган томнинг қорини курамайдиган ўғил психологияси фақат ўзбекка хос.



Ота-она билан фахрланиш улкан баҳт, аммо фарзандлар билан фахрланиш ҳаммага ҳам насиб эта-вермайди.



Инсон умри, ҳаёти ҳам фарзандалари, зурриётла-ри боис завқ-шавққа тўлади. Гар улар тарбияланган бўлса...

* * *

Яхши тарбия олмаган фарзанд учун ота ҳамиша маънавий зинданда бўлади. Ўзи озод бўлгани билан, руҳи азоб чекади.

* * *

Тарбияланмаган болага қараб отилган лаънат тошларининг ярмидан кўпи ота-она бисотига келиб тушади.

* * *

Болани ўқитиб тарбиялаш эмас, тарбиялаб ўқитиш керак. Тарбия олган болагина ўқий олади.

* * *

Фарзанднинг тарбиясизлиги – ота-онанинг энг катта хатоси, энг сўнгги афсус-надомати ва пушаймони.

* * *

Оилам, рўзғорим деб куйиниб яшаётган эр-хотиннинг бағридагина бутун ўғил-қизлар камолга етади. Ва бу камолот катта бир мамлакатнинг истиқболи учун хизмат қиласди.

* * *

Хотинни бошидан, болани ёшдан ўргат. Тарбиянинг энг тўғри йўли шу.

* * *

Бола тарбиясини унинг ота-оналарининг туғилган кунидан бошлаш керак.



Үғлим! Дарахт бўл: бошинг осмонда, оёгинг ерда бўлсин. Инсонлар соянгдан паноҳ топсин, мустаҳкам илдизингдан озуқа олишсин.



Агар боланинг ўзида бўлмаса, ботинида тарбия гулхани туриллаб турмаса, шарқона одоб-ахлоқ туйғулари шаклланмаган бўлса, барибир бола ўз билганидан қолмайди.



Ота-онага лаънат ёғдирувчи фарзанд, Худонинг ғазабига учрагай.



Фарзанд Аллоҳдан тилаб олинган энг улуғ неъматдир. Бу неъматнинг аччиқ ёки ширин бўлиб етишиши, жон озиги ёки бош қозигига айланиши илк тарбияни берувчи ота-онага боғлиқдир.



Одамнинг одамийликка ёмонлиги, токи у тарбияланмагунича давом этади.



Оналар фарзандларини меҳр бешигига белайдилар, фарзандлар эса катта бўлишгач, ота-оналарини сабр бешигига белайдилар.



Шаклланган шахсни тарбиялаб бўлмайди.



Болага ортиқча меҳр – унинг оқибатига нисбатан тескари пропорционалдир.



Фарзандлар меҳрга, ундан кўпроқ қаттиққўлликка эҳтиёж сезадилар.



“Шеңр – бошқа ҳеч қандай шұл билан
иғода қилиб бұлмайдиган түйгүдір”

Л.Н.Толстой



ШЕРІЯТ ДАФТАРИДАН



6

ШЕЪР ҲАҚИДА

Ньютон бўлмаганда ҳам олма барибир дараҳтдан пастга ҳаракатланарди, аммо олим бу ҳолатда буюк қонуни, яъни ернинг тортишиш қонунини кашф этди.

Инсоннинг қалб соҳаси эса бу қонунини инкор этади. Қалбда унган дараҳтнинг “олма”лари пастдан юқорига қараб ҳаракат қила олади. Бу “қонунбузарлик”нинг бир номи бор. У ҳам бўлса шеърдир, шеъриятдир.

Адабиётшунос олим, Ўзбекистон қаҳрамони Озод Шарафиддинов “Бир ҳовуч офтоб” китобининг сўзбошисида:

“Шеърият – юракнинг гўзал манзараларидир. Улар ичизда бир ҳовуч офтоб сингари дилларга ҳарорат берадиган, қисқа ва лўнда ифодада кўнгил кечинмаларини, ҳаёт қувончларию ташвишларини ўзида акс эттирувчи рубоий жанри юрак ганжинасидир”, – деган эди.

Авар шоири Расул Ҳамзатов шундай ёзади: “Шеър бу – нур демакдир. Нурдан эса ҳеч кимга соя тушмайди”.

Буюк ўзбек шоири Усмон Носир таъбирида эса:

*Ишқимнинг энг олий тухфаси – шеърим
Лабларингдан тўйиб ўпгани
Шеъримга бекинди
Атайлаб меҳрим.*

Дарҳақиқат, шеър кўнгилга лирик кайфият улашади ёки чарчаганда чўккан рухга қанот бағишлайди, ўксиган қалбларга қувват беради. Одамзод шеъриятсиз яшай олмайди. Чунки шеъриятсиз, яъни гўзал ташбеҳлар, муножотлар сўз таманноларисиз қандай ғарип бўлар эди бу ҳаёт...

Шеърият шундай сеҳрли хилқатки, у шоирларни ҳам, китобхонларни ҳам бирдай ҳаяжонга солади. Бу ҳаяжон

галати бир ҳиссиёт. Киши күнглидан ана шу ҳиссиётлар кечганды у одатдаги ҳаёт тарзидан баландлаб кетади. Үзини күч-кудратли сезади. Ҳар күн күриб ютган нарсалари күзига бошқача күринади.

Ҳақиқий шеңбер құлратли қүшіпшілдай юрак қалъасини бир зарб билан әгаллайды. Бағор чақмоғи осмонни ларзага соглан мисоли күнгил осмонларини құзгатади.

Ишонмасантан фарзанд, унинг тарбияси ҳақида ёзилған шеърларни үқинг.

ҰҒЛИМНИ ОТАМ ДЕБ СУЙГИМ КЕЛАДИ

Тоғларга тикилиб түйгим келади,
Күксига бошимни қўйгим келади.
Мен ҳар гал меҳрга дард қолганимда,
Ұғлимни отам деб суйгим келади.

Кўчманчи кўчидек замон бетартиб,
Ойларга ёрилдим хунобим ортиб.
Яшайман тиконлар азобин тортиб,
Ұғлимни отам деб суйгим келади.

Қатланган тунларда бир шон ухлайди,
Тошларга бош кўйиб армон ухлайди.
Оҳдардан қорайган осмон ухлайди,
Ұғлимни отам деб суйгим келади.

Умр ҳам япроқдай омонат экан,
Тўкилган тупроқдай иморат экан.
Диёнат экану унинг тенг ярми,
Тенг ярми адоват, хиёнат экан.

Қайрилиб қарайман қирқ уч ўшимга,
Омад четлаб ўтар, келмай қошимга.

Хою-ҳавасларни босиб түшимга,
Үғлимни отам деб суйгим келади.

Хусан ЭШИМУРОД

ҚҰША ҚАРИБ ЮР

(Узатилаётган қызға
ота-она тилаги)

Оқ йўл, қизим, яхши бор турмуш отлиғ гулбоққа,
Мустақил ҳаёт нахлин тар мевасин термоққа.
Аччиқ-чучук ёнғогин олмахондек чақмоққа,
Момо-Ҳавво илмидан дарсү-сабоқ олмоққа.

Худо құшган гул ила мангу құша қариб юр,
Хеч ёменлик күрмайин түкис давру даврон сур.
Нон-насибам бутун бўлсин десанг, кундан олдин тур
Субҳидамда ҳовлини фаришта мисол супур.

Қайнота-қайнонанг ҳам ота-она мисоли,
Бетгачопар бўлмагин, бўлгил шарму хаёли.
Ҳаётингни безасин гул каби ёр висоли,
Сизни кўрганлар десин, Фарҳод-Шириң тимсоли.

Ўнг гулинг чаппар уриб очилсин бирин-кетин,
Яхши келин ўрнига бўлмагил бир боғ ўтин.
Оиласнг бўстонидан олгил муносиб ўрин,
Садоқатда ироданг бўлсин пўлату метин.

Бизни ерга қаратиб, юзимиз қилма шувут,
Қайнотанг нима деса, уларнинг йўлини тут.
Эркалиқ жандасини, кизгинам, узлатга от,
Келинлик вазифангни қилмагил асло унут.
Худо құшган гул ила мангу құша қариб юр...

ҮФИЛ БОЛАНГ БИРОВНИНГ ХАСМИ

Үғилми қиз бари ўз боланг,
 Қизлар меҳмон дейиншар – расми.
 Ўзингники асли қиз боланг,
 Үғил боланг бирорвнинг хасми.
 Үстирасан бўлиб парвона,
 Эга чиқар битта жанона.
 Бу савдога бўлма ҳайрона,
 Үғил боланг бирорвнинг хасми.
 Унутса ҳам ўз онасини,
 Туғилган ҳовли-хонасини,
 Унутмайди қайнонасини,
 Үғил боланг бирорвнинг хасми.
 Қизинг жонин илиниб турар,
 Юралари шилиниб турар,
 Мехри кўздан билиниб турар,
 Үғил боланг бирорвнинг хасми.
 Соғинганда йиғламай кутгин,
 Ичикмасдан ўзингни тутгин,
 Кўз ёшигни “култ” этиб ютгин,
 Үғил боланг бирорвнинг хасми.
 Уй-рўзгори бўйнида хуржун,
 Боламга дер, Худо берган кун,
 Дуо қилу, чиқармагин ун,
 Үғил боланг бирорвнинг хасми.
 Юрагини устуни ёри,
 Совуққотса пўстини ёри,
 Боласига топгани бори,
 Үғил боланг бирорвнинг хасми.
 Уришсалар қози бўласан,
 Ўртада тарозу бўласан,

Ўлимингга рози бўласан,
Ўғил боланг бироннинг хасми.
Иши тушса ёнингга чопар,
Ҳиндишонда бўлсанг ҳам топар,
Бошқа пайт кутма, эй модар,
Ўғил боланг бироннинг хасми.
Хафа бўлсанг койиб тонасан,
Кечирасан, чунки онасан,
Тушун, мунча қуиб ёнасан,
Ўғил боланг бироннинг хасми.
Жанжал қилма, онамисан, бас
Келин сенинг кундошинг эмас,
Ўғлинг энди сирдошинг эмас,
Ўғил боланг бироннинг хасми.
Совчиликка боришдан олдин,
Сандиққа сеп солишдан олдин,
Бир мантиққа кўнишиб олгин,
Ўғил боланг бироннинг хасми.
Келсаю келмаса дуо қил,
Билсаю билмаса дуо қил,
Берсаю бермаса дуо қил,
Ўғил боланг бироннинг хасми.
Мехнатларинг Худо йўлига,
Заҳматларинг Худо йўлига,
Қаратиб қўймасин қўлига,
Ўғил боланг бироннинг хасми.
Келинга гапирсанг мулоим,
Ўғлинг сандан рози ҳар доим,
Бу ҳаётдир, Марҳабо ойим,
Ўғил боланг бироннинг хасми.

Марҳабо КАРИМОВА

НОҚОБИЛ ФАРЗАНД РИВОЯТИ

Мұхаммад пайғамбар – соҳиб қаромат,
Тез-тез қабристонни айлар зиёрат.
Бир қабр бошидан үтгани замон,
Қабрдан келибди нолаю фифон.
Шунда халойиқни чорлабды ул зот,
Сўйлабди: – Қабрдан келмоқдадур дод!
Кимнинг қабри эрур? – Расулдан савол,
Олдинга чиқибди бир мўйсафиц чол.
– Менинг ўғлим эрур бу ерда ётган,
Жудолик азоби сочим оқартган.
Эркалаб ўстирдим қўзим оқидек,
Ўзимдан ҳам үтган қусурлар ҳам лек.
Бир вақт зардор эдим, катта савдогар,
Ўғлим ўрганмади на илму ҳунар,
Қўнгли не истаса мен айладим таҳт,
Одоб-тарбияга тополмадим вақт.
Улгайди дангаса, текинхўр, беор,
Гоҳида май ичиб ўйнарди қимор.
Бутун бойлигимни тезда совурди,
Ўз ёғимга ўзим шундай қовурди.
Бундайин фарзанддан бўлдим норизо,
Улки бул фурсатда айлади қазо.
Пайғамбардан буйрук бўлди бу кезда:
– Қабрнинг устини кўтаринг тезда.
Қабр очилдию ушбу фурсатда,
Чол илиа халойиқ қотди даҳшатда.
Олов ўрмаларди осмонга томон,
Ичида ёнарди фарзанд беомон.
Ушбу даҳшат ичра чолнинг ноласи,
Ки бебурд бўлсада унинг боласи.
– Розиман ўғлимдан, шафқат қил Оллоҳ,
Асли унда эмас, мендадир гуноҳ.

Розилик бўлдию олов ҳам тинди,
Гўёки қабрдан чечаклар унди.
Билки, қиссамиздан шул бўлди унум,
Отани ўкситган дўзахга маҳкум.

Шуҳрат НАСИМОВ

ФАРЗАНД УЧУН

Ота-она айлагай жонин фидо фарзанд учун,
Хонумонин сарф этар, ҳар доимо фарзанд учун,
Нолимайдур чекса юз жабру жафо фарзанд учун,
Ҳар бирида юз тилак, юз муддао фарзанд учун,
Яхши ота-она яхши раҳнамо фарзанд учун.

Оналар бир парча этни баркамол одам қилур,
Пашша қўндиrmай юзига, шафқатин ҳар дам қилур,
Ийғласа тунилар юпатгай, ўйнатиб хуррам қилур,
Баъзилар фарзандига гўё ўзин қул ҳам қилур,
Баъзилар эл ичра бўлгуси гадо фарзанд учун.

Чунки ота-онадин ному нишон фарзанд эрур,
Кўзларининг нури ҳам жисмига жон фарзанд эрур,
Роҳати, фахри, ғуури жонажон фарзанд эрур,
Улфати, дўсти, мадори меҳрибон фарзанд эрур,
Меҳрибонлик арзигай, меҳри бажо фарзанд учун.

Куйдириб фарзанд ёмони юрагин қон айлагай,
Дунёга келганлигига юз минг пушаймон айлагай,
Яхши ўстирган эса, умрин гулистон айлагай,
Ота-она номини оламга достон айлагай,
Чистийдин бу армуғон ақли расо фарзанд учун.

ЧУСТИЙ

ҮҒЛИМГА ДЕГАНИМ

Отингни тезлагил, үғлим,
Мұхабbat излагил, үғлим.
Күнгиллар күласин айлан,
Ваколат излагил, үғлим.
Не қылсанг – күт: югур, ел, чоп,
Риёзат излагил, үғлим.
Рұхият оламин кезгил,
Ибодат излагил, үғлим.
Ярат, яшнат, савобжүй бүл,
Саховат излагил, үғлим.
Саҳарлар най навосидан,
Тароват излагил, үғлим.
Ё туңлар соғиниб офтоб,
Харорат излагил, үғлим.
Барисин қүш, кучай, шайлан,
Адолат излагил, үғлим.
Хаёт тарзинг – йўлингни топ,
Муруват излагил, үғлим.
Ҳалолдан қўймасин доим,
Ҳаловат излагил, үғлим,
Бошиングда бир Худони бил,
Ижозат излагил, үғлим.
Бирин кам десанг, икки – кўп,
Қаноат излагил, үғлим.
Киёматдан хабар топсанг,
Шафоат излагил, үғлим.

Султонмурод ОЛИМ

УЗАТИЛАЁТГАН ҚИЗГА ОТА ДУОСИ

Иzlарингиз бўлсин, омин, гул ила райҳон, қизим,
Ҳам муборак, қутли бўлсин сиз борар ошён, қизим.

Келдилар ўз хожангиз, менга омонат эрдингиз,
Топшиурман құлларига тинч, сиҳат, омон, қизим.
Ҳар аёлга әр туур мавқеда Оллоҳдан кейин,
Хоҳи қул, хоҳи қарол у, хоҳ бұлсин сүлтон, қизим.
Энди хожангиз худуди бұлды қалбу жисмингиз,
Хуснингизни қилмагайсиз әлга дастурхон, қизим.
Пардоз-андоз, ноз-итоб бир хожангиз ҳаққи туур,
Ёт киши олдида ёшуреб қилинг пинхон, қизим.
Уйингиздан чиқмагайсиз хожангиздан беизн,
Софиниб ҳатто онангиз бұлса ҳам гиရён, қизим.
Ёт киши бирлан қолманг ёлғиз ўзингиз ҳеч қачон,
Құнгли иллатли, маразлилар қилур бұхтон, қизим.
Сўзламанг овозингизни ўйнатиб ҳар гапга сиз,
“Сенда қўнгли бор” дебон қутқу солар Шайтон, қизим.
Фитна солса деб Лайн: “Хожанг ёмон, яхшиси бор”,
Ҳайданг ул нопокни сиз құлга олиб гаврон, қизим.
Ўтса гап, рўзғорчилик, аввал узр сиздан бұлсин,
Ва бұлсин “тиж-тиж” лаган Шайтон дили вайрон, қизим.
Хожангизни яхши ишларга фақат даъват қилинг,
Ҳам илм, ҳам касбу корга бұлсин ул полвон, қизим.
Озми-кўпми топганига шукр этинг ва сабр этинг,
Бандасига катта бойлик аслида – иймон, қизим.
Сизга Холик айтди: “Кўзни ерга тик, зийнатни ёр!”,
Қани энди “хўп” демоққа топсангиз имкон, қизим.
Дейдилар: Яхши аёл сақлар ҳаромдан жуфтини,
“Хўп” дегайсиз бұлса канча түғри сўз, фармон, қизим.
Чорласа, ўчоқ бошида бұлсангиз ҳам тез келинг,
Тонгми, пешинми, аср ё хоҳ бұлсин хуфтон, қизим.
Ёнингиздан хожангиз ҳеч таъби ранжиб чиқмасин,
Ҳар не килсангиз-қилинг, қўнгли бұлсин шодон, қизим.
Иншооллоҳ уйингиздан келтиурсыз яхши гап,
Ҳар ёмон сўзни кўмиб, уйга қилинг гумдон, қизим.
Ҳар аёлдан эри рози бұлса – Оллоҳ розидур,
Берилур унга мукофот жаннати ризвон, қизим.

Бахтингиз – бўлса ҳаёт қайнонаю қайнотангиз,
Сиз – ниҳолга бўладурлар яхши бир боғбон, қизим.
Хожангизга уқтирингки, отасин қиласин ризо,
Ҳам бўласин мушфиқ онасин дардига дармон, қизим.
Хизматин этиб аларнинг бўлавосинлар жаннатий,
То Сирот устида ҳам мушкул бўласин осон, қизим.
Синиғу юмшоқ бўлинг сиз ҳам аларнинг олдида,
Иншооллоҳ, хизматида бўласиз чаққон, қизим.
Ўрнатинг доим аҳиллик эгачи-овсин ила,
Тинчи йўқ уй – отаю она учун зиндан, қизим.
Энди мастьул бўлдингиз рўзгорграким, хушёр бўлинг,
Исроф этманг сув, чироқ, пучоқ, олов ё нон, қизим.
Ҳар юмушни бошланг ўнг қўлу ва бисмиллоҳ ила,
Бор ҳадиски: ўнг томонда баракот уммоҳ, қизим.

Яхши ниятни айтарсиз “иншооллоҳ”, деб олинг,
Буни маъноси шуки Оллоҳ бўласин ёзғон, қизим.

Косаю пиёлани ушланг авайлаб, синмасин,
Асрамас бўлса тугар, бўлганда ҳам минг кон, қизим.
Сақламанг нопок идиш, кир битта тушса бир ювинг,
Ҳеч қачон кирдан, ювуқ сиздан қилманг хирмон, қизим.
Ошхонада ўт-оловга доимо хушёр бўлинг,
Эсингиздан чиқмасин суви қуриб қумғон, қизим.
Иш нечоғлиқ бўлса уйга кут кирап, қайнонангиз:
“Бу гўдак қайда пишибдур?!” деб бўласин, ҳайрон, қизим.
Хожангиз изни ила ҳар қўшнидан олинг хабар,
Хоҳ таом, хоҳ яхши сўз, ҳарна қилинг эҳсон, қизим.
Яхшиларга яхшилик айлаб, Худони “қарз” қилинг,
Хоҳ мусофир, хоҳ йўловчи, хоҳ бўласин меҳмон, қизим.
Баъзи хотунлар каби бўлманг ҳавас, мол жинниси,
Пул топай деб хожангиз кўп бўлмасин сарсон қизим.
“Гийбат – одам гўштини емоқ билан teng” дейдилар,
Қўшилиб пок оғзингизни қилмагайсиз қон, қизим.
Дунёвий ҳам ухровий илм ўрганинг, илм ўргатинг,

Чунки сиз – она, беринг миллатга хос урфон, қизим.
Беадаб, нодон, илмсиз әлга кони ғалвадир,
Одамийнинг жоҳилидан яхшидир ҳайвон, қизим.
Эгнингизга кийдиурман сабру тоқат түнини,
Бесабрга нафсидин Шайтон қўюр қопқон, қизим.
Қолди ота уйингиз, бундан буён шу хожангиз,
Гўжа еса гўжа енг, талқон еса талқон, қизим.
Қўштириб қўйдим онангизга айтиб сенга китоб,
“Молингиз бут бўлмади”, деб қилмайин армон, қизим.
Қодирий, Машраб, Навоий, ҳам Ҳувайдо сизгадир,
Бобуру Румий, Бухорийдан ҳадис, Қуръон, қизим.
Сиз бироннинг хасмисиз, ош-нон умид қилмам сира,
Тинч бўлсангиз, соғ бўлсангиз, бошимиз осмон, қизим.
Яхши боргайсиз ва биздан рози бўлгайсиз, онам,
Мушфиқим, жоним, жигарбандим, менинг бийрон,
қизим.
Отангиз панди ёзилди Марҳабо илки ила,
Бу ўтинчни ёдингизда сақлагайсиз, жон қизим.
Энг муҳим гап қолмасин, гар ўғил-қиз берса Худо,
Бешигу “памперс”ига бизлар балогардон, қизим.

Марҳабо Каримова

* * *

Умрнинг давоми, маъноси фарзанд,
Сенинг пок номингни тутгайдир баланд.
Агар қила олсанг яхши тарбият,
Кексайган чоғингда бергайдир мадад.

И. Йўлдошев

НАСИҲАТ

Ёшлик ортда қолди, турдинг оёққа,
Азму шиҷоатни унутма, болам.
Насиҳат ёқмайди энди қулокқа,
Ақлу фаросатни унутма, болам.
Бу дунё аслида алдамчи бозор,

Үнда лүттибозу нокаслар бисёр.
Сен мардлар қошида мард бўлгин, зинҳор
Хайру саҳоватни унутма болам.
Балки дастурхонинг доим мўл бўлмас,
Омад ҳам ҳамишича чарақлаб кулмас,
Ким айтар суюнган падаринг ўлмас,
Сабру қаноатни унутма, болам.
Ёвуз кимсалардан айлагил ҳазар,
Уларнинг қалби пуч, тиллари заҳар.
Ахтара-ахтара дўст топсанг агар,
Мехру садоқатни унутма, болам.
Оғам деб кимлардир силар бошингни,
Укам деб еб кетар бирор ошингни.
Минг бир тарозига солар тошиングни,
Макру адсоватни унутма, болам.
Каслар бор, қадрингни гоҳо билмаслар,
Гоҳо билсалар ҳам кўзга илмаслар,
Гарчанд улар сенга парво қилмаслар,
Фазлу диённатни унутма, болам.
Дину пайғамбардан лоф ургайлар гоҳ
Бетавғиқ кимсалар гумроҳ ва суллоҳ.
Улар Чорёларга қазганлар-ку чоҳ,
Касру касофатни унутма, болам.
Қадамда учрагай азизлар ҳоки,
Йўлингни ёритгай ақлу идроки.
Уларнинг руҳлари шод бўлсин, токи
Зикру диённатни унутма, болам.
Турфа синовларга дуч келгай инсон,
Гоҳида шодондир, гоҳида нолон.
Чорасиз қолсанг ҳам, лекин ҳеч қачон,
Адлу адолатни унутма, болам.

Абдулла ОРИПОВ

ҚАЛБ НИДОСИ

Тарихингга назар сол,
Аждодинг ким билиб ол.
Улар эл деб яшаган,
Юрт аро обрӯ олган.

Навоийдек бобонг бор,
Ҳар бир иши элга ёр.
Халқим деб сурган қалам
Ҳар мисраси – бир олам.

Улугбек бобонг тун-кун,
Захмат чеккан фан учун.
Үрганиб юлдузларни
Очган осмон сирларин.

Темур бобо Ватанини,
Халос этган ғанимдан.
Шиори ҳак, адолат,
Қурган буюк салтанат.

Сен шу зотлар фарзанди,
Улуғларнинг дилбанди.
Буни асло унутма,
Нодонлик йўлин тутма.

Юртбошимиз хўб айтди:
Ҳозир фикрлаш пайти.
Ўқи, ўрган, фикрла
Дўстинг, тенгдошинг бирла

Адашмасдан йўлингдан,
Не иш келса қўлингдан
– Ватанингга атагил,
Уй қур, қўчат қадагил...

Фақат ғаним сүзига
Кирма, тушиб құлига
– Гул ҳаётинг сұндирма,
Ота-онанг күйдирма.

Үйла, халқынғиң үйла,
Одамийликни қўйма...

Абдували ГУЛОММАХМУДОВ

ОҚПАДАР

Элга аён бўлди ёвуз башаранг,
Шармандалик топди ул қора ният.
Тузлиққа тупурган бир малъундирсан,
Ланъатлар ёғилсин, сенга минг лаънат.

Батанга, Отангга хиёнат қилиш –
Тубанлик бўлурму шунчалар қадар?
Она сийнасига гўё тиф уриш...
Сени ер ютгайдир иблис, оқпадар.

Мехр-муҳаббатни авлодга сурган
Аждодлар руҳини безовта қилдинг,
Халқига истиқлол ризқини берган
Инсонга қабоҳат қиломоқчи бўлдинг.

Миллатнинг қадрини тиклади бу зот,
Заминдан кўтарди то осмон қадар.
Эзилган халқининг бошини силаб
Бўлиб қолда унга буюк бир падар.

Билиб қўй – Оллоҳнинг назари ахир –
Бандасин сақлайди ҳар фалокатдан.
Қуёш нурин сочар, тоғлари қалқон,
Она-ер асрайди ҳар хил оғатдан.

Истиқлол қўргонин пойдеворига,
Каламуш уяси курмоқчи бўлган –
Тубанлар каламуш тўдаси билан
Забардаст босимда сиқилиб ўлган.

Падари бузругвортга қасд қилиш ахир,
Азалдан бемисл оғир гуноҳдир,
Виждон азобида қийналиб ўтган,
Падаркуш қисмати бунга гувоҳдир.

Жаббор РУЗИЕВ

ФАРЗАНДИМ – АСАЛ ҚАНДИМ

Ўнта бўлса ўрни бошқа, умринг нихоли,
Ота-она кеча-кундуз ўйлар иқболин,
Ардоқлайди фарзандининг кўриб камолин,
Фарзандинг бор – шунқоринг бор, баҳоринг шудир,
Фарзандинг бор – ёдгоринг бор шиоринг шудир.

Асл фарзанд муроддир,
Ё Нодира, Фарходдир,
Ўғил-қизлар қанотдир,
Фарзанд баҳт-саодатдир,
Фарзандим – шакар-қандим,
Фарзандим – асал-қандим.

Минг тасанно, минг офарин, меҳрибон она,
Ўғил-қизлар камолоти тўйга баҳона,
Яхши фарзанд ўстирганни қутлар замона,
Фарзандинг бор – умринг кечар тинч фароғатда,
Яхши фарзанд яшайверсин, чаман ҳаётда.

Ўғил-қизим фарзандим,
Ишқ бояғида пайвандим,
Боғланиб банду-бандим,
Соғинганда ўртандим,
Фарзандим – шакар-қандим,
Фарзандим – асал-қандим.

Халқ қўшиги

“Китобхонларга ҳадеб ақл ўргатавермаслик лозим, деган мұлдоғаздан келиб чиқиб, уларға күлгү үлашиб мақсадида үшбү китобда латифалардан ҳам нағынаглар келтиришини зарып деб топдик”.

Мұаллиф

ЛАТИФАЛАР

ЛАТИФА

“Латифа” латифликни англатади. Яъни нозик қочирилмалар билан кишини кулдириш, қувонтириш латифанинг вазифасидир. Кулдириш одоб доирасидан чиқса, латифа эмас масхарабозлик бўлади. Йиллар бўйи халқ тилида яшаган Насриддин Афанди латифаларида нозиклиқдан ташқари ҳикмат ҳам бор.

Оддий қилиб айтганда, латифа халқнинг ақл-заковатини, меҳр ва нафратини, кулгиси ва пичингини лўнда, замирида назокат ётувчи соддалик билан диалог шаклида ифодаловчи бир эпизодли асардир. Унинг асосида зийраклик, ҳозиржавоблик, ҳазил мутойиба ва ўткир ҳажв ётади.

Ўзбек халқ латифаларининг қаҳрамони дастлаб бир киши, бир ҳаким, бир донишманд, бир дарвеш, бир нақош, бир табиб, бир фақир, бир камбағал, бир косиб каби шахслар сиймосида тасвиrlenган. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб бу хаёлий қаҳрамон Насриддин Афанди типига ўз ўрнини бўшатиб берди.

Кенг халқ оммасига хос турли-туман хислатларни биргина ўзида жам этганидан бўлса керак, Насриддин Афанди ёхуд Афанди дейилганда аллақандай култига мойил, ҳар бир кишининг қалбида илиқ меҳр уйғотувчи тип кўз олдимиизда намоён бўлади. Шундан бўлса керак, кишилар ўртасида ўта содда, лақма шахсларнинг қилмишларига қараб “Афанди экансиз” каби ифодалар қўлланилади. Бу ифода ўша шахсга нисбатан нафрат ёки ғазабни эмас, балки енгил юморга йўғрилган меҳрни, хайрҳоҳликни англатади.

Ҳар бир халқнинг ўз қизиқчиси бор. Ўзбеклар уни Насриддин Афанди дейди, қозоқлар Алдар кўса, татарлар Аҳмат оғай, хиндлар Бирбал, немислар Эйленшпингель,

арманлар Пулипуги, яхудийлар Гейшель, корейслар Ким Сон ва ҳ.к.

Эътиборингизга фарзанд ва унинг тарбияси тұғри-сида оммавий ахборот воситларида чоп этилған айрим латифаларни көлтирамиз.

Мана ўша намуналар



Мадина пашша тутиб онасига деди:

- Ойи, шундан фил қилиб беринг.
- Бу мумкин эмас, жонгинам.
- Дадам сизни доим пашшадан фил ясайди дейди-лар-ку.



Десантчилар парашютдан сакрашга тайёрланиши-япти. Улардан бири сакрашдан бош тортды.

- Нега сакрамаяпсан ? – сұради командаири.
- Тушимга ойим кириб, “Бугун сакрама, парашютинг очилмай қолади”, деди.
- Э, құрқоқ иримчи! Ма, меникини ол, мен сеникида сакрайман!

Сакрашди. Йигитнинг парашюти очилди. Бирок шу пайт олдидан биров “Хе, ўша онангни...” деб шувиллаб ўтиб кетди.



- Ойи, нега дадамнинг бошларида соchlари йүқ?
- Даданг доимо чуқур ўйлаб, кейин бир иш қиласы, шунинг учун сочи кам.
- Э-Э, сочингиз нега бунчалик күплигини энди тушундим.



– Ҳа, тирранча, менга яна қулоқ солмайдиган бўлсанг, сени товуқхонага қамаб қўяман, – деди ўғли Сардорга онаси.

– Менга барибир! Мен тухум қилмайман – деб со-вуққина жавоб қайтарди Сардор.



– Айтинг-чи, сизда 5–12 ёшли болаларни тарбиялашга оид бирор манба ёки восита йўқми?

– Тоза чармдан, жуда пишиқ ишланган аскарча қайиш бор.



Икки янги бой учрашиб қолишибди. Бири жуда ғамгин экан. Ўшаниси ҳаёт ва турмуш ҳақида гап очиб қолибди:

– Вақтнинг ўтишини қара, – дебди у хўрсинганича, – одам қўрқиб кетади-ей! Ўғлим ана-мана дегунча 9 ёшга кирибди...

– Бу яхши-ку, оғайни! Дастёр бўлиб қолибди. Нега бунча ғамгинсан?

– Мактабга беришни унугибмиз!



– Ўқитувчим менга умуман математикани бил-маслигимни айтди ва кундалигимга қандайдир сонни ёзиб қўйди...



Бойваччанинг ўғли онасидан сўради:

– Ойи, дадамнинг сигири борми?

– Бу гапни қаердан олдинг?

– Кеча дадам хизматчи аёлга қараб: “Қоматинг сигирни кидан анча чиройли экан”, дедилар.



Күчада йиғлаётган боладан ўткинчи сұраяпти:

– Нега йиғлаяпсан, болакай?

– Онам отамни “әшшаксан” деди. Отам онамни “молсан”, деди, – жавоб қилиб бола.

– Хүш, нима бўлибди? – дебди ўткинчи ҳайрон бўлиб.

– Унда мен ким бўламан? – дермиш бола баттар ийғлаб.



– Ана қаранг, ўғлингиз учинчи маротаба қамаляпти. Сиз эса унга таълим бермаяпсиз!

– Ўқитаяпман, ўқитаяпман уни! Лекин нима қилайки, ҳар гал қўлга тушиб қолаяпти!



Она ўғлига деди:

– Даала ҳовли сотиб олмоқчимиз. Шунинг учун даданг ароқ ичишни, мен эса тамаки чекишини ташлашга қарор қилдик. Сен нима қилмоқчисан, болам?

– Менми, мен эса мактабни ташлашим мумкин.



Онаси қизидан сұрабди:

– Қизим, сен билан бирга келган киши ким?

– Танишиб қўйинг! Бу менинг бўлажак биринчи турмуш ўртоғим бўлади.



Ўқитувчи ўқувчидан сўради:

– Петров, қани айт-чи, нима учун ҳар куни мактабга кечикиб келасан?

Петров жавоб берди:

– Ҳар гал мактабга яқинлашаётганимда бурчакдаги “Дикқат! Мактаб! Тезликни пасайтиринг!” деган ёзувга кўзим тушади.



Ўқитувчи ўқувчига танбеҳ берди:

– Боқижон, нега қўлларинг бунча ифлос? Одам шунаقا ҳам бўладими? Агар менинг ўрнимда сен бўлганингда нима қиласдинг?

Боқижон жавоб берди:

– Менми, мен ўзимни гўёки буни сезмагандек, одобли тутган бўлардим.



Болалар хонасида ўйнаб ўтирган ўғли олдига онаси кириб келди ва деди:

– Ўғлим агар ҳафсала билан пианино чалсанг, сенга бир рубл пул бераман.

– Бир рубл ҳам пул бўптими? Агар пианино чалмасанг, уч рубл бераман деб отам ваъда қилди-ку!



Кунларнинг бирида чукчанинг оиласида олтинчи фарзанд туғилди. Чукча унинг гувоҳномасига шундай ёздириди: “Отасининг миллати – чукча, онасининг миллати – чукча, боланинг миллати – хитой”. Бундан ажабланган одамлар сўрашибди:

– Қанақасига хитойлик бұлади? Сизлар, яның чақалоқнинг ота-онаси чукчалар-ку?

– Гапиингиз тұғри, лекин мен газетада үқидимки, ер юзидаги ҳар олти кишининг бири хитойлик экан.



Жажжи қизалоқ мактабга илк бор қадам қўйди. Уйина қатиб келганида онаси ундан сўради:

– Қизалогим, биринчи муаллиминг сенга ёқдими?

– Унчалик эмас. Аңқов экан, – жавоб берди қизалоқ.

– Нима учун?

– Бизга нуқул савол бераверади, савол бераверади.



Ота ўғлига шундай насиҳат қиляпти:

– Ўғлим, ҳаргиз ёдингда бұлсин! Юриб кетаёттан автобуснинг, аёлнинг, янги иқтисодий ислоҳотларнинг ортидан қува кўрма. Чунки улардан сўнг яна янгилари пайдо бўлади.



Бутун синф иншо ёзиб топширганидан сўнг икки биродар учрашиб гурунг қилишяпти:

– Иншонгда нималарни ёздинг? – сўради бири иккинчисидан.

– Ҳеч нарсани.

– Қанақасига ҳеч нарсани! Ҳушинг жойидами ўзи, ёзилмаган топ-тоза варақни топширдингми?

– Худди шундай.

– Аблаҳ! Мен ҳам ҳеч нарса ёзмасдан, тоза варақни топширдим. Энди уни кўрганлар мени сендан кўчирган, деб ўйлашлари мумкин.



Милиционер күчада безорилик қилиб юрган болани уйига еткалаб келди. Эшикни боланинг отаси очди.

– Бу сизнинг болангизми? – сўради милиционер жиддий туриб.

– Худди шундай, лекин уни бу ерга кейинроқ олиб келинг, чунки ҳозир уйимизда меҳмонлар бор.



Йиғидан тўхтаган тўполнончи ўғлидан отаси сўрабди:

– Йиғингни тўхтатдингми?

– Йўқ, бир оз дам олиш учун тўхтадим.



Эр хотин беш яшар боласи билан ресторанга ташриф буюрди. Оила бошлиғи буюртма берди:

– Официант, икки қадаҳда май олиб келсангиз.

– Нега энди, онам ичмайдими? – деб сўради бола.



Она ўғлига деди:

– Воважон, болам, дафтариңизнинг муқовасига отангнинг фотосуратини ёпишириб қўйибсанми?

Ўғли жавоб берди:

– Ўқитувчимиз “Сенинг уй ишларингни тайёрлаб берётган ўша абллаҳнинг юзларини бир кўрсам”, деган эди. Шунинг учун ўқитувчимизга имконият яратиб бердим-да.



Беш яшар ўғил онасиға хафа бўлиб шундай деди:

– Мен сиз ота-оналарни хеч тушунолмайман. Чақалоқ Ферузнинг юришини, гапиришини сабрсизлик билан кутиб яшайсизлар. Мендан эса доимо гапир-масдан оғзимни юмиб, жим ўтиришни талаб қиласизлар.



Ўқитувчи савол берди:

– Олимжон, қани айт-чи, Хитой олисми, Ой олисми?

Ўқувчи жавоб берди:

– Албатта, Хитой олис!

Ўқитувчи яна сўради:

– Нега ундай деб ўйлайсан?

– Ахир биз Ойни кўра оламиз. Хитойни эса йўқ.



Кўча тарбияси, таъсири остида вояга етган йигит кийим-кечак дўконига кириб, сўрабди:

– Кечирасиз, майкангиз борми?

– Йўқ, – дебди сотувчи қиз.

– Мен, дўконда борми, деб сўрайпман.



ТЕСТАР



ТЕСТ

Ўзингни англамасдан туриб ўзгаларни тунцуна олмайсан, деган гап бор. Сиз-чи, қандай одам эканалигингизни, фазилатларингиз қай даражада шаклланганлигини, атрофдаги инсонлар билан муомалангиз, муносабатларингиз қандайлигини яхши биласизми? Билсангиз яхши, билмасангиз-чи? У ҳолда ўзингизни ўрганишга киришишингиз лозим.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, кейинги пайтларда жамоатчилик ўртасида тест ўтказиш тобора авж олмоқда. Чунки бу каби психологияк савол-жавобларнинг ўтказилиши инсоннинг у ёки бу соҳа бўйича билимларини аниқлашда, аниқ вазиятлардаги муваффақияти ёки аксинча, муваффақиятсизликка учраши, эҳтирослари ва бошқа шахсий хислатларини аниқлашга ёрдам беради. Бундан ташқари, тестлар ва бошқа психоташхислар орқали киши ҳаётида юз бериши мумкинлиги ҳам исботланган.

Куйида сизга таклиф этилаётган фарзанд тарбияси тўғрисидаги тест саволларига сизга ёқсан жавобни эмас, ҳақиқатга яқинини танланг. Агар натижаларингиз қониқарли даражада бўлмаса, ўзингиздан кўнглингиз тўлмаган бўлса, феълингиздаги айrim нуқсонларни йўқотишишингизга тўғри келади. Ёки аксинча, сиз натижалардан қониқсангиз-у, аммо камчилкларингиз борлигига ишонч ҳосил қилган бўлсангиз, сизда-ги фазилатлар ҳали тўлиқ камолга етмаган кўринади. Энди ўз устингиздаги назоратни бироз кучайтиришишингиз керак бўлади.

Донишмандларнинг шундай гапи бор: “Ҳамма нарсанинг чорасини топса бўлади, фақат одам калтафаҳм бўлмаслиги керак”. Ишонамизки, сиз ҳар доим ўзингизни таҳлил қилишга ҳаракат қиласиз ва йиллар давомида

феълингиздаги камчиликларни йўқотиб, уларни яхши фазилатларга алмаштириб борасиз. Қўлингиздаги психологик ва бундан кейин 99 та китобнинг ушбу қисмида бериладиган ҳар бир қадриятга тегишили тестлар тўплами бу борада сизга ёрдам беради, деган умиддамиз.

КИМНИ ТАРБИЯЛАШ ОСОН: ҚИЗНИМИ Ё ҮФИЛНИМИ?

1. Қизлар үғил болаларга нисбатан гапга тез кўнади.

- A. Ҳа
- B. Йўқ

2. Қизлар табиатга яхши муносабатда бўлади.

- A. Ҳа
- B. Йўқ

3. Үғил болалар мураккаб вазиятларга яхши баҳо беради ва улар мантиқан фикрлайди.

- A. Ҳа
- B. Йўқ

4. Үғил болалар қизларга нисбатан ўзини кўрсатишни кўпроқ ёқтиради.

- A. Ҳа
- B. Йўқ

5. Үғил болалар аниқ фанларга лаёқатли.

- A. Ҳа
- B. Йўқ

6. Қизлар хасталик ва қийинчилликларга кўпроқ таъсирчан.

- A. Ҳа
- B. Йўқ

7. Қизлар ўз фикрларини яхши ифодалай олади.

- A. Ҳа
- B. Йўқ

8. Үғил болаларда күриш, қызларда эшитиши қоби-
лияти яхши ривожланган.

- A. Ҳа
- B. Йүқ

9. Үғил болалар очиқ жойда үзларини яхши ҳис
этадилар.

- A. Ҳа
- B. Йүқ

10. Қызлар жонсарап әмас.

- A. Ҳа
- B. Йүқ

12. Қызлар күпчилик даврасида бўлишни ёқтира-
ди.

- A. Ҳа
- B. Йүқ

13. Қызлар меҳрибон.

- A. Ҳа
- B. Йүқ

14. Қызлар ўзгалар таъсирига берилишта мойил.

- A. Ҳа
- B. Йүқ

15. Үғил болалар тадбиркор.

- A. Ҳа
- B. Йүқ

16. Қызлар қўрқоқроқ.

- A. Ҳа
- B. Йүқ

17. Қызлар кўпинча кайфиятсиз ҳолатда юради.

- A. Ҳа
- B. Йүқ

18. Қызлар бир-бири билан кам уришади.

- А. Ҳа
В. Йўқ

19. Ўғил болалар ўзларининг кимлигини кўрсатиб қўйишини ёқтиради.

- А. Ҳа
В. Йўқ

20. Ўғил болалар ижодиётга қўпроқ қизиқади, қизлар эса бир хил юмушни ҳар куни бажаришдан чарчамайди.

- А. Ҳа
В. Йўқ

	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	Жами
A	2	0	0	0	0	0	2	0	2	2	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	Жами
B	0	2	2	2	2	2	0	2	0	0	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	Жами
Жами																					

НАТИЖАЛАР:

0–12 балл. Сизнинг қизлар ва ўғил болалар ҳақидаги тасаввурингиз мутлақо нотўғри.

14 дан 26 баллгача. Жинслар руҳиятини билмайсиз. Шу сабабли ўғил болаларни тарбиялашда кўп хатоларга йўл қўйишингиз мумкин. Фарзандларингиз тарбиясига ижобий ёндашинг.

28 дан 40 баллгача. Сиз қиз ва ўғил болалар билан қандай муносабатда бўлишни биласиз. Фарзанд тарбиясида ўзингизнинг ички туйгуларингизга таянинг. Ана ўшанда ўғлингизни ҳақиқий йигит, қизингизни баҳтили аёл қилиб тарбиялай оласиз.



СУДОКУЛАР



9

СУДОКУ

Судоку – бу японча бошқотирма бўлиб, Ўзбекистонда 2000 йилдан бошлаб оммалаша бошлианди. У мантикий фикрлашга асосланган. Бир қараганда у мураккабдек туюлса-да, уни бажариш қийин эмас. Унинг қоидалари жуда оддий.

Сизнинг эътиборингизга 81 катақдан иборат бўлган 9x9 ҳамдаги тўрт тоифага ажратилган судоку ҳавола қилинади¹.

Биринчи тоифа – осон судокулар, яъни 81 катақнинг 45 ва ундан кўпроқ катаги рақамлар билан тўлдирилган бўлади:

4	5	2	7					8
		7	6	4	5			3
		9	2			7	5	4
5	9	3	8	6			7	
8	2		5		4		6	9
	4			1	3	5	8	2
9	3	4			7	8		
6			4	2	8	9		
2					6	1	4	5

¹ Судоку ўйинидан бир эмас, балки кўп марта фойдаланиш учун бўш катакларни қаламда тўлдириш тавсия этилади.

Агар түлдирилган 45 тадан кам бўлган катақни 10–15 дақиқа ичида түлдирангиз топқирлиқда ягонасиз, 15–20 дақиқа ичида түлдирангиз топқирлик даражангиздан шикоят қилмасангиз бўлади.

Агар түлдирилиши лозим бўлган катақларни түлдиришда 20 дақиқадан кўпроқ вақт сарфласангиз, у холда Сиз ўзингиздан хафа бўлишига тўлиқ ҳақлисиз.

Иккинчи тоифа – ўртача қийинлиқдаги судокулар, яъни 35 дан 45 тагача катақлар рақамлар билан түлдирилган бўлади:

1		8				6	2	
	5			8	2			1
		2		1	3		5	
4	9		8			2		
5				4	7		3	
8	7			9		5		4
		5				4		2
9	7	4		2				
		5	9		4		8	3

Агар 35–45 оралиғдаги түлдирилмаган катақларни 25–35 дақиқа ичида түлдирангиз топқирлиқда яго-

насиз, 35–45 дақиқа ичида тұлдирсанғыз топқирилік даражанғыдан шикоят қилмасанғыз бўлади.

Агар тұлдирилиши лозим бўлган катакларни тұлдиришда 45 дақиқадан күпроқ вақт сарфласанғыз, у ҳолда Сиз ўзингиздан хафа бўлишга тўлиқ ҳақлисиз.

Учинчи тоифа – қийин судокулар, яъни 25 дан 35 тагача катаклар рақамлар билан тұлдирилган бўлади:

	1		3	6	2	7	5	
				1	9			
			5	8				9
1		6			7	5		3
	8		2		3			
		3	1		6			
3		5		2				8
	7				5		6	
						3		

Агар 25–35 оралиғдаги тұлдирилмаган катакларни 60 дақиқа ичида тұлдирсанғыз топқирилікда ягонасиз, 70 дақиқа ичида тұлдирсанғыз топқирилік даражанғыдан шикоят қилмасанғыз бўлади.

Агар тұлдирилиши лозим бўлган катакларни тұлдиришда 80 дақиқадан кўпроқ вақт сарфласангиз, у ҳолда Сиз ўзингиздан хафа бўлишга тұлиқ ҳақлисиз.

Тўртингчи тоифа – мураккаб судокулар, яъни 25 тагача катаклар рақамлар билан тұлдирилган бўлади:

5		1			8		3	
3		6			9		4	
				5	2		8	
8		4						6
			5	3	4			
7						4		9
	5		2	1				
	9		8			7		5
	4		7			2		3

Агар 25 тагача тұлдирилмаган катакларни 80 дақиқа ичида тұлдирсангиз топқириликта ягонасиз, 90 дақиқа ичида тұлдирсангиз топқирилик даражангиздан шикоят қилмасангиз бўлади.

Агар тұлдирилиши лозим бўлган катакларни тўлдиришда 120 дақиқадан кўпроқ вақт сарфласангиз, у холда Сиз ўзингиздан хафа бўлишга тўлиқ ҳақлисиз.

Бошқотирмани бажаришининг асосий шарти, бўйи ва эни бўйлаб 1 дан 9 гача бўлган бўш катакларни шундай сонлар билан тўлдириш керакки, энига ҳам, бўйига ҳам рақамлар такрорланмаслиги керак.

Шунингдек, 9x9 хонали алоҳида ажратилган блокларда ҳам 1 дан 9 гача бўлган рақамлар так-рорланмаслиги шарт.

Сизга омад тилаймиз!

I. ОСОН СУДОКУЛАР

9	8		6	4		7	5	
6			8	7		2	3	
3	4		2			6	9	
		9	7	1	5	4		
1	6	5				3	8	7
		4	3	6	8	9		
9	6				4		7	2
2	3			8	7			9
	1	8		2	6		4	3

7		5	3		2	6		1
	6			8			2	
2		1	7		6	3		9
8		7	4		9	1		2
	2			1			7	
1		6	8		7	4		5
6		8	2		5	9		3
	7			9			6	
9		2	6		8	7		4

II. ЎРТА ҚИЙИНЧИЛИКДАГИ СУДОКУЛАР

			1	6	8			
3	2	6						
	4					7	6	5
1		5	6	8	4			
4		2				8		6
		9	2	1	3			4
6	8	4					3	
						4	9	1
		5	4	7				

			4		8	7	9	6
2	6	7					4	
5			8	7	6	2		
				1		6	3	2
9			5	4	3			8
3	1	8		6				
		5	7	2	4			9
	7					5	8	1
6	9	3			5			

III. ҚИЙИН СУДОКУЛАР

7	1					5	8
3	6		4		2		1
				8	7	2	
				4	5		9 2
5	7					6	3
2	8		9	3			
		1	5	9			
4			6		1		8 9
			5	4	7		

7	1					5	8
3	6		4		2		1
				8	7	2	
				4	5		9 2
5	7					6	3
2	8		9	3			
		1	5	9			
4			6		1		8 9
6	9					4	7

6	2			3				5
	8				4		7	3
		4	7		2	8		
	3	1		4		7		
4			1		8			9
		8		2		6	1	
		5	6		9	1		
9	7		4				2	
8				5			9	6

IV. МУРАККАБ СУДОКУЛАР

				6		4	5	2
2						7		
	6		8					
				5	6	2		
1							8	
	4	1	9					
				4		2		
	9							3
3	5	1		7				

7		8					5	4
6				9	8			
			4		5		2	
						5		
9				3			4	
		6						
	3		9		1			
			7	4				
9	4					3		8

ФАРЗАНДЛАРИМ ВА НЕВАРАЛАРИМГА
ЎГИТЛАРИМ
(хотима урнида)

Азиз фарзандларим ва невараларим!

Яратган эгам менга беназир гўзал Ватан – Ўзбекистонда туғилмоқ ва яшамоқ баҳтини берган эди – унга хиёнат этмадим, она-Ватан туйгуси билан яшадим, унинг равнақи йўлида камтарона ва ҳалол меҳнатимни аямадим. Яратган менга имон ато этган эди – имонимга содик бўлдим. Яратган менга ақл-идроқ инъом этган эди – идрокимни беҳуда нарсаларга исроф этмадим, Бақтими ни зое кеткизмадим. Шу маънода:

*Мен-ку ҳаётимдан минг бор розиман
Рози бўлармикин мендан ҳаётим?*

Азиз болаларим! Халқнинг расми, одати шундайки, елиб-ютуриб, қидириб-ахтариб ўзидан яхши ном қолдириш учун у ёки бу нарса ҳосил қиласидилар ва топган нарсаларини ўзларининг энг яқин кишиларига ёки кейинги авлодларга қолдириб кетадилар.

Мен ярим асрдан ортиқроқ илмий-педагогик фаолиятимнинг сўнгги ўн беш йилида (нафақага чиққандан кейинги даврда) “Осуда яашнинг 99 сири номли 99 жилдли маънавий-маърифий туркумни жамлашни ният қиласидим ва улар таркибидағи “Қалбим уммонидаги томчилар” рукни остида битилган битиклар ва ўгитларни ёзишга киришдим. Бугунги кунгача дастлабки жилдларни чоп эта бошлидим. Ушбу китоб шу туркумнинг 7 (сони) сиридир.

Азизларим!

Сизлар менинг учун энг яқин ва қимматлисизлар. Чунки инсон дүнега келар экан оилаи ва фарзанды бүлишни яратғандан тилаб яшайды. Астойдил сұраган эканман, ииятимга эришдім. Оиласи бұлдым. Аллоҳ сизлардек улуғ неъматларни берди. Зиммамда юксак масъулиятын қараланды.

Сизлар туғилмасданың соғлом зурриёт бершишини яратғандан тиладым. Бұгун мен энг бақтады инсонларданман. Чунки Аллоҳ сизларни тұрт мұчали соғлом қилиб берди. Мана бугунғи шажарамиз:

Ота Абдуллаев Ёрқин (1942)	Она Абдуллаева Гулсара (1947)
----------------------------------	-------------------------------------

Фарзандлар	Неваралар
Алишер (1967) Сабоҳатхон (1971)	Ойбек (1991), Отабек (1992), Сарвиноз (2003)
Покизахон (1968) Баҳодир (1963)	Шоҳруҳ (1990), Шахзод (1991), Шахбоз (1996)
Бахтиёр (1971) Барнохон (1970)	Ботир (1992), Бекзод (1997), Ис- лом (2009)
Азизжон (1978) Дилфузахон (1980)	Мұхаррам бону (2003), Абдуво- рис (2006), Латифа (2013)
Хуршиджон (1981) Севарахон (1982)	Абдулбори (2004), Муслима бону (2009)

Гарчи турмушимизнинг дастлабки йиллари жуда хам етишмөвчиликда ўтган бўлса-да сизларнинг тарбияларингизга бефарқ бўлмадик. “Бола тарбияси она

тарбиясидан", деган мақолга амал қилдик. "Ҳар бир ота-она фарзандига гүзәл тарбиядан ортиқ яхши мерос қолдиролмайди", деган ҳадисни дастурул амал қилиб олдик. Шу сабабли ёмон фарзанд бўлиб ўсмадингизлар. Одобли, ахлоқли бўлиб, оиласизнинг қувончи, бизларнинг эса суюнчиғимизга айландингизлар.

Бугунги баҳту-икбонларингиздан мамнунмиз. Ҳаётда ўз жуфтиҳалолларингизни топиб, оқил фарзандларни вояга етказиб, осудалиқда яшаяпсизлар. Бунинг ҳаммаси Яратганинг инояти-ю Сизларнинг ҳаётдек буюк неъматнинг қадрига етиб яшаётгандарингиздан деб биламан.

Азизларим!

Сизларнинг оқилу-қобилликларингиз, бизларга нисбатан меҳрли, шафқатли бўлганларингиз туфайли "Олтин тўй" имизга етиб келдик ва уни нишонладик. Бугунги кунда шукроналиқда кексалик гаштини сурингизларингиз излабди.

Азиз болаларим!

Менга сафар вақти яқинлашиб келмоқда. Рухсатларингиз билан Сизларга аталган ўгитларимни қолдирмоқдаман, токи ўзларингизга бино қўймагайсизлар ва ўзларингизга номуносиб ишларни қилмагайсизлар. Ҳар бирингиз учун:

Биринчи ўғит:

Энг аввало, ўзингни англаб ол. Ўзингни ўрган, тафтиш қил ва ўзингга баҳо бер. Бунинг учун қуидагиларни Ўзингдан изла ва виждан амри илиа фоизларни қўйиб чиқ (жадвалга қара).

Жадвалга разм солиб эҳтимол айтарсан: Инсон ўзининг салбий томонларини ўзи кўра олармикан, деб. Ҳамма гап шунда. Ҳеч ким ўзини ёмон ёки жоҳилман демайди. Ваҳоланки, хоҳлайдими-йўқми ҳар бир инсоннинг табиатида икки турдаги сифатлар шаклланган.

Биринчиси, инсонга хос олижаноб ижобий фазилатлар бўлса, иккинчиси унинг тамомила акси бўлган қусур ва камчиликлардир.

Шуни билгинки, ҳар қандай одам ўзини мукаммал, айбим йўқ деб айтади-ю, аксарият холларда номакбул ҳатти-ҳаракатлари, гапу-сўзлари билан у салбий хислатларниң ўзида борлигини билар-билимас, очиқдан-очик намоён қиласиди. Минг афсус худди шундай. Бу оддий исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқат.

Ўзини англаб олиш жадвали

Т/р	Сендаги хислатлар (100 %) ш.ж.			
	ижобий хислатлар	тахминий даражаси (%)	салбий хислатлар	тахминий даражаси (%)
1.	Багрикенглилик	80	Худбинлик	20
2.	Ҳаваслилик		Ҳасадгўйлик	
3.	Адолатлик		Золимлик	
4.	Андишалик		Безбетлилик	
5.	Хуш хулқлиқ		Бадфельлик	
6.	Сабрлилик		Шошқалоқлик	
7.	Шукроналик		Нолишлик	
8.	Нафслилик		Баднафслик	
9.	Тўғри сўзлилик		Ёлғончилик	
10.	Камтарлик		Манманлик	
11.	Интизомлилик		Бебурдлик	
12.	Билимлилик		Нодонлик	
13.	Гуноҳсизлик		Гуноҳлилик	
14.	Иродалилик		Бекарорлик	
15.	Ишончлилик		Умидсизлик	
16.	Мехрлилик		Оқибатсизлик	

17.	Хүшёрлилик	Лоқайдлик	
18.	Мувозанатлилик	Асабийлик	
19.	Кечиримлилик	Аёвсизлик	

Унутма, "Айбини билган авлиё", дейилади халқ мақолида. Айбни тан олиш имондандир. Беайб фақат Парвардигорнинг ўзи. Демак, ҳар бир бандада қандайдир даражада бўлса-да салбий хислатлар мавжуд.

Фикримнинг далили сифатида ҳазрат А. Навоийнинг бу ҳақда қуидаги сўзларини келтираман: "Эй инсон, ўзингни бегуноҳ фаришта деб кўрсатишга уринма!" Вужудингни тафтиш қил, эт-бағринг тўла дев. Ичиндаги жаҳолатни енг! Адоватни қув! Ҳасадни парчала! Ҳасисликни ўлдир!"

Ахмад Донишнинг қуидаги сўзларига ҳам эътибор бер: "Инсон зуваласи – шайтоний, ҳайвоний ва малоикавий хислатлардан иборат қорилган хамирдан узилгандир. Шу боис у доимо хато қилишга мойилдир. Чунки унинг руҳида ижобийликдан кўра салбийликка яқин бўлган иккита шайтоний ва ҳайвоний хислатлар устундир".

Бас шундай экан, жигарим, буюк алломаларимиз айтганлариdek ўзингдаги мавжуд салбий хислатларни тан олгин-да, ҳеч бўлмаганда, бир марта ўзингни синаб кўр. Бунинг учун дастлаб ўзингга баҳо беришда қуидаги ҳолатларга эътиборингни қарат:

1. Салбий хислатларинг борлигини тан ол.
2. Одамлар айбини кўрма. Олдин ўз айбингни кўр. Агар сендаги айб ундаги айбга қараганда камроқ бўлсангина сен унинг айбини юзига солишинг мумкин. Фақат дўстона тарзда.

3. Унутма! Инсоннинг ўлчови – тўғри қасрдир. Унинг суратидаги сон ўзгаларнинг унга берган баҳосини, маҳражидаги сон эса унинг ўзига ўзи берган баҳосидир.

Масалан, 4/5 касрни олайлик. Бунда 4 сони сенга ўзгалинг берган баҳоси (яхши), 5 сони эса ўзингга ўзинг берган баҳонг (аъло). Равшанки, $4 < 5$.

Бу ўҳшатиш жуда ўринли. Чунки инсон ўз айбини, хатоларини, хатти-харакатларини аксарият холларда ўзи кўра олмайди, аниқроғи, кўрса ҳам уларни тан олгиси келмайди.

Ҳеч қачон ўзига-ўзи: “Қани, қаерда хато қилдим, нима гуноҳ ёки ножӯя иш қилиб қўйдим, бир ўзимни тафтиш қилиб қўяй, камчиликларимни танқидий нуқтаи назардан қараб чиқай-чи!” деган саволни бермайди.

Натижада ўзига-ўзи ортиқча баҳо беради.

1. Ана энди жадвалдаги биринчи хислатга эътиборингни қарат. Ушбу хислат ижобий ва салбий қисмлардан иборат. Бағрикенглигинг 80 % ни, худбинилигинг эса 20% ни ташкил қиласр экан. Демак, сенда ижобий хислат устувор. Сен ҳар бир ўтган кунларингдан қониқишил қилиб кейинги тонгни ёруғ юз билан кутиб олишга ҳақлисан.

Шу тариқа қолган хислатлар бўйича ҳам виждон ва имон тарозисига қўйиб аниқлаб чиқасан. Тўғри, ўзинг ҳақингда чин ҳақиқатни айтиш жуда мушкул. Лекин шунинг уддасидан чиқа ол. Фақат “мен”нинг соясида қолма, ўзингни йўқотиб қўясан.

Масалан, бағрикенглик даражаси очиқкўнгиллигинг, одамларга хайриҳоҳлик билан муносабатда бўлишинг, ўзгалар қулфатига ҳамдард бўлишинг, ўзаро ёрдаминг даражаси билан белгиланади.

Ҳаваслилик даражанг бошқаларнинг муваффақияти, устунлигига ҳасад билан эмас, хайриҳоҳлик, яъни ҳавас билан қараш даражаси билан аниқланади.

Адолатлилик даражанг – сендаги тўғрилилк, поклик даражасига қараб аниқланади.

Сабрлилик даражанг – сендаги чидам, бардош, ўзинития билишлик, шошқалоклик қилмасдан кута билиш даражасига қараб аниқланади.

Нафислилик даражанг – сендаги мол-дунёга, ебичишга, кийинишга, мансабга бўлган эҳтиросинг даражасига қараб аниқланади.

Шукроналик даражанг – сенинг ҳаётдан мамнунлик, розилигинг, нолимаслик даражангга қараб аниқланади. Қуйидаги тест саволларига жавоб бериб, ҳаётингдан мамнунлигинг, шукронадалигинг даражасини билиб ол.

ТЕСТ

Ўзингдан мамнунмисан?

Т/р	Саволлар	Балл	
		ха	йўқ
1.	Бу дунёда яна тугилиб, янгича яшашни истаганмисиз? Агар шундай имконият бўлса, ҳозирги умр йўлдошинг ва қайнонангни танлаган бўлармидинг?	—	—
2.	Қизиқишинг ёки хоббий борми?	4	16
3.	Сени омадсизлик ўраб олса, "Бундай мувaffer-фақиятсизликлар фақат мен билан содир бўлади", деб хафа бўласанми?	18	5
4.	Агар кимдир сенга ҳасад қилаётганини сезсанг, қувонасанми?	6	12
5.	Агар орқаворотдан кимдир сен ҳақингда "зерикарли ёки истараси совуқ инсон" деса, уни эшитиб қолсанг, руҳан эзиласанми?	16	2
6.	Тасаввур қил, сен билан боғлиқ кўнгилсизлик рўй берди, яқин танишингда ҳам шу ҳолат кузатилса, таскин топасанми?	3	12

7.	Кимдир ниманидиr сендан яхшироқ бажарса, сиқиласанми?	2	16
8.	Лотереялан күп пул ютиб олсайдим, деб тезтез орзу қилиб турасанми?	4	20
9.	Яқинлариингдан ёки танишларингдан бири қимматбаҳо харидлар қилганини эшилтсанг, томир уришинг тезлашадими?	1	12
10.	Катта аудитория – күпчилик олдида чиқиш қилишни, нутқ сұзлашни яхши күрасанми	16	3

Энди түплаган балларингни ҳисобла.

120 балл ва ундан юқори

Сен ўзингдан жуда мамнуссан “Ўзимга нисбатан танқидий баҳо бериб, бошқача күз билан қарай олмайман”, деб ўйласанг, бу хакда дўстларингдан сўра.

60 баллдан 120 баллгacha

Сен ўзингдан етарли даражада қониқасан. Аммо сени ҳаддан ташқари ўзига ишонган, ўзини яхши кўрадиган одам, деб бўлмайди. Эришган омад ва муваффақиятларга, атрофдагиларниң фикрига қараб ўзингита берадиган баҳониг ўзгариб туради. Ўзингни қандай бўлсанг, шундайлигингча қабул қил.

60 баллдан кам

Афсус, сен ўзингта доим паст баҳо берасан, шу сабаб ўзингдан қониқасан, деб айтиб бўлмайди. Сен кўпроқ ўзингни сев, қалбинги қулоқ тутиб, ёқтирган ишларинг билан шуғуллан ва феъл-авторингда ижобий хислатларни тарбияла.

Иккинчи ўгит

Яратган инсоннинг вужудида олтита ташқи неъмат берганки, уларнинг учтаси (кўз, қулоқ ва бурун) сенга қулоқ солмайди. Сен уларнинг одобини таъминлашинг шарт. Кўзинг ножоиз нарсаларга назар солмасин. Қулоғинг ботил ва бидъат сўзларни эшиитмасин. Бурнинг хуш ёқмайдиган нарсаларни ҳиддамасин.

Қулоқ соладиган ва бошқара олиш мумкин бўлган учта неъмат (тил, қўл ва оёқ). Тилинг бехуда гапларни гапирмасин, ақлингдан олдин югурмасин. Қўлинг гўзалликларни яратсин. Оёфинг эса сени ножоиз жойларга етакламасин.

Учинчи ўгит

Соғлом турмуш тарзига риоя қил. Ичма, чекма, кам е, кам де ва кам ухла. Сенинг энг катта ютуғинг меъёрни билиш бўлсин. Ҳеч қачон ҳаддингдан ошма. Кам десанг – доноликка эришасан. Кам есанг – очарчиликка дуч келмай бой-бадавлат бўласан. Кам ухласанг – баркомолликка, маънавиятга, мукаммалликка эришсан. Умринг узаяди.

Агар ярим кундан ортиқ ухлаган одамни қўрсанг, билгинки, у кўп азоб чекади. Эрталаб ўрнингдан туриб ўзингдан: “Нима иш қилишим керак?”, кечқурун ётишдан олдин эса “Нима иш қилдим?” деб сўра. Шундагина сен уйғоқлиқда яшаётган бўласан.

Тўртинчи ўгит

Саодатга эришишнинг қуидаги учта сирини яхшилаб билиб ол:

1. Бошқаларга қараганда кўпроқ бил. Одамлар илм туфайли эзгуликка эришадилар, ёвузиликдан халос топадилар.

2. Бошқаларга қараганда күпроқ ишла. Билгин, донишмандлар бекорчиликинің үлім билан тенглаштиришади. Фойибдан марҳамат күтма. Үз күчинг салохия-тингта таяниб яша. Оғирнинг устидаң, енгилдинг остидан юришниң үзінгта ор деб бил.

3. Бошқаларга қараганда камроқ нарсалардан умидвор бўл. Нафсингни тий. Билгинки, нафс инсон ҳаётини оғуга айлантириш қудратига эга, үз нафсига қул бўлган одам хеч қачон озод бўлмаган. Унутма, одамлар ичидаги энг бахтсизи истаги, хоҳиши чексиз бўлганидир.

Бешинчи ўгит

“Авесто”даги “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” шиорини дастурул амал қилиб ол. Фикринг, сўзинг фақат яхши, шарафли ишларни амалга оширишга қаратилган бўлсин.Faқат яхшилик сенинг шиоринг бўлсин. Ширинсўз ва мулојим бўл. Улар балони қайтаришга қодир.

Амалларинг эзгу бўлсин. Уларни айтган вақтингда бажар “Ҳозир” дедингми уни ижро эт. Чунки “Ҳозир” сўзи ўзида ҳам ибтидони, ҳам интиҳони жо этувчи ўрталиқдир. Ижро этмасанг, бурдинг кетади. Тутуруксиз деган номга “мушарраф” бўласан. Номаъқул амаллардан узоқ юр.

Олтинчи ўгит

Билгин, најжот икки нарсада – имон билан ниятдадир. Имонинг мустаҳкам бўлсин, сени ҳалолликка, покликка событ бўлишингни таъминлайди. Имонсиз одамлардан қўрқ, сабаби, улардан ҳамма нарсанни кутиш мумкин.

Ниятинг сенинг ҳужжатинг. Оёғу қўлинг, тилингни ниятинг бошқаради. Сен энг аввало, ниятингни тозала,

яъни савоб – гунохнинг фарқини бил, кейингина режа туз! Юзингни ёруғ қиласиган ҳам, хонумонингни барбод қиласиган ҳам шу, ниятингдир.

Ҳар доим, ҳар бир одамга улуғ неъматга қарагандай, хурмат билан қара, мен албатта ундан яхшилил топаман деб қара. Бандаларига бўлган бу оқ ниятингдан Аллоҳ қувонади ва дарҳол уларнинг хуб томонларини сенга кўрсатади.

Еттинчи ўти

Мўмин киши бешта хавф остида яшайди:

1. Бир мўмин унга ҳасад қиласиди.
2. Мунофиқ уни ёмон кўради.
3. Душман у билан уришади.
4. Шайтон уни адаштиради.
5. Нафси уни саргардон қиласиди.

Сен шу кулфатлардан ўзингни сақла. Уларнинг сенга кутқу солишларидан эҳтиёт бўл.

Ҳеч қачон ҳасадгўй бўлма. Чунки ҳасад ичиқораликдан бошқа ҳислат эмас. У сени тубандликка бошлайди, қалбингни тирнайди, ярадор қиласиди. Билгингки, ҳасадгўй яқинларига кўнглини очади. Кимнидир қоралайди, кимдандир арз қиласиди. Кимнингдир ютугини кўролмайди, уни камситади.

Мунофиқнинг тили бошқа, дили бошқа. Сўзи ва иши бир-бирига тўғри келмайди. У отингни сотади. Йўқ жойидаги айбларни тўнкайди. Чумолидан фил ясайди. Кулиб туриб, жонингни олади. Аслида, у сени ёмон кўради.

Шайтон сени йўлдан уради, адаштиради. Сени ваҳималарда чарчатиб, ўзи роҳат қиласиди, кўксингга ҳасадни ўша солади. Унинг ўтида бутун соғлиғингни куйдириб, кул қилиб ўзи қувватга тўлади. У ҳамиша ўрта йўлда хушёргу турори ва мақсадига эришади.

Нафснинг даҳшатли душман эканлигини юқорида айтувдим.

Азиз болаларим!

Айтишим керакки, ушбу ўгитларим кечирганларим замирида вужудга келган. Ҳаёлотта эрк бериб тўқиганим йўқ. Умумбашарий, барчага қаратса айтилган, қатъат китобларда ўз аксини топган кўп ўгитларни бу ерда келтирдим. Уларни ушбу туркумнинг тегишли жилдларидан топиб ўқийсизлар деган умиддаман.

Бу ерда қайд этган 7 та ўгитимнинг ҳар бири устида ўйлаб кўришларингизни, улардан озиқланиб, ҳаётларингизда керак бўлган пайтларда фойдаланишларингизни истардим. Шу баробарида ўзларингиз тажрибаларингиздан орттирган ўгитлар билан тўлдириб кейинги авлодларимизга тухфа қилиб боришларингизни Яратгандан тилаб қоламан.

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳ.

Сизларнинг падари бузрукворларингиз.

Ёрқин Абдуллаев, 2022

МУНДАРИЖА

IV қисм. Тарбия усуллари

12-боб. Сиз тарбиянинг қандай усулларини

кўллаган бўлардингиз? 4

12.1. Ҳаётда ўз тасдигини топган усуллар натижалари 5

12.2. Ибрат 7

13-боб. Қаттиққўллик ёки меҳрибонлик усули нима? 9

13.1. Бош масала – интизом 9

13.2. Қаттиққўллик бўлмаса 16

13.3. Ўта қаттиққўллик 20

13.4. Отанинг қаттиққўллиги ёмонми? 21

13.5. Богчада қаттиққўллик усулини қўллаш маъқулми? 26

13.6. Мактабда-чи? 28

13.7. Қаттиққўл ота тавбаси 32

13.8. Қаттиққўллик меъёрини билган оталар 35

13.9. Эҳтимол, меҳрибонлик усулига устуворлик
бериш маъқулдир? 36

13.10. “Отасининг ўғли”, “Онасининг қизи” 39

13.11. Эркалатиб тарбиялашнинг 9 офати 41

14-боб. Буйруқ ёки маслаҳат усули нима? 44

14.1. Буйруқми ёки ён босган маъқулми? 44

14.2. Эҳтимол, буйруқ эмас, балки маслаҳат яхшидир? 46

14.3. Икрор замирида 49

14.4. Баъзида буйруқ ҳам 50

15-боб. Танбех ёки мақтов усулиними? 52

15.1. Ҳадеб танбех бериш ўринлими? 52

15.2. Фарзанднинг ота-онасини танқид қилишга
ҳаққи борми? 55

15.3. Эҳтимол, бола тарбиясида мақтовга устуворлик бериш лозимдир?	57
15.4. Қандай қилиб танбех ва мақтov мутаносиблигига эришилади?	60
16-боб. Насиҳат ёки ибрат усули.....	63
16.1. Насиҳат тошга ўйилган нақш	63
16.2. Ота насиҳатини олмаган ўғиля	64
16.3. Эликка элик.....	66
16.4. Ибрат бўлишга лойиқмизми?	68
17-боб. Жазолаш ёки рағбатлантириш усули	74
17.1. Жазолаш нима?	74
17.2. Жазолашдан мақсад болани интизомли қилишми?	79
17.3. Ота камари: у тарбия самара берадими?.....	80
17.4. Рағбатлантириш нима?	89
17.5. Совға қилиш ҳар доим ҳам рағбатлантиришми?	91
18-боб. Фарзанд тарбиясидаги бешта хато	95
18.1. Биринчи хато.....	95
18.2. Иккинчи хато	96
18.3. Учинчи хато	99
18.4. Туртинчи хато	103
18.5. Бешинчи хато	105
18.6. Фарзандни бақирмасдан тарбиялаш мумкинми?	108
18.7. Асабни жиловлашнинг етти усули.....	109

V қисм. Фарзанд тарбиясига оид номалар

19-боб. Васиятлар	116
19.1. Васият нима?	116
19.2. Ҳазрати Али (р.а.) нинг васияти.....	117
19.3. Луқмони ҳакимнинг васияти	117
20-боб. Насиҳатлар, ўгитлар	121
20.1. Насиҳат нима?	121
20.2. Ризовуддин ибн Фахриддиннинг II насиҳати.....	121
20.3. Абу Бакр Сиддик ўгитлари	135
20.4. Қизларга тўрт насиҳат	136

20.5. Онанинг қизига насиҳатлари	138
20.6. Озарбод насиҳатлари	139
20.7. Она насиҳати	141
20.8. Ота насиҳати	143
20.9. Ёшларга 5 ўғит	146
21-боб. Мактублар	149
21.1. Честирфилд мактублари	149
21.2. Ог Мандино мактублари	159
21.3. Чарльз Чаплин мактуби	161
21.4. Қизимга мактуб	165
21.5. Фалсафа фанлари доктори, профессор Зиёдулло Давроновнинг ўғлига мактуби	167
21.6. Техника фанлари доктори, профессор Абдуваҳоб Икромовнинг “Дилимдаги дурдоналар” китобидан	173
21.7. Онанинг талаба ўғлига мактуби	175
21.8. Мени севманг	176
22-боб. Фарзандларнинг қалб изтироблари	178
22.1. Онамга мактуб	178
22.2. Қалбингдан меҳрга жой бер	180
22.3. Дил изҳори	182
22.4. Бир пиёла чой ёхуд адашган фарзанднинг онасига ёзғанлари	183
22.5. Қарздорлик	188
 VI қисм. Фарзанд тарбияси ҳақида социологик сўров натижалари	
23-боб. Социологик сўров ҳақида	192
23.1. Социологик сўровни ўтказиш тартиби	192
23.2. Рақамлар замиридаги ҳақиқат	195
 VII қисм. Фарзанд тарбияси тўғрисида оддий ҳақиқатлар	
Куръони карим оятларида	217
Хадисларда	223

Мақоллар	229
Донолар бисотидан	247
Олган сабоқларим ва хулосаларим	277
Шеърият	285
Латифалар	301
Тестлар.....	310
Судокулар	315
Фарзандларим ва невараларимга ўгитларим <i>(хөтима ўрнида)</i>	326

Қайдлар учун

Ёркин АБДУЛЛАЕВ

Маърифий-оммабон туркум

**ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ
ВА ОСУДАЛИК**

Иккинчи жилд

Мухаррир Ш. Күшербаева
Дизайнер Ж. Одилов, У. Ортиков
Компьютерда саҳифаловчи Ш. Мирқосимова



E-mail: tipografiyacnt@mail.ru Tel: 97-450-11-14, 93-381-22-07.


Bosishga ruxsat etildi 10.11.2022.

Бичими 60x84¹/₁₆. Офсет қоғози. Palatino Linotype гарнитураси.
Кегли 12 шпонли. Шартли босма табоги 21,75. Нашр табоги 21,5.

Адади 1000 нусха. Буюртма № 158



„Fan va texnologiyalar nashrioyt-matbaa uyi“
ва „Rustam Print“
босмохоналарида чоп этилди
Тошкент ш., Фозилтепа кўчаси, 22-б уй.
Тошкент ш., Богоишамол кўчаси, 160.



ISBN 978-9943-8759-4-4

A standard one-dimensional barcode representing the ISBN number 978-9943-8759-4-4.

9 789943 875944